

Ж.Рұзиев

АҚШ да ТАДБИРКОРЛИК: ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий масалалар




B
32M
P83

Ж. РҰЗИЕВ

АҚШДА ТАДБИРКОРЛИК: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

Масъул мұхаррир
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
академиги С. ЗИЁДУЛЛАЕВ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ
1991



Ушбу кигобда АҚШда бозор муносабатларининг вужудга келиши, бозор субъектларининг мустақиллиги, улар учун зарур бўлган тузилмалар ва муассасалар фаолияти, тадбиркорликни амалга оширишнинг ташкилий молиявий жиҳатларини тартибга солиб турадиган иқтисодий ва хуқуқий нормалер, сармоялардан фойдаланиш йўллари баён қилинган. Бу китоб ҳозирги кунда тадбиркорликка кенг йўл очилаётган бир даврда жумхуриятими, ишбизлармоналари учун ўзига хос қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Китоб бозор иқтисодиёти муносабатлари ва тадбиркорлик ишлари билан шугулланувчи мұтахассислар, талабалар ҳамда шу соҳа билан қизиқувчи кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор С. ГУЛОМОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор А. ҚОДИРОВ

P 0607000000 — 378
M355(04) — 91 © Ж. Рўзиев, 1991 й.
ISBN 5—648—01807—X

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиёти яхлит халқ хўжалиги мажмуи бўлиб ижтимоий ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва айрбошлиш нинг барча бўғинларини қамраб олади. Мазкур мажмуанинг хўжалик ва иқтисодий фаолиятини бошқариш соҳасидаги муносабатлар иккита асосий қоида негизида вужудга келади: биринчидан, китобларда маъмурӣ буйруқбозлик деб ном олган ва фақат «юқорига» боғлиқ бўлган муносабатлар, иккинчидан, ўзаро шерикчилик муносабатлари. Тенг ҳуқуқли шериклар ўртасидаги шартномаларга асосланган, шериклар бир-бирларига бўйсунмайдиган бу муносабатлар асосан мулкий тусда бўлиб, товар-пул муносабатларига таянади.

Республикамизнинг ўз мустақиллигига эришиш шароитида бошқарувнинг маъмурӣ-буйруқбозлик усуслари амал қила-диган соҳаларни камайтириш ва давлат бошқаруви идораларининг (вазирликлар, концернилар, уюшмалар ва бошқалар), шунингдек ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган хўжалик субъектларининг (корхоналар, акционерлик жамиятлари, колхозлар, фуқаролар ва ҳоказо) ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини аниқ-равшан ишлаб чиқиш айниқса муҳимдир. Бизнинг жамиятимиз ўзининг кейинги йиллардаги бузилишларига қарамай аҳолининг ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини қондиришин ўзининг пировард мақсади деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан тескари алоқаи, яъни истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчиларга таъсирини эътиборга олиш жуда муҳимдир. Бунга қоида бузишларни чеклайдиган ва мол-мулкка ёки шахсга етказилган заарнинг ўринини қоплашни кўзда тутувчи шартномага мувофиқ вужудга келадиган шерикчилик муносабатлари асосидагина эришиш мумкин. Тажриба ўз мажбуриятларини бажармаётган маҳсулот етказиб берувчилар, ўз қарзини вақтида тўламаётган қарздорлар учун ҳозирги солиқ тўлаш тартиби, сотувчиларнинг харидорлар олдидаги масъулияти системаси са-марасиз эканлигини кўрсатмоқда. Шартномавий масъулият, бу — товар-пул муносабатларига асосланган ҳуқуқий воситадир. Бу воситадан самарали фойдаланиш, шартнома мажбуриятларини бу-

зувчилар учун жазо чоралари хавфи, жумладан, заарларни, шунингдек бой берилган фойдани тўлаш, мажбуриятни тўла ҳажмда бажаришига турткি бўладиган иқтисодий шароит туғдириш ҳам ички, ҳам ташқи савдо обороти эҳтиёжларидан келиб чиқмоқда.

Неча ўн йиллар мобайнида хорижда таркиб топган ҳозирги бозор иқтисодиёти учун ижтимоий онгни, ҳуқуқий ҳимояни, амалий манфаатларни, фуқароларнинг мол-мулки ва шахсиятини тақомиллаштириш каби муҳим омиллар хосдир. У ерларда қонунчилик шундай йўлга қўйилганки, шериклар бир-бирини ёки истеъмолчини алдаса, ишни ноҳалол олиб борса, бу фойда эмас, заар келтиради. Ҳар қандай қаллоблик, алдамчилик, шартнома мажбуриятларини бузиш эртами-кечми жамоатчиликка ошкор бўлади, қонун бузувчи жуда катта молиявий жазо олиши ва жарима тўлашидан ташқари ишончли амалий шерик, ҳалол ва вижданли инсон сифатидаги обрўсини йўқотади. Бу эса унинг учун энг оғир ва энг хатарли йўқотишдир. Натижада у банкларда ўзига нисбатан ишончдан ва қарз олишдан маҳрум бўлади, маҳсулот етказиб беरувчилар ҳам, истеъмолчилар ҳам ундан юз ўғиради, уни корчалонлар клублари ва ўюшмаларидан чиқариб юборадилар. Хуллас, ишдаги мартабасидан бутунлай маҳрум бўлади.

Бозор мөхияти жиҳатидан ҳуқуқий муносабатлар системаси бўлиб, у товар-пул муносабатлари асосида иқтисодиётнинг нормал ва самарали ишлашини таъминлайди. Бу системани қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти, жамоатчилик муассасалари бошқариб туради, у муайян мамлакатга хос бўлган аиъналарга, савдо-сотиқ ишларидаги ахлоқ-одобга бўйсундирилган.

Америка Қўшма Штатлари тадбиркорлик ишларида аҳолиси юксак ҳуқуқий маданиятга ва савдо-сотиқ муносабатларида ахлоқ-одобга эга бўлган намунали мамлакат ҳисобланади. Лекин бу ерда ҳам қаллоблик, пораҳурлик, товарлар сифатини сохталаштириш, пора олиш ва мансабдор кишиларни сотиб олиш каби ҳодисалар учраб турадики, бу асосан пинҳона иқтисодиётга тааллуқlidir. Аммо, умуман олганда, АҚШнинг иқтисодиётсилини маданиятни таъминлайди. Бундай муассаса жамиятининг бозор сифати, субъектларининг фаолияти устидан ва бозор муносабатлари объектлари устидан назоратини таъминлайди.

Мамлакатимиз бозор муносабатларини кенг ривожлантириши йўлидан бормоқда. Ҳозирги пайтда, бизнес (тадбиркорлик)ни ташкил этишининг барча жиҳатларини чуқур ўрганиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Айни пайтда бизниснинг хўжалик раҳбарларимиз ва ишбилармон тадбиркорларимиз саноати тараққий этган мамлакатларда фойдаланиладиган, биржа, акциялар, облигациялар рақобат башу сингари сўзларнинг ўзига хос жиҳатларига илк бор дуч келишмоқда. Шунинг учун бундай янги ибораларга кўпроқ эътибор бериш керак ва, энг аввало, бизнинг одамларимиз

бозорни бошбошдоқлық, қаллоблық, чайқовчилик ва истеъмолчиларни алдаш деб тушунишларига барҳам бериш керак.

Шу жиҳатдан яқинда Тошкентда 50 дан ортиқ мамлакатларнинг 200 дан ошиқ фирмалари вакилларининг «Ишбилиармоилярнинг халқаро Тошкент учрашуви» жумҳуриятимизнинг жаҳон бозорига чиқишида дастлабки қадам бўлди. Бу анжуманда чет эл сармоясидан фойдаланиш, қўшма корхоналар қуриш, бевосита алоқалар ўрнатиш, шартномалар тузиш, бозор инфраструктурасини яратиш, товар биржаси ташкил этиш, четга товар чиқариш, ички бозорни ҳамкорликда ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан бойитиш каби кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

Жумҳуриятимизнинг табиий ва моддий бойликлари, ижтимоий-иқтисодий, давлат-ҳуқуқий жиҳатдан ривожланиши, мустақиллиги, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва такомиллашуви, ўз тижорат тарихига эгалиги бизда тадбиркорлик учун катта имкон борлигини кўрсатди. Лекин биз ҳали бу хусусда тажрибага эга эмасмиз. Бу борада Фарбдаги тараққий этган мамлакатлар ва биринчи галда АҚШнинг тажрибасига диққат билан разм солишга тўғри келади.

Ҳар бир совет тадбиркори, менежери, Америка фирмалари билан амалий муносабат олиб бораётган, тижорат ишларини амалга ошираётган, ҳўжалик шартномаларини тузгаётган, кафиллик ишларини бажараётган ёки хориждаги воситачилик хизматларидан фойдаланаётган корхона раҳбари АҚШда қабул қилинган асосий ҳуқуқий нормаларни ва амалий муносабатлар одобини билиши даркор. Бу нарса американлик шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилишга имконият яратиши билан бирга АҚШда давлатчилик тараққиётининг 200 йилдан кўпроқ даври мобайнида мазкур мамлакатда таркиб топган амалий муносабатлар ҳуқуқи ва одоби системасига мувофиқ, ўз тижорат ишларидаги шерикларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий асослар ҳам беради.

I боб

АҚШДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

АҚШнинг давлат тараққиёти расман ўзгармайдиган конституциявий принциплар асосида, бундан 200 йилдан кўпроқ вақт илгари қабул қилинган ва катта ўзгаришлар киритишга муҳтож бўлмаган асосий қонунни сақлаб қолган ҳолда рўй берди. Конституция ҳокимиятни қонун чиқарувчи (конгресс ва сенат), ижро этувчи (Президент ва унинг маҳкамаси) ҳамда суд (конституциявий назорат, конституцияни талқин қилиш, фуқароларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш) идораларига ажратади. Тадбиркорликка келганда, ҳар бир фуқарога қонунда тақиқланмаган ҳар қандай тижорат фаолияти билан шугулланиш ва шахсга, уй-жойга, қоғоз ва мол-мулкка дахл қилмаслик кафолоти берилади.

Ҳокимиятнинг ижроия идоралари — вазирликлар, ёки америкача қилиб айтганда, «Ижроия департаментлари»— АҚШда давлатга асос солинганидан бўён мавжуд бўлиб, Президент маҳкамасипинг бир қисми ҳисобланади. Вазирликлардан ташқари, расман на ижроия, на қонун чиқарувчи ва на суд ҳокимиятига бўйсунувчи мустақил агентликлар системаси бор. Агентликлар конгресс қонуилари асосида тузилади ва улар маъмурий, назоратбошқарув ва ҳакамлик вазифалари билан қисман шуғулланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижроия ҳокимият идоралари фирмаларнинг, корпорациялар ва аҳолининг хўжалик ҳамда тижорат фаолиятига аралашмасликлари лозим ва ўзларича маҳкамавий қонунларни қабул қилишлари мумкин эмас. Улар қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, тадбиркорлар ва федерал штатлар, маҳаллий идоралар, ҳакамлик ва айрим маъмурий ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, масалан, патентлар ва товар белгиларни рўйхатдан ўтказиш (савдо вазирлиги), солиққа онд қонунларга (молия вазирлиги) бўйсуниши меҳнат ҳақидаги қонунга риоя этилиши устидан назорат қилиш билан чекланадилар.

Савдо-сотиқ ҳуқуқи шу соҳадаги муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий асосдир. Унинг нормалари АҚШ конституциясидан, суд ва ҳакамлик қарорларидан, шунингдек конгресс ва

алоҳида штатларнинг қонун чиқарувчи идоралари қабул қилган қонунлар (статуслар)дан келиб чиқади. Шунни таъкидлаш, жоизки, АҚШ конгрессида қабул қилинган қонунлар алоҳида штатларнинг тегишли идоралари тасдиқлаганидан кейингина ўша штатларнинг ҳудудларида амал қиласди. Савдо-сотиқ ҳуқуқи ва унинг бир қисми бўлган шартноманинг мажбурият ҳуқуқи фирма ва корпорацияларнинг хўжалик фаолиятини, уларнинг ўзаро муносабатлари ва масъулиятлар тартибини, акциялар, облигациялар ва қарз қофозларини сотиб олиш ва улардан фойдаланиш тартибини, тадбиркорликнинг ташкилий шаклларини бошқариб туради, шунингдек фуқароларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қиласди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, АҚШда тадбиркорликнинг ташкилий шакллари ғоят хилма-хил бўлиб, уларнинг биронтаси ҳам муваффақиятга олдиндан кафолат беролмайди, айни пайтда, савдо ишларининг боришига катта таъсир ўтказади. Тадбиркорликнинг бир нечта ўзига хос жиҳатларни айтиб ўтиш мумкин: тадбиркорлик қилиш шакли ишни осонгина бошлашга, тижорат ишларини юритишда дуч келинадиган қоидаларга, ишни пул билан таъминлаш, ишларни эркин бошлаш ҳажми ва миқдори, бемалол ҳаракат қилиш мумкинлигига таъсир кўрсатади; тўланадиган солиқлар миқдори ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Тадбиркорлини йўлга қўйишининг учта энг яхши шакли бор: якка ҳолда корчалонлик килиш, ширкат ва корпорация.

Якка тартибда корчалонлик қилиш тадбиркорликни йўлга солиб юборишининг энг оддий шакли бўлиб, бутун ишни бир одам олиб боради. Лекин бу ҳамма ишни бир киши қиласди, деган маънени билдирамайди. Якка ҳолдаги корчалонликка асосланган корхонада жуда кўп ёлланган ишчилар меҳнат қиладиган жойлар бор. Агар ишни бир киши олиб борса, демак, у соҳибкор ҳисобланади. Соҳибкор назорат қиласди, бутун масъулиятни ўз зиммасига олади ва тушган даромадни ҳисоблаб туради.

Тадбиркорликни йўлга қўйишининг мазкур шакли бир қанча афзалликларга эга, яъни:

- тижорат фаолиятини ҳеч бир шартномасиз, фақат ўз қарорига кўра бошлаш мумкин;
- корчалоннинг ўзи қабул қиладиган қарор шахсий қарор бўлиб, у шерикка ҳам, директорлар кеңгашига ҳам боғлиқ бўлмайди;
- бундан ташқари корчалон фақат ўз қарори учун жавоб беради ва шунга асосланиб иш тутади;
- якка ҳолдаги корчалонликдан вақти-вақти билан ҳисобот талаб қилинмайди, ваҳдолонки, тадбиркорликни йўлга қўйишининг бошқа шаклларида, айниқса корпорацияларда, шундай ҳисоблар тақдим этиб турилади;
- корчалон тижорат фаолиятини ўз ҳошишига кўра истаган жойда амалга ошираверади. Бундан корпорация олдида турли

муаммолар пайдо бўлмайди. Ваҳолонки, корпорациядаги савдо-саноат ходимларининг активлиги бошқа штатларда тадбиркорликни олиб бориш талабларига мос бўлиши ва корпорация шу ҳуқуқи учун муайян солиқ ва йифимлар тўлаши керак бўлади;

— корпорациядаги каби даромадларга «икки баравар солиқ солиши» муаммоси бўлмайди.

Якка ҳолдаги корчалонликнинг афзалликларидан ташқари, камчиликлари ҳам бор:

— соҳибкор сифатида тадбиркор мазкур тадбиркорликнинг барча мажбуриятлари бўйича беҳисоб шахсий масъулиятни ўз зиммасига олади. Агар иш барбод бўлса, у ўз мол-мулкини бутунлай йўқотади;

— тижорат корхонасидаги сармоя миқдори тадбиркорнинг ўз заҳиралари билангина чекланади, у буларни бошқалардан сўраб, илтимос қилиб олиши, қарзга олиши ёки «ўғирлаши» мумкин.

— у шеригининг қўшимча заҳирасига эга бўлмайди ва акцияларни сотищ ёки қимматли қофозларни чиқариш сингари молиявий усууллардан фойдалана олмайди;

— тижорат фаолияти тадбиркорнинг ўзига тўла боғлиқ бўлади. Агар у меҳнатга қобилиятсиз бўлиб борса, бу унинг савдо ишларини жицдий равишда чеклайди, вафотидан сўнг эса тижорат иши умуман тўхтаб қолади;

— якка ҳолдаги корчалонликда пенсия таъминоти турлари бўйича корпорацияларнинг ходимларига бериладиган солиқ имтиёzlари бўлмайди. Бундай камчилик 1962 йилда мустақил фаолият билан шуғулланадиган шахсларга пенсия солиги тўғрисидаги қонун билан қисман тугатилган эди. Мазкур қонун мустақил фаолият билан шуғулланадиган муайян тоғфадаги шахсларга имтиёзли солиқ шартлари асосида пенсия жамғармаларини тузишга рухсат беради.

Агар компания ўз фаолиятида ишнинг ўзи тақозо этадиган иккита асосий талабга риоя этмаса, яъни биринчидан, тадбиркорликни корпоратив асосда эмас, шахсий манфаатни кўзлаб амалга ошире, иккинчидан, ўз олдига қўйилган мақсадларни рўёбга чиқариш учун етарлича молиявий базага эга бўлмаса, суд уни рад этиши мумкин.

Ширкатчилик ҳам якка ҳолда корчалонликка нисбатан тадбиркорликни йўлга қўйишнинг жуда оддий шаклидир. Бироқ у кўпроқ қонун йўли билан бошқариб турилади. Бундан ташқари, шериллар ўртасида маҳсус муаммолар, худди учинчи томон билан шерилларнинг ўзаро муносабатлари муаммолари сингари, вужудга келади.

Ширкатлар ўзаро суҳбатдан сўнг қўл қисиши билан, шунингдек ёзма битим асосида вужудга келиши мумкин. Қаллоблик тўғрисидаги статусга мувофиқ бир йил мобайнида бажарилмаслиги лозим бўлган ҳар қандай шартнома ёзма шаклда бўлиши керак. Шу тариқа, агар ширкат ҳақидаги шартнома бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида амал қилса, уни ёзма тарзда расмийлаштириш

даркор. Башарти, ширкат ҳақидаги шартноманинг муддати бел-гиланмаган бўлса (агар шартнома бир йилдан узоқроқ амал қиласа), у ёзма тарзда бўлиши шарт эмас.

Агар киши ширик сифатида учинчи томон ҳисобланса ёки бошқа кишиларга шундай ҳуқуқка эга бўлишга рухсат берилса, у шундайлар олдида масъулиятли бўлади. Агар кўпчиликнинг олдида шунга рухсат берилса, у ўша барча учинчи кишилар олдида, улар чалғишдими, йўқми, барибир масъулиятли бўлади.

Ширкат тўғрисидаги ягона қонун (бундай қонун кўпгина штатларда амал қиласи) ширкатни «даромад кўриш мақсадида ширикчилик билан тадбиркорлик қилиш учун икки ёки ундан кўпроқ кишиларнинг бирлашмаси» деб таърифлайди. Шунга кўра, агар бирлашма даромад олиш билан боғлиқ бўлмаган хайрия, диний ёки бошқа мақсадлар учун мўлжалланса, у ҳолда у ширкат бўла олмайди. Ширкат ихтиёрий бирлашмадир. Одамларни ширикчиликка мажбур қилиш ёки кимгадир унинг хоҳишига қарамай, ширикчиликни тиқишириш мумкин эмас.

Одатда, корпорация ширкат аъзоси бўлолмайди. Бироқ у ўз мақсадлари бир мунча чекланган бўлса-да, айни вақтда ширкатга хос бир қанча хусусиятлари бўлса, қўшма корхонада иштирок этиши мумкин. Бир ширкат аъзоси бошқа бир ширкатнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Ширкатнинг ҳар бир аъзоси фойда кўриш мақсадидаги ишга раҳбарлик қилиши, назорат этиши ва унда қатнашиши мумкин. У ширкатнинг ва ширкат ҳар бир аъзосининг савдо агенти ҳисобланади. Худди шундай ҳар бир аъзо бошқа ҳар қандай ширкатнинг сардори бўлиши мумкин. Шерик ширкат номидан ширкат ишларини олиб бориши мумкин. Ширкат аъзоси ширкат ва ўз шериги олдида бурчлидир ва айни вақтда ширкат бошқа аъзоларининг хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир. Ширкат ва шириклар ширкат аъзосицинг фаолияти турига, унинг мавқеига ва масъулият даражасига ва яна бир қанча жиҳатлар бўйича синфларга бўлинади.

Савдо қиладиган ва садво қилмайдиган ширкатлар. Савдо қиладиган ширкатларга оддий тадбиркорлик ёки саноат фаолияти билан шуғулланишини мақсад қилиб қўйган ширкатлар киради. Профессионал мақсадлар (ҳуқуқ, бухгалтерия, тиббиёт ва бош қалар) учун тузиладиган ширкатлар савдо қилмайдиган ширкатлар ҳисобланади. Савдо қиладиган ширкатлардаги ширклар қарз олиш ва савдо ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлиши кўзда тутилади. Бу қоида савдо билан шуғулланмайдиган ширкатларга тааллуқли эмас.

Тўла ширкатлар ва масъулияти чекланган ширкатлар. Тўла ширкатлар савдо қиладиган, шунингдек савдо қилмайдиган ширкатлар сингари жуда кўп учрайди. Тўла ширкатдаги барча шириклар унинг тўлиқ аъзолари ҳисобланади. Ширкатнинг тўлиқ аъзоси унинг фаолиятини бошқаришда фаол иштирок этади ва унинг масъулияти чекланган.

Масъулияти чекланган ширкатларда унинг қарзлари учун ширкатнинг ҳамма ходими ҳам жавобгар бўлавермайди. Бироқ ҳен бўлмаганда ширкатнинг бир аъзоси масъулияти чекланмаган тўлиқ аъзо бўлиши керак. Масъулияти чекланган ширкат тўғрисидаги шартнома барча кишиларни, айниқса кредитор бўлмоқчи бўлган кишиларни хабардор қилиш мақсадида тузилади, рўйхатга олинади ва матбуотда эълон қилинади.

Фирмани бошқаришда қатнашмайдиган шахс ширкатнинг ширкат фаолиятида иштирок этмайдиган аъзосидир. Агар у масъулияти чекланган шерик бўлса ҳам, у ширкатнинг ҳар қандай бошқа аъзоси сингари масъулияти бўлади.

Ширкатнинг яширин аъзоси. Бу ширкатнинг номаълум аъзоси, яъни фирма билан алоқаси пинҳона бўлган шахс. Бу шерик яширин сардор сингари мавқеда бўлади ва ўша ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Агар уни учинчи томон ошкор этса, унга қарши суд иши қўзғатиши ва уни ширкатнинг бошқа ҳар қандай тўлиқ аъзоси сингари жавобгар деб ҳисоблаши мумкин.

Ширкатнинг афзалликлари:

- ширкатни тузиш юзасидан расмий талабларнинг йўқлиги;
- бошқарув, акциядорлар учун овоз бериш, сайлаш, уларнинг ўйғилишларини, директорларнинг кенгашларини ўтказиш хусусида ҳужжатлар расмийлаштирилмаслиги;
- «икки ҳисса солиқ солиниши» муаммосининг йўқлиги;
- давлат назоратининг йўқлиги ва йиллик ҳисботни мажбурий равишда тақдим этмаслик;
- ширкатдан бошқа тадбиркорликни ташкил этишининг бошқа шакли бўлганда кўпгина касбдаги кишиларнинг ўз фаолиятини амалга ошира олмаслиги;
- тадбиркорликни юритиш учун фойдаланиш мумкин бўлган қўшимча молиявий ва меҳнат заҳираларининг пайдо бўлиши.

Ширкатнинг камчиликлари:

- чексиз шахсий масъулият. Агар ширкатнинг активлари мажбуриятни қоплаш учун етарлича бўлмаса, ширкат аъзолари ўзларининг бутун шахсий воситалари билан уни қоплайдилар;
- ширкатнинг ҳар бир аъзоси бошқа шерикнинг хатти-ҳарарати учун жавоб беради;
- ширкатнинг амал қилиш муддаги чексиз эмас, лекин корпорациядан фарқли ўлароқ унинг фаолияти ширкат бирон-бир аъзосининг ўлими, ишга қобилиятысиз бўлиб қолиши ёки камбағал бўлиб қолиши муносабати билан дарҳол тўхтатилади;
- ширкатда шахсий жиҳатлар жуда катта аҳамиятга эга. Кўпинча ишга қобилияти ва кўп даромад кўрувчи корхоналар ширкат аъзолари ўртасида шахсий келишмовчиликлар ёки тушунмовчиликлар сабабли тугатилиб кетади.

Ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари. Ширкат аъзосининг мол-мулкнинг муйян қисмига эга бўлиш ҳуқуқи, агар ширкат иккى ёки уч аъзодан иборат бўлса, ана шу мулкнинг ярмига, учдан бирига эга бўлиш ҳуқуқини англатмайди. Масалан, уч аъзодан

иборат ширкатнинг бирдан-бир активи тўққизта автомобиль бўлса, ҳар бир шерик учтадан бирига эгалик қилолмайди. Ширкатнинг ҳар бир аъзоси барча тўққизта автомобилга иккита бошқа шерик билан биргаликда эгалик қилади. У ширкатнинг бошқа аъзолари сингари ширкат мақсадлари учун барча тўққизта автомобилдан фойдаланиши мумкин, лекин автомобиллардан бирон-тасидан ҳам ўз шахсий мақсади учун фойдаланиши мумкин эмас.

Агар ширкат ҳақидаги шартномада бошқача айтилмаган бўлса, ҳар бир аъзо ширкат фаолиятини бошқариш ва назорат қилишда тенг ҳуқуққа эга. Бироқ бурч ва назоратнинг турли даражасини белгилаб қўйиш ва ширкат ҳар қандай аъзосининг ваколатларини чеклаш мумкин. Одатда бошқарув ва назоратда ҳар бир аъзо қатнашади ва ширкатда кўпчилик овоз принципи амал қилади. Бу қоида оддий қуидалик фаолиятнинг барча масалаларига тааллуқлидир. Лекин ширкат фаолиятида унинг моҳиятига дахлдор бир нечта масалалар бор ва улар якдиллик билан ҳал этилиши керак. Булар қўйидагилардир:

— ширкатнинг мулкини қарз берувчиларга ишонч мулки сифатида ёки муайян шахснинг фирма қарзларини тўлашга берган ваъдаси асосида топшириш мумкин;

— фирманинг савдо алоқалари ва обрў-эътиборидан фойдаланиш;

— фирманинг оддий фаолият юритишига имкон бермайдиган бошқа ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш;

— «қарорни тан олиш» (қарз берувчига қарорни суд ишини қўзғаш заруратисиз фирмага қарши тегишли ишлаб чиқаришга киритишга рухсат берувчи ёзма қасамёд);

— ширкатнинг даъвоси ёки масъулиятини ҳакамликнинг муҳомасига қўйиш.

Ширкат аъзоси ширкатга қарз берса, у ширкатнинг қарз берувчисига айланади. Ширкат фаолияти тўхтатилганидан кейин қарз берувчилар устун ҳуқуққа эга бўладилар. Улардан сўнг «ички қарз берувчиларга» ёки ширкат аъзоларига қарзлар тўланади. Энг охирида ширкат аъзоларининг асосий бадаллари ёки сармоялари тўланади.

Ширкат аъзоси ўзининг пай бадаллари бўйича фоизлар олиш ҳуқуқига эга эмас, лекин у ширкатнинг ҳар қандай аванси юзасидан фоизлар олиш ҳуқуқига эга. У ширкатнинг фаолиятида қатнашётганлиги учун мукофот олиш ҳуқуқига ҳам эга (бошқалардан ўзиб кетган ва ширкатнинг ишини тутатган шерик бундан мустасно. У ўз хизматлари учун яхшигина мукофот олиш ҳуқуқига эга). Аъзолар барча назарий хизматларни ширкатнинг умумий манфаатлари асосида амалга оширадилар: шу боисдан бошқа шартнома йўқ бўлса, мукофот олиш ҳуқуқи бўлмайди. Шериклардан бири кўрсатаётган хизмат ўз аҳамияти жиҳатидан фавқулодда хизмат бўлгаида, ширкатнинг ҳар қандай бошқа аъзоси кўрсатаётган хизматлардан яхшироқ бўлса, шу нарса қўлланилади.

Шерик учинчи бир шахс билан, агар у ширкатнинг белгиланган

ваколатларига эга бўлса, иш олиб бориши, шартнома бўйича ширкат номидан мажбурият қабул қилиши мумкин. Бироқ, агар бевосита белгиланган ваколатлари бўлмаса-да, шерик ширкат номидан мажбуриятлар қабул қилиши, бунда оқилона мўлжалланган ваколатларга эга бўла туриб, оддий тадбиркорликни олиб бориш учун кўпчилик қабул қилган бирон-бир ишни қилиш мумкин.

Фирма ширкат фаолиятида унинг аъзолари содир этган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар бўлади. Шу сабабли ширкатнинг оддий фаолияти доирасига қандай ҳаракатлар кириши ва қандай ҳаракатлар кирмаслигини белгилаш жуда муҳимdir.

Агар фирма активлари ширкатнинг қарзларини тўлаш учун етарли бўлмаса, шериклар уларнинг тўланиши учун шахсан жавобгар бўладилар. Шериклардан бири вафот этганда, унинг ўрнига янги кишилар келганда ёки ширкатнинг аъзоларидан бири бу ишдан кетганда алоҳида вазият юзага келади. Ширкат аъзоларидан бири вафот этса, унинг мол-мулки ширкат қарзлари учун, айниқса фирманинг барча мажбуриятлари бўйича аъзонинг ҳаёт вақтида юзага келган қарзлар учун масъулият обьекти бўлиб қолади. Бунда фирманинг активлари қарзларни тўлаш учун етарли бўлмаслиги кўзда тутилади. Энг муҳими, вафот этган шерикнинг шахсий қарзлари биринчи навбатда тўлаиади.

Янги шерик фирмага келиб қўшилса, фирмада мавжуд бўлган мажбуриятлар бўйича масъулиятли бўладими? Бу саволга ҳа деб ҳам, йўқ деб ҳам жавоб бериш мумкин. Аниқроғи, фирмадаги мавжуд маблағ доирасидагина масъулиятли бўлади. Унинг шахсий мол-мулки учун ҳеч ким жавобгар бўлмайди. Бўлфуси мажбуриятларга келганда, янги шерик улар учун жавобгар ҳисобланади.

Агар ширкат аъзоси ширкатдан чиқса, унинг шу қарорига қадар мавжуд бўлган барча қарзлар учун жавобгар бўлади. Жавобгарликни истисно этиш тўғрисида шерик билан шартнома тузиш мумкин, лекин бу шартнома фирмага қарз берувчиларга нисбатан ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Ширкат аъзоси ширкатдан кетгунига қадар қабул қилинган ширкат мажбуриятларидан ширкатдаа кетувчи шерикни озод қилиш учун қарз берувчининг розилигини олиши керак бўлади.

Ширкатдан кетувчи шерик у кетгандан кейин вужудга келган қарзлар учун, агар бу ҳақда фирмага қарз берувчилар тегишли тарзда хабардор қилинса, жавобгар бўлмайди. Бундай хабардор қилиш тартиби қарз берувчиларга боғлиқ. Шерик ширкатдан чиққунига қадар ширкатга ссуда берганлар ва унинг ширкатдан кетганилигини билмаган қарз берувчи ўзини чинакамига хабардор қилишларини талаб этиш ҳуқуқига эга. Кейинчалик қарз берувчилар бўлиб қоладиган барча бошқа кишиларга келганда шуни айтиш керакки, уларни амалда хабардор қилиш, масалан, очиқ эълон қилиш кифоя.

Ширкатни тарқатиб юбориш ва унинг ишларини тугатиш. Тарқатиб юбориш, деган ибора кўпинча нотўғри талқин қилинади. Кўпчилик буни корхонани тугатиб юбориш ёки ёпиб қўйиш деб

тушунади. Аслида тарқатиб юбориш ширкат ишларини тўла туга-тишдан фарқли ўлароқ ширкат аъзоларидан бири унинг фаолиятида қатнашишдан воз кечганидан сўнг шериклар ўртасидаги муносабатларнинг ўзгаришидир. Тарқатиб юборилганидан кейин ширкат ўз ишини тўхтатмайди, балки барча ишлар тўла тугагунича ўз фаолиятини давом эттираверади. Шериклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзгарган ва ширкатнинг қолган аъзолари шартномада юз берган ўзгаришлардан кейин тадбиркорликни давом эттиришга рози бўлишганидагина ширкат тарқатиб юборилди, дейиш мумкин. Лекин бу ҳолда шериклар ишдан кетмайдилар.

Ширкат аъзоларидан бири вафот этгэн тақдирда у ўз-ўзидан тарқалиб кетади. Бу шерикнинг ўлими ширкатни «тўхтатиб қўйғанлигини» билдиrmайди. Ширкат аъзолари шериклардан биронтаси вафот этганидан сўнг ширкатда муайян молиявий ишларни амалга ошириб, фаолиятини давом эттиришга келишиб олишлари мумкин.

Аъзолардан бирининг суд орқали маълум қилинган синиши ширкатни ўз-ўзидан тарқатиб юборади. Тадбиркорликни қонунга зид қилиб қўядиган бошқа ҳолларда ҳам худди шундай бўлади. Масалан, уруш эълон қилиниши, бу парса ширкат аъзоларидан бирини хорижлик душманга айлантиради; ширкатнинг бир ёки бир нечта аъзоси ҳарбий хизматга чақирилиши; шериклардан бирининг адвокат этиб, суд лавозимига сайланиши ва шу сингарилар¹.

Суд қарорига биноан ширкатнинг тарқатиб юборилиши. Суд шериклардан бирининг аризасига кўра, қуйидаги ҳолатлардан бири юз берган тақдирда ширкатни тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қиласди:

- суд шериклардан бирини руҳий bemor деб эътироф этса ёки шерикда руҳий касаллик белгилари яққол намоён бўлганида;
- ширкат аъзоси шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаганда;
- тадбиркорликка зарар етказадиган хулқи билан айбдор бўлган шерикни эътироф этганда;
- шерик ширкат шартномасини атайнин ёки доимий равища бузганда ёки унинг бундай хулқи билан ширкат ишларини олиб бориш қийин бўлганда;

— ширкат иши фақат зарар келтириши мумкинлиги аниқланганда. Бунда ширкатнинг зарар келтираётганини уқтириш етарли эмас, айни пайтда ширкат келгусида ҳам муваффақиятга эришишнинг асосланган истиқболига эга бўлмаслигини кўрсатиш зарур;

— ширкатнинг тарқатиб юборилиши адолатли эканини тасдиқловчи бошқа ҳолатларда.

Айтиб ўтганимиздек, тарқатиб юбориш, бир томондан шерикларнинг ўзгаришини, янги шериклар қўшилишини ёки аъзолардан

¹ АКШда йирик адвокатлар якка тартибда иш кўрмайдилар, балки ширкат асосида ишлайдиган ўз адвокатлик фирмаларини ташкил этадилар. Етакчи адвокатнинг ёки етакчи адвокатлар гуруҳининг фамилияси фирманинг номига қўйилади.

бириниң катта ўзгаришларсиз тадбиркорликни сақлаб қолиши шарты билан ишдан кетишини билдирса, иккинчи томондан ишларнинг тұла ниҳоясига етказилиши, ширкатнинг амалда тугати-лишига олиб келиши мүмкін. Одатда ҳамма шериклар, ширкаттарқалиб кетишида айбор бўлганлардан ташқари, ёки ночор бўладилар, ёки ширкат ишларини тугатиш ва тўхтатишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Вафот этган шерик вакилининг ширкатда қатнашиш ҳуқуқи тўғрисида ҳар хил нуқтаи назарлар бор. Бир қанча штатларда вафот этган кишининг вакилига шундай ҳуқуқ берилади.

Ширкатни тарқатиб юборишда активлар қўйидаги тартибда тақсимланади:

- тўланмаган қарзлар бўйича қарз берганларга, шерикларга;
- шерикларга уларнинг пай бадалларини қоплаш сифатида;
- даромадни шерикларга тақсимлаш шаклида.

Ширкат аъзоларининг бадаллари тенг ёки тенг эмаслигида қатъи назар улар ўртасидаги масъулиятни тартибга солишга нисбатан ёндашув бир хил:

— биринчидан, ҳар бир шерикка унинг бадаллари, дастлаб аванс шаклида, кейин эса унинг пай бадаллари тарзида тўланиши керак;

— иккинчидан, ҳар бир шерик фойдада ва барча мажбуриятлар, шунингдек ширкат аъзоларининг мажбуриятлари қондирилганидан сўнг қоладиган даромадларда тенг қатнашиши ҳуқуқига эга;

— учинчидан, ҳар бир шерик даромадда қандай қатнашса, зарарни қоплашда ҳам шундай қатнашиши лозим (бошқа шартнома бўлмаганда).

Активларни тақсимлаш тартиби турли қарз берувчилар ўзига тегишли активни олишда навбатни белгилаш учун фойдаланилади. Бу мураккаб муаммо бўлиб, уни зарурат туғилганида фирманинг топшириғига мувофиқ адвокат ҳал қиласи. Фирма активлари биринчи навбатда унга қарз берганлар ўртасида тақсимланишини одил суд ширкатлардан талаб қиласи. Фирма қарзлари тўланганидан кейин қолганларидан шахсий қарзларни тўлаш учун фойдаланиш мумкин.

Сармояни бирлаштириш асосида тадбиркорлик билан шуғулланиш. Сармояларни бирлаштириш асосида иш кўрадиган компания муайян даражада ҳам ширкатга, ҳам корпорацияга ўхшайдиган нокорпоратив амалий бирлашмадир. Бирлашманинг бундай тури бир гуруҳ шахслар томонидан тузилади. Бу шахслар корпорациянинг профессионал уюшма, ишчи уюшмалари, жамоа бўлиб суғурта оладиган гуруҳлар, биржалар ва истеъмол кооперативлари сингари мақомга эга бўлишини хоҳлашмайди.

Бу ўринда ширкат билан ўхшашлик қўйидагиларда намоён бўлади:

- шахсий масъулиятда, яъни бундай бирлашманинг аъзолари қарзлари учун бутун масъулиятни зиммаларига оладилар;
- суд жараёнида компаниянинг қандай аталишида. Айрим штатларда бундай бирлашмаларнинг иши уларнинг рўйхатга олинган номи бўйича судда кўриб чиқилмайди.
- суд жараёнида компания фақат ўз аъзолари, президенти ва хазиначиси номидан чиқиши мумкин.

Корпорация билан ўхшашлик қўйидагиларда кўринади:

- шерикчилик сармояси². Компания шерикчилик сармояси миқдорида акциялар чиқарди;
- бошқарув. Бундай компанияни директорлар ва ходимлар бошқаради;
- муддати чекланмаган ворислик ҳуқуқи. Пай сармоя корпорация акцияси сингари берилади. Уларнинг берилиши бундай компаниянинг аъзоларидан бири вафот этганидаги сингари тўхтаб қолмайди.

Трест ташкил қилиш асосида иш юритиш. Бундай трест корчалонликни йўлга қўйишининг бир шакли бўлиб, у турлича аталади. Масалан, «Умумий ҳуқуқ трести», «Массачусетс трести» ёки «Инвестиция трести» сингари. Бундай трестлар кўпгина шахсларнинг маблағларини турли қимматли қофозларга жамоа бўлиб айлантиришга хизмат қиласидиган ташкилотлардир.

Бундай трестлар ваколат ҳақидаги декларация деб аталувчи шартнома асосида ташкил этилади. Ваколатли мулк эгалари инвесторлар, ёки пайчилар учун келишилган фойда сертификатлари чиқарадилар. Ана шу сертификат бўйича пайчилар сармоя келтирадилар. Ваколатли мулк эгалари уни шартномага мувофиқ қабул қиласидилар ва пайчиларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда иш олиб борадилар. Одатда бундай ишлар пай ёки облигацияларни сотиб олишдан иборат бўлади. Агар ана шу пай ва облигациялар бирон-бир даромад келтирса, ёки уларнинг нархи ошса, пайчилар даромад оладилар. Ваколатли мулк эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда улуш қўшганлар ёки пайчиларнинг ҳуқуқлари ваколат ҳақидаги декларацияда белгилаб қўйилади. Агар бошқача келишилмаган бўлса, ваколатли мулк эгалари одатда трестнинг барча мажбуриятлари бўйича чексиз масъулиягга эга бўлишлари лозим. Бироқ кўпинча шартномаларда масъулият чеклаб қўйилиши уқтирилади.

Корчалонликнинг корпоратив шакли. «Корпорация» деган сўз Америка ҳуқуқшунослигига кенг қўлланилади. Муайян ташкилот қандайдир бирликни ташкил этса, мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида фуқаро ва савдо оборотида катта куч билан қатнашиши мумкинлигини айтиш керак бўлганда, ана шу «корпорация» сўзи ни ишлатадилар. Бир қатор капиталистик мамлакатларнинг қонунларидан фарқли ўлароқ, АҚШда корпорациялар ўртасида, шунинг-

² Америка қопунларида пай ва акция деган тушунчалар бор. Улар ўзаро упчалик фарқ қиласиди ва кўпинча қўшилиб ҳам кетади.

дек шахслар ва муассасалар, бир ёки бир неча киши хоҳиши билан ўз олдиларидағи мақсадға эришиш учун тузилган ва одатта корчалонлик тусида бўлмаган идоралар ўртасида фарқ бор, деб ҳисоблашмайди. Кенг маънода олганда АҚШда муайян давлат вазифаларини амалга оширадиган муниципал ташкилотлар, фойда олишни мақсад қилиб қўйган диний жамоалар, илмий, ўқув, маданият, тиббиёт муассасалари ва тижорат компаниялари корпорациялари мавжуд.

Хар қандай корпорация, у қайси хилдаги корчалонлик билан шуғулланишидан қатъи назар, амалда корчалонлик корпорацияси эга бўлган барча ҳукуқлардан чекланмаган ҳолда фойдаланади. Бинобарин, АҚШда корчалонлик корпорацияси маълум ҳукуқларга эгадир.

Штатларнинг қонунлари ҳам корпорацияларга ана шундай нуқтai назардан ёндашади. Чунончи, Нью-Йоркда корчалонлик корпорацияси тўғрисидаги қонунда уқтирилишича, штатнинг бошқа қонунларида ва низомида белгиланган чеклашлар бўлмаган тақдирда ҳар бир корпорация ўз фаолият мақсадларига эришиш учун:

- 1) муддатсиз равишда мавжуд бўлиши;
- 2) барча суд ишларида даъвогар ёки жавобгар сифатида қатнашиши, шунингдек, ўз моҳиятига кўра суд, маъмурӣ, ҳакамлик идораси ёки бошқа бир идора бўлишидан қатъи назар уларнинг ишида фуқаролар билан бирга қатнашиш;
- 3) корпорация муҳрига эга бўлиш, уни ўз ҳоҳишича ўзгартириш, ундан корпорация белгилаб берган усувларда (бевосита босиш, асл нусхасини босиш ва ҳ. к. йўлларда) фойдаланиш;
- 4) совға, васият сифатида ёки бошқа бир қонуний шаклда беријадиган нарсаларни сотиб олиш, қабул қилиш, олиш, кўчмас ва кўчириб бўладиган мол-мулкни ёллаб ёки бошқа қонуний усул билан сотиб олиш, унга эгалик қилиш, уни ўзлаштириш, яхшилаб олиш, фойдаланиш, шундай мол-мулкка ва у қаерда эканидан қатъи назар ундан олинадиган даромадларга нисбатан бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш;
- 5) унвон (титул)ни сотиш, бериш, ижарага бериш, алмаштириш, ўзи эгалик қилаётган ва даромад олаётган мол-мулкнинг ҳаммасини ёки бирон бир қисмини топшириш ёки бошқача усулда тасаруф этиш, шунингдек гаровга қўйиш;
- 6) бошқа корпорациялар қандай корчалонлик билан, давлат иши ёки бирон-бир бошқа фаолият билан шуғулланишидан қатъи назар, ана шу корпорациялар чиқарган облигациялар, акциялар ва ўзга фонд қофозларини сотиб олиш, қабул қилиш, олиш, обуна бўлиш ёки бошқа йўл билан харид қилиш, эга бўлиш, ўзлаштириш, овоз бериш, фойдаланиш, сотиб юборниш, қарзга бериш, фойдаланиш учун бериш, алмаштириш, гаровга қўйиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш;
- 7) шартномалар тузиш, кафолат бериш ва ўз зиммасига мажбуриятлар олиш, корпорация ўзига эп кўрадиган миқдорда фонзи

тұланадиган заёмлар олиш, векселлар бериш, облигациялар ва бошқа қарз ҳужжатларини чиқариш, мол-мулки қаерда жойлашганидан қатын назар унинг ва ундан олинаётган даромадларнинг ҳаммаси ёки бир қисми билан ҳар қандай қарз ҳужжатини кафолат билан таъминлаш;

8) үрнига пул бериш, үз жамғармаларини сарғламоқ (биринчи марта ва такроран), заёмлар ва инвестиция жамғармаларини беришни таъминлаш учун күчмас ва күчириб бўладиган мол-мулкни қабул қилиш ҳамда сақлаш;

9) корчалонлик билан шуғулланиш, үз фаолиятини амалга ошириш, идораларга эга бўлиш ва АҚШда ёки ундан ташқаридаги ҳар қандай жойда ҳақиқий қонунда бериб қўйилган ҳуқуқлардан фойдаланиш;

10) корпорациянинг олий мансабдор шахсларини, хизматчилари ва бошқа ходимларини сайлаш ва тайинлаш, уларнинг мажбуриятларини белгилаш, уларга, шунингдек директорларга маош тайин қилиш ва хизмат ходимларига етказилган зарарнинг үрнини қоплаш;

11) корпорациянинг ички тартибини, шу жумладан корпорацияга, унинг фаолиятига, ҳуқуқ ва ваколатларига, шунингдек ундаги акциядорлар, директорлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларига тааллуқли бўлган мамлакат мудофааси тўғрисидаги фавқулодда қонун 12-бандининг 17-кичик бандига мувофиқ жорий этилган фавқулодда қоидаларини қабул қилиши, ўзгартириши ёки бекор қилиши;

12) корпорацияга фойдалими-йўқми, халқ фаровонлиги манфаатларини кузлаб, тибиёт, хайрия, маориф, илмий, фуқаро ва бошқа шунга ухшаш ташкилотларнинг ижтимоий жамғармаларини тузиш ва тўлдириш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш, уруш вақтида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда мамлакатга бошқача зарур ёрдам кўрсатиш учун эҳсон қилиш;

13) пенсиялар тўлаш, корпорация директорлари, олий мансабдор шахслар ва хизматчиларига пенсиялар тайинлаш, мукофотлар тўлаш, акциялар бериш ва ҳ. к. тарзида мукофот билан рағбатлантириш режалари ва қоидаларини қабул қилиб, рўёбга чиқариш;

14) ўз корпорацияси акцияларини сотиб олиш, қабул қилиш ёки бошқача усуlda харид қилиш, унга эга бўлиш, ўзлаштириб олиш, сотиш, бериб туриш, алмаштириш, бериб юбориш ёки ўзга усуlda тасарруф этиш, гаровга бериш, фойдаланиш, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш;

15) бошқа корчалонлик бирлашмаларининг ташкилотчиси, дўсти, аъзоси, қатнашчиси ёки бошқарувчиси бўлиш ёки бошқа штатлар ва давлатларнинг қонунларида кўзда тутилган шароитда ишлайдиган ҳар қандай ўзга корпорациянинг инкорпоратори бўлиш;

16) корпорациянинг олдига қўйилган битта ёки барча мақсадларни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча ҳуқуқларга эгалик қилиш ва уларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш.

лий жиҳатлари, сармояни вужудга келтириш манбалари, акция турлари, сармоя миқдори ва ҳ. қ.лар тўғрисидаги масалани ҳал этувчи шахс керак бўлади. Муассис аслида ҳали мавжуд бўлмаган корпорациянинг вакили ҳисобланади. Корпорация расман тан олинганидан кейин, муассиснинг хатти-ҳаракатларини маъқуллаши ёки тасдиқламаслиги мумкин. Агар корпорация муассиснинг ишларини тасдиқласа, у қонуий тартибда ўз ҳаракатлари учун жавоб беради, агар тасдиқламаса, бундай жавобгарлик пайдо бўлмайди.

Корпорация мақомига эга бўлиш учун штат маъмурларида чартер олиш керак. Ана шу сертификатни олиш учун талаб турли штатларда турличадир. Одатда балоғат ёшига етган уч ёки ундан кўпроқ фуқаро (уларнинг иккиси Кўшма Штатларнинг фуқароси бўлиши, яна бири эса шу штатда доимий яшайдиган бўлиши керак) корпорация мақоми берилиши тўғрисида сертификат олиш учун талабнома топширади.

Штатларнинг кўпчилигида корпорация мақоми бериш тўғрисидаги сертификатда қўйидаги маълумотлар бўлиши талаб қилинади:

— корпорациянинг номи. Мавжуд корпорацияларнинг номига жуда ўхшаш номларни танламаслик керак. У битта сўздан ёки қисқартмадан иборат бўлиб, мазкур ташкилот корпорация эканини кўрсатиб туриши лозим. Масалан, «Корпорация», «Корп», «Инкорпорированная», «Инк» ва ҳ. к.

Корпорацияни ташкил этишдан мақсад қўйидагилардан иборат:

— низом бўйича сармоя. Сармоянинг тури ва миқдори, шунингдек корпорация чиқаришга кафолот олган турли акциялар хусусида ариза талаб этилади;

— корпорациянинг доимий манзили. Корпорациянинг бош идораси, яъни ҳуқуқий манзили белгиланиши керак. Корпорацияни рўйхатдан ўтказган штат унинг доимий манзили ҳисобланади. Кейинчалик, айрим штатларнинг ўз ҳудудида бошқа штатда ҳуқуқий манзили бўлган корпорацияга қарашли кўчириб бўладиган мулки жойлашганлиги учун солиқ солиш хусусидаги хоҳиши туфайли ҳақиқий манзил деган тушунча ҳам пайдо бўлди.

— корпорациянинг фаолият муддати. Корпорация муассисларнинг номи ва турар жойи, акцияларнинг сони (уларни муассисларнинг ҳар бири сотиб олишига рози бўлади). Муассисларнинг бурчи корпорация низоми, ички иш тартибини ишлаб чиқиши, корпорацияни штатлар муассасалари рўйхатига олиш учун тақдим этиш, акциядорларнинг биринчи йиғилишини чақиришдан иборат.

Директорат. Сертификатда корпорация мўлжалланган ва бир йил ёки акциядорларнинг биринчи йиллик йиғилиши давомида ишлайдиган директорлар сони, уларнинг номлари ва турар жойлари кўрсатилиши керак.

Судга оид масалалар билан шуғулланувчи ваколатхона. Корпорацияга қарши суд иши қўзғатилган тақдирда чақирув қофози айрим ходимлар, олий мансабдор шахслар, директорлар ёки бош-

қарувчи агент номига юборилади. Баъзан уларнинг қаердалигини иштап аниқлаш жуда қийин бўлади. Шу боисдан кўнгина штатларнинг маъмурлари суднинг чақирив қоғози юборилиши керак бўлган шахснинг номи сертификатда кўрсатилишини талаб қилмоқдалар. Баъзида сертификатда штат секретари вакил сифатида ёзилган бўлади.

Қонунга риоя этмасликнинг оқибатлари. Корхона корпорацияни тузиш тўғрисидаги қонунларга риоя этмай туриб, корпорация бўлолмайди. Қонунга қатъий риоя этиб тузилган корпорация де-юре (қонуний) корпорация ҳисобланади. Бироқ корпорациянинг яна бир тури бор — корпорация де-факто (амалдаги корпорация). У қонунда кўзда тутилган тартибда эмас, вужудга келган вазият тақозоси билан тузилади. Корпорация де-факто тузилиши учун унинг аъзолари корпорация ташкил этишга ҳалол ёндашишлари ва унинг вакилотларидан вижданан фойдаланишлари керак. Корпорация де-факто ҳақиқий корпорация сингари фаолият кўрсатади, ўша ваколатларга эга бўлади. Зотан, штатнинг маъмурий идоралари бундай корпорация мавжудлиги учун курашадилар, корпорацияда ишлайдиган кишилар эса бундай қилишга ҳақли эмаслар.

Корпорация мақомини бериш тўғрисидаги сертификатни рўйхатдан ўтказиш ва унинг оқибатлари. Корпорация ташкил этилганлиги тўғрисидаги сертификатни олиб, рўйхатдан ўтказганидан кейин унинг ташкилий ишлари даври бошланади. Биринчи йиғилишда тегишли қарорлар қабул қилинади ва корпорация ўз фаолиятини бошлаши мумкин бўлади. Нақд пулга ёки мол-мулк бериш ўрнига акциялар чиқариш ҳуқуқи тўғрисида қарорлар, нақд пулга, акцияларга ва бошқаларга муайян активларни сотиб олишга оид қарор; хизматидан корпорация фойдаланадиган банкни танлашга доир ёки ишни бошлаб юбориш учун зарур бўлган бошқа қарорлар қабул қилинади. Бундан ташқари, корпорация фаолиятини тартибга солиб турадиган **корпорация низомини** ҳам қабул қилиш жуда муҳимдир. Низом қоидалари корпорация ходимларининг ваколатлари ва мажбуриятларини, йиғилишлар ўтказилидиган вақт ва жойни белгилаб беради. У амалда корпорация билан акциядорлар ўртасидаги шартиома ҳисобланади ва шу боисдан иккала томон учун мажбурийдир. Коидага кўра, низомнинг бирон бир банди корпорациялар тўғрисидаги умумий низомга ёки корпорация мақомини бериш ҳақидаги сертификат қоидаларагида зид бўлса, бундай банд ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Директорлар кенгашининг йиғилиши корпорацияни ташкил этишда қўйилган кейинги қадамдир. Бу йиғилишда ходимлар танланади, шундан кейингина корпорация ўз фаолиятини бошлашга тайёр бўлади. У амалий иш юритиш ҳуқуқини олади ва бу ишларни ўз ваколатлари доирасида амалга ошира олади. Корпорация низомда аниқ ифода этилган ваколатларга, шунингдек асосли равишда назарда тутиладиган ваколатларга эга бўлади. Ҳолбуки, баъзан қандай ваколатларни назарда тушиш оқилона бўлишини аниқлаш қийин. Масалан, айтайлик, корпорация низомида унинг

аоссий мақсади — четда тайёрланған аёллар шляпасини ишлаб чиқаришдан иборат эканлиги күзде тутилади. Судьялар эса, бундай ҳолда шундай кафолотлар назарда тутилмаслиги керак, деб ҳисоблайдилар.

Агар корпорация ўзининг аниқ ифодаланған ёки назарда тутилған ваколатларини бұзса, бу ваколатдан ташқары ҳаракат, деб ҳисобланади. Агар у муайян шартнома тузишда ифодаланса, бундай шартнома ҳуқуқий күчга эмас деб ҳисобланади ва суд бүйича ижро этилмайди. Бу тартиб шундай шартномаларга таалуқлики, бу шартномаларни корпорация ҳам, бошқа томон ҳам ижро этиши юзасидан хатты-ҳаракатлар күзде тутилмайди.

Одатда корпорация қонуида күзде тутилған ваколатларсиз бошқа корпорациянинг акцияларига әгалик қилолмайди. Чунки корпорацияларниң вазифалари бир-биридан бутунлай фарқ қиласы, бундан ташқары күпгина штатларнинг судлари ва қонунлары корпорацияларга бошқа корпорацияларнинг акцияларини ёки облигацияларини сотиб олишга рухсат беради. Бу ҳолда баъзи бир шартларга амал қилинади. Биринчидан, бошқа корпорация худди шундай корчалонлик билан шуғулланаётган бўлиши керак; иккинчидан, харид доимий равишда бўлмайди ва акциялар сотиб оладиган корпорациянинг аниқ ифодаланған вазифаларига мос келиши зарур; учинчидан, акциялар сотиб олиш ваколати чартерда күзде тутилған бўлиши лозим; тўртинчидан эса, акциялари сотилаётган корпорация акцияларни сотиб олаётган корпорация билан бирлашиши мумкин. Аммо корпорация бошқа корпорациянинг акцияларини уни четга чиқариш ёки рақобат қобилиятини чеклаб қўйиш мақсадида сотиб олмайди.

Қарз олиш ва бериш ҳуқуқи. Корпорация зарур бўлиб қолганида қарз олиш ҳуқуқига эга. Зарурат туғилганида корпорация ўзининг кўчмас ва кўчириб бўладиган мол-мулкидан қарзини тўлаш учун фойдаланиши мумкин. Агарда корпорация маҳсус банк мақомига мувофиқ ташкил этилмаган бўлса, у қарз бериш ҳуқуқига эга эмас. Лекин қарз бериш корпорацияга ўзининг кундалик вазифаларини бажариши мақсадида зарур бўлиб қолса, қарз беришига рухсат этилади. Масалан, Кентукки штатида суд прецеденти тамаки олиш ва сақлаш, уни сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланиш ваколатига эга бўлган корпорация мижозларига этиштирилаётган ҳосил ҳисобидан қарз бериб туриши мумкин.

Оборот ҳужжатларини қабул қилиш ва бериш. Оддий корчалонлик билан шуғулланиш чоғида корпорация чеклар ва бошқа оборот ҳужжатларини бериши, оддий векселлар ва чекларни қабул қилиши ҳамда уларнинг орқа томонига шарҳлар ёзиши, шунингдек харажатларни тасдиқлаши ва шарҳлаши мумкин. Бироқ корпорация «бронза»⁴ чеклар ва векселларни шарҳлаш ва чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

⁴ «Бронза» чеклар ёки векселлар сохта, қалбаки ёки ҳеч қандай ҳақиқий қимматга эга бўлмаган вексель ҳисобланади. Одатда бронза оборот ҳужжат-

Корпорациянинг ширкатга кириш ҳуқуки. Штатларнинг аксариетида корпорациялар ширкатга кириш ҳуқуки ёки ваколатига эга эмас. Бунинг сабаби равшан, чунки ширкатнинг ҳар бир аъзоси ширкат аъзоларига ҳам, корпорация аъзоларига ҳам мажбурият юклайдиган шартномалар тузиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, агар корпорация ширкат аъзоси бўладиган бўлса, унинг ишларини бошқа аъзолар (улар акциядор ҳам, директор ҳам бўлмаслиги мумкин) текшир-текшир қилишлари мумкин. Бу эса корпорацияни бошқаришии назорат қилиш ва ташкил этиши ҳақида иш асосий қоидага зиддир.

Корпорацияни тугатиш. Корпорацияни тугатиш унинг фаолияти тўхтаганлигини билдиради. Корпорацияни тугатиш бир неча йўл билан амалга оширилади: корпорациянинг ташабbusи билан тугатиш, бу ихтиёрий тугатиш ҳисобланади. Башарти, корпорация штат маъмурлари, шу штат бош прокурори номидан, акциядорлар ёхуд мустақил (агар бош прокурор бундан бош тортса) иш олиб борадиган кредиторларга юбориладиган суд қарорига мувофиқ тугатилса, бу мажбурий тугатиш бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам амалий фаолиятни шунчаки тўхтатиш ва корпоратив корхонадан воз кечиш корпорация тугатилиши учун етарли эмас. Корпорация тугатилишидан олдин ўтказилиши лозим бўлган бир неча муайян тадбирлар бор.

Турли штатларнинг қонунлари турлича бўлишига қарамай, корпорацияни тугатишнинг мавжуд тартибида бир қанча умумий ўхшашликлар бор.

Корпорацияни ихтиёрий тугатиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

— директорлар кенгashi қарор қабул қиласди, унда корпорация фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш тавсия этилади ва тўхтатиш тўғрисидаги масала акциядорларнинг йиллик ёки фавқулодда йиғилишида овозга қўйилиши кераклиги белгиланади;

— акциядорлар корпорацияни ихтиёрий тугатиш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини мұҳокама қилиш учун йиғилиш ўтказилишидан хабардор қилинадилар. Бундай хабардор қилишининг муддатлари ва йўллари қонунда белгиланган бўлади;

— йиғилишда акциядорларнинг кўпчилик овози билан корпорацияни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

— акциядор зарур розиликни кўрсатувчи сертификатни олганидан кейин у корпорациянинг тегишли ходимлари томонидан ижро этилади ва рўйхатга олинади;

— кредиторлар корпорациянинг фаолияти тўхтаганлиги ҳақида эълон орқали, хат олиш ёки қонунда кўзда тутилган ҳар қандай бошқа йўл билан хабардор қилинишлари лозим. Кўпгина штатларда акциядорларга корпорациянинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги талабномани рўйхатга олишга руҳсат берилади. Биларини корхоналарнинг эгалари банкдаги ҳисобга ўтказни мақсадида ёзиб берадилар.

роқ, бунда корпорация фаолиятини тұхтатиш мутлақ ҳуқуқи мавжуд әмаслигини ҳисобға олиш керак. Ҳатто қонунда күзда тутилған барча расмиятчиликтарга риоя этилған тақдирда ҳам, баъзи судлар корпорация даромад олиб ишлаб турыш имконияти тугасыдан олдин уни тұхтатиш учун рухсат берішдан тийилиб тұрадилар. Яна бошқа қонунлар ҳам борки, улар акциядорлар муайян миқдорда бұлғаңда, уларнинг ҳохиши биләп, ёки муайян вазият юзага келганды корпорацияни мажбуран тұхтатишга рухсат беради. Бироқ корпорация фаолиятини бундай тұхтатиш корпорация мақомини бериш тұғрисидаги сертификатда күрсатылған бўлиши керак.

Корпорациянинг тугатилиши ва қўшилиши. Битта корпорация тугаганда ёки бошқаси билан қўшилиб кетганда корпорациялардан бирининг фаолияти албатта тұхтайди. Тугатиш ва қўшилиш деган иккита сўзин кўпинча синоним сўзлар, деб ҳам юборишади. Аслида эса қўшилиш — бу ишлаб турған иккита ёки ундан кўпроқ корпорация тугатилиб, янгиси ташкил этилганини билдиради. Тугатиш эса — бу битта ёки бир нечта компаниянинг қўшилиб кетиши натижасыда тугашни билдиради. Одатда ишлаб турған янги компания, у хоҳ тугатылған, хоҳ қўшилған бўлсин, қўшилиб кетаётган ёки тугатилаётган компаниянинг қарзлари ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Корпорациянинг фаолиятини мажбурий равища тұхтатиш штат маъмурларининг, акциядорларнинг ёки кредиторларнинг ташаббусига кўра, бир неча хил йўл билан амалга оширилади. Штат маъмурлари корпорацияга ҳаёт баҳш этишлари ва шунга мувофиқ равища уни тұхтатиб қўйишлари мумкин. Айрим штатларда улар ҳатто сабабини тушунтирмасдан (агар штатта қонунда шундай ҳуқуқ берилған бўлса ёки чarterда айтилған бўлса) корпорациянинг чarterини бекор қилишлари мумкин. Кўпинча штат маъмурлари муайян вазиятлар мавжуд бўлған чоғда корпорациянинг чarterини бекор қиладилар. Қўйидагилар оддий ҳолатлар ҳисобланади:

- чarterни олиш вақтида штат маъмурларининг алмашиши;
- йиллик ҳисоботни тақдим этиш, муниципал солиқлар тұлаш мажбуриятларининг ёки қонунида күзда тутилған ваколатхонани сақлаб турыш мажбуриятларининг бажарилмаслиги;
- корпорацияга мақом бериш тұғрисидаги сертификатдан возкечиш ёки уни суистеъмол қилиш;
- ҳуқуқдан фойдаланмаслик (муайян муддатда амалий ишларни ташкил этиш ёки бошлаш хусусидаги талабларнинг бажарилмаслиги).

Акциядорлар ёки кредиторлар ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари зарур бўлиб қолса одил судда иш қўзғатишлари ва корпорациянинг фаолиятини тұхтатиш тұғрисида қарор чиқариб берішни талаб қилишлари мумкин. Бундай ҳимоя қилиш зарурати кўпгина акциядорларнинг алдамчилиги, ходимлар ёки директорларнинг ножӯя хатти-ҳаракатлари ёки назорат қилувчи акциядор-

лар орасида амалий ишларни давом эттириб бўлмаслигига олиб келадиган ихтилофлар туфайли пайдо бўлади. Бундай ҳолларда суд ишларини охирига етказиш ва кредиторлар билан акциядорлар ўртасида активларни тегишли даражада тақсимлаш чора-тадбирларини кўриш билан шуғулланувчи, корпорация мол-мулкини бошқарувчи одам тайинланади. Судда иш қўзғатиш учун кредитор суд қарорини бажармаган кредитор бўлиши ёки корпорация тасдиқлаган даъвогар кредитор бўлиши мумкин. Бундай ҳолда корпорациянинг тўлов қобилияти йўқ, деб ҳисобланади.

Айрим штатларда қонуни активларни тақсимлаш муддатини белгилайди. Одатда акциядорлар ўртасида активларни тақсимлаш ҳамма қарзлар тўлангунча давом этмайди. Агар активлар қонунга хилоф равишда тақсимланган бўлса, уларни олган акциядорлар ҳам, бундай тақсимлашни ўтказган директорлар ҳам кредиторлар олдида жавобгар бўладилар. Кредиторлар орасида муайян навбат бор, аввало, дастлаб солиқлар бўйича даъволар қондирилади, кеийин кафолатланган даъволар ва, ниҳоят, кафолат берилмаган даъволар қондирилади. Акциядорлар орасида ҳам активларни тақсимлашда муайян навбатдан фойдаланилади. Масалан, имтиёзли акцияларга эга бўлганлар оддий акциядорларга нисбатан активларни олдинроқ олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Корпорация низомида бошқа устун ҳуқуқлар ҳам бўлиши мумкин.

II боб

АКЦИЯЛАР, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАРҚАТИШ ТАРТИБИ. ЖАМҒАРМА БИРЖАСИ.

Акция тушунчаси АҚШ корпорацияси ҳуқуқида фойдаланиладиган энг муҳим тушунчалардан ҳисобланади. Акциялар акциядорларнинг пул билан ифодаланадиган сармояси эмас, балки корпорация аъзолари (акциядорлар)нинг мулкий манфаатларининг мутаносиб ўлчов бирлиги бўлиб хизмат қилади. Бу шу нарса билан изоҳланадики, акция сармоясига мулкий ҳуқуқ акциядорларга эмас, балки корпорациянинг ўзига тааллуқлидир.

Акциядорлар сармояси тушунчаси ишбилиармонлик корпорациялари тўғрисидаги намунавий қонунда берилган. Унда таъкидланнишича, акциядорлар сармояси, биринчидан, барча номинал нархи билан чиқарилган акциялар қийматидан ҳосил бўладиган миқдор; иккинчидан, номинал нархсиз чиқарилган акциялар учун олинган мукофот миқдори. Қонунда рухсат этилган тартибда эмиссиядан корпорацияга тушадиган даромадга қўшилган қисми бундан мустасно; учинчидан, юқорида айтилмаган ва акциядорга фойда тўлаш учун акциялар чиқариш ёки қонунда рухсат этилганидек ушлаб қолинган шунни чиқариб ташлаганда, бирон-бир бошқа ҳолатлар муносабати билан акциядорнинг сармоясига қўшилган миқдор. Корпорациянинг акциялари учинчи шахс олдидағи аввало, олинган заём бўйича мажбуриятларни таъминлашга хизмат қилиши керак.

Акциядорлар корпорация мулкининг эгасидирлар. Уларнинг мулки акциялар шаклида сертификатларда қайд этилган. Сертификатнинг ўнг томонида мазкур сертификат берадиган акциялар миқдори, уларни бериш усувлари ва корпорация билан акциядор ўртасидаги шартноманинг айрим бандлари кўрсатилган бўлади. Акция акциядорнинг ёки акцияси бор одамнинг ўз корпорациясига нисбатан амалий қизиқишини акс эттиради.

Акциялар бир неча турда бўлади: номинал қиймати кўрсатилган ва кўрсатилмаган, оддий ва имтиёзли акциялар, кумулятив ва кумулятив бўлмаган, яъни нокумулятив имтиёзли акциялар, шунингдек алмаштиrsa бўладиган акциялар. Бундан ташқари, мақомига кўра акциялар чиқаришгагина рухсат этилган, ҳақиқа-

тан ҳам чиқарилган ва тарқатилган, тарқатилмаган, яъни корпорациянинг ўз тасарруфида бўлган акциялар бўлиши мумкин.

Номинал қиймати кўрсатилган ва кўрсатилмаган акциялар. Агар акциянинг олд томонида унинг муайян қиймати кўрсатилган бўлса, у номинал қиймати кўрсатилган акция ҳисобланади. Агар акцияда қиймат кўрсатилмаган бўлса, у номинал қиймати кўрсатилмаган акция, деб ҳисобланади. Қиймати кўрсатилган акциялар тўла қийматида нақд пулга, шунингдек мулк, товарлар ёки хизмат ўрнига чиқарилади. Номинал қиймати кўрсатилмаган акциялар уларнинг эквивалент қиймати, деб ҳисобланадиган ҳар қандай товон (компенсация) учун чиқарилади.

Акциянинг номинал қиймати шартли ҳисобланади ва бозор қиймати ёки акция сифатидаги капитал бир қисмининг ҳақиқий қиймати билан ҳамма вақт ҳам боғлиқ эмас.

Номинал қиймати кўрсатилган акцияга эга бўлган киши ҳам, номинал қиймати кўрсатилмаган акцияга эга бўлганлар ҳам баравар ҳуқуқ ёки имтиёзларга эгадирлар. Бундай акциялар ўртасидағи фарқ акция чиқарилган нархдагина бўлади.

Оддий акция. Номидан кўриниб турибдики, бу энг кўп учрайдиган акция туридир. Бундай акцияси бўлган киши овоз бериш ҳуқуқига ҳамда директорат дивидентни (акциялардан келадиган даромадни) эълон қилганидан сўнг уни олиш ҳуқуқига эгадир.

Имтиёзли акциялар. Бундай акцияси бор одам бошқа акциядорларга нисбатан бир қанча имтиёзларга эга бўлади. Бу акция эгалари даромадларни олишда ёки фирманинг фаолияти тўхтаганида активларни тақсимлашда имтиёзларга эга бўлишлари мумкин. Агар имтиёзли акцияларга нисбатан сертификатда корпорацияга мақом бериш тўғрисидаги ёзув бўлмаса, бундай акциялар оддий акция эгаларининг розилигисиз чиқарилмайди. Имтиёзли акцияларни бошқа турдаги ва категориядаги акцияларга ёки сеりяси бир хил категорияли бўлган акцияларга белгиланган муддатда ва олдиндан аниқланган шароитда алмаштириш имконияти энг асосий имтиёзлардан биридир. Корпорацияларнинг имтиёзли акцияларни чиқариши (бунда шундай акцияларни тўла ёки қисман сотиб олиш ҳуқуқи берилади) амалда анча кенг тарқалган.

Кумулятив имтиёзли акциялар. Шундай акциялар бўйича дивидентлар тўлаш мажбурияти давом эттирилади ёки тўла тўлаб бўлинган вақтгача жамланади. Агар дивидент бир йил ичida олинмаган бўлса, бунда акция эгаси дивидентни келгуси йилида икки хисса қилиб олиши мумкин. Агар корпорацияга мақом бериш тўғрисидаги сертификатда бўшиқ мақсадлар кўзда тутилмаган бўлса, итмиёзли акциялар ҳаммавақт кумулятив акциялар, деб ҳисобланади.

Нокумулятив имтиёзли акциялар. Бундай акциялар эгаларига дивидент тўланмаган бўлса ёки дивидент бир йилда келмаган бўлса, улар учун келгусида тўлов мажбурияти вужудга келмайди. Шуни таъкидлаш керакки, компания дивидентни тўлашни эълон қилиш учун муайян йилда етарлича маблаги ёки даромади бор-

йўқлигининг аҳамияти бўлмайди. Агар директорат ўзининг хоҳишига кўра, дивидентни тўлашни эълон қилмасликни маъқул кўрса, нокумулятив имтиёзли акцияси бор киши оддий акциядорга нисбатан кўпроқ ҳуқуққа эга бўлмайди ва ўз дивидентидан маҳрум бўлади.

Даромадда қатнашиш ва қатнашмаслик ҳуқуки бўлган имтиёзли акциялар. Агар имтиёзли акция бўйича олиниадиган даромад муайян миқдор билан чекланса, бундай акциялар даромадда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмаган акциялар, деб ҳисобланади. Агар акциялар бошқа турдаги акциялар билан бир қаторда дивидент олиш ҳуқуқини берса, имтиёзли акциялар бўйича муайян миқдордаги даромадлар тўланганидан кейин, улар даромадда қатнашиш ҳуқуқи бўлган акциялар, деб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, даромадда қатнашадиган имтиёзли акциялар эгалари бир вақтнинг ўзида даромаднинг икки турини: биринчидан, имтиёзли акцияларнинг эгаларига тўланадиган даромадлардан, иккинчидан, кейинчалик барча бошқа акциядорларга тўланадиган даромадлардан ҳам олиш имкониятига эга бўлади.

Алмаштириладиган акциялар. Бундай акцияси бўлганлар акцияларини алмаштириш ҳуқуқига эгадирлар. Оддий акция имтиёзли акцияга, имтиёзли акция эса оддий акцияга ёки ҳатто облигацияга алмаштирилиши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Чиқаришга рухсат берилган, чиқарилган, тақсимланган ва корпорациянинг ўз ихтиёрида бўлган акциялар маҳоми. Акциядорнинг энг кўп сармояси¹, уни чартерга кўра корпорациялар чиқариши мумкин, чиқаришга рухсат берилган акциялар миқдорини белгилайди. Акциялар жисмонан мавжуд бўлиб, корпорациялар томонидаги акциядорлар ўртасида тарқатилса, улар чиқарилган, деб ҳисобланади. Акциядорлар қўлида бўлган ниқарилган акциялар тақсимланган акциялар дейилади; чиқарилган, кейин эса яна корпорация томонидан сотиб олинган акциялар тақсимланмаган акциялар дейилади. Чиқарилган акциялар миқдори тақсимланган ва тақсимланмаган акциялар миқдорига tengdir. Корпорация ўз акцияларини турли йўллар билан сотиб олиши мумкин. Масалан, улар акциядорларга совға қилиниши, корпорация томонига қарзни тўлаш учун берилиши ёки корпорациянинг ўзи сотиб олиши мумкин. Агар акцияни корпорация сотиб олса, бу харид фақат даромадлар ҳисобигагина амалга оширилиши мумкин.

Акцияларни тарқатиш. Бу акция сотиб олишини хоҳловчилар ўртасида акцияларни сотиш ёки тарқатиш жараёнидир. Бу жараён акцияларни корпорация аъзолари ўртасида тарқатиш йўли билан ҳамда сармоя бозорида қимматли қоғозларни очиқ сотиш йўли билан амалга оширилади.

Биринчи ҳолда акцияларни тарқатиш штатларнинг қонунларига кўра бошқарилади, айrim штатларда фақат хусусий кишиларга

¹ Бундай сармоя «эълон қилинган сармоя» дейилади.

гина эмас, шу билан бирга ўз даромадлари ҳисобидан корпорация аъзоларига ҳам сотиб олишга рухсат берилади.

Сармоя бозорида ва хусусан жамғарма биржасида акцияларни тарқатиш кўпдан-кўп расмиятчиликларга риоя этишини талаб этади.

Корпорациянинг оддий қимматли қофозларини очиқ савдога дастлабки тарзда таклиф этиш кўпинча 1933 йилги қимматли қофозлар тўғрисидаги ҳужжатга мувофиқ шундай қофозларни рўйхатга олиш билан амалга оширилади. Аввало, акциядорларнинг кўпчилиги зарур ахборот билан таъминланади. Қимматли қофозлар ва биржа комиссиясига рўйхатга олиш учун рўйхатга олиш хусусидаги аризали топшириш керак. Бу аризада корпорация ҳақида муфассал ахборот берилиши ва инвеститорлар² учун проспект^{*} илова қилинган бўлиши керак.

Рўйхатга олиш аризасини ва қимматли қофозларни сотишга таклиф этишини тайёрлаш жараёни мураккаб, қимматли ва кўп вақтни эгаллайди. Бунинг устига корпорациянинг ошкора акционерлик фаолиятига ўтиши узоқ муддатли амалий, молиявий ва ҳуқуқий мураккабликларга эгадир. Бинобарин, корпорация рўйхатга олишга ва қимматли қофозларни сотишга таклиф этишга киришишидан олдин, кўриладиган фойдани ва зарарни баҳолаб олиши керак.

Корпорация ўз қимматли қофозларини очиқ савдода сотишга таклиф этиши ва шу тариқа акционерлик жамиятига айланиши хусусида бир қарорга келишдан аввал бу тадбирнинг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил этиб чиқиши лозим. Бу тадбирнинг афзал томонлари қимматли қофозларни очиқ савдога қўйишидан олинадиган маблағдан қувватларни кенгайтириш ва такомилаштириш, қарзлардан қутулиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланишдан иборат.

Қимматли қофозларни дастлабки тарзда очиқ савдога таклиф корпорациянинг сармояни сарфлаш борасидаги келгуси фаолиятига ҳам кўмаклашади, яъни соф эмитент сармоянинг кўпайиши заёмни бирмунча фойдалироқ шаронгда жалб этиш имконини беради вა қимматли қофозларнинг бозорга киришишини ҳамда жамғарма биржасидаги ишларни енгиллаштиради.

Аҳоли учун ахборот. Корпорация қимматли қофозларни очиқ савдога таклиф этиш билан обрў қозониши ва ўз фаолиятини кенг тарғиб қилиши мумкин. Бу эса ишбилармонликининг ривожланишига кўмаклашади ва унинг рақобатчиларидан устун бўлишини таъминлайди.

Ходимларни рағбатлантириш. Очиқ акционерлик жамияти оддий акцияларни сотишга таклиф этса ёки бундай акцияларни кўпроқ сотиб олиш ҳуқуқини берса, уларни жамиятга жалб этиши, сақлаб қолиши ва рағбатлантириш осон бўлади. Ходимлар қў-

² Инвеститор — бирон-бир операцияга маблағ сарфлаш, капитал солиш.

* Проспект — реклама характеридаги савдо-сотиқ маълумотномаси.

шимча рафбатлантирилгач, акцияга эга бўлиш орқали корпорация фаолиятидан манфаатдор бўладилар.

Акциялардан фойдаланиш. Акционерлик жамияти бошқа компанияларнинг акцияларини сотиб олиш учун ўз қимматли қоғозларидан яхшироқ фойдаланишлари керак. Бунда у нақд ёки кредит ресурсларидан фойдаланиши шарт эмас.

Корпорация ўзига хос камчиликларга ҳам эга. Бу камчиликлар оқибатида корпорация назоратдан ва тадбиркорликдан маҳрум бўлиши мумкин. Қимматли қоғозларни очиқ савдога таклиф этиш тугаганидан кейин чиқарилган акция улушига қараб компания устидан назорат йўқолиши мумкин. Агар акцияларнинг кўп қисми сотилса, корпорация бошқа компанияга назорат ҳуқуқини бериб қўйиши мумкин.

Ошкора эълон қилиш. Таклиф муносабати билан тақдим этиладиган рўйхатга олиш тўғрисидаги аризага нисбатан талаблар жуда кўп. Корпорация очиқ акционерлик жамиятига айланганидан сўнг у қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ, ҳар йили ва йилнинг ҳар чорагида батафсил молиявий ҳисобот ва корпорациянинг умумий фаолияти тўғрисида ахборот бериб туриши керак. Акционерлик жамияти акциядорларга йиллик ҳисоботни бериб туриши ва акциядорлар овоз берадиган масалаларга тааллуқли овоз бериш учун ишонч қоғозини расмийлаштириши лозим.

Харажатлар. Таклиф қилишни расмийлаштириш учун кетадиган харажатларни, жумладан, жойлаштириш кафилларининг во-ситачилик ҳақини, ҳуқуқшунослар ва аудиторларининг гонорарини рўйхатга олиш ҳақини ва босиб чиқариш харажатларини эмиссия этувчи кўтариди. Бу харажатлар катта бўлиши мумкин. Корпорация очиқ акционерлик жамияти бўлгач, ҳисобот талабларини расмийлаштириш қўшимча харажатларни талаб қиласди. Бундан ташқари, оддий акциялар бўйича фойдани нақд тўлаш зарурати юзага келиши мумкин.

Бозорнинг тазиёки. Ўзининг қимматли қоғозлари билан савдо шароитларини сақлаб туриш ва яхшилаш юзасидан акционерлик жамиятининг тазиёки маъмуриятни коньюктурга позицияларидан туриб қарор қабул қилишга ва таваккалчиликдан ҳоли бўлишга мажбур ётади.

Қимматли қоғозларни сотувга қўйишга очиқ таклиф этиш учун шахслар танлаш. Компания қимматли қоғозларни сотувга таклиф қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши биланоқ, молия масалаларида тажрибали маслаҳатчини, тажрибали ҳуқуқшунос маслаҳатчини ва қимматли қоғозларни рўйхатга олиш ҳамда сотувга қўйишга таклиф қилиш ишида ёрдам бериш учун аудиторни таклиф қилиши лозим.

Инвестиция банки. Қондага кўра, корпорация, энг аввало, ўзининг инвестиция (сармоя) банкига (жамғармасига) эга бўлади. Бу жамғарма корпорациянинг молиявий маслаҳатчиси ва сармояни тарқатишнинг бош гаровидир.

Инвестиция банки қимматли қоғозларни таклиф этиш ва сармояни қарзга олишнинг бошқа имкониятларига нисбатан очиқ таклиф этиш мақсадга мувофиқлигига ёки мувофиқ эмаслигига ҳамда шундай таклиф билан бозорга чиқиш вақтини танлашга компанияяга кўмаклашади. Бундан ташқари, инвестиция банки ва компания акционерлик жамиятига айланишга тайёр ёки тайёр эмаслигига, бу таклифга инвеститорларнинг муносабати қандай бўлиши кераклигини аниқлайдилар. Бундан ташқари инвестиция банки ва компания бошқарувнинг сифати ва бошқарувчиларнинг билимдонлигини; бухгалтерлик ва ахборот системаларининг ҳолати; компания ва тармоқ кейинги пайтлардаги фаолиятининг натижаларини; компаниянинг истиқболи ва рақобат қобилиятини; бозорнинг мавжуд ва эҳтимол тутилган шарт-шароитларини баҳолайди.

Инвестиция банки корпорация ўз қимматли қоғозларини биржадаги, масалан, Нью-Йоркда бўлганидек, каталогга киритиши керакми ёки керак эмаслиги хусусида маслаҳат бериши ёхуд компьютер тармоғидан фойдаланиб, савдо системаси орқали сотишга келишиб олиш тўғрисида маслаҳат беради.

Инвестиция банки қимматли қоғозларни тарқатишнинг етакчи ёки бош кафили сифатида синдикат ёки бошқа молиявий ташкилотларни ўз ичига олган қимматли қоғозларни тарқатишнинг ваколатли гуруҳини ташкил этиши мумкин.

Инвестиция банки ва компания (ширкат) қимматли қоғозларни сотиш учун таклиф қилиш схемаси ва уларни жойлаш учун кафолат чоралари тўғрисида бир битимга келишиб олишлари лозим. Қимматли қоғозларнинг дастлабки йирик очиқ сотувга таклиф этилиши корпорация имзолаган қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисидаги битим доирасида, кўрсатилган шартли нарҳда олишни бўйнига олган шартнома шаклида бўлади.

Қимматли қоғозларни тарқатиш кафиллари оладиган нарҳ қимматли қоғозларнинг оммага сотишга таклиф қилинадиган нарҳидан арzonроқ бўлади, ҳар иккала нарҳ ўргасидаги тафовут қимматли қоғозларни жойлаштириш кафиллиги учун воситачилик ҳақини ташкил этади. Тарқатиш кафиллари қимматли қоғозларни сотиб олган пайтдан бошлаб ўз сармояларини омонат гаровга қўйган бўладилар. Кафиллар тарқатиладиган қимматли қоғозларни сотиб олишлари билан ўз сармояларини таваккалнга сарфлайдилар, бошқа инвесторлар қимматли қоғозларини сотишни тугатмагунча шундай бўлади ва кафиллар зиён кўришлари ёки воситачилик ҳақини кам олишлари мумкин. Қимматли қоғозларни тарқатиш кафили бўлган фирма мажбурияти кафолат беришdir, яъни бунда тарқатиш кафиллари сотувга қўйилган қимматли қоғозларни сотиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш мажбуриятини олади, сотилмаган қисми эса корпорациянинг ўзида сақланади.

Хуқуқий маслаҳат. Қимматли қоғозларни ва мажбуриятларни тартибга солиб турадиган қонунларнинг мураккаблиги сабабли

қимматли қоғозларни дастлабки тарзда сотишга таклиф этиши учун тажрибали ҳуқуқшуносни чақириш керак. У қимматли қоғозларни сотовуга қўйишга тайёрлашда ёрдам беради, «умумий инвенталашдан ўтказади», масалан, устав ҳужжатларини тайёрлайди ва тузатади, умумий ҳужжатларни тартибга келтиради, компаниянинг умумий тузилмасини таҳлил этади ва солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар беради.

Лозим тиришқоқлик (ғайрат). Қимматли қоғозларни жойлаштириш кафиллари ҳамда аудиторлар рўйхатга олиш тўғрисидаги арзнома ва проспект қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун талабларига аниқ ва тўла мувофиқ эканлиги ҳақида маълумотлаш тўплаш мақсадида «лозим тиришқоқлик» доираси ҳуқуқшунослар томонидан умумий ҳисоботлар, битимлар, лицензиялар, буюртмалар, савдо ишларни патент ва ишни олиб бориши учун бошқа зарур ҳужжатларни ҳамда судлов жараёнлари ва атроф-муҳитга эҳтимол таъсир кабутилмаган шароит ўзгаришлари таҳлилини; кафиллар ҳамда ҳуқуқшуносларнинг энг муҳим ишлаб чиқариш қувватлари таҳлилини; аудиторларнинг ширкат молия ҳисоботларини синчиклаб төширишини ўз ичига қамраб олади.

Таклиф қилинган ҳуқуқшунослар биринчи навбатда проспектга киритиладиган маълумотлар қисмини ва рўйхатга олиш жараёнини келинтириш учун жавобгардирлар. Бу эса ҳаммадан муҳим мидир.

Аудиторлар. Агар ширкат ёки компания аввалдан мустақида аудиторлар ёрдамига мурожаат қилмаган бўлса, у мурожаат қилиши керак. Чунки аудиторларнинг «лозим тиришқоқликни» төзишиширишлари давомида (молия ҳисоботларини проспектда эксперчамалашни тайёрлаш муносабати билан) ҳуқуқшунос ва жойлаштириш кафиллари биргаликда ишлашлари керак.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги арзномани тайёрлаш кўп вақт олади ҳамда ширкат (компания) раҳбарияти, ҳуқуқшунослар, жойлаштириш кафиллари ва аудиторларнинг ҳамкорлигини талақилади.

«Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги қонунга биноан рўйхатга олиш тўғрисидаги арзнома рўйхатга олиш намуна қоғозларид ёзилган бўлиши шарт. Рўйхатга олиш намуна қоғозлари тўлдириш керак бўлган хос қоғозлар эмас, балки дастуруламал ва инвестиция қилувчилар учун муҳим бўлган маълумотлар юзасидан саволлардир.

Проспект. Рўйхатга олиш тўғрисидаги арзноманинг асоси маълумотлари проспектда баён қилинади. Якунловчи босқичд проспект инвеститорлар ўртасида тарқатиш учун алоҳида китобч қилиб чиқарилади. Проспект тарқатиш кафиллари учун қимматли қоғозларни сотишга кўмаклашувчи самарали восита бўлиши вайни пайтда компаниянинг ҳам кучли, ҳам заиф томонларини очиб бериши сабабли проспект пухта ишланган бўлиши лозим

Одатда компаниянинг тадбиркорлигини ва мол-мулкига, шунингдек унинг молиявий аҳволини ҳамда амалга оширилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил этишга алоҳида аҳамият берилади. Бундан ташқари баланс ҳисоботларга, даромадлар ва кўрилаётган зааррлар ҳақидаги маълумотларга, молиявий маблағнинг ҳаракати ва у билан bogliq молиявий ишларга жиддий масала деб қараш лозим.

Рўйхатга олиш ва шу ҳақидаги аризани дастлабки тарзда курниш чиқиши. Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза тўлдириб бўлингандан сўнг, агар у компания раҳбариятида, хукуқшуносларда, тарқатиш кафиллари ва аудиторларда эътиroz тутдирмаса, у қимматли қоғозлар ва биржа ишлари билан шуғулланувчи комиссияга топширилади. Комиссия тушган аризани кўриб чиқади ва ахборотни эълон қилишнинг барча талабларига риоя қилинган ёки қилинмаганинги текширади. Жумладан, мазкур, комиссия бутун ахборот қанчалик муфассал ва аниқ берилганинги аниқлайди, лекин қимматли қоғозларни сотувга қўйиш хусусидаги таклифларни маъқуллаш керакми ёки керак эмаслиги хусусида қарор чиқармайди. Шу тариқа, инвеститорларнинг қимматли қоғозларни сотиб олишлари асосли эканлигига баҳо беради.

Қимматли қоғозлар тўғрисида штатлардаги қонунлар. Қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси ҳамда штатлар қимматли қоғозларни сотиш устидан бир хил юрисдикцияга эгадирлар. Мазкур комиссияга қимматли қоғозларни сотиш таклиф этиладиган ҳар бир штатда қўшимча равишда зарур рўйхатдан ўтиш талаб этилиши мумкин.

Айрим штатлардаги қимматли қоғозлар устидан назорат қуроллари қимматли қоғозлар ва биржалар комиссиясидан фарқли ўлароқ қимматли қоғозларни сотишга очиқдан-очиқ таклиф этиш қулагилигини назарда тутади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани ва самарадорликни узилкесил текшириш. Қимматли қоғозлар ва биржа комиссияси рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани дастлабки тарзда текшириб бўлгандан сўнг шарҳ-хат чиқаради. Унда рўйхатга олиш аризасига киритиш лозим бўлган қўшимча маълумотлар ва айрим изоҳлар берилади. Одатда комиссия ариза берилгандан кейин тўрт олти ҳафта ичida уни таҳлил этишини тугаллашга ҳаракат қиласи. Компания раҳбарияти, хукуқшунос-маслаҳатчилар, тарқатиш кафиллари ва аудиторлар шарҳ-хатга жавоб тайёрлаганларидан кейин аризага қўшимча тузатиш киритилади. Агар қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси рўйхат аризасига киритилган тузатишларни етарли, деб топса, ариза кучга кирган деб ҳисобланishi ва қимматли қоғозларни сота бошлаш мумкин бўлади.

Ариза кучга киргуича бўлган таклифлар. Рўйхатга олиш аризаси дастлаб берилганидан сўнг, қимматли қоғозларни тарқатувчи етакчи кафил шундай қоғозларни тарқатиш кафиллари синдикатини ташкил этади ва сотиш ишларини бошлаб юборади.

Шу муносабат билан тарқатиш кафили рўйхат аризасида баён

Этилган дастлабки проспектнинг нусхасини катта инвеститорлар ўртасида тарқатади. Бундан ташқари тарқатиш кафиллари кўпчиликни ташкил этадиган мажлисларда компания дирекциясининг аъзолари ҳамда манфаатдор инвеститорлар қатнашадилар. Бундан мақсад уларда таклиф этилаётган қимматли қофозларга ва биржаларга қизиқиши уйғотишдан иборат. Қимматли қофозларни тарқатиш кафилларининг вакиллари буюртмаларни йигадилар ва манфаатдор харидорларни аниқлайдилар. Бу буюртмалар мажбурий кучга эга эмас ва проспектнинг узил-кесил нусхасини олиш юзасидан энг катта инвеститорлар томонидан рад этилиши мумкин. Қимматли қофозларни сотиш фаолияти ариза кучга киргунга қадар қимматли қофозларни сотувга таклиф қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади, чунки бунда манфаатдор инвеститорлар доираси аниқланади ва тарқатиш кафилларига қимматли қофозларни сотиб олишга бўлган талабни баҳолаш имконини беради. Бу ахборот тарқатиш кафилларига компаниядан оддий акцияларни қанча ва қандай нархда сотиб олиш кераклигини аниқлашда кўмаклашади.

Ариза кучга киргандан кейинги савдо. Қимматли қофозлар ва биржалар комиссияси рўйхат аризаси кучга кирганлигини эълон қилишидан олдин корпорация ва тарқатиш кафиллари сотишга таклиф қилинаётган қимматли қофозларнинг нархи ва миқдори хусусида узил-кесил келишиб оладилар ва «андеррайтинг» деб аталган операцияни амалга ошириш тўғрисидаги битимни имзолайдилар. Рўйхат аризаси кучга кириши биланоқ тарқатиш кафиллари сотиш ҳақидаги тасдиқномани ва тузатиш киритилган проспект нусхасини юборадилар. Бу тузатишларни комиссиянинг шарҳ-хатидан кейин қимматли қофозларни сотиш юзасидан бошланган дастлабки компания чоғида буюртмаларни олган инвеститорлар киритадилар.

Башарти, сотиб олишга қизиқиши билдирган инвеститорлар қимматли қофозларни сотиб олишдан бош торсалар жойлаштириш кафиллари қимматли қофозларни бошқа инвеститорларга сотишга ҳаракат қилишлари лозим.

Ёпиқ таклифлар. Тарқатиш кафолати юзасидан қатъий мажбурият қабул қилинган тақдирда рўйхат аризаси кучга кирганидан 5—7 кун ўтгач ва «барча имкониятлар» шартлари бўйича кафолатли тарқатиш амалга оширилган пайтда рўйхат аризаси кучга кирганидан 60—120 кун ўтгач ёпиқ таклиф бўлади. Ёпиқ таклифда тарқатиш кафиллари корпорацияга сотиб олинган қимматли қофозлар нархини тўлайди, компания эса уларга қимматли қофозлар ўринини босувчи сертификатни топширади.

Жамғарма биржаси. Биржада қимматли қофозлар операцияси. Америкада хусусий ва корпорация корчалонлиги системасининг асоси сармоя бозорига таянади, бунда корчалонлар эркин молиявий заҳираларга — сармояга эга бўлган ва уни ҳар қандай йўл билан тижорат ишига сарфлашга ҳаракат қиласидиган шахслар орасидан инвеститорларни топадилар.

АҚШда жамғарма биржаси, яғни муайян жойда белгиланған бозор қоидаларига күра доимий ишлайдиган биржа ана шундай сармоя бозори ҳисобланади, бу бозорда қимматли қоғозлар савдоси амалга оширилади.

Хөзирги вақтда жамғарма биржаси шундай бир бозорки, у орқали саноат, савдо хизмат соҳаларига ва иқтисодиёттинг бошқа тармоқларига узоқ муддатли маблағлар ұтказилади. Ривожланған биржа шароитида ҳатто қисқа муддатта эркін ҳисобланған сармоялар ҳам узоқ муддатли иншоотларга сарфланади. Бошқа томондан қимматли қоғозларнинг згалари бұлмиш инвесторлар ҳар қачон бу қоғозларни пулға сотиш ёки шунинг устидан банклардан қарз олиш имкониятiga әга бұладилар. Сармоянинг мунтазам ҳаракати ва ўз молиявий захираларини қимматли қоғозларға айлантираётган инвесторлар таркибидеги үзгаришлар натижасыда ҳам турли тармоқлар ва иқтисодиёттинг хилма-хил соҳалари үртасыда сармоялар тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Биржада иккى хил қимматли қоғоз муомалада бұлади, яғни корпорацияларнинг акциялари ва ҳукумат, муниципалитет ва корпорациялар чиқарадиган облигациялар.

Биржа операцияларда қонууга мувофиқ келадиган, муайян талабларга мос бұлған қимматли қоғозлардангина фойдаланилади. Бироқ биржаларда, хусусан Нью-Йоркдаги жамғарма биржаларда, қонууга құшымча равища корпорациянинг қимматли қоғозларидан биржа операцияларда фойдаланишга рухсат берувчи қоида бор. Муайян даромадға, тегишли активларға, операция ҳажміга әга бўлиш, шунингдек мазкур корпорациянинг акцияларига инвеститорларнинг қизиқиб қараши корпорацияларға нисбатан қўйилган шундай талаблар жумласидан. Корпорация ҳам мазкур биржада мавжуд бұлған биржа операциялари бўйича қоидаларга риоя этишга розилик берниши лозим.

Ким инвестор бўла олади? Биринчидан, тижорат банклари, холдинг (инвестиция) компаниялари, пенсия жамғармалари, турли корчалонлик корпорациялари, дорилфунунлар ва, иккинчидан, хусусий омонатчилар биржадан қимматли қоғозларни сотиб оладилар. Хусусий омонатчилар биржа ишларидан иккى хил усулда қатнашишлари мумкин, яғни қимматли қоғозларни мустақил равища сотиб оладилар, ёки инвестицияда билвосита йўл билан — пенсия жамғармалари ёки капитал маблағни ўз керакли жойига сарфлайдиган бошқа құшма жамғармалар воситачилигida қатнашадилар. Биринчи ҳолда ҳам, иккинчи ҳолда ҳам америкалик ва хорижлик инвеститорлар биржа операцияларда фақат брокер фирмалари ёрдамидагина қатнаша оладилар. Инвестицияларни сотиб олишда омонатчилар иккى мақсадни, яғни узоқ муддатли маблағ сифатида қимматли қоғозлар мажмuinи вужудға келтириш ёки курснинг фарқ қилишидан фойда олиш учун акциялар курсини индексациялаш асосида биржа операцияларда қатнашишни кўзлайдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сармояни қимматли қоғозларға айлантириш, гарчи таваккалчилик иши бўлса-

да, омонатчиларга барқарор ва доимий даромад келтириши, бу эса инфляция индексидан 2—3 баравар ошиб кетиши мумкин.

Жамғарма биржасин ташкил этиш. АҚШда жамғарма биржалари аъзолари сони чекланган корпорация сифатида тузилади ва фаолият кўрсатади. Уларнинг ўз устави бўлади. Шунга кўра, биржа аъзоларининг таркиби ва уларни аъзоликка қабул қилиш шартлари, биржани ташкил этиш, бошқариш, унинг ва унга қарашли идораларининг вазифалари белгиланади.

Одатда брокер компаниялари биржанинг аъзолари ҳисобланадилар. Улар қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш юзасидан ўз мижозларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар, лекин ўз ҳисобларидан биржа операцияларини амалга оширишлари ҳам мумкин. Брокер компаниялари операцияларни ёз хизматчи брокерлари ёрдамида, ҳам биржадаги мустақил бўлмаган брокерлар ёрдамида бажарадилар. Инвеститорлар биржа операциясидағи акцияни сотиб олишини ёки сотишни хоҳласалар, улар олди-сотди билан шуғулланувчи брокерларга мурожаат қиладилар.

Брокерлар мижознинг топширигини икки хил усулда бажаришлари мумкин: брокер компаниясиини (ёки унинг ваколатли аъзосини) хабардор қилишлари мумкин. Мазкур компания битимни расмийлаштириб, мижознинг топширигини ҳам бажаради. Битим имзоланганидан кейин унинг натижалари ЭҲМ таблосида акс этади.

Битим тузишининг бошқа шакли ҳам мавжуд: мижознинг топширигини брокер компьютер системаси орқали расмийлаштиради, компьютер битимиши, шунингдек бундан хабардор қилган брокер компаниясини рўйхатга олади. Буларнинг ҳаммаси ЭҲМ таблосида ўз аксини топади.

Брокер компаниялари қимматли қоғозларнинг олди-сотисидан ташқари, ўз мижозларига қарз беради, уларнинг тўлов қобилиятига кафолот беради, шунингдек ҳакамлик битимларини амалга оширади, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча биржада қимматли қоғозларнинг олди-сотиси билан шуғулланади.

Брокерлардан ташқари, биржалардаги операцияларни у ерда ишлайдиган дилерлар (ўз ҳисобидан биржа ёки савдо воситачилигини амалга оширадиганлар) бажаришлари мумкин. Улар биржа мижозлари билан брокер ўртасида воситачилик қиладилар. Дилерлар одатда бир неча вазифани бажарадилар. Биринчидан, котирузли қимматли қоғозларнинг нархи ва улар билан амалга оширилаётган битимлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни йигадилар; иккинчидан, мижоз билан белгиланган нарх юзасидан бир битимга келиш учун брокерларнинг топшириқларини бажарадилар; учинчидан, қимматли қоғозларнинг қадрини сақлаб туриш учун ўз ҳисобларидан ана шу қимматли қоғозларнинг олди-сотиси билан шуғулланадилар; тўртинчидан, харидорлар билан сотувчилар ўртасида алоқа ўрнатилишига кўмаклашадилар.

Брокерлар ёрдамида мижозлар билан тузилган битим расмийлаштирилганидан кейин, қимматли қоғозлар дарҳол сотувчидан

харидорга ўтади. Харидорнинг ҳисоб счётидан харидга мувофиқ доллар эквивалентига яраша дебит қилинади, айни пайтда сотувчи ҳисобидан сотилган акциялар сони ўчирилиб, тегишли миқдорда кредит берилади.

Бу ишлар одатда компьютер ёрдамида автоматик тарзда амал га оширилди. Харидор брокер фирмасидан битим тасдиқланганиги хусусида акция учун сертификат олади. Сертификат харидор қимматли қофозга эга бўлганлигини тасдиқлайди. Ушбу қимматли қофозлар брокер компаниясида сақланиши ва уларни сотиб олган киши ўз хоҳиҷича фойдаланиши мумкин. Сотувчи ҳам, сотиб оловучи ҳам битим қонунга мувофиқ тузилганлиги устидан назорат қилинишини таъминлаш учун битим ҳақида биржа комитетини хабардор қилиши лозим.

Биржа операциялари. Одатда мижозлар битим тузилаётган пайтда битимнинг ўзлари учун қулайроқ бўлишини таъминлашни ўз брокерларига топширадилар. Бундай битимнинг бир неча тури мавжуд. Масалан, «лимит», «стоп» «опцион» ва ҳ. к. Бу хилма-хиллик мижозларга қимматли қофозларнинг қадри ўзлари учун қулайроқ тарзда ўзгарган пайтда битим тузиш имконини беради. Масалан, харидор брокерга қимматли қофозларни фақат «лимит» битими асосидагина, яъни унинг қиймати муайян даражадан пасабиб кетган пайтда сотиб олишни, қиймати ўзлари айтган даражадан ошганида эса сотиб юбориши топширади.

«Стоп» битими бўйича эса сотувчи қимматли қофозларни ўзи учун қулайроқ ишрхда, лекин муайян даражадан паст бўлмаган парҳда сотишни, харидор эса муайян даражадан қиммат бўлмагандан сотиб олишини топширади.

«Опцион». Бундай битим инвесторга белгиланган муддатда қимматли қофозларни муайян нарҳда сотиш ва сотиб олини ҳуқуқини (лекин мажбуриятнин эмас) беради. Бунда харидор битимда кўрсатилган қимматли қофозлар нархи ошишини кутади ва уларнинг қийматидаги ўзгариш муносабати билан фойда (мукофот) олишга умид қиласди. Бошқа томондан, сотувчи мазкур қимматли қофозларнинг нархи пасайишини кутади ва битим тузиш чоғида ҳамда уни амалда бажариш лайтида қўзда тутилган қийматдаги фарқдан даромад олиши мумкин. «Опцион» битимлардан кўпинча қийматдаги тафовутни олиш ёки акциялар қийматининг кескин ўзгариб турishi чоғида биржа мижозларини моддий зарар кўришдан сақлашда фойдаланилади.

«Фьючер» (келажак) битими. Бу томонлар уртасида муайян қимматли қофозларни келгусида қатъий белгиланган вақтда олди-сотди қилиш тўғрисидаги битимдир. Товар биржасидаги фьючер битимидан фарқ қиласидиган жамғарма биржасидаги шундай битимлар одатда битим тузилган пайтдан ва уни тўхтатиш бўйича белгиланган кундан бошлаб қийматдаги фарқлар тўланиши билан тугайди.

Масалан, қимматли қофозларнинг фьючер битимида кўзда ту-

тилган қиймати агар ошса, харидор ютади ва сотувчидан мукофот олади. Қиймат тушиб кетса мукофотни сотувчи олади.

Ҳакамлик битимлари. Бундай операциялар турли биржаларда қимматдаги фарқ муносабати билан даромад олишга қаратылған. Қимматли қоғозларни сотиб оловчы уларни қиймати пастроқ биржадан харид қилади ва дархол қиймати юқоригоқ бұлған бошқа биржаларда сотади. Ҳакамлик битимлари қиймати паст биржаларда қимматли қоғозларға талабни ва қиймати юқоригоқ биржаларидә күпроқ таклиф этиш талабини вужуда келтиради. Натижада турли биржаларда қимматли қоғозларнинг қиймати бара-варлашади.

Түркүм битимлар. Баъзи биржаларда, хусусан Нью-Йоркдаги жамғарма биржаларидә 500 номдагы 126 мингта акцияни үз ичита олган қимматли қоғозлар түркүмінде битим тузиш имконияти назарда тутилади. Уларнинг нархи ҳар бир қимматли қоғоз сотилтан кундаги қиймат билан белгиланади. Бундай битимлар жуда бақувват харидорларға ва узоқ муддатлы инвестицияларға мұлжалланған. Бундай битимларни оловчилар дивидент олиш ва акциядорлар учун күзда тутилған овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қимматли қоғозларнинг қиймати. Бу қимматли қоғозлар нархи билан бөғлиқ битим ҳисобланади. Бу битим ана шу қимматли қоғозлар келтирадиган даромадни олиш ҳуқуқини қўлга киритиши операциясидир. Қимматли қоғознинг қиймати ва нархи дивидент ёки унга тўланадиган фоизи ошган сари кўтарилаверади ва камайған сари пасайиб боради. Умумий иқтисодий коньюктура, қимматли қоғозлар бозоридаги аҳвол, уларга нисбатан талаб ва таклифлар ҳамда айниқса банк фоизининг даражаси ҳам қимматли қоғозларнинг биржадаги қийматига таъсир ўтказади. Қимматли қоғозларни сотиб олиш маблагни банк депозитиви ёки қарз бериш шаклида тўплаш билан тенгдир, чунки ҳар иккала ҳолда ҳам инвестор бизнесни йўлга қўймасдан туриб даромад олади. Коньюктура омилларидан ташқари, қиймат нархи одатда қимматли қоғоз келтирадиган даромадга бевосита тенг бўлади ва аксинча бўлған ҳолатда қарз фоизига тенглашади. Шуни назарда тутиш керакки, оддий акцияларнинг қиймати тез-тез ўзгариб туради, имтиёзли акциялар ва даромади қайд этилган облигацияларнинг қиймати эса анча барқарор бўлади.

Биржа индекслари. Жамғарма биржасида қимматли қоғозлар қийматининг индекси муайян гуруҳдаги акция ва облигациялар нархидаги ўзгаришларни акс этириувчи кўрсатгичdir. Улар муайян қимматли қоғозларнинг катта миқдорига, уларнинг алоҳида турларига асосланади.

Биржада назорат этиб туриладиган ҳар бир акция қиймат нархининг индекси унинг биржадаги қийматини у ерда қайд этилиб чиқарилган акциялар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади, кейин аниқланган сон акция номинали деб қабул қилинган сонлардан бирига бўлинади. Мужассам биржа индекси (кўрсатгичи)

Шу күрсатгични ҳисоблаш учун танланган қимматли қоғозларнинг жами замирида барча қимматли қоғозларнинг 1965 йил 31 декабрда бўлган ўртacha баҳосини акс эттирувчи рақам — 50 га тенг бўлган асосий биржа қийматига нисбатан аниқланади.

Муайян вақтда акциянинг ўртacha қийматини акс эттирувчи Доу-Жинс индекси яхши мъълум. Индекс 30 та машҳур компаниянинг биржада аниқланадиган акциялари қиймати асосида ҳисобланади ва у муайян пайтда қимматли қоғозлар бозоридаги аҳволни акс эттиради. Жамғарма биржаларида қиймати аниқланадиган барча қимматли қоғозларнинг индекси ҳисобланади ва улар эълон қилиб борилади, ўзгаришлар билан эса брокер фирмасида танишиш мумкин. Иқтисодиётнинг айрим шўъбалари, масалан, саноат, транспорт, хизмат, молия ва бошқа соҳалари бўйича индекслар ҳисоблаб чиқилиб, эълон қилиниши мумкин. Нью-Йоркдаги жамғарма биржасида шундай қилинади.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Акцияларга обуна бўлиш, корпорациядан тарқатилмаган акцияларни сотиб олиш, акцияларни бошқа акциядорларга бериш ёки жамғарма биржасида акциялар сотиб олиш йўли билан акциядор бўлиш мумкин.

Ташкил этилган ёки ташкил этилиши лозим бўлган корпорациянинг акционерлик сармоясининг муайян миқдордаги улушини кабул қилиши ва тўлашни таклиф этиш акцияга обуна бўлишdir (агар корпорация ҳали ташкил этилмаган бўлса, бу усул акциядор бўлиш учун бирдан-бир ягона йўл ҳисобланади). Акцияга обуна бўлиш таклифdir. Таклиф эса корпорация томонидан қабул қилинганидан кейингина шартномага айланади. Шу пайтдан бошлаб обуначи акциядор ҳисобланади. Бунда обуначи акцияга этажлик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги сертификатни олмаганлиги ва унинг нархини тўлаган-тўламаганлигининг аҳамияти йўқ.

Акцияни сотиб олиш шартномаси. Бу шартнома обуна бўлишдан анча фарқ қиласди. Акцияни сотиб олиш тўғрисидаги шартнома келажакда бажариладиган шартномадир. Ўнга кўра акциядор бўладиган харидор шахс ҳам, корпорация ҳам келгусида муайян ҳаракат қилиш мажбуриятини оладилар. Харидор акцияни сотиб олиш, корпорация эса сотиш мажбуриятини олади. Харидор акциянинг харид нархини тўлаб, акция қўлига текканидан кейингина акциядор бўлади. Агар харидор харид нархини тўламаган бўлса, корпорация унга қарши шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун суд ишини қўзғайди. Агар корпорация акция беришдан бош тортса, харидор судга мурожаат этиши мумкин. Башарти, шартнома бажарилмаса, харидор одатда акциядорман, деб даъво қўила олмайди, унинг акцияга ёки эълон қилинган дивидентга эга бўлиш ҳуқуқи бўлмайди.

Шахс акцияга обуна бўлдими, акцияларни сотиш тўғрисидаги шартнома кучга кирдими — буларни дивидентларни тўлаш нуқтаи-

назаридангина белгиламаслик керак. Мазкур шахс акциядорми ёки акциядор эмасми, корпорациянинг кредитор олдидаги масъ улиятини белгилаш чоғида билинади.

Акциялар чиқарилгач, корпорация улар қийматининг эквивалентини олиши керак. Бу эквивалент турли шаклларда бўлиши мумкин: һақд пул, мол-мулк, товарлар ёки хизматлар шаклида. Номинал қиймати кўрсатилган акциялар, йўқ деганда, ана шу номинал қийматида чиқарилиши керак; акс ҳолда номинал қиймат билан нарх ўртасидаги ўзи тўлаган корпорациянинг тўлов қуввати бўлмаса, харидор фарқ учун жавобгар бўлади. Номинал қиймати кўрсатилмаган акциялар ҳар қандай нархда чиқарилиши мумкин.

Акцияларни бериш. Акциялар чиқарилганидан кейин улар бир акциядордан бошқасига берилиши мумкин. Бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлмаса, акциялар ҳар қандай кўчириб бўладиган номатериал мулк сингари ҳуқуқларини камайтириш, гаровга бериш ёки сертификатнинг ўзини бериш орқали топширилиши мумкин. Бироқ бу иш одатда қонун билан тартибга солиб турилади ва штатларнинг кўпчилиги сертификатда бошқага бериш хусусидаги ёзув (индоссамент) бўлиши зарурлигини ҳамда акцияларни амалда қандай бериш кераклигини белгилайди. Акцияларни бериш тўғрисидаги ёзув билан бирга акцияларнинг баҳосини камайтириб, сўнгра бошқага бериш ҳақидаги алоҳида ҳужжатни расмийлаштириш ҳам мумкин (бир қанча штатларда акцияларни амалда бериш мажбурий эмас ва акцияларга эга бўлиш ҳуқуқини бошқага бериш хусусидаги ёзув ёки индоссамент йўли билан топшириш мумкин).

Акцияларнинг топширилишини корпорация китобида расмийлаштириш. Янги акциядорнинг ҳуқуқларидан бири акциянинг берилиши корпорациянинг китобида қайд этилиши керак. Кичикроқ корпорацияда акцияларни бериш, бекор қилиш ва янги сертификатларни чиқариш борасидаги барча ишлар учун котиб масъул шахс ҳисобланади. Йирик корпорацияларда бундай операциялар анча мураккаброқ бўлади ва кўп вақтни талаб этади.

Шу боисдан, кўпинча акцияларни бериш билан шуғулланувчи мустақил воситачилар ёлланади. Улар акцияларни топшириш, эскиларини бекор қилиш ва янги сертификатларни чиқариш борасидаги барча ишларни кузатиб борадилар. Акциядорларни кунда ҳисобга олиш, дивидентларнинг тақсимланиши, акциядорларни хабардор қилиш ва бошқа ишлар ҳам улар зиммасидадир.

Акцияларни нотўғри топширишнинг оқибатлари. Акциялар бир кишидан бошқасига индоссамент ёки амалда топшириш йўли билан берилади. Қалбаки индоссаментнинг оқибатлари қандай? Қалбаки индоссаментли сертификатни сотиб олувчи шахс акцияга эгадор бўлиши ҳуқуқини ололмайди; чинакам акциядор акцияга эга бўлиб қолаверади. Шуни таъкидлаш керакки, индоссамент икки хил шаклда амалга оширилади. Акция берувчи шахс (индоссант) акция сертификатига муайян томоннинг номини ёки акция бери-

лаётган шахснинг номини ёзиб ёки ёзмасдан, сертификатни имзолаб, топшириши мумкин. Акция олувчи шахснинг номи ёзилмаган сертификат бланкли индоссамент дейилади. Бундай йўл билан бериладиган акция сертификатининг айланма хужжатларга хос бўлган жиҳатлари бор. Шундай сертификатга эга бўлган шахс (уни топиб олган шахс ёки ҳатто ўғри) уни ҳалол харидорга сотиб юбориши ва шу тариқа уни акциядорлик ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин.

Нархи тўланмаган акцияни бериш. Нархи узоқ муддатда тўлаидиган ва бутунлай тўлаимаган акцияни сотиб олиб, уни бошқача бериш мумкинми? Сертификатда бошқа маҳсус чеклашлар кўрсатилган бўлмаса, бу ишин қилиш мумкин. Акцияларни бериш тўғрисидаги ягона қонунга мувофиқ, корпорация чартерида ёки уставда агар акциянинг пули тўла тўланмаган бўлса, акцияни беришни рўйхатдан ўтказмаслик ҳуқуқини берувчи банди бўлиши мумкин. Агар бундай қоида кўзда тутилмаган бўлса, ёки умуман бўлмаса, лекин корпорация акция берилганини қайд этган бўлса, у ҳолда индоссант навбатдаги тўловларни тўлашига ҳақли эмас. У, умумий қоидага кўра, акцияни бериш расмийлаштирилгунинг қадар эълон қилинган дивидентга эга бўлиш ҳуқуқигагина эга бўлади (агар дивидент акция топширилган кундан кейин тўланиши керак бўлса ҳам), акция бериластган шахс (индоссант) эса акция берилганлиги расмийлаштирилганидан кейингина эълон қилинган дивидентни олиш ҳуқуқига эга.

Акциядорларнинг ҳуқуқлари. Корпорация акциядори акционерлик сармояси бир қисмининг эгасидир ва у шундай ҳуқуқка кафолот берувчи сертификатни олади. Бундан ташқари, акциядор овоз беришда қатнашиши, акция нархи тўланганлиги эълон қилингач дивидент олиши, корпорация китобларини кўздан кечирни ҳуқуқига эга, корпорация тугатилганида эса унинг активлари бир қисмини олади. Янги акциялар чиқарилганида, уни бошқа шахсларга таклиф этишдан олдин ана шу акцияларни сотиб олиш ёки унга обуна бўлиш ҳуқуқига эга. Агар бирон-бир қоида бузилишларига йўл қўйилган бўлса, акциядор якка ҳолда ёки корпорация номидан шунга ярашা ҳаракат қилиши мумкин. Ниҳоят, озчиликини ташкил этувчи акциядорлар акциядорлар таркибидан чиқишли мумкин.

Корпорация ҳар бир харидорни тегишли даражада расмийлаштирилган гувоҳнома (сертификат)³ билан таъминлаши керак. Агар сертификат ўғирланса ёки йўқолиб қолса унинг оқибатлари қандай бўлади? Бундай ҳолларда фактни тўла тасдиқловчи қасамёд остидаги (аффидавит) ёзма тасдиқнома бўлиши ва агар дастлаб берилган сертификат ҳалол, қонуний харидорнинг қўлига ўтиб қолган бўлса, корпорацияни жавобгарликдан ҳоли этувчи мажбурият қайд этилиши лозим. Агар буларнинг ҳаммаси қилинган

³ Йилгари айтиб ўтилганидек, савдо-саноат амалиётида бу сертификатни кўпинчча акция деб атасади.

бұлса-ю, корпорация барып янги сертификатни берішдан бош тортса, у қолда харидор мулкка әгадор бўлиш ҳуқуқини мажбурий тарзда тиклаш учун судга мурожаат этиши мумкин.

Акциядор ўзининг овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш йўли билан корпорация фаолиятига раҳбарликда қатнашади. Бундай ҳуқуқ штатларнинг қонунлари, корпорация мақоми берилганлиги тўғрисидаги сертификат ва устав билан белгиланади. Қоидага кўра, бошқарувга доир оддий масалалар директорлар ва ходимлар кенгашининг қўлида бўлади. Акционерлар директорлар кенгашини сайлайдилар, лекин танламайдилар. Директорни директорлар бошқаруви таркибиغا кирувчи директорларнинг ўзлари мазкур лавозимга номзод кўрсатиш йўли билан сайлайдилар. Корпорация фаолиятидаги муайян хатти-ҳаракатлар унинг структурасига туб ўзгаришлар киритиши мумкин. Бундай хатти-ҳаракатларни акциядорлар тасдиқлайдилар. Акционерлик сармоясининг кўпайиши ёки камайиши, корпорациянинг бош идораси бошқа жойга кўчирилиши, корпорациянинг мол-мулкини гаровга қўйиш, бошқа корпорация билан қўшилиб кетиш ва унинг фаолияти тўхтаб қолиши шундай ўзгаришлар жумласидандир.

Акционерлар йиғилишига бормасдан туриб, овоз беришда қатнашлари мумкин. Лекин овоз бериш акционерларнинг йиғилишида ўтказилади. Бундай мажлислар доимий ва фавқулодда бўлиши мумкин. Уставда ёки корпорацияга мақом берилганлиги тўғрисидаги сертификатда кўзда тутилган йиллик йиғилиш доимий йиғилиш дейилади. Акционерлар тасдиқлаши лозим бўлган маҳсус масалалар юзасидан эса фавқулодда йиғилишни чақириш мумкин.

Мажлис ўтказиладиган кун, вақт, жой масалалари ва бошқа масалалар чarterда ва уставда кўзда тутилган бўлади. Акционер мажлисни ўтказниш вақти, жойи ва кун тартиби ҳақида хабардор қилинади. Кичикроқ корпорациялар мана шундай хабардор қилишдан акционерларнинг розилиги билан бош тортса, хабарномаларни тарқатмаслиги мумкин. Хабарномани олмаган акционер йиғилишда қатнашаётганлигига қарамай хабарномадан воз кечган акционер деб ҳисобланади. Корпорация мақоми берилганлиги тўғрисидаги сертификатда турли хил акциялар эгаларига овоз берисда муайян имтиёзлар кўзда тутилган (кўпинча оддий акциядорларга ҳам овоз беришда қатнашиш ҳуқуқи берилади). Бироқ оддий ёки имтиёзли акцияларга эга бўлган акциядорлар овоз беришда баб-баравар қатнашадилар.

Корпорацияда эса белгиланган муддатга китобда қайд этилган акционерларгина овоз беришга қўшилиши мумкин. Акциялар бўйича жуда катта савдо битимлари тузиладиган катта-катта корпорацияларда акциядорлар муттасил камайиб боради, рўйхатга олишнинг узил-кесил санаси белгиланади. Бу эса акциядорларнинг йиғилишигача бўлган муайян вақтда акцияларни бериш китобидаги ёзув тўхтатилганлигини билдиради. Корпорация ана шу санадан кейин китобда рўйхатга олинган акциядорнинг овоз беришда қатнашишини тап олмайди. Акцияни сотиб олган акциядор-

га ва акцияни берган акциядорга келганды, шуны айтиш мүмкін ки, биринчи акциядор иккінчисини шундай вазиятда ұз талабларынан мувофиқ овоз беришга мажбур эта олади.

Директорлар кенгашынан сайлов акциядорларнинг энг муҳим вазифаларидан бири дидир. Құпинча акциядорларға директорларның сайлаш учун номзодларнинг иккита рўйхати берилади. Оддий овоз беришда акциядорлар битта рўйхат учун овоз берилади. Мумкин. Агар кумулятив овоз бериш кўзда тутилса, у ҳолда ҳар бир акциядор битта ёки бир нечта директор учун үз овозини бериши мумкин. Шундай қилиб, озчиликни ташкил этувчи акциядорларға үз овозларини бирлаштириб, бир ёки бир неча вакилни кенгашга сайлаш ҳуқуқи берилади.

Масалан, икки акциядор уч нафар директорни сайлаши мумкин, боз устига акциядорлардан бирида тўқсonta, бошқасида олтмишта акция бор. Оддий овоз беришда номзодларнинг бутун рўйхати жуда кўп акцияга эга бўлган акциядор томонидан сайланади. Бу акциядор кумулятив овоз беришда $90 \times 3 = 270$ овозга эга бўлиши мумкин. Иккінчи акциядор $60 \times 3 = 180$ овоз олиш ҳуқуқига эга. Бу 180 та овоз камида битта директорни сайлаш учун бемалол етарлидир. Ана шу мисолдан озчиликни ташкил этувчи акциядорлар нима учун кўпинча кумулятив овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишга интилишлари кўриниб турибди. Шу боисдан фирма раҳбарияти кўпинча кумулятив овоз беришга қарши зўр бериб курашади. Директорлар кенгашыда озчилик акционерларнинг вакиллари бўлиши бирликни бузади ва иш самардорлигини пасайтириб юборади, деган фикрлар бор. Турли штатларда кумулятив овоз бериш масалалари хусусида хилма-хил қоидалар мавжуд. Баъзи штатларда кумулятив овоз бериш мажбурий бўлса, бошқаларида уни шунчаки ўтказиш мумкин.

Акциядорлар, айниқса йирик корпорацияларнинг акциядорлари йиғилишларга боринини ва овоз беришда қатнашишларни ёқтиришмайди. Қўпинча бундай акциядорлар учун ишонч қоғози бўйича овоз бериш усули кўлланилади. Ишонч қоғози акциядор муайян шахсга, унинг номидан овоз беришда қатнашиш ҳуқуқи учун берган ваколатдир. Рўзномаларнинг саҳифаларида Америкадаги йирик корпорациялардан бирида кўироқ ишончга сазовор бўлишга интилаётган, икки томон ўргасида овоз олиш учун кураш қандай бораётганлиги тўғрисидаги қизиқарли мақолаларни тез-тез ўқиши мумкин. Штатларнинг қонуулари ва қимматли қоғозлар ҳамда биржа операциялари комиссиялари ана шундай ишончномаларни тўплаш, ишонч қоғозларининг, унга илова қилинадиган аризаларнинг шакли юзасидан қатъий қоидалар белгилаганлар.

Ташкилот устидан назорат қилиши учун акциядорларни гурухларга бирлаштиришининг турли хил усулларни бор. Овоз бериш учун пулларнинг вужудга келтирилиши шундай усуллардан бири дидир. Пул — акциядорларнинг муайян қисми ўртасидаги битим-

дир. Үнда мұайян режані амалға ошириш учун биргаликда овоз бериш күзде тутилади. Агар бундай битим ноурын мақсадларга ійнәнтирилған бўлса, у ҳолда у ҳуқуқий кучга эга бўлмайди ва бажариш учун мажбур қилинмайди. Овоз бериш трести бирмунча мураккаб механизмдир. Турли акциядорлар ўз акцияларига эгалик қилиш тўғрисидаги ҳужжатни ишончли шахсга, у овоз беришда қатнашиши учун берадилар. Акция ана шу ишончли (ваколатли) шахс номига қайд этилади, бу шахс, ўз иавбатида, ҳар бир акциядорга шартномавий фойда тўғрисидаги сертификатни ёки овоз бериш учун трестнинг сертификатини беради. Бу эса акциядорларга трест тутгатилганидан кейин ўз акцияларини ва дивидентларини ваколатли шахсга тўланганидан кейин қайтариб олиш ҳуқуқини беради. Бундай трестлар бўйича битимлар агар ўз олдига ғайриқонуний ёки ҳуқуққа зид мақсадларни қўймаган бўлса, бажариш учун мажбурийдир. Шу нарса ҳам белгиланганки, трестлар жуда узоқ вақт фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Корпорациялар тўғрисидаги ягона қонунда трестларнинг ишлаши учун кўпі билан ўн йил белгиланган.

Акциядор корпорациянинг даромадларида қатнашади, дивидент олади. Акциядорлар дивидентдаги ўз улушларини тенг миқдорда оладилар. Дивидент, тўловнинг тартибига кўра, досими ёки қўшимча тарзда берилиши мумкин. Лекин компаниянинг даромадлари ва фойдаси тўғрисидаги умумий қоидаларни директорлар кенгаши кўриб чиқиб эълон қўлмагунича акциядор дивидент ололмайди. Дивидент фақат даромад ҳисобига туланади (улар мажбуриятлар ва акционерларнинг сармоясидан активларнинг ошиб кетганлиги деб изоҳланади). Бир неча штатларда дивидентни, ўтган йиллардаги фаолият чорида вужудга келган камомад борлигига қарамай, жорий йилдаги соф даромаддан тўлашга рухсат этилган. Лекин бу жуда кең тарқалмаган.

Дивидент тўлаш учун даромад нақд пул бўлиши шарт эмас. Агар даромад бошқа шаклда бўлса, кўпгина штатларда корпорациялар дивидент тўлаш учун шахсан қарз олиши мумкин. Ва бу нақд пул билан тўланиши, акциялар ёки мол-мулк тарзида тўлалиши (масалан, виночилик корпорацияси дивидентни виски тарзида тўлайди), шунингдек алоҳида гувоҳномалар тарзида (нақд пул, акциялар, облигациялар ёки мулкни олиш ҳуқуқини берадиган сертификатлар) тўланиши мумкин.

Гувоҳнома тарзидаги дивидентдан директор кенгаши мулк шаклида олинган даромаддан дивидент тўлашни эълон қилганида фойдаланилади. Бунда кенгаш тез орада мулк сотилишини, тушган пул эса дивидент тарзида тақсимланишини кутади. Сертификат акциядорга мулкни четда сотишдан тушган нақд пулларни тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқини беради (буни мулк билан тўланадиган дивидент билан чалкаштирмаслик керак). Баъзида сертификатлар ҳам фойда келтириши ва у қимматли қофозларга ёки облигацияларга айланиши мумкин.

Нақд пул билан әмас, балки мұлк тарзида тұланадиган дивидент күпинча мазкур корпорация құлида бўлган бошқа корпорациянинг қимматли қарзи тарзида тұланади. Бир қанча штатларда акциядорларга, айниқса имтиёзли акцияларга эга бўлганларга дивидентнинг нақд пул билан тұланишини талаб этиш ҳуқуқи берилади.

Аксарият штатларда корпорацияларга дивидентни акциялар билан тұлашни әълон қилишга рухсат этилған, бир қанча штатларда эса әълон қилингандың үша акциялар билан дивидент тұланади. Масалан, имтиёзли акцияларга дивидент имтиёзли акциялар билан, оддий акцияларга дивидент оддий акциялар билан тұланади. Шу сабабы дивидент тұлашнинг бошқа шаклларидан фарқи ўлароқ, акциялар шаклидаги дивидентдан даромад солиғи олинмайды.

Тахмин қилиб құрайлық, дивидент ғайриқонундай тарзда сармоя ҳисобидан тұланди. Бундай ҳолда корпорация жазога тортилади. Ми? Ҳа, керакли миқдор суд орқали ёки ҳатто суд қарорига мувофиқ кредитор орқали, мұлкни бошқараётган киши орқали, иш күраётган қонуний ворис ёки корпорация бой бўлмаса ваколатли мұлк әгаси орқали тортиб олинади.

Акциядор корпорациянинг китоблари ва ҳужжатларини күриб чиқиши ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ умумий ҳуқуқдан келиб чиқади. Зотан, турлы штатларда қонунлар бир хил бўлмаса-да, қатор умумий қондалар мавжуд. Корпорациянинг бухгалтерлик китобини күриб чиқиши ҳақидаги масала ўртага қўйилса, бунинг учун акциядорда муҳим сабаблар бўлса керак, деб тахмин қилинади. Күпинча акциядорнинг ўз шахсий манфаатларини ёки корпорация манфаатларини ҳимоя қилишга интилиши шундай сабаблардан ҳисобланади. Акциядор корпорация акциялари ҳисобга олинадиган китоб билан танишишни хоҳласа, сабаблар камроқ, деб тахмин қилинади. Қонунда муайян миқдордаги акцияяга эга бўлган ёки камида белгиланган муддатдан бўён акциядор бўлган шахсгина китобни кўриш ҳуқуқига эга бўлади, деган чеклашлар бор, холос. Мавжуд умумий қоидага кўра, корпорация акциялари китобини акциядорлар ҳар иш кунида бир неча соат мобайнида кўриб чиқишлиари мумкин.

Корпорация тутатилганидан кейин акциядор ўз улушини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бироқ даставвал кредиторларга тұланади. Кейин акциядорлар активларни тенг улушидан бўлишиб оладилар. Ҳолбуки, баъзан уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил улушда актив олиш ҳуқуқига эга әмас. Корпорация чартери активларни тақсимлашда, навбатни белгилашда муайян активдорларда устуницилар борлигини назарда тутиши мумкин. Қоидага кўра, имтиёзли акцияларнинг эгалари активларни тақсимлашда устуң ҳуқуққа эга бўладилар.

Акциядор активларни бошқа кишига унинг пай бадалига тенг миқдорда таклиф этишдан олдин янги акцияларни сотиб олиши ёки уларга обуна бўлиши мумкин. Бу, чунончи, агар сиз акцияга

Эга бўлсангиз, корпорация акциялари умумий миқдорининг 10 фоизи акциядорнинг қўлида бўлса, бундай ҳолда корпорация чиқарган 1000 та янги акциянинг 100 тасини сотиб олишга ҳақлисиз. Бу қоида акциядорнинг ўзи устидан тегишли назоратни ва корпорацияга нисбатан қизиқиши сақлаб қолиш ҳуқуқига асосланган. Ана шу ҳуқуқни амалга оширишда акциядор бошқа кишиларга таклиф этилаётган нархда ўзига тегишли улушни олиши мумкин. Агар, корпорация 500 долларлик янги акциялар чиқармоқчи бўлса, шу нархда акция сотиб олишда устун ҳуқуққа эга бўлган акциядорларга ҳам таклиф этиш лозим.

Бунда акцияларнинг номинал (белгиланган) нархидан пастроқ нарх кўзда тутилади. Акс ҳолда у гайриқонуний деб ҳисобланади. Унинг шахсан етказган зарарни қоплаш учун ўзи ҳаракат қилиш ҳуқуқи ҳам бор. Чунончи акциядорлар аъзолик тўғрисидаги шартнома шартларини бажармаганини, унинг ихтиёрида бўлган акцияларга ғайриқонуний тарзда солиқ солинганлиги, корпорация активларининг миқдори хусусида нотўри ахборот бериш билан акцияга обуна бўлишга мажбур қилганлиги учун ўз корпорациясига қарши суд ишини қўзғатиши мумкин. Сертификатни бузиш ёки йўқ қилиш; чинакам сертификатнинг қийматига нисбатан ишончсизлик туғдирадиган қалбаки сертификатларни чиқариш каби хатти-ҳаракатлар учун ҳам акциядор корпорацияни судга бериши мумкин. Бундан ташқари, акциядор корпорациянинг эълон қилинган дивидентни тўлашга мажбур қилиши ёки корпорациянинг китоблари билан танишиши, шунингдек акцияларни бошқа кишиларга таклиф қилишидан олдин сотиб олиши ва уни корпорациянинг акциядори деб тан олинишини мажбурлаш йўли билан амалга ошириш тарбирларини кўриши мумкин.

Агар корпорация зарар кўрса ёки унинг ҳуқуқлари бузилса, у ҳам суд ишини қўзғаши мумкин. Бироқ, агар корпорация зарар кўрган, директорлар ва ходимлар унинг номидан иш кўришдан бош тортган бўлса, у ҳолда ҳар қандай акциядор тегишли суд ишини қўзғаш ҳуқуқини олади. Корпорация ходимлари ўз ваколатларини ошириб юборсалар, корпорацияяга зарар етказадиган эҳтиётсизликда ёки ҳуқуқбузиша айбдор бўлсалар ана шундай ҳолатлар юзага келади (ходимлар бундай ҳолларда ўзлари ҳуқуқни бузганликлари сабабли суд ишини қўзғатишдан манфаатдор эмаслар). Акциядор ана шундай ҳаракат қиласидиган бўлса, у ўз номидан эмас, балки корпорациянинг номидан иш қўзғаши мумкин. Лекин бу ўзбошимчалик билан қилинган ҳаракат дейилади. Суд қарори корпорация фойдасига ҳал этилса, акциядорга суд иши чоғида шахсан қилган ҳаражатлари тўланади.

Озчиликни ташкил этувчи акциядорлар гайриқонуний ва ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатлари учун акциядорлар таркибидан чиқишилари мумкин. Масалан, акциядорларнинг кўпчилиги имтиёзли акция эгалари учун кўзда тутилган имтиёзлар ҳажмига туб ўзгаришлар киритиши, уларнинг кумулятив дивидент олиш ҳуқуқини бекор қилиши мумкин. Шу сабабли кўпгина штатларнинг қонун-

ларида озчиликни ташкил этувчи ва кўпчилик овоз билан қабул қилинган тадбирларнинг қонунийлигига қарши чиқувчи акциядорларга акциядорлар таркибидан чиқишига рухсат этилади. Бунда эса акциядор ўз акцияларининг қийматини корпорация тўлаши ҳақида ёзма равишда талабнома топширади. Бу ҳуқуқ кичикроқ корпорация шаклидаги тижорат корхонаси кам овоз олса-ю, корпорация муҳим ўзгаришларни амалга оширишини кўзда тутсагина мулкка биргаликда эгалик қилиш учун муҳимдир. Бундай акциядор вазият ўзгарганда ўз сармоясидан воз кечини истамайди ва корпорация акциядорлари таркибидан чиқишини хоҳлаб қолади.

Акциядорнинг масъулияти. Корпорация мулкорлари ёки акциядорларининг чекланган масъулияти ишбилармонлик қилиш корпоратив шаклининг энг муҳим афзалликларидан биридир. Акциядорлар одатда корпорациянинг қарзи учун жавобгар бўлмайдилар. Лекин акциядорлар корпорациянинг қарзидан яшириниб, жавобгарликдан бутунлай қочиб қутула олмайдилар. Бундай вазиятларда акциядорлар корпорация олдида, кредиторлар олдида, ёлланган ишчилар ёки штат маъмурлари олдида масъулиятлидилар.

Акциядор акцияга обунанинг тўланмаган қисми учун, шунингдек мажбурий бажарилмаган пайтдан бошлаб фоизлар учун корпорация олдида масъулиятлидир. Тўла тўланмаган акциялар баъзида «эслатиб қўйиладиган» акция сифатида белгиланади. Бундай эслатиб қўйишдан кейин ҳам акциялар тўланмаса, у ҳолда корпорация акцияларни мусодара қилиши ёки ишни судга ошириши мумкин. Агар корпорация суд қарорига биноан кредиторлар бўлгани ҳолда дивидентни файриқонуний равишда тўлайдиган бўлса, корпорация тегишли миқдордаги акцияни тўлаши учун акционерга қарши суд ишини қўзғатиши мумкин.

Баъзи штатларда акциядорлар тўланмаган иш ҳақи учун корпорациянинг ёлланган ходимлари олдида масъулиятлидилар. Коидага кўра, ёлланган ходим энг аввало корпорацияга қарши суд қарорини олади. Агар бундай қарор натижасида у тегишли иш ҳақини олмаса, у ҳолда акциядорга қарши шахсан суд ишини қўзғатиши мумкин.

Ишбилармонлик қилишнинг бошқа шаклларига нисбатан корпорацияда жиддий камчиликлар ҳам бор. Бир штатда белгилangan дастлабки рўйхат гувоҳномасисиз ва муайян миқдордаги маблағни тўламай корпорация мақомини олган бўлса, бошқа штатда унинг ишбилармонлик қилишига чеклашлар мавжуд бўлади. Агар корпорация шунга қарамай бошқа штатда тегишли рухсатномасиз ишбилармонлик қилса, у бу штатда суд ишини қўзғатиши ҳуқуқидан маҳрум этилади, унга муайян жарима солиниши мумкин, акциядорлар эса корпорациянинг қарзлари учун шахсан жавобгар бўладилар. Лекин бу фақат корпорациянинг китобида қайд этилган акциядорларга тааллуқлидир, аммо бир қанча истиснолар ҳам бор. Масалан, бошқа шахсадан акция сотиб олган киши бу акцияларнинг нархи тўла тўланган бўлса, суд қарори бўйича кредиторлар олдида тўланмаган фарқ учун жавобгар бўлмайди.

III боб

КОРПОРАЦИЯ ДИРЕКТОРЛАРИ ВА ХОДИМЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТІСОДИЙ АҲВОЛИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Корпорация құш ҳуқық субъектига әга. Акциядорда мулкка әғалик қилиш ҳуқықи бор. Корпорациянинг муассасалари ва унинг амалий фаолияти учун директорлар ва ходимлар жавобгардир. Асосий қарорлардан ташқары барча мұхым қарорларни директорлар кенгаши қабул қылади. Ү корпорациянинг асосий йұналишини ва фаолият соңасини, бизнесни көнгайтириш, янги маңсулот ишлаб чиқариш имкониятини, қарз олиш ва дивидент тұлашни әълон қилиш заруратини белгилайди. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун директорат ходимларни танлайди, уларға иш ҳақи белгилайди ва уларнинг фаолиятини назорат қылади.

Директор бўладиган шахсга нисбатан умумий талаблар йўқ. Агар қонунда, корпорация мақоми тўғрисидаги сертификатда ёки уставда бу масала хусусида маҳсус қоида бўлмаса, ҳар қандай киши директор бўла олади. Бироқ, айрим штатлар қонунларида унинг ёши белгилаб қўйилган, бошқа штатлар қонунларида эса директорларнинг камиди биттаси Кўчма Штатларнинг фуқароси ёки корпорацияга статус берган штатда доимий яшовчи киши бўлмоғи талаб этилади. Директор сайланиш чоғида бўлмаса ҳам, шу лавозимга ўтириш пайтида акционер бўлиши лозимлиги ҳамма жойда қўйиладиган умумий талабдир.

Корпорация мақоми тўғрисидаги сертификатда бир йил мобайнида ёки кейинги кенгаш сайлангунга қадар бўлган директорлар кенгашининг таркиби кўрсатилади. Бу дастлабки кенгаш шунчаки бўлиб, акциядорларнинг биринчи мажлисида директоратнинг воислари сайланиши биланоқ тарқатиб юборилади.

Директорлар кенгашини сайлаш учун зарур бўлган акциядор овозининг миқдори қонуида ва уставда турлича белгиланади. Одатда овозларнинг ярмидан кўпроги етарли деб ҳисобланади. Агар директорлар кенгашида бўш жой пайдо бўлса, мазкур штатнинг қонунига ва уставга мувофиқ равишда уни тўлдиришнинг бир қанча имкониятлари кўзда тутилади. Биринчидан, вужудга келган бўш жойни тўлдириш учун акциядорларнинг фавқулодда йиғилиши чақирилади; иккинчидан, бўш қолган жой директор-

ларнинг овоз бериш йўли билан қолган муддат учун тўлдирилади; учинчидан, агар директорлар сони талаб этилган кворумдан⁴ кам қисқарган бўлса, бу жой акциядорларнинг кейинги йиллик мажлисига қадар бўш қолдирилиши мумкин эмас.

Шахсларнинг кўпчилиги директорлар кенгашига қонуний асосда сайланиши мумкин. Қийинчилик ким директор бўла олишида эмас, қандай одам директор бўлишидадир. Директорлар икки хил вазифани бажаришади: улар корпорациянинг бошқарувчиси ва акциядорларнинг вакиллари ҳисобланишади. Шуни эътиборга олганда, директор қандай фазилатларга эга бўлиши керак? У муайян соҳада билимли бўлиши керакми ёки зарур тажрибага эга бўлиши керакми? Ёхуд ходимлар ва ёлланган кишиларнинг тегишли билими етарли бўладими? Директор ҳақ тўлашадиган олий мансабдор шахслардан иборат директорлар кенгаши ўз ходимларнинг фаронвонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим; катта миқдорда акцияси бўлган акциядор эса бошқа акциядорлар ҳақида ғамхўрлик қилиши керак; директорлар кенгашидаги техник мутахассис кенгаш манфаатларини ёлланган ходимларнинг хатоларидан ҳимоя қилиши керак. Шу ерлик бўлмаган директор эса, афтидан компаниянинг ишларида қатнашмаслиги керак.

Шундай қилиб, директорлар кенгаши сайланди. Корпорация директорлари бошқарувининг ташкилий мажлиси одатда таъсис йиғилишидан кейин оқ ўтказилади. Унда даставвал директорлар бошқарувининг ва корпорациянинг раҳбарлари, директорлар бошқарувининг раиси ва котиби, корпорация вице-президенти ва хазиначиси сайланади. Айни вақтда мазкур кишиларга уларнинг корпорациядаги хизматлари учун мукофот белгиланади. Кейин корпорациянинг муҳри тасдиқланади, чиқариладиган акцияларнинг шакли, пул воситалари сақланадиган ва мижозлар билан ҳисоб-китоб қиласидиган банк аниқлаб олинади.

Директорат алоҳида кишилар кенгаши тарзида эмас, бир бутун (яхлит) кенгаш тарзида иш олиб бориши керак. Корпорация устави одатда директорат мажлислири ўтказиладиган вақтни ва жойни, мажлиси чақириш йўлларини кўзда тутади. Агар бўлајак мажлисда бирон-бир муҳим масаланинг муҳокамаси кутилаётган бўлса, қоидага биноан, мазкур мажлисинг мақсади ҳақида хабарнома ҳам топширилади. Агар маҳсус қоидалар бўлмаса, директорлар кенгашининг мажлиси ҳар қандай жойда, корпорацияга мақом берган штатдан ташқарида ҳам ўтказилиши мумкин. Одатда ҳозир бўлган директорларнинг кўпчилиги кворумни ташкил этади, ана шу кворумда овозларнинг мутлақ кўпчилиги кенгаш ваколатига кирувчи ҳар қандай масалани ҳал эта олади.

⁴ Кворум -- мажлис ва шу кабиларнинг қарорлари қонуний бўлиши учун иштирокчиларнинг устав бўйича етарли миқдори.

Директорлар кенгашининг мажлисларини ўтказиш тартибини кўзда тутувчи маҳсус қоидалар йўқ. Директорат ўз вазифасига кўра, мажлисларнинг баённомасини юритади, унда мажлис ўтказилган кун, ҳозир бўлган директорлар, қабул қилинган қарор бўйича овозларнинг якуплари кўрсатилади. Баённомалар одатда корпорация котибида сақланади.

Юқорида таъкидланганидек, акциядор бошқа шахсга ишонч қоғоз орқали овоз берни ҳуқуқини топшириши ва шу ишонч қоғозига кўра овоз берни мумкин. Директорлар ўзларининг шахсий мулоҳазаларига ишонишлари, бу мулоҳазаларни бошқаларга тиқиширишлари яхши эмас. Шу бойсдан улар ишонч қоғозларисиз шахсан ўзлари овоз беришда қатнашишлари керак.

Директорлар кенгаси корпорация номидан чиқар экан, унга конуний бериб кўйилган ваколатлар доирасидагина, корпорацияга мақом берилиши тўғрисидаги сертификат ва устав қоидаларига мувофиқ ҳаракат қилиши лозим. Кенгаси корпорациянинг раҳбар ходимларига ва бошқа мансабдор шахсларига бўриладиган мукофот миқдорини белгилашда масъулдирлар, у корхонанинг оддий тижорат фаолиятини олиб бориши, корпорация сиёсатини белгилаш, ходимларни танлаш ва уларининг ишини кузатиб бориш ваколатларига эга. Дивидентни эълон қилиш имкониятини ва уни тўлаш муддатини белгилаш ҳам кенгашининг вазифасига киради. Бундай фавқулодда тадбирни ўтказиш зарурати туғилса, масалан, уставни қайтадан кўриб чиқиш, бирлашиш ёки бошқа корпорация таркибига кириш каби, булар директоратнинг ваколат доирасига киради. Бу гадбирларни эса акциядорлар тасдиқлашлари керак.

Директорлар ўзларининг шахсий фазилатларига кўра иш лавозимига сайланадилар ва шу бойсдан улар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни вижданан бажаришлари керак. Бу қоида кундалик майдо-чўйда маъмурий вазифаларга эмас, директорнинг фачат қарорлар чиқариш билан боғлиқ вазифаларигагина тааллуқлидир. Директорлар кенгаси директорат мажлислари орасидаги даврда иш кўрадиган ижроия комитетларига муайян вазифаларни юклаши мумкин. Одатда бундай комитетнинг ҳар бир ҳаракатини директорлар кенгаси тасдиқлаши керак. Қонунга кўра корпорацияга мақом берилиши тўғрисидаги сертификатда ёки унинг уставида директорат зиммасига юклатилган муайян вазифалар бошқа кишиларга топширилмаслиги керак. Акционерлик сармоясининг бирлашиши, кўпайиши ёки камайиши каби масалалар шулар жумласидандир. Асосий активларни сотиб олиш, гаровга қўйиш, сотиш ёки фойдаланиш учун топшириш ҳақидаги қарорни ҳам директорлар кенгаси қабул қиласди. Бундан ташқари, директорат фондлардан тўғри фойдаланилганлиги ва фондларни инвестия қилганий учун масъулиятлидир ва у пул маблағлари турли мақсадлар учун, жумладан дивидент тўлаш учун қай даражада сарфланиши мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳал этади.

Агар сертификатда ёки корпорациянинг уставида кўзда тутил-

маган бўлса, директорлар мукофот олишга ҳақли эмаслар. Агар директор корпорацияга, масалан, меъмор, ҳуқуқшунос ёки бухгалтер сифатида хизмат кўрсатса, бу ҳолда у албатта ана шу хизматлари учун мукофот олиш ҳуқуқига эга.

Директорлар, қонунда кўрсатилганидек, корпорацияга мақом берилиши тўғрисидаги сертификатда ёки уставда кўзда тутилган муддат давомида ўз лавозимларида турадилар. Қўпинча уибу ҳужжатларда корпорациянинг типсойи структураси тўғрисидаги Қонуннинг бандларига ўхшаш қоидалар бўлади. Бу қоидаларга асосан агар директорлар кенгашни тўқиз ёки ундан кўп аъзодан иборат бўлса, директорлар гуруҳларга бўлиниши ва павбат келиши билан қайта сайланиши мумкин. Бундай ҳолда директорлар кенгашни тоифаларга ёки босқичларга ажратилган кенгаш, деб ҳисобланади. Бундай тартиб бошқарувда давомийликка олиб келади, лекин оз соили акциядорлар учун бу тартиб кенгашига ўз вакилини сайлашини қийинлаштиради.

Уставда директорни сабабли ёки сабабсиз равишда ишдан четлаштириш имконияти кўзда тутилган бўлса, у ҳар қандай найтда сўзсиз ишдан бўшатилади. Директорларни акциядорлар сайлар экан, демак уларни акциядорларнинг ўзи лавозимдан четлаштириши мумкин, бошқа директорлар ёки штатнинг маъмурларида бундай ҳуқуқ бўлмайди.

Ваколат муддати тугаганидан кейин директорлар ўрниларига одам сайлангунига қадар ўз лавозимларини эгаллаб турадилар. Шу сабабли, вазифалар юқидан халос бўлишни истаган директорлар яхшиси вақолат муддати ўтиши билан истеъфога чиққанлари маъқул, директорлар ўз ваколатлари амал қилаётган даврда ҳам бемалол истеъфога чиқишлиари мумкин. Лекин бу ҳол уларни директор билан корпорация ўртасида тузилган шартнома шартларини бажаришдаи ҳоли этмайди, албатта.

Корпорация ва унинг раҳбар ходимлари. Баъзида директорлар кенг маънода корпорациянинг ходимлари ҳисобланишади. Лекин тор маънодаги раҳбар ходим номи фақат корпорация президенти, вице-президенти, котиби ва ғазначисигагина қўлланиши мумкин. Қўпинча директорлар бошқарувининг раиси, бош бошқарувчи ёки мудир, ҳуқуқшунос-маслаҳатчи, ревизор, котиб ўринbosарлари ва ғазначининг ўринbosарлари раҳбар ходимлар қаторига киритилади. Бошқарув соҳасида маъмурий масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи бўлган шахсларнинг конкрет рўйхатини корпорация ўз ички иш тартиби асосида белгилайди.

Корпорация ўз ходимлари ёрдамида иш кўради. Директорлар кенгашни корпорациянинг раҳбар ходимлари амалга оширадиган умумий сиёсатни ишлаб чиқиши учун масъулиятлидир. Раҳбар ходимларни директорат чартерда, уставда ёки қонунда белгиланган муддатга таъминлайди ёхуд сайлайди. Агар бундай муддат кўзда тутилмаган бўлса, уларнинг ўз лавозимида бўлиши чекланмайди, улар директорнинг ҳодишига кўра исталгани вақтда бошқа лавозимга ўtkазилиши мумкин. Ходимлар директорлар кенгашни белгилай-

диган мукофотни оладилар. Корпорация раҳбар ходимларининг вазифалари ғоят хилма-хилдир ва бу нарса уларнинг эгаллаб турган лавозимига ва уставга боғлиқ бўлади. Бироқ корпорациянинг барча раҳбар ходимларига тегишли бўлган бир нечта умумий қоидалари бор.

Президент одатда директор ҳисобланади. У акциядорларнинг йиғилишларида ва директорларнинг мажлисларида раислик қиласди, акцияга эгалик хуқуқини берувчи сертификатларни, компанияяга қарашли шартномалар ва муомаладаги ҳужжатларни имзолайди. У бошқарув соҳасида олий мансабдор шахсdir. Президентга кўпинча компания фаолиятини бошқариш юзасидан умумий ваколатлар берилади. Замонавий корпорацияларга кўпинча ижро этувчи тижорат бошқарувчиси вазифаси топширилади, бундай ҳолда президент ўзининг директорлар кенгашининг раиси вазифасини кенгаш раисига топширади.

Вице-президент президент йўқлигига унинг ўрнини эгаллайди ва уставда кўзда тутилган вазифаларни бажаради.

Котиб корпорацияяда иш юритилиши учун жавобгар бўлади ва корпорациянинг муҳрии сақлайди, шунингдек акциядорлар йиғилишларининг ва директорлар кенгаши мажлисларининг баённомаларини тайёрлайди, зарур ҳабарларни тегишли жойларга етказади. Унинг ихтиёрида акциялар, сертификатлар ва корпорациянинг бошқа китоблари сақланади. Котиб солиқ декларацияларига ва қонунга биноан тақдим этиладиган бошқа ҳисботларга имзо чекади.

Газначи. Унинг ихтиёрида компаниянинг жамгармалари ва бошқа активлари бўлади. Газначи одатда муомаладаги барча ҳужжатларга иккинчи бўлиб имзо чекади, корпорациянинг қарзларини тўлайди, барча тўловларни нақд пул билан қабул қиласди. Бухгалтерлик китобларини ва молиявий ҳисботларнинг батартиб юритилиши устидан назорат қилиш ҳам газначининг вазифасига киради.

Раҳбар ходимларининг вазифалари ва ваколатлари қонунига, корпорация мақоми тўғрисидаги сертификатга ва уставга боғлиқ. Бундан ташқари, ялпи қабул қилинган тажриба ва одатлар корпорация айrim ходимларининг кўзда тутилаётган ваколатлари аҳамиятини белгилайди. Агар корпорациянинг раҳбар ходими ўз ваколатларидан ташқари иш кўрса, у ўз мажбуриятларини ишончли вакилига (корпорацияга) юкламайди. Лекин у ўзининг ҳақиқий ваколатларидан ортиқча, лекин яққол кўриниб турган ваколатлари доирасида ҳаракат қиласа, у ҳолда ўз вазифаларини корпорация зиммасига юклashi мумкин. Корпорациянинг ваколатли шахси эканлиги яққол кўриниб турган киши яққол ваколатли ходим деб аталади ва бунга бошқаларнинг ҳам ҳақиқатан яққол ваколатли ходим деб қарашига имкон беради.

Муайян корпорациянинг уставида барча муомаладаги ҳужжатларда президентнингни эмас, айни пайтда иккинчи бўлиб газначи ва котибнинг ҳам имзоси бўлиши, президент ва газначи кор-

порация номидан вексель беришлари, векселга эга бўлган киши тұловни ундириб олиш хусусида суд ишини қўзғаши талаб этилади. Бунда корпорация президенти ва ғазначи векселни беришга яққол ваколатли бўлганликлари учун вексель бўйича мажбурият оладилар. Уставда котибининг имзоси бўлиши кўзда тутилса-да, бундан хабардор қилинмаган вексель эгаси учун бу аҳамиятли эмас.

Директорлардан ҳамма нарсани билиш, бехато ишлаш талаб этилмайди. Улардан оқиллик ва маҳорат, ишбилармонлик талаб қилинади, улар ўзларининг бутун вақтлари ва эътиборларини корпорациянинг амалий ишларига сарфлашлари керак. Директордан талаб этиладиган вақт миқдори ва эътибор корхонанинг катта-кичиклиги, директор сайланган вазият, унинг беғараз ишлаётганилиги, бошқа турдаги ишбилармонлик билан шуғулланаётгани, пулга ишлайдиган ходимми ёки бунинг аксими, шунингдек амалий ишларни олиб бориши ва доимий яшаш жойи сингари омилларга боғлиқ.

Шу сабабли, етарли даражада ақлли кишининг хулқига қараб нисбатан зарур талаблар даражасини аниқлаш осон эмас. Директор компания ишининг ахволини яхши билиши керак. У ўзини фақат хизматли шахс деб билмаслиги ва корпорация фаолиятида юз бераётган ҳамма икир-чикирларга аралашавермаслиги лозим. Директор ўз ваколатининг бир қисмини бошқа шахсга бериши мумкин, лекин бунинг устидан назорат қилишга мажбурдир.

Директор ёки бошқа бир раҳбар ходим ўзининг шахсий ман-фаати қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатаётганини билса, ўз ваколатларидан ташқари иш кўрса ёки ўзидан талаб этилаётган ақл ва маҳоратни намоён этмаса, бунинг учун у жавобгар бўлади. Бундай масъулиятсизлик вужудга келтирган қалтис ҳоллар кўп бўлиб туради.

Эҳтиёtsизлик учун жавобгарлик. Директорлар ва бошқа раҳбар ходимлар эҳтиёtsизлик натижасида кўрилган зарар учун корпорация олдида гина эмас, унинг кредиторлари олдида ҳам жавобгардирлар. Улар ўзларининг эҳтиёtsизликлари ёки ножӯя хулқлари учунгина эмас, айни пайтда бошқа директорларнинг эҳтиёtsизлиги ва ножӯя хатти-ҳаракатларининг олдини олмаганликлари учун ҳам жавобгардирлар.

Судлар директор ёки директорлар кенгаши ўз вазифаларини яхши, ёмон ёки ўргача бажараётганиликларидан қатъи назар, корпорациянинг ички бошқарувини ташкил этишга аралашмасликни талаб қилмоқдалар. Судлар уларга бирон-бир шахсий жавобгарлик юклаш ниятидан узоқдирлар.

«Блю скай» деб аталувчи қонунда белгиланганидек, қаллобликда қўлга тушган ҳар қандай директор ходим ёки ёллаима хизматчи қаттиқ жазоланади. Корпорациянинг масъул ходимлари ва директорлари мисдимиор хатти-ҳаракатлар учун айбдор ҳисобланадилар, бунда уларга жарима солинади, қамоқ жазоси берилади. Агар улар уставда белгиланганидан ортиқча миқдорда ак-

циялар чиқарсалар ёки уни чиқаришда қатнашсалар ҳам жарима солинади, ҳам қамоқ жазосынга ҳукм қилинади. Бу қоида акциялар тегишили ваколатларсиз чиқарылған ёки уларнинг чиқарилиши корпорация мақоми тұғрисидеги сертификат қондаларига ёки штат қонунига зид бұлған ҳолларда ҳам амал қиласы. Ходимлар ва директорлар корпорациянинг китобларига ва ҳисботларига писбатан жиной муносабатда бұлғанларлардың учун ҳам жазолана-дилар; масалан, атайин қалбаки ёзувларни Ѽзиш, муҳим маълумотларни ўтказиш, нотүрги молиявий ҳисботларни эълон қиласы, суд томопидан тақиқланадиган ҳужжагларни беркитиш; ҳисботларни ва тушунтиришларни қонун талабларига мувофиқ равища тақдим этишдай бош тортиши ёки менсимаслик ҳам жиной жавобгарлыққа тортувчи хатти-харакатлардир. Қоидага күра, корпорациялар қонунига зид равища сиёсий шартнамаларнинг фойдасига бадаллар чиқариши тақиқланади. Агар бундай бадаллар чиқарыла-са, директорлар ва ходимлар ана шу хатти-харакатлардың учун жи-ной жавобгарлыққа тортылады.

Хар қаидай шартномани, фитнани ёки әркап ишビルармонлигни чеклаб құядыған ғайриқонуний тадбирларни тақиқловчы бир қанча қонуниң меъёрлар мавжуд. Мана шундай тоғфадаги қонун бузышлар қаторида нарх белгилешінде камситишиң йўл қўйиш, мутлақ ҳуқуқли шартномалар тузиш, шахсий бирлашма тузиш, нархларни ўзgartирмаслик, нотүрги ва ҷалғитувчи рекламаларни чиқарыни каби энг жиҳдий ғайриқонуний хатти-харакатлар бор. Агар корпорация ана шу хатти-харакатларнинг биронтасида айбланса, у ҳам фуқаролик қонуни, ҳам жиной қонун олдида жавоб беради.

Корпорациядаги мансабдор шахснинг масъулияти қандай? Мансабдор шахс қонун олдида жавобгар бўлиши учун униң ғайриқонуний харакатлардаги иштироки яққол бўлиши керак, лекин баъзида униң қай даражада иштирок этганилигини аниқлаш қийин бўлади. Агар мазкур хатти-харакатни мансабдор шахснинг ўзи қилган ёки униң бўйруги билан қилинган бўлса, шунингдек ғайриқонуний харакатга мансабдор шахс розилик берган ёки бе-шосита униң рухсати билан қилинган бўлса, униң бу жиноятдаги иштироки катта, деб ҳисобланади. Мансабдор шахс бу жиноятта писбатан бефарқ қараса, лекин ғайриқонуний фаолиятдан хабардор бўлса, бундай ҳолларда қандай иш тутилади? Судлар одатда бундай мансабдор шахс айловни рад этиши ёки ўз хатти-харакатлари учун жавоб берниши шарт, деб ҳисоблайдилар. Агар мансабдор шахс ўз ходимларининг ғайриқонуний харакатларидан хабардор бўлмаса, ҳолбуки, у хизмат мавқен юзасидан буни билиши шарт, у ҳолда қандай бўлади? Ғайриқонуний хатти-харакатиниң пайини қирқмаганлиги учун мансабдор шахс жавобгар бўладими? Корпорациянинг ходимлари ва директорлари худди ана шу сўнгги қоидани айниқса ёдда тутишлари керак, чунки судларнинг қарорларида бутун жавобгарликий мансабдор шахсларнинг зиммасига юклаш тамоили бор, улар мансабдор шахслар ўзлари эгаллаб турган лавозимлари ва хизмат мавқелари сабас-

ли буларни билишлари ва кўришлари керак эди, деб ҳисобладилар. Мансабдор шахс ўз атрофида бўлаётган воқеалардан мутлақо бехабар бўлганидагина жавобгарликдан халос бўлиши мумкин.

Трестга қарши қонунларни бузувчилар учун бир неча хил фуқаролик ва жиной жазо бор: фуқаролик жазосига келганда, АҚШ адлия Вазирлиги келгусида айрим корпорация фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш тўғрисида, корпорацияни ёпиб қўйишини ёхудуни муайян активларидан маҳрум этишини талаб қилювчи бўйруқларни чиқариши мумкин. Бундан ташқари, ўзига етказилган зарар муносабати билан суд ишини қўзгаган хусусий шахсга нисбатан ҳам фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш тўғрисида буйруқ чиқариши мумкин. Жиной жавобгар бўлган шахсга 50000 доллардан ошмайдиган миқдорда жарима солинади ёки кўпи билан бир йиллик муддатга қамоқقا ҳукм қилинади.

Айрим штатларда корпорацияга ўз хизматчиларига, ходимларига ва директорларига қарз бериш, уларга ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилади. Шундай қонунлар борки, унда фақат «нисбатан устунроқ акциядорлар»⁵га қарз бериш, шунингдек корпорациянинг мулки етарлича бўлмаганида ёки қарз бериши натижасида қарзларини тўлашга қурбি етмаганида ёки гаров сифатида корпорациянинг акциялари берилганида қарз бериш тақиқланади. Айрим штатларда директорларнинг учдан иккى қисми овоз берган бўлса қарз бериш тақиқланади (манфаатдор директорлар бундан мустасно) ва, ниҳоят, баъзи штатларда қарз беришини акциядорлар йиғилишида тасдиқлаш талаб этилади.

Акциядорлар одатда директоратнинг дивидент тўлаши керакми ёки йўқми хусусидаги қарорлари тўғри ёки хотүғри эканлигига шубҳа билдирамайдилар, улар директорат ноҳалол иш тутди ёки ўз ҳуқуқларини сунистеъмол қилди, деб тахмии қилганларидагина уни дивидент тўлашини эълон қилишга мажбур этадилар (буни дивидент тўланмаганилиги учун директоратга жавобгарлик юклаш билан чалғитиб юбормаслик керак). Агар бундай ҳолларда суд ижобий җарорга келса, директорат дивидент тўлашини эълон қилиши шарт, аммо у бу талабни бажаришдан бош тортган бирон-бир кишига заарар учун ҳақ тўланишига жавоб бермайди. Бироқ директорлар дивидент тўлашини эълон қилишдан бош тортганилик учун шахсан жавобгар бўладиган вазият ҳам юзага келиши мумкин. АҚШ ички давлат даромадлари кодексига мувофиқ, савдо-саноат ишларини қонуний тарзда олиб бориш учун эмас, балки ўз акциядорларига дивидентга солиқ тўламаслик имкониятини бериш мақсадида даромадларни жамлайдиган корпорация мутлақо асосли равишда жазоланади. Директорлар тақсимланган акцияларининг анчагина қисмига эга бўлсалар ва солиқ тўланиши муносабати билан дивидент тўлашини кечиктиришдан манфаатдор бўлсалар, бундай ҳолатда улар жавобгарликка тортиладилар.

⁵ Бу ўринда жуда кўп акциялари бўлган акциядорлар назарда тутиладили, улар овоз беринига ҳам қилювчи таъсир ўтказишлари мумкин.

Директорлар дивидент тұлашни фақат даромад ҳисобидан (жөн қаған асосий сармоя ҳисобидан әмас) әйлон қилишлари мүмкін. Агар улар қонунга хилоф равища асосий сармоя ҳисобидан дивидент тұлашни әйлон қылсалар, у ҳолда корпорация олдида ҳам, кредиторлар олдида ҳам жавоб берадилар ва жинои жазога тортиладилар. Тұлов қобилятига эга бүлмаган кредиторларнинг бирига бошқасига нисбатан устунлик беріш гайриқонуний ҳисобланади. Бу қоида корпорацияға ҳам тааллуқлидір. Агар корпорация шундай қылса, акциядорлар ва кредиторлар бундай хатти-харакат учун директорлар ва ходимларни жавобгарлыққа торта-дилар. Тарқатылмаган акциялар даромаддан ташқары бошқа ман-балар ҳисобига сотиб олиниши мүмкін әмас. Агар директорлар бу қоидан бұзсалар шахсан жавобгар бўладилар.

Директор шахсан бирон-бир нарасдан маңбаатдор бўлган ҳол-ларда у овоз берішдан тийилиб туриши керак ва унинг овози кворумни аниқлашда ҳисобга олинмаслиги лозим. Аммо бу ўринда әхтиёткорликка риоя қилиш даркор. Директор овоз берішда қат-нашмаса ҳам ва унинг овози кворумни аниқлашда ҳисобга олин-маса ҳам, у кенгашда устунлик қилиш мүмкін. Масалан, бундай директор бошқа директорларнинг яқин қариндоши бўлиши ёки корпорация акцияларининг назорат мажмуига эга бўлиши мүмкін. Бундай ҳолларда ўзаро зиддиятли маңбаатлар туфайли битимни барбод этмаслик учун уни тасдиқлаш мақсадида акциядорларнинг йиғилишини чақириш имкониятини кўриб чиқиши лозим. Акциядор-ларнинг йиғилиши мустақил ваколатни таъминлайди.

Суд корпорациянинг ишларига аралаша олади ва директорлар ўз хизмат мавқеини очиқдан-очиқ сунистеъмол қылган ва бу нарса корпорациянинг маблағлари талон-торож бўлишига олиб келган ҳолларда директорлар ёки акциядорларни мукофотдан маҳрум этиш масаласи хусусидаги қарорни кўриб чиқади. Суд бундай ишларни кўриб чиққач, мансабдор шахсларни мукофотлаш тўғрисидаги қарорни бекор қиласди.

Корпорация директорига ва ходимларига нисбатан қўйилади-ган талаблар турлича. Директор бир вақтнинг ўзида корпорация билан рақобатлашаётган бошқа тижорат корхонасида ҳам иш-лаши мүмкін. Бу тўғри, чунки директор одатда мукофот олмайди ёки шартли равища мукофот олади. Бироқ директор рақобатнинг меъёр доирасидан чиқувчи ва қонун билан тақиқланувчи ҳаракат-лар ҳам қилиши мүмкін. Масалан, корпорация мижозлари рақо-бат қилаётган фирмага ўтиб кетиши; корпорация фаолиятига дои мий равища зарар келтирадиган ҳаракатлар қилиши; фойдали битимни бекор қилишга ва рақобатлашаётган компаниянинг ана шу битимни тузишига ёрдам бериши; ўзининг хусусий корхонаси ишлайдиган соҳада савдо ишларини тўхтатиб қўйиши мүмкін.

Ходимга келганда, шуни айтиш керакки, у бутунлай корпора-ция ишлари билан банд бўлмоғи ва ўзининг бутун кучини шунга сарфламоғи лозим. Чунки ходимнинг ўзи меҳнат қилаётган кор-

хона билан рақобат қилаётган корхонада ҳам ишлаши ходим учун мажбуриятни бузиш ҳисобланади.

Агар корпорация акция сармоясини қисқартириш йўли билан фойда олиши мўлжалласа директор акцияларни сотиб ололмайди. Бошқа корпорацияларнинг акцияларига нисбатан уларни сотиб олишида ҳеч қандай чеклашлар бўлмайди.

Қимматли қоғозлар тўғрисида 1933 йилги қонун ва қимматли қоғозлар билан биржа операцияси ҳақидаги 1943 йилги қонун Конгресс томонидан корпорация акциялари билан қаллоблик қилишнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган эди. Ана шу қонунлар амал қиласиган корпорацияларда аризаларни, ҳисботларни ва ҳужжатларни рўйхатдан нотўғри ўтказганлиги учун директор фуқаролик ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундан ташқари, биржада рўйхатга олинган акциялар ҳар қандай турининг 10 фоиздан кўпроғига эга бўлган шахс ва ана шу акцияларни чиқарган ҳар бир ходим ва директор корпорациянинг барча акцияларини, ўз ихтиёрларида бўлган рўйхатга олинмаган барча акцияларнинг сони кўрсатилган аризани тақдим этишлари керак.

IV бөб

ШАРТНОМА ТУЗИШ ТАРТИБИ. ҲУҚУҚДОРЛИК ВА САЛОҲИЯТЛИК

Шартномаларга ваъда, битим сифатида қаралади ва уларни бажаришга томонларни суд орқали мажбур қилиш мумкин. Америка цивилизацияси шартномалар системасига асосланади ва улар албатта бажарилиши шарт. Аниқликни таъминлаш мақсадида шартнома уни тузувчи шахс эркинлигини ихтиёрий равишда чеклади. Шу боисдан шартнома тузишни тартибга соладиган аниқ қоидаларни билиш жуда муҳимdir. Ваъда исталган пайтда берилиши мумкин. Ҳуқуқий кучга эга бўлган шартнома ваъдаси қачон ўзига хос шартномага айланади? Бунда ўзаро розилекиз, ўзаро қониқишиз, томонларнинг салоҳиятисиз шартнома тузиб бўлмаслигини эсдан чиқармаслик керак.

Ўзаро розилик. Бу нарса баъзида «фикрларнинг монаид келиши» деб талқин қилинади. Аммо бу жуда дадил гапга ўхшайди. Икки ёки бир неча томон ўртасидаги оқилона битим томонлар мўлжаллаётган барча нарсанни ва қонун талабларига мос келувчи ҳамма жиҳатларни ўз ичига олади. Битим оғзаки, ёзма ёки шунчаки сўз билан, ёки ҳаракат тартиқасида тузилишин мумкин. Битим тузининг ҳуқуқий тартиби икки босқичга бўлиниади — бир томон таклиф киритади, иккинчи томон бу таклифни қабул қиласди. Биринчи босқич оферта (таклиф), иккинчи босқич акцепт (таклифни қабул қилиш) деб аталади. Ҳар икки томон барча ҳуқуқий расмиятчилик учун жавоб беради, ана шундан кейин қонуний мақсадларни амалга ошириш учун ўзаро розилик юзага келади.

Ариза оферта, деб ҳисобланиши учун таклиф жиддий шаклда, моҳияти жиҳатидан ҳақиқий таклиф бўлиши керак, яъни у пухта аниқлаб олингац, таклиф бериш мўлжалланаётган шахс эса ундан хабардор қилинган бўлини лозим. Ҳазил тартиқасидаги ариза ҳақиқий оферта бўлолмайди, шунинг учун бундай ҳолларда «ақлли одам» нуқтаи-назаридан текшириб кўришга тўғри келади. Агар ақлли одам бундай ҳазилни жиддий қабул қиласа, атайн қилинганди ёки йўқми, бундан қатъи назар, таклиф оферта, деб ҳисобланади.

Битим тузишда оферта билан таклиф ўртасида фарқ бор. Таклиф бошқа кишига оферта қилиш маъносига кўпроқ тўғри келади. Прейскурантлар, фармойиш тусидаги хатлар ва рекламалар одатда битим тузишга таклиф, деб ҳисобланади. Уларни оферта дейиш учун миқдор масалалари ва шартлар яхши аниқлаб олинмаган. Лекин уларни моҳиятига кўра оферта дейишга одатланишган. Қеңг оммага reklama (тарғиб) қилинаётган молларнинг чекланган миқдори ва ҳажмига сотувчи эга бўлиши мумкин ва улар «биринчи келган — биринчи олади» қоидасига кўра сотилади. Бундай талқин қонуннинг «ақлли киши»ни нималар кутиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидасига тенгdir.

Қурилиш ишлари савдоси эълон қилинса оферта бўлмайди: савдо эълон қилиш оферта қилишга таклиф, холос. Қурилишга буюртма бериш оферта ҳисобланади ва у бошқа барча оферталарга ўхшашдир, оферта ҳар қандай пайтда, қабул қилиб олингунга қадар ҳар қандай буюртмани қабул қилиш ёки ҳамма буюртмаларни рад этиши мумкин. Бу қоида умумий ҳуқуқдан келиб чиқади. Бироқ бир қанча штатларда давлат муассасалари пурратчидан арzon нархларда қурилиш ишларига буюртма қабул қилишини талаб этувчи қонунлар қабул қилинди.

Оферта қилган шахс у қабул қилингунга қадар истаган вақтида уни қайтариб олиши мумкин. Ҳатто оферта қилувчи киши оферта муайян санагача эканлигини аниқ белгиласа ва ўз таклифини қайтариб олмасликка ишонтиrsa, у офертани қабул қилингунга қадар ёки шуига асосланган ҳаракат амалга ошгунигача қайтариб олиши мумкин. **Опцион** ушбу қоиданинг яққол ифодасидир. Лекин опционлар офертадан юқори туради, бу офертани очиқ қолдириб туриш тўғрисидаги шартномадир. Томонлар бошқа ҳар қандай шартнома сингари опцион бўйича ҳам мажбурият қабул қиласилар. Опцион, агар икки томонни қониқтирувчи, ёки айрим штатларда кўзда тутилганидек, ёзма асосда тузилган бўлса, у мажбуриятни юзага келтиради. Айрим штатларда ўз таклифини қайтариб олиш имконияти ҳақидаги қоида ўзгартирилган. Шу қонунга кўра, қайтариб олмаслик шарти кўрсатилиб, ёзма равишда қилинган оферта қайтариб олинмайди. Агар сиз офертани шартли қилмоқчи бўлсангиз, янги оферта вужудга келади ва у ўз кучини йўқотган дастлабки оферта спигари аҳамиятли бўлади.

Оферта қилинганидан кейин иккинчи ва одатда сўнгги босқич акцент ҳисобланади. Ҳақиқий ҳуқуқий акцент шакли офертага боғлиқ. Агар оферта ваъда олиш учун қилинган бўлса, акцент ҳам ваъда шаклига эга бўлиши керак. Агар оферта ҳаракат шаклини пазарда тутса, у ҳақиқий ҳуқуқий акцент бўлиши мумкин. Ваъда кетидан ваъда бериладиган шартнома энг кўп учрайди. Бундай шартнома икки томонлама (оферта ҳам икки томонлама ҳисобланади) шартнома сифатида маълум. Офертаси бир томонлама бўлган шартнома камроқ учрайди. Бу таклиф ёки оферта ҳаракатни назарда тутувчи шартнома ҳисобланади.

Бир томонлама шартнома тузиш офертаси талаб этилаётган ҳаракатни амалга ошириш йўли билан акцептланади. Ҳаракатни қилишга ваъда бериш акцепт ҳисобланмайди. Бундай ваъданинг мутлақо аҳамияти йўқ. Бундай ваъда оғзаки ёки ёзма тарзда бўлиши ёки ўз хатти-ҳаракати билан шундай ваъдани бераста-дек бўлиши мумкин. Зиммасига мажбурият олиш таклиф этилаётган киши ўз хатти-ҳаракати билан ниятини яққол маълум қилиши керак. Бунда ҳеч қандай расмиятчилик талаб этилмайди, чунки акцепт қўйиши, бошни қимирлатиб қўйиш, қўлни кўтариш билан ўз ниятини ёки ҳужжатга имзо чеккалигини тасдиқлаш шакларида бўлиши мумкин.

Сукут акцепт бўлиб хизмат қила олмайди. Ҳатто кимдир шунга ишора қилса, у акцепт шакли сифатида қабул қилинмайди. Савдо амалиётида кўпинча айёрлик қилишади ва истиқболли мижозга муайян миқдордаги товарни юбора туриб, унга харид нархни ўтказишини ёки товарни қайтаришини таклиф қилишади. Бу ўринда, биринчи ҳолдагидек мижоз томонидан ҳеч қандай мажбурият юзага келмайди. Унинг сукут сақлаши акцепт шакли деб ҳисобланмайди.

Оферта таклиф этилган шахсдан бошқа ҳеч ким акцепт қилолмайди. Айни вақтда сизнинг хабарнингз бўлмаган офертани акцептлаб бўлмайди. Йўқотилган буюнни тоғиб олган киши уни қайтариб бераста-дек муроҷаот бернишади. Офертага жавобан қилинмаган ҳаракат ёки ваъда акцепт бўлолмайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, янги оферта масаласини кўриб чиқиши чорида ва дастлабки оферта рад этилганида акцепт офертанинг шартларига мос келиши лозим. Агар акцептда бирон-бир янги таклиф ёки шарт бўлса, ёхуд аксинча бўлса, у офертанинг шартини ўзгартариб юборади, бундай акцепт янги таклифга айланади, бунинг асосида дастлабки оферта рад этилади ва қабул қилинмайди.

Одатда битим тузатсан томонлар бир хил хатога йўл қўядилар, фикрлари ҳақиқатан ҳам ўхаш бўлади ва чинакам шартнома вужудга келмайди. Бундай битим ҳуқуқий кучга эга бўлмайди ва ҳар бир томон ўз хоҳишига кўра уни бекор қилаолади. Ўзаро хатоликлар шартноманинг моянигини, ўзига хос хусусиятларини аниқлашга, шунингдек томонларнинг шахсини тасдиқлашга ёки шартнома шартларга тааллуқли бўлиши мумкин. Мажбурият баражилмаганида ҳеч ким ишни судга ошириши мумкин эмас. Ўзаро хато шартноманинг моянитига даҳлдор бўлиши ва фақат томонларнинг фикри бўлиб қолмаслиги керак.

Агар шартномани тузиш чорида, томонлардан бирининг нияти бошқа томондан чўчиб намоён этилса, шартнома ихтиёрий тузилган бўлмайди ва бу шартнома ҳуқуқий кучга ҳам эга бўлмайди. Бу зўравонлик қўллашнинг энг жиддий кўринишларидан биридир.

Зўравонлик бир неча йўл билан амалга оширилиши мумкин: томонлардан бирининг калтаклайман, деб дўқ қилиши ёки мулкими тортиб олиш ёхуд йўқ қилиб ташлаш таҳдида ёки шахсни, унинг яқин қариндошларини жиноий таъқиб қилиш билан қўрқитиш орқали бўлади. Жиноий таъқиб қилиш билан хавф солиш зўравонлик, деб ҳисобланади, лекин фуқаролик судини қўзгаш билан қўрқитиб бўлмайди. Одатда зўравонлик деб таърифланадиган ҳаракат ғайриқонуний ҳисобланади. Агар кимдир бошқа билан янги шартнома тузиш мақсадида бунисини бузаман, деб қўрқитса, бу зўравонлик ҳисобланмайди. Агар кимдир молнингизни сотишни қонунга хилоф равишда тақиқлаб қўйса ёки қалбаки айблар асосида сизнинг қамоққа тушишингизга эришса, бундай ҳаракат зўравонлик, деб таърифланади.

Ўзаро мамнунлик. Бу нарса ваъда берадиган ёки шу ваъдага кўз тутаётган шахснинг хатти-ҳаракатидан ўзини тийиб турадиган киши оладиган қандайдир моддий манфаатдир. Ўзаро мамнунлик ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. Бу ваъдага кўз тикаётган (қарз бўйича кредитор) шахс томонидан қилинадиган хатти ҳаракат, анча миқдордаги пул, қандайдир қимматли буюм бўлиши мумкин. Ваъда учун ўзаро мамнунлик оферентнинг талабла рига мувофиқ бўлиши лозим. Таклиф қилувчи шахс фойда олиши ёки кимдир бирон-бир ҳаракатдан воз кечиши, агар бу талаб қилинган фойда ёки ҳаракатдан воз кечиши бўлса, етарли эмас.

Одатда суд ўзаро мамнунлик (қониқиши) қай даражада экани билан қизиқмайди. Шартнома тузишнинг тўгри ёки нотўғрилигига баҳо бериш эмас, балки ана шуидай ўзаро қониқиши борлигини ва шартнома тузишнинг қонунийлигини аниқлаш суднинг вазифасига киради. Аввалги ўзаро қониқиши ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Ўзаро қониқиши моҳияти ваъда бериш чоғида талаб этиладиган ва қутиладиган жараёндир. Қўриниб турибдики, ваъда берадиган киши ўтган йилларда қилинган нарсаларни талаб ҳам қилмайди, кутмайди ҳам.

Масалан, олтмиш бешларга кириб қолган хизматчилардан бири истеъфога чиқди дейлик. Корхона эгаси унга шу пайтгача пенсия хусусида ҳеч қандай ваъда бермаганди, чунки компанияда пенсия жамғармаси йўқ эди. Бироқ бу садоқатли, ҳалол хизматчи бўлганилиги сабабли компания эгаси уни қарилигида моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш тадбирларини кўришни хоҳлаб қолди ва унга умрининг охиригача ҳар ойда 300 доллар тўлаб туришга ваъда берди. Бундай тўловни у бир неча йил мобайнида тўлаб борди, кейинчалиқ, компания бир қатор мувваффақиятсизликларга учрагач, уни тўлашни тўхтатиб қўйди. Бу ҳолатда компания ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай жавобгар бўлмайди, чунки пенсия тўлаш учун шартнома мажбуриятлари тузилмаган. Компания эгаси хизматчига ваъда берганида, бунга жавобан қониқишини сезмаган, чунки ёлланган ходим ҳалол хизмат қилиб бўлганди. Берилган ваъдага жавобан қониқиши йўқлиги учун судга мурожаат қилинмайди. Мисол учун, кимдир хайрия ёки

диний ташкилотга бадал түлашни ваъда қилди. Бундай ваъда суд орқали амалга оширилиши керакми? Кўриниб турибдики, бу ўринда ўзаро мамнунлик бўлмайди. Шу боисдан ваъдан ба жариш учун ҳуқуқий мажбурият юзага келмайди. Чунончи, черков жамғармаси янги бино қуриш учун маблаф тўплашни уюштириди. Ишбильармон кишилардан бирни 5000 доллар бераман, деб имзо чекди. Бироқ, у молиявий жиҳатдан қўйналиб қолга, ўз ваъдасини бажаришдан бош тортди. Черков тўпланган маълумотлар асосида бир янги бино қуриш учун шартнома тузганди. Бу ўринда ишбильармон киши қонуний жиҳатдан мажбуриятни зиммасига олганди, чуничи черков унинг ваъдасига таяниб янги бинони бошламоқчи эди.

Берилган ваъда муносабати билан рад этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш — бу қопуний таъриф юқорида баён этилган ҳолларда қўлланилади. Айтайлик мистер Смит пудратчи, у савдо ишларида катнашмоқчи ва лойиҳанинг қисмлари бўйинча асосий пудратчилардан илтимоснома олишга ҳаракат қиласди, бундан у ўз харажатларини ҳисоб-китоб қилиш учун асос сифатида фойдаланмоқчи. У шартнома тузиш учун шундай ҳуқуққа эга бўлгач, асосий пудратчиларни ўз илтимосномаларида кўрсатилган нархларга риоя этишга мажбур эта оладими, ҳолбуки, унинг ўзи асосий пудратчиларнинг аризаларини хеч қачон расмий разишда қабул қилган эмас, шу боисдан асосий пудратчилар ўз ваъдалари ёки таклифлари бўйича қаноат ҳосил қилишмаган. Бу уларнинг ўз ваъдаларидан воз кечишларини билдирадими? Бу ўринда «берилган ваъда муносабати билан рад этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш» вазиятидан фойдаланилади. Асосий пудратчилар ўз илтимосномаларидан воз кечиш ҳуқуқига эга эмасликлари қонунда белгилаб қўйилган.

Агар таклиф қабул қилиш вақт билан боғлиқ бўлса, унинг натижалари ўзгача бўлади. Масалан, илтимоснома топшираётгани асосий пудратчи «қабул қилиш муддати муайян кундан бошлаб 15 кундан ошиб кетмасин» деб шама қилиб қўйган бўлса, у ушбу ҳужжат юзасидан мажбурият олмайди, агар ҳужжат белгиланган муддатда қабул қилинмаса, «берилган ваъда муносабати билан рад этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш» вазияти юзага келмайди. Бунда мазкур илтимоснома асосида бирон-бир ҳаракат қилинганилиги ёки қилинмаганилигининг аҳамияти йўқ.

Шартномани тузишда ҳуқуқдорлик ва салоҳият. Ҳар бир киши ҳам ҳуқуқий кучга эга бўлган шартномани туша олмайди. Умуман олганда қонун олдида ҳамма баробар. Бироқ бу қондан муайян шахснинг даъво қилиш кучига эга бўлган шартнома тузишга қобилияти тўғрисидаги масалага тааллуқли эмас. Одамларнинг айрим гурухлари, қонун нуқтаи-назаридаи, шартнома тузишда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга умуман қобилияти эмас, деб ҳисобланади. Шу боисдан қонун уларнинг манфаатларини ҳимоя қиласди.

Хүкүкій кучга эга бўлган шартномани тузиш учун одам ақлли, оқилона қарорларни қабул қилаоладиган ва ўзи қилаётган ишининг оқибатларини тушунадиган бўлиши лозим. Бироқ айрим тоифадаги кишилар шартнома тузишга умуман лаёкатли эмас, деб ҳисобланадилар. Масалан, руҳий касаллар, ақли ожис кишилар ва болалар шулар жумласидандир. Агар лаёкатсиз киши шартнома тузмоқчи бўлса, суд шартноманинг бир қисми ёки ҳамма шартлари мажбуран амалга оширилишини рад этади. Шартнома тузишга лаёкатсизликнинг турига ва вазиятга қараб у ҳақиқий эмас деб эълон қилинади ёки томонларнинг хоҳишига қараб ҳақиқий, деб талқин этилади. Бироқ бундай шартноманинг натижаси адолатсизликка олиб келиши мумкин.

Балофатга етмаган фарзанди тузган шартнома бўйича ота она жавоб берадими? Агар ота ёки она шартномада ҳақиқий томон бўлмаса, у жавобгар бўлмайди. Агар фарзанд аслида ҳам ота-онасининг вакили бўлса, ота ёки она ишончли вакил умумий қоидалари асосида жавобгар бўлади. Агар ота ёки она балофатга етмаган боласини барча зарур нарсалар билан таъминламаса, охир оқибатда у учинчи шахс олдида жавобгар бўлади. Ота ёки она ўзининг балофатга етмаган болаларини қарамоғда сақлаш мажбурияти зиммасида экан, шунга яраша уларни ёнидан кетказмаслиги ва уларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиб туриши, уйдан ташқарида тонган пулни текшириб туриши лозим. Умумий қоидага кўра агар ўсмир ўзи ишлаб тонган пулни ота-онасига бермаса, улар боланинг маошини, ҳатто у болага тўланган бўлса ҳам, корхона эгасидан талаб қилиб олишлари мумкин.

Қўпинча маст ҳолатда бўлиш шартнома мажбуриятларини бажаришга қарши далил эмас. Агар маст бўлган шахс ўзаро муносабатларнинг хусусиятларини тушунишга қодир ҳолатда бўлмаса, шартнома ҳуқуқий жиҳатдан қонуний эмас деб ҳисобланади. Шахс ҳушёр ҳолга келганда, унга муайян вақт бериладики, бунда у шартнома тузишдан воз кечиши ёки уни тасдиқлаши мумкин. Бу ўринда ҳам балофатга етмаган болалар ва руҳий касаллар билан бўлганидек ёшига кўра, ўзаро қониқиши қоидалари қўлланилади. Шартномани даъво йўли билан ҳимоя қилиш мумкин бўлиши учун унинг мавзун ҳақиқий бўлиши зарур. Бошқача айтганда, унинг обьекти қонуний бўлиши зарур. Шартномада гайриқонуний ҳеч нарсага йўл қўйинш мумкин эмас. Агар шартномада жиноят содир қилиш кўзда тутилса, шартнома гайриқонуний ҳисобланади. Шартларида ўз бепарволиги билан руҳсатномани янгиламаган брокерга кўчмас мулк бўйича битим тузиш учун воситачилик ҳақ тўлови қайд этилган шартнома ҳам ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши мумкин. Шартнома шартлари бузилмаса ҳам жамоат тартибига зид бўлган хатти-ҳаракатларни кўзда тутувчи шартнома гайриқонунийдир. Кўришиб турибдики, гайриқонуний шартномаларнинг ана шу хилма-хил турларини қамраб олувчи ягона қоида бўлиши мумкин эмас. Уларга жамоатчилик фикри нуқтан назардан қараш керак.

Энди қонунга зид шартномалар турларини ва уларнинг оқибатларини кўриб чиқамиз.

Жиноят содир этиш тўғрисидаги шартномалар ҳақиқий эмас (кўпинча шартноманинг ўзи ҳам жиноят ҳисобланади). Қонунга кўра бирон-бир кишини у содир этган жиноий ҳаракат учун жазоланишидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартнома ҳам ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва даъводан ҳимоя қилинмайди.

Фуқаролик ҳуқуқини бузиш тўғрисидаги шартнома жиноят содир этишни кўзда тутивчи битим сингари ҳақиқий эмас. Қонунда оғзаки тарзда ҳақоратлаш ёки жисмонан зўравоилик қилиш билан кўрқитиш, калтаклаш, тухмат қилиш, бўхтон ёғдириш ва моддий зарар келтириш кўзда тутилган шартномаларни тузиш мумкин эмаслиги алоҳида кўрсатилган. Қимнингдир патент ҳуқуқини, муаллифлик ҳуқуқини, товар белгиси тўғрисидаги қоидани бузиш ёки учинчи шахс билан тузилган шартнома мажбуриятларини бажармасликка кимнидир гиж-гижлаш мақсадида тузилган шартнома ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Чунки қонуний шартнома мажбуриятини бажармасликка атайин ундаш қонунни бузиш, деб ҳисобланади. Ана шу мақсадни кўзлаб тузилган шартнома даъводан ҳимоя қилинмайди.

Бошқа кишиларни алдаш учун тузиладиган шартнома. Алдамчилик қонунни бузиш демакдир. Шу сабабли кимгадир бошқа бир кишини алдашда ёрдам бериш учун тузилган ҳар қандай шартнома ҳақиқий эмас.

Судхўрлик. Агар пул қайтариб бериладиган ва унга тўлана-диган фоиз ставкалари қонунда кўрсатилганидан юқори бўладиган шартнома мавжуд бўлса, бу судхўрлик деб аталади. Бундай битим тузиш қўпгина штатларда тақиқлаб қўйилган. Турли штатларда фоиз ставкалари турлича. Судхўрликка турли штатларнинг қонунларида турлича ёндашилади. Айrim штатлардаги қонунлар бир томонни оладиган ортиқча фоиздан маҳрум қилишни, бошқасида эса ортиқча фоизни икки ёки уч ҳисса ундириб олишни, қолган штатларда эса фоизлар қонунда белгиланган ставкадан ошиши ёки ошмаслигидан қатъи назар, барча фоизларни олиш ҳуқуқидан маҳрум этишни кўзда тутади. Бир қанча штатларда судхўрлик бутун қарзни қайтариб олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Якшанба куни тўғрисидаги қонун. Штатларнинг ва маҳаллий идораларнинг якшанба куни ишбилармонлик билан шуғулла-ниш, шунингдек якшанба куни тузилган шартномалар хусусида хилма-хил қонунлари мавжуд. Агар фаолиятнинг муайян тури билан якшанба куни шуғулланиш қонунда маан этилган бўлса, шу куни ана шу фаолият билан шуғулланишни кўзда тутивчи барча шартномалар, қачон тузилганидан қатъи назар, даъводан ҳимоя қилинмайди. Агар қонун якшанба кунлари тижорат шартномаларини тузишни тақиқласа, уларнинг бажарилиш давридан қатъи назар, якшанба куни тузилган шартнома ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Масалан, муайян штатнинг қонунида якшанба куни

шартнома тузиш тақиқланади, ишбилармон киши эса шу куни ўз ҳамкасби билан учрашиб, фабрика учун хом ашё сотиб олиш хусусида шартнома тузди. Агар унинг шериги материал етказиб беришдан воз кечса, унга қарши мажбуриятни бажармаганлик тұғрисида суд ишиниң күзғаш мүмкін әмас.

Жамоат тартибиға зид бұлған шартномалар. Қонунни бузувчи барча жиноятлар ва ҳаракатлар жамоат тартибиға зид әканлиги яққол күрениб туради. Бироқ бирорта ҳам қонун тақиқла- маса-да, жамоат тартибиға зид деб ҳисобланадиган айблар бор. Бундай ножжұя ишларни амалға ошириш учун тузилған шартномалар ҳақиқий әмас ва ҳуқуқий күчға ҳам әга әмас.

Үйланишга халақит беруучи шартномалар. Үйланишидан ти-йилиб туришга қаратылған шартнома жамоат тартибиға зид бү- либ, ҳуқуқий күчға ҳам әга әмас. Бироқ үйланишдан бутунлай воз кечиши тұғрисидаги шартноманы муайян ёшға етиш хусусидаги шартномадан фарқлай билиш керак.

Давлатнинг мансабдор шахсига таъсир үтказиши тұғрисидаги шартнома. Давлатнинг мансабдор шахсига ғайриқонунин тарзда таъсир үтказишиң ҳар қандай уриниш жамоат тартибиға зид бү- либ, одатда жиноят ҳисобланади. Давлатнинг мансабдор шахсига шундай таъсир үтказиши мақсадини күзлайдын шартнома ҳақи- қий әмас, лекин баъзида қонунин тарафкашликни ғайриқонунин таъсирдан ажратып қойин. Агар шартнома давлатнинг мансаб- дор шахсига ҳалоллық билан фактлар ва далилларни тақдим этиши йұли орқали таъсир күрсатыши мақсадында тузиладиган бўл- са, бу ҳақиқий шартномадир. Иккинчи томондан, таъсир үтказиши- нинг билвосита усулларидан фойдаланилса, шартнома ўзининг ҳуқуқий күчини йўқотади. Федерал ҳукумат ва штатларнинг қо- нун чиқарувчи идоралари суистеъмолларнинг олдини олиш мақ- садида тарафкашликка қарши қонуилар қабул қилган. Улар та- рафкашликни умуман бекор қилиш мақсадини әмас, балки унинг шаклларини тартибиға солишини ўз олдиларига вазифа қилиб қўй- ганлар. Шартномавий мажбуриятлар хусусидаги умумий қоида- лар шундан иборатки, сиз қонунда белгиланған ўз ҳуқуқ ва им- тиёзларингиздан, агар улар фақат сизнинг фойдангизга қаратыл- ган бўлса, воз кечишиңиз мүмкин. Лекин сизнинг ҳуқуқларин- гиздан жамият фойда кўраётган бўлса, сиз улардан воз кеча олмайсиз.

Масалаш, даъво қилиш муддати тұғрисидаги қонунни олиб кўрайлик. Томонлар ўз ҳуқуқларидан воз кечиб, даъводан ҳимоя қилиш муддатига мурожаат этмасликка келишилған шартнома ҳам бўлиши мүмкін. Агар шартномада баромад ёки талофот би- лан боғлиқ даъво тұғрисида муайян муддат ичиде маълум қилиш шартлигини белгиловчи қоида бўлса, бундай шартнома мазкур муддатда, асоссиз равишда қисқа белгиланған ҳоллардан таш- қари, ҳуқуқий күчға әгадир. Ижараби, масалан, ўз турар жойи- ни кўчмас мулк әгаси ҳисобига таъмирлашдан иборат ўз ҳуқуқи- дан воз кечиши мүмкін.

Юқорида кўрилган барча ҳуқуқлар хусусий ҳуқуқ доирасида бўлиб, улардан воз кечиб бўлади. Бу ҳуқуқлардан фарқли ўла-роқ ёлланган ишчи ҳақ олиш ва ишсизликка қарши суғурта қилиниш ҳуқуқларига эга. Бу ҳуқуқлар хусусий ҳуқуқ доирасига кирмайди ва улардан воз кечиб бўлмайди. Мисол учун, ишчи ёлланганда ёлланиш шарти сифатида ишсизликка қарши суғурта қилиниш ҳуқуқидан воз кечадиган шартнома имзоланади. Бундай шартнома эса ҳақиқий эмас.

Шартномаларнинг турлари. Шартнома «...ларни эътиборга олиб», «юқорида айтилган», «томонлар биринчи навбатда» сингари ҳуқуқий ибораларга бой, шунингдек шартномавий мажбуриятларни тасдиқловчи муҳр босилган ва лента қадалган мураккаб расмий ҳужжатдир. Бироқ шартномаларнинг ҳаммасини ҳам бундай расмий ҳужжат деб ҳисоблаб бўлмайди. Бинобарин, ёзма ёки оғзаки шаклдаги шартномаларнинг ҳаммаси ҳам ҳуқуқий таърифларни қўллаб тузилемайди. Автобусга чиқаётган йўловчи пул қутисига ҳар гал танга ташлаганида емакхонада ўзинга таом буюрадиган ёки ўз кўйлагини кир ювиш корхонасига берадига ёхуд саквояжини станцияга топширадиган мижоз сингари шартнома тузади. Уларнинг ҳаммаси шартномада қатнашган томонлар ҳисобланади.

Шартномаларнинг турлари хилма-хилдир ва улар қонуний мақсадларни амалга ошириш учун тузилади.

Аниқ ифодаланган ва кўзда тутиладиган шартномалар. Аниқ ифодаланган шартнома томонларнинг нияти ёзма ёки оғзаки тарзда тўла баён қилинган шартномадир. Кўчада кетаётган бир-киши иккинчи бир киши билан учрашиб қолиб, унга ўз автомашинасини 2000 долларга сотмоқчи бўлди. Иккинчи киши автомобилини шу нархга сотиб олишга рози бўлиши мумкин. Бир-бирларига хат ёзиб ҳам ана шундай натижага эришиш мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам аниқ ифодаланган шартнома тузилади.

Кўзда тутиладиган шартнома. Бу томонларнинг нияти сўз билан эмас, балки хатти-ҳаракатлари билан ифодаланган шартномадир. Бундай шартнома томонларнинг хатти-ҳаракатидан англанишиши керак. Емакхонада таом буюриш бунга энг яхши мисол ёбла олади. Мижоз емакхона эгасига: «Агар менга таом келтирсангиз, таомномада кўрсатилган нархда ҳақ тўлашга ваъда бераман»,— демайди. Мижоз ўз хатти-ҳаракати билан тановул қилиш ниятида эканини билдиради ва шунинг ўзи шартнома тузилганлигини англаатади. Агар аниқ айтиладиган бўлсак, бу амалда кўзда тутиладиган шартнома ҳисобланади. Бу шартноманинг қонунда назарда тутиладиган бошқа хили ҳам бор. Бир томон иккинчи томон ҳисобидан виждонсизларча бойлик ортиришга йўл қўймаслик учун мавҳум (квази) шартнома деган тушунча пайдо бўлди. «Мавҳум шартнома» ҳолати юзага келганида бирор томоннинг на шартнома тузиш, на бир битимга келиш ва на ваъда бериш нияти бўлади. Бироқ, текинга бирор нарса олаётган киши қонунга кўра унинг оқилона нархини тўлаши шарт-

Шу сабабли баъзи ҳолатларда бир шахс иккинчи шахсга ўзи билмаган ҳолда фойда берса, суд наф кўрган кишини олган ҳамма нарсаси учун ҳақ тўлашга мажбур қиласди. Масалан, сиз соҳил бўйидан уй қуриш мақсадида ер сотиб оласиз ва қурилиш учун пудратчи билан шартнома тузасиз. Кейинчалик ер сотган одам хато қилганидан афсусланаётганини, у сизга иморат қуриш учун ери нотўғри кўрсатганини айтади. Матъум бўлишича, бу ер учинчи киши — Жозеф Т. Смитга тегишли экан. Бунинг устига Смит тайёр уйга кўчиб кириб яшаётган экан. Хўш, бундай ҳолда қурилишга кетган харажатни ким тұлаши керак? «Мавҳум шартномалар» тўғрисидаги назарияга мувофиқ Смит иморатни қурган пудратчи билан ҳисоб-китоб қилиши лозим.

Бажарилган ва бажарилиши керак бўлган шартномалар. Бажарилиши керак бўлган шартнома — кўзда тутилган шартлар ҳали бажарилмаган шартномадир. Шартномани иккала томон әмас, бир томон қисман ёки тўла бажарган бўлса, шартнома қисман бажарилган ҳисобланади. Агар шартнома тўла бажарилган бўлса, бу томонлар шартномавий мажбуриятларнинг ҳаммасини бажарганини билдиради. Бундай шартнома суднинг муҳокамасига камдан-кам ҳолларда кўйилади.

Биргаликдаги масъулиятни назарда тутадиган ва қарздорларнинг биргаликдаги ҳамда алоҳида масъулиятини назарда тутадиган шартномалар. Шартномани гарчи беш киши имзолаган бўлса ҳам унда фақат иккита томон бўлади. Масалан, тадбиркор М. А. Горелик «Радуга» ширкатига юк автомобили сотиш юзасидан шартнома тузади, ширкат номидан шартномани шериклардан Л. И. Бершадский, А. Б. Комаровский, В. А. Кремер имзолайдилар. Улар бу юк автомобилидан ўз тижоратчилик фаолиятида фойдаланадилар. Лекин ширкат синади. Шу муносабат билан юк машинасининг собиқ эгаси қаттиқ ташвишга тушади ва ширкатдаги шериклар биргаликда жавобгар бўладими ёки алоҳида-алоҳида жавобгар бўладими, деган масалани аниқлашга ҳаракат қиласди.

Агар жавобгарлик фақат биргаликда бўлса, М. А. Горелик пулсиз қолади. Гарчи ширкат эгаларидан ҳар бирининг банкда алоҳида-алоҳида ҳисоб дафтараси бўлса-да, ширкатнинг қарзни тўлаш учун пули йўқ. Хўш, М. А. Горелик фақат бир кишига, айтайлик, А. Б. Комаровскийга қарши иш қўзғатиши ва унинг шахсий маблағи ҳисобидан қарзни тўлашни талаб қилиши мумкини ёки бир йўла шерикларнинг ҳаммасини судга берадими? Бу эса, айни вақтда, А. Б. Комаровский шартномага кўра улар билан бирга жавобгар бўладими ёки алоҳидами, деган маънони билдиради. Бунинг жавоби, албатта шартномада бир томонни ташкил этувчи кишиларнинг ўзаро муносабатларига ва шартноманинг шартларига боғлиқ бўлади. Бу ҳолда, «Радуга» компанияси ширкат бўлгани сабабли юк машинасининг собиқ эгаси М. А. Горелик ширкат қарзини А. Б. Комаровскийнинг банкдаги шахсий ҳисоб дафтарасига ўтказиши мумкин. Ширкатдаги шериклар биргаликда ва алоҳида-алоҳида жавобгар бўладилар.

Икки томонлама ва бир томонлама шартномалар. Икки то монлама шартнома ваъда эвазига бериладиган шартномадир. Бир томонлама шартнома бир томоннинг ваъдасида бошқа томоннинг хатти-ҳаракатлари назарда тутиладиган шартномадир. Бир томонлама шартномада кўзда тутилган ишлар шартлар асосида шартнома тузиш учун розилик берилгани сабабли қонуний асосланган шартнома юзага келганида томонларнинг бири ўз шартномавий мажбуриятларини бажариб улгурган бўлади. Бундан бир томонлама шартнома ҳамма вақт қисман бажарилган бўлади деб хулоса чиқариш мумкин.

Арзимас, баҳсли ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳақиқий шартномалар. Шартномани ҳуқуқий жиҳатдан асослаш учун бир ва бир неча зарур шарт етишмайдиган шартномалар арзимас (қонуний кучга эга бўлмаган) шартномалардир. Суд орқали томонларнинг бирортасини шартномаларни бажаришга мажбур қилиш мумкин эмаслиги сабабли улар қонуний кучга эга бўлмайди. Баҳсли шартномалар томонларнинг бири, агар хоҳласа, балоратга етмаганилик, алдоқчилик ёки зўравонлик сингари сабабларга кўра жавобгарликдан қутилиб қолиши мумкин бўлган шартномалардир. Баҳсли шартномалар, агар унинг қонуний кучга эга эмаслигини талаб қилиш ҳуқуқи бўлган томон бу ҳуқуқдан фойдаланмаса, қонуний йўл билан ҳимоя қилиниши мумкин.

Ҳуқуқий жиҳатдан ҳақиқий шартнома барча ҳуқуқий расмиятчиликлар бажарилган ҳужжат бўлгани сабабли хоҳлаган томонни шартномавий мажбуриятларни бажаришга суд орқали мажбур қилиш мумкин.

Бўлинадиган ва бўлинмайдиган шартномалар. Бўлинмайдиган шартнома мутлақо ҳақиқий ёхуд ҳақиқий бўлмаган шартномадир. Бўлинадиган шартнома алоҳида мустақил бўлган ҳақиқий ёки файриқонуний қисмларга бўлинниши, унинг кейинги қисми олиб ташланиб, қонуний қисми эса мажбурий тартибда бажарилиши мумкин. Шартноманинг бўлинниши шартноманинг файриқонуний лигига алоқаси йўқ. Шартноманинг бир қисми баъзида бошқа сабабларга кўра, масалан, уни бажариш имконияти йўқлиги туфайли амалга ошмай қолиши мумкин. Шартнома бўлинганида, унинг бажариладиган қисми суд орқали амалга оширилиши мумкин.

Масалан, сиз бир дўконни сотиб олиш тўғрисида шартнома тузмоқчисиз. Унинг ускуналари 12000 доллар туради, қарздорлар қарзи 11500 долларни ташкил этади, неон чироқлар 500 доллар туради. Неон чироқларнинг яроқсизлигига эгаси айбдор эмас, шундай қилиб, шартноманинг бир қисмини бажариб бўлмайди. Шунга асосланниб, шартномадан воз кечиш мумкинми? Мазкур шартномани тақсимласа бўлади ва неон чироқлар билан таъминлашнинг иложи йўқлигига қарамай, шартноманинг бошқа қисмлари кучини сақлаб қолади, бинобарин, суд орқали уни бажаришга томонларни мажбур қилиш мумкин.

Ошкора ифодаланган шартномалар, муҳрли ва оддий шартномалар. Ошкора ифодаланган шартномалар қонунда кўзда тутилган тартибга мувофиқ расмийлаштириладиган шартномалардир. Суд хизматчиси тўлдирган ҳужжат асосида жавоб берадиган таймоннинг судга келиши учун кафолат ошкора ифодаланган шартноманинг намунасиdir. **Муҳрли шартнома** муҳр босиладиган шартномадир. Ҳозир бундай шартномалар жузъий ҳодиса эмас ва кўпгина штатларда муҳрнинг оддий имзога нисбатан аҳамияти катта эмас. Бироқ муҳрли шартнома талаб этилмайдиган ёки бундай шартномаларга нисбатан даъво қилишининг катта муддатлари қўлланиладиган бир қанча штатлар мавжуд. Облигациялар ва крепостнойлик ҳужжатлари кўпинча муҳрли шартнома ҳисобланади.

Оддий шартнома шундай шартномаки, у на ошкора ифодаланган шартнома, на муҳрли шартнома эмас. Бундай шартнома ё ёзма, ёки оғзаки шаклда бўлиши мумкин. Оддий шартномалар баъзида ҳалол сўзга асосланган шартномалар деб аталади.

Ёзма ва оғзаки шартномалар. Йшибилармонлар учун уларни ёзма ва оғзаки шаклдаги шартномаларга ажратиш йўли билан таснифлаш катта аҳамиятга эга. Бунда ёзма шаклдаги шартнома қаҷон тузилиши лозимлигини билиш мухимdir. Фақат ёзма шаклда тузиладиган шартнома турларини белгилайдиган қонун фирибгарлик тўғрисидаги қонун дейилади. Лекин бу қонунинг фирибгарликка унча алоқаси йўқ.

Фирибгарлик тўғрисидаги қонунлар. Англия парламенти биринчи марта 1677 йилда фирибгарлик тўғрисида қонун қабул қилганди. У аслида ҳеч қаҷон бўлмаган оғзаки шартнома борлигини тасдиқлайдиган қалбаки гувоҳликларга қарши қаратилган бўлиб, муайян шартномалар ёзма тарзда тузилиши талаб этиларди. Барча штатлар ўзларининг фирибгарлик тўғрисидаги қонуниларини қабул қилганлар. Бундай қонунларнинг кўпчилигида агар шартномаларнинг муайян турлари мажбурият олган томоннинг ёки шу томон вакилининг имзоси билан тасдиқланиб, ёзма шаклда тузилмаган бўлса, уни суд ижро қилиши мумкин эмаслиги кўзда тутилади. Агар судда қонунига мувофиқ ёзма шаклда тузилиши керак бўлишига қарамай, оғзаки тузилган шартнома юзасидан иш қўзгатилган бўлса, унда бу шартномани мажбуран бажартириш мумкин эмас. Агар томонлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мазкур қонун нормаларига мурожаат этмаса, шартнома ҳақиқий бўлиб қолаверади.

Бутун шартнома ёки ҳатто дастлабки битимнинг бир қисми ёзма шаклда бўлишини қонун талаб қилмайди. Томонлар ўртасида шартнома борлигини исботлайдиган ва унинг умумий шартларини белгилайдиган ёзма равишда берилган гувоҳлик бўлса, шунинг ўз етарли. Баъзи ҳолларда ҳатто шартнома тузилганидан кейин ёзилган норасмий хат бўлса бас. Бинобарин, қоидалар шу жиҳатдан қаттиқки, бундай ёзма гувоҳномага судда қарши иш

құзгатылған томоннинг мажбуриятларини бўйинга оладиган ваколатли шахс имзо чеккан бўлиши керак.

Фиригарлик тўғрисидаги қонун доирасига кирадиган шартномалар. Турли штатлариниг қонунларига кўра ёзма шаклда талаб қилиниши мумкин бўлган шартномаларнинг бир неча хили мавжуд. Уларга қўйидагилар киради:

— йил давомида тўла бажарилиш мумкин бўлмаган шартномалар;

— уйланиш ёки турмушга чиқиш масалаларига доир шартномалар;

— кўчмас мулкни сотишга доир шартномалар;

— кафолат ва кафиллик шартномалари;

— кўчма мулкни муайян нархларда сотишга доир шартномалар;

— васият ижрочилари ёки мерос бошқарувчилари учун мухрланган шартномалар;

— кўчма мулкка ишонч ёрлигини таъсис этишга доир шартномалар;

— кўчма мулкка эгалик ҳуқуқини бошқа кишига бериш ёки қайта топширишга доир шартномалар;

— қурби етмаганлиги сабабли судга берилган иш ижроси вақтида қарзни тўлаш юзасидан янги мажбурият олиш;

— муҳрли ҳужжатни ўзгаририш ёки ижро этиши юзасидан тузилган шартнома;

— ҳакамлар суди тўғрисидаги шартномалар.

Юқорида қайд этилган шартномалар, одатда, фиригарлик ҳақидаги қонун талабларига мувофиқ ёзма шаклда тузилиши керак. Агар далиллар етарли бўлмаса, гарчи қонунда истисно этиладиган бир неча ҳолат мавжудлигига ва бундай шартнома суд орқали мажбуран бажарилиши лозимлигига қарамай, суд орқали ижро этилиши мумкин эмас.

Энг муҳим истисноларнинг бири кўчмас мулкни сотишга тегишилдири. Агар шартнома мавжудлигини тасдиқлаш учун у қисман бажарилган бўлса, суд фиригарлик тўғрисидаги қонун билан ҳисоблашмаслиги ва шартномани ижро этишга мажбур қилиши мумкин. Лекин бунинг учун томонлардан бири кўчмас мулкни сотиш тўғрисидаги ваъдага ҳақиқатан ҳам ишонганидан дарак берувчи асосли далил бўлиши даркор. Томонлар ёзма битим тузган бўлсалар, одатда, улар ёзма тарзда баён этилган шартларни бажаришлари керак.

Бироқ бу қоида қўлланилмаслиги мумкин бўлган тўрт ҳолат мавжуд:

а) шартнома ҳақиқатан ҳам бўлмагани далиллар ёрдамида исботланиши мумкин. Масалаң, фиригарлик бўлгани, ўзаро хато қилингани ёки бир-бираининг ишидан қониқиш йўқлиги тўғрисидаги далил-исботлар воситасида, шартнома ёзма шаклда бўлишига қарамай, бекор қилинади;

б) ҳар қандай томон шартномавий мажбуриятни қабул қил-

тунигача бажарилиши зарур бўлган шартлар борлигидан дарак берувчи далиллар ва бу шарт бажарилмагани тўғрисидаги далиллар ҳақиқий ҳимоя воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин;

в) оғзаки музокара бўлганини билдирувчи далилу исботлардан баҳсли масалаларни, шартномада тушиб қолган сўзларни ёки унинг поаниқ шартларини аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин;

г) томонлар ёзма битимга қўшимча равишда шартномани ўзgartириш тўғрисида келишиб олишгани хусусидаги далилу исботлар ҳам янги битим тузилаётганида ўзаро қониқиш бўлган тақдирда эътиборга олиниши мумкин.

Шартномалар ва учинчи томон. Одатда шартнома бўйича томонлар ҳисобланувчи шахсларгина шартномавий ҳуқуқ ва маж буриятга эга бўладилар. Агар шахс шартнома тузишда қатнашган томонлардан бири бўлмаса, у ёки бу шартнома бўйича ўша шахсга қарши судда иш қўзғатиши мумкин эмас. Ёки, аксинча, шу шахснинг ўзи судда иш қўзғатиши мумкин эмас. Аммо баъзида шундай ҳолат юзага келадики, шартнома тузилишида дастлабки томон ҳисобланмайдиган шахслар шартномавий ҳуқуқини қўлга киритишлари мумкин. Бундай ҳолат дастлабки томон ўз ҳуқуқлари ва фойдасини учинчи томонга бераётганида тез-тез учраб туради.

Ҳуқуқни бошқа кишига бериш. Бу бир киши ўзининг ҳар қандай ҳуқуқини бошқа кишига беришини англатади. Бир киши шартномадаги ҳуқуқни ён босиш йўли билан иккинчи кишига бериши мумкин. Қўйида ён босишнинг моҳияти қисқача баён этилади.

Ҳуқуқни бошқа кишига бериш моҳиятини аниқ мисол орқали тушунтириш яхшироқ. Масалан, тадбиркор шартномага кўра 30 000 доллар олиш ҳуқуқига эга, лекин у ўзининг 30 000 доллар олишдан иборат шартномавий ҳуқуқини бошқа кишига бериши мумкин. Конунда ён босишга доир қандайдир маҳсус усууллар кўзда тутилмайди. Бу ишни оғзаки ёки ёзма равишда қилиш мумкин. Ёзма равишдагиси расмий ҳужжат ҳисобланиши ёки шартномага одийгини қилиб «бердим» сўзи ёзилиши ва цедентнинг (цедент — ён босгап киши, цессионариј эса ҳуқуқ берилаётган шахс) имзоси қўйилиши мумкин. Ён босиш ҳаракати бўлганлиги сабабли ҳақиқатан ҳам муайян ҳуқуқларни бировга бериш пазарий жиҳатдан иккинчи томонни қониқтиришни талаб этмайди.

Лекин, вазифалар эмас, балки ҳуқуқларгина ён босиш йўли билан берилиши мумкин. Масалан, экран юлдузи кинода суратга тушиш учун шартнома тузса, унинг бу вазифасини бошқа одам бажара олмайди. Бинобарин, ҳеч ким бирор-бир вазифа фақат ўзига боғлиқ бўлганида, ўзини бу вазифани бажаришдан кутқара олмайди. Шахсан келтирган зарарнинг ўринини қоплаш, Қўшма Штатлар ҳукуматига баъзи даъволар, алимент олиш каби бир қанча ҳуқуқлар қонуний йўл билан бошқа кишига берилиши мумкин эмас.

тўғри келавермайди. Ҳар қандай вазиятда мазкур ишга тетиши фактлар ва ҳолатларга таяниб иш кўриш керак.

Шартноманинг моҳияти унинг ўз вақтида бажарилишдан иборат бўлса, унинг белгиланган муддатдан кечроқ бажаришни мажбуриятлар бузилганини билдиради. Агар шартноманинг ўз муддатида бажарилиши унинг моҳиятини ташкил этмаса, уни кечроқ муддатда бажарган маъқул. Томонлардан биро шартномани бажариш муддатини унинг энг муҳим шарти деб хисобласа, бошқа томон эса унинг белгиланган аниқ муддатини бузса, шартномавий мажбурият бажарилмаганинги билдиради. Масада, сизга телефон қилиб, гул буюрдилар ва уни 5 июнь куни эрталаб соат тўққизга етказиб беришини сўрадилар, айни вақтда тушшати буюртмачининг қизи никоҳдан ўтишини тушунтирдилар. Ҳаммаси равшан: тўйга гул керак. Сиз эса уни 5 июнь куни тушшатида, соат 2 да олиб бордингиз. Бу ҳолда ижро муддати шартноманинг моҳиятини билдиради. Гулни ўз вақтида етказиб бермаганингиз сиз мажбуриятингизни бажармаганингизни англатади. Шартноманинг барча муҳим бандлари бажарилишига зарар етказмаган ҳолда бошқа моддаларни ижро этишда ҳам бироз кечикиш бўлиши мумкин. Бу атама шартномада мўлжалланган барча муҳим ишлар моҳиятан унинг шартларига мувофиқ бажарилганини билдиради. Шартномадаги барча муҳим шартларни бажаришда шартномани бажариш шартнома шартларига тўла ҷуффиқ бўлиши учун вижданан куч-ғайраг сарфлаш; шартнома шартларини ўзбошимчалик билан атайлаб ўзгартирмаслик; шартномадан чекиниш, хато ва камчиликлар натижасида кўрнаган ҳар қандай зарарни суд орқали ундириш талаб қилинади. Бошкacha айтганда, шартномада кўзда тутилган пулни тўлаш, шартнома шартларидац чекиниш оқибатида кўрилган зарарни хисоблаб, ушлаб қолиш керак бўлади.

Агар шартнома тўла бажарилмаган, унинг барча муҳими жиҳатлари амалга оширилмаган бўлса, унда суд орқали жазошни ҳам мумкин эмас. Агар бир томон шартнома шартларини ҳадом бажаришга уринган, бошқа томон эса бундан қандайдир нафолган бўлса, унда шартномавий мажбуриятлар бажарилмагани учун судда иш қўзғатиш билан эмас, балки сохта шартнома сабабли суд муҳокамаси натижасида фойданинг мақбул қиймати ундириб олинади.

Шартномада ўзига хос шарт назарда тутилмаган бўлса, барча мажбуриятлар оқилона иш тутадиган оддий одамнинг таабида ражасида қондирилса, у кўнгилдагидек ижро этилган хисобланади. Лекин бундай шартлар назарда тутилган ҳолатда шартномадаги бошқа томон оқилона иш тутувчи оддий одамнинг фикридан қатъи назар, унинг ижросидан қониқиши керакми? Зотан, шахсий услуг ва фикрлашга асосланган шартномалар билан бу парсалар назарда тутилмайдиган шартномалар ўргасида фарқ бор. Кейинги ҳолатда оқилона иш тутадиган одам қаноатланса, шунинг ўзи етарли. Биринчи ҳолатда шартнома ижроси шарт

Учинчи томоннинг фойдаси. Агар икки томон учинчи томоннинг фойда кўриши учун шартнома тузса, учинчи томон шартнома бажарилишига суд орқали эришиши мумкинми? Баъзида наф кўрган учинчи томон ўзи тузмаган шартнома бажарилишини сўраб, судга мурожаат этади. Айрим ҳолларда эса учинчи томон бундай қилолмайди. Умумий қоидаларни ёрқин ифодалайдиган, тез-тез учраб турадиган ҳолатларни кўриб чиқайлик.

Ҳаётни суғурта қилиш юзасидан тузиладиган шартномалар. Бу шартнома учинчи томонга наф келтирадиган ҳолат ҳисобланади. Ўзини суғурта қилдиromoқчи бўлган киши суғурта компанияси билан шартнома тузади, бу компания наф кўрадиган одамга (бенефициарийга) пул тўлаш мажбуриятини олади. Одатда бенефициарий шартномада қатнашган томон ҳисобланмайди. Бироқ ҳаётни суғурта қилдириш ҳолатида барча штатларнинг қонунлари бенефициарийга шартномани бажаришга мажбур этиш учун судга мурожаат қилишга рухсат беради.

Кафиллик кафолати ва қурилиш тўғрисидаги шартномалар. Бунда учинчи томон қурилиш лойиҳалари туфайли берилган кафиллик кафолати орқали фойда кўради. Бош пудратчи ишчи кучи ва материаллар билан таъминловчи барча кишиларга ҳақ тўлаш кафолатини беради, ишчи ёки субпудратчи учинчи томонни фойда олишга мажбур этиш мақсадида судга мурожаат қилиши мумкин.

ШАРТНОМАЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ТЎХТАТИШ. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ТОМОНЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Тузилган шартномалар турли усуслар билан тўхтатилиши мумкин. Иккала томон шартномада ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажарип бўлиши унинг энг оддий усулидир. Шартнома баъзан мажбуриятлар бузилганилиги учун ҳам тўхтатилади. Бу ҳолда ҳақ-ҳуқуқни ҳимоя қилишининг муайян воситалари мавжуддир. Ишни судга бериш ёки ҳакамлар ҳукмига ҳавола қилиш ана шундай воситалардандир. Шартномадаги томонлар шартномавий мажбуриятларини кўпинча фикрлар тўғри келмаганлиги сабабли тўхтатадилар. Ниҳоят, шартномалар қонун амал қилиши туфайли тўхтатилади. Шартнома, тузилиш шаклидан қатъи назар, тўхтатилганлиги муносабати билан ўз кучини йўқотади.

Шартномаларнинг ижроси. Ижро — томонлар шартнома шартлигига кўра ўз зиммаларига олган ва бажаришлари керак бўлган ишларни амалга оширишдир. АҚШда мажбуриятларни бажариш тушунчаси билан боғлиқ масалаларни тартибга келтириб турадиган кўпдан-кўп қонун нормалари мавжуд. Агар шартномада ундаги барча моддаларнинг ижро муддати кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда томонлар ўзларига мақбул муддат мобайнида уни бажаришлари мўлжаллангани англашилади. Лекин шартноманинг бир тури учун мақбул муддат бошқа бир шартнома учун

тұғри келавермайды. Ҳар қандай вазиятда мазкур ишга тегишли фактлар ва ҳолатларга таяниб иш күриш керак.

Шартноманинг моҳияти унинг ўз вақтида бажарилишидан иборат бўлса, унинг белгиланган муддатдан кечроқ бажарилиши мажбуриятлар бузилганини билдиради. Агар шартноманинг ўз муддатида бажарилиши унинг моҳиятини ташкил этмаса, уни кечроқ муддатда бажарган маъқул. Томонлардан бири шартномани бажариш муддатини унинг энг муҳим шарти деб ҳисобласа, бошқа томон эса унинг белгиланган аниқ муддатини бузса, шартномавий мажбурият бажарилмаганинги билдиради. Масалан, сизга телефон қилиб, гул буюрдилар ва уни 5 июнь куни эрталаб соат тўққизга етказиб беришин сўрадилар, айни вақтда туш пайти буюртмачининг қизи никоҳдан ўтишини тушунтирдилар. Ҳаммаси равшан: тўйга гул керак. Сиз эса уни 5 июнь куни туш пайтида, соат 2 да олиб бордингиз. Бу ҳолда ижро муддати шартноманинг моҳиятини билдиради. Гулни ўз вақтида етказиб бермаганингиз сиз мажбуриятингизни бажармаганингизни англатади. Шартноманинг барча муҳим бандлари бажарилишига зарар етказмаган ҳолда бошқа моддаларни ижро этишда ҳам бироз кечикиш бўлиши мумкин. Бу атама шартномада мўлжалланган барча муҳим ишлар мөдияттан унинг шартларига мувофиқ бажарилганини билдиради. Шартномадаги барча муҳим шартларни бажаришда шартномани бажариш шартномада шартларига тўла мувофиқ бўлиши учун вижданан куч-файраг сарфлаш; шартнома шартларини ўзбошимчалик билан атайлаб ўзгартирмаслик; шартномадан чекишиш, хато ва камчиликлар натижасида кўрилган ҳар қандай зарарни суд орқали ундириши талаб қилинади. Бошикача айтганда, шартномада кўзда тутилган пулни тўлаш, шартнома шартларидан чекиниш оқибатида кўрилган зарарни ҳисоблаб, ушлаб қолиш керак бўлади.

Агар шартнома тўла бажарилмаган, унинг барча муҳим жиҳатлари амалга оширилмаган бўлса, унда суд орқали жазолаш ҳам мумкин эмас. Агар бир томон шартнома шартларини ҳалоле бажаришга уринган, бошқа томон эса бундан қандайдир наф олган бўлса, унда шартномавий мажбурияtlар бажарилмагани учун судда иш қўзғатиш билан эмас, балки сохта шартнома сабабли суд муҳокамаси натижасида фойданинг мақбул қиймати ундириб олинади.

Шартномада ўзига хос шарт назарда тутилмаган бўлса, барча мажбуриятлар оқилона иш тутадиган оддий одамнинг талаби даражасида қондирилса, у кўнгилдагидек ижро этилган ҳисобланади. Лекин бундай шартлар назарда тутилган ҳолатда шартномадаги бошқа томон оқилона иш тутувчи оддий одамнинг фикридан қатъи назар, унинг ижросидан қониқиши керакми? Зотан, шахсий услугуб ва фикрлашга асосланган шартномалар билан бу нарсалар назарда тутилмайдиган шартномалар ўргасида фарқ бор. Кейинги ҳолатда оқилона иш тутадиган одам қаноатланса, шўйинг ўзи етарли. Биринчи ҳолатда шартнома ижроси шарт

нома асосида қарз берувчнинг диди ва фикрига мос келиши керак. Масалан, сиз «Спецмонтажстрой» компанияси билан хизмат биносида ҳавони мўътадил қиласиган қурилма ўрнатишга шартнома тузасиз. Сизга ёз мобайнида қурилмани текнига синаб тўлаш имкониятини яратишди. Лекин сиз қурилма қониқарсиз ишлётганини айтиб, унинг ҳақини тўламайсиз. «Спецмонтажстрой» компанияси хизмат биноларида ёзнинг энг жазирама кунларида ҳавони мўътадил сақладиган қурилмалар ишлаб тургани сабабли ишлаш жуда қулайлигини ва ишнинг кўзини яхши биладиган одам қурилмадан мамнун бўлиши кераклигини осонгина исботлаши мумкин. Бундай ҳолатда қурилма учун тегишли ҳақнинг ҳаммасини тўлашига мажбурсиз.

Ёки, айтайлик, сиз хизмат хоналари жойлашган бино йўлаклари ва пешравонлари деворларига расм солиши ҳақида рассом билан келишасиз. Бунинг яна бир шарти бор: агар расмлар дингизга тўғри келмаса, рассомга ҳақ тўламайсиз. Деворга расмлар чизиб бўлинди. Мунаққидлар уларни санъат асари сифатида эътироф қилишди. Лекин, расмларнинг қаериидир сизга ҳақоротомуз туюлади ва рассомнинг ҳамма ишларига ҳақ тўлашдан бош тортасиз. Бу хилдаги шартнома шахснинг диди ва фаросатига, фикрлашига асосланганни сабабли сизни ҳақ тўлашга мажбур қилолмайдилар. Ҳатто дид ва фаросати, фикрлашига асосланган шартнома тузилиб, унинг инжиқлиги ва ёмон кайфияти бундай норозиликка сабаб бўлгани исботланса-да, шартнома бажарилган ҳисобланади.

Баъзан томонлар шартноманинг ижроси учинчи кишини қониқтириши лозимлигига рози бўладилар. Қўпинча қурилиш бўйича асосий шартномалар бажарилганида шундай бўлади, унда пудратчи бажарилган ишлар қабул қилинган режаларга мослиги ҳақида меъмор билан тузилган шартномада мўлжалланган сертификатини тақдим этиши даркор. Бу хил шартномада, агар фирибтарлик бўлмаса, хато қилинмаса, тил биринкирмаса ёки асосиз бўйни товланимаса, учинчи томонининг мулоҳазаси охирги мулоҳаза ҳисобланади.

Шартномани бажаришда тўлов усулидан тез-тез фойдаланиб турилади. Агар тўлов муддати белгиланган бўлса, у худди шу муддатда тўланиши керак. Аниқ белгиланган муддат бўлмаса, у талабга мувофиқ ёки оқилона муддатда амалга оширилиши зарур. Тўлов тўлаши учун маҳсус муддат белгиланган тақдирда бу муддат белгиланган давр тугаганидан кейинги кун бошида тугайди. Қарздор қарз берган кишини топиши ва пулни тўлаши керак. Одатда, қарзлар қарз берувчига мақбул ҳар қандай усулда — чеклар воситасида, всхсель ўтказиши ва пул топшириш ўйли билан тўланади. Бироқ қонуний тўлов воситаси қарз тўловлари сифатида қабул қилиниши лозим. АҚШнинг барча танглари ва пул белгилари федерал резерв системаси ва миллӣ банкининг қоғоз туллари билан бирга ҳар қандай миқдордаги қарзни тўлаш-

нинг қонуний воситасидир. Агар қарз берган одам пулларни қабул қиласа, у бошқа воситалар билан тұлов олиш ҳуқуқига әга әмас.

Шартномада, масалан, тасдиқланған чек сингари тұловнинг маҳсус воситаси назарда тутилады, мабодо босықа күрсатма бўлмаса, унда қарз пул билан тұланади. Бироқ қарз берган одам пулдан бошқа ҳар қандай тұлов воситасини, масалан, чекни қабул қиласа, у ҳамма вақт ҳам тұлов ҳисобланап бермайды. Қонунида қарзни чек билан тұлаш шартлы восита экани кўзда тутилади. Чек тұланған бўлсагина, у топширилаётганида қарздор қарзидан қутулған ҳисобланади. Агар чек тұланмаса, шартнома бажарилмаганини билдиради.

Тұлов почта орқали жўнатилған муддатда тұланған ҳисобланадими ёки маблағ олинған куидами? Одатда қарз почта орқали юборилған пул олинимагунича тұланған ҳисобланмайди. Аммо бу қоидани истисно этадиган жиҳатлар ҳам бор. Чунончи, агар қарз берувчи пулни бевосита ёки билвосита почтадан олиш хоҳишини билдирыса, почта орқали пул юбориш томонлар ўртасида оддий муомалага айланған бўлса, у почтадан жўнатилған вақт тұлов тұланған вақт ҳисобланади. Қарз берувчи конвертда ўз манзилгоҳини кўрсатиб, ҳисоб қофозини юборса, қарзни почтадан олишга розилик берганини билдирган бўлади.

Масалан, суғурта мукофотини 14 майгача тұлаш керак, пул шу куни почтадан жўнатилди, лекин у 15 майгача ҳам суғурта компаниясиға келмади, дейлик. Бундан қарздор ўз тұловини вақтида тұламайдыган одам экан, деган хulosा келиб чиқади. Бинобарин, агар суғурта компанияси тұловларни ҳамма вақт почта орқали олаётган бўлса ёки пул жўнатиш учун ўз манзилгоҳини кўрсатған холда ҳисоб қофозига қўшиб конверт жўнатса, тұловнинг бундай усулига розилик берилған ва 14 майда юборилған пулни ўз вақтида тұланған деб ҳисоблаш мумкин.

Қисман тұланған пул аввалига фойзларга, кейин эса асосий қарзга тегишли бўлади. Қарздорининг бир әмас, бир неча қарзи бўлса, у ҳисоб дафтарини дастлаб ёпмоқчи эканини айтиши, қарз берувчи эса унинг хоҳишини эътиборга олиши шарт. Агар қарздор ўзи пул ўтказадиган ҳисоб дафтарини кўрсатмаса, унда қарз берувчи хоҳлаган ҳисоб дафтаридан тұлов тұлаши мумкин. Мабодо қарздор ҳам, қарз берувчи ҳам мазкур тұлов ўтказиладиган ҳисоб дафтарини аниқ айтмаса, тұлов амалдаги қонунга мувофиқ муддати анча барвақт белгиланған ҳисоб дафтариға ўтказилади.

Баъзан бир томоннинг шартномани бажариши учун уни иккинчи томоннинг бажаришига боғлиқ бўлади. Бундай тақдирда, агар иккинчи томон ўз мажбуриятини бажармаган, уни бажарышнигиша таклиф этгай бўлса, биринчи томоннинг зиммасига жавобгарлик тушадими? Масалан, Арчибалъд Фокс Олдас Хакслига муайян товарларни етказиб берин юзасидан шартнома тузади, бунинг учун Хаксли унга 1000 доллар тұлаши керак. Агар Арчибалъд фақат шартномани бажарышнигиша таклиф қиласа

бұлса, Олдас Хаксли унга шу пулни тұлаши шартми? Арчибалд Фокс таклиф этаётган нарса шартнома талабларига тұла мос келса, Олдас Хаксли пулни тұлаши зарур, акс ҳолда, у үз қарзиниң вақтида тұламайдыган одам ҳисобланади.

Шартноманың бир қисмі эмас, балки унинг тұла бажарилишини таклиф қилиш керак. Агар унинг қисман бажарилиши айтилған бўлса, шартномада қатнашиш таклиф қилингандың киши уни бутунлай рад этиши мумкин.

Томонлардан бирининг шартномавий мажбуриятларни бажаришда бошқа томон үз зымасига жағобгарликни олсин деган талабни бажарып имконияти йүқлиги сабабли очиқдан-очиқ инсофсизлик қилингандың пайтлар ҳам бўлади. Масалан, Ральф Ч. Дэвис билан ишлаб чиқаришдан олиб ташланғандың молларни етказиб бериш юзасидан гаразсиз шартнома түзді, дейлик. Бундай молнинг мутглақо йүқлиги сабабли шартномани бажарыб бўлмайди. Ральф Ч. Дэвис ҳақ тұлашини талаб қилиши, айни вақтда шартномавий мажбуриятлар бажарилмагани учун судда унга қарши иш қўзғатиленгандың шартнома нима сабабдан бузилигинини асослаш учун фойдаланиши мумкин.

Үлим ёки касаллик натижасыда томонлардан бири лаёқатсиз бўлиб қолгани учун баъзи шартномалар тұхтатилади. Бундай шартномани ундағы дастлабки томоннинг манфаатларини қонуний ҳимоя қиласидын шахс бажарыши керак.

Шартномалар кўпинча шундай буюмларни үз ичига оладики, уларнинг мавжудлиги шартномаларнинг бажарилиши учун зарурдир. Агар шу буюмлар бирор томоннинг айбисиз йўқолғандың бўлса, бу шартномавий мажбуриятларни бажармаслик учун ёсоз яратади.

Қонунда ўзгаришлар рўй берганида шартномани бажарып гайриқонуний тусга киради ва шартномавий мажбуриятларнинг бузилиши учун асосли баҳона бўлади. Лекин ҳаётда шартномани бажарышда хавф-хатар юзага келганида уни қайта кўриб чиқиладын ҳолатлар ҳам бўлади. Масалан, үзига хос хусусиятли мажбуриятни бажарышга ваъда берган киши зымасига қалтис ишни олган ҳисобланади. Ваҳолонки, ақл билан иш тутадигандың одам бунда муайян қалтислики олдиндан кўрган бўлур эди. Шу боисдан бу киши мабодо шундай қалтислик рўй берган тақдирда шартномада унга дахл этадиган қоидаларни кўзда тутади; бу талабни бажармаслик қалтис ишга қўл уриш билан баравар. Таваккал қиласиз, ҳуқуқий жиҳатдан ўзингиз олдиндан кўрган вазият юзага келганида қалтис ишдан қутулишга имкониятингиз йўқлигидан шикоят қилолмайсиз, баҳона кўрсатолмайсиз.

Бажарыш имкониятининг йўқлиги мажбуриятларни ҳуқуқий жиҳатдан бажарыш мумкин эмаслигини оқламайды ва баъзи бир иложсизлик ҳолатлари юзага келади. Булар:

— шартномада қатнашган томоннинг хатти-харакатлари билан вужудга келгап иложсизлик. Масалан, Жон жиноят қиласиди

ва қамоқ жазосига хукм этилади. У айби борлиги учун шартномадаги муайян мажбуриятларни бажара олмайды, бунга имкони йүқ, лекин ана шундай ҳолат Жонни ўз зинмасига тушган мажбуриятларни бажаришдан халос қилмайди;

— учинчи томоннинг айби билан вужудга келган иложсизлик. Агар сиз учинчи томоннинг розилигисиз ёки у билан ҳамкорликсиз бажариб бўлмайдиган шартнома тузган бўлсангиз, унда учинчи томоннинг ҳамкорликни рад этиши мажбуриятлар бажарилмаслигининг сабаби бўлолмайди;

— тўлов қобилияти йўқлиги, молиявий қийинчиликлар ёки кўзда тутилмаган харажатлар натижасида вужудга келган иложсизлик;

— агар шартномада иш ташлашлар ёки зарур ишчи кучлари йўқлиги учун масъулиятни олиб ташлаш тўғрисида писандада бўл маса, ишчи кучи етишмаслиги сабабли вужудга келган иложсизлик.

Биз мажбуриятлар бажарилиши ҳақидаги масалаларни кўриб чиқаётганимизда шартномавий мажбуриятларни бажармаслик ҳоллари бўлганлигини айтган эдик, бу эса шартнома бузилишининг кўринишларидан биридир. Бироқ шартноманинг ҳали биз кўриб чиқмаган яна бир тури бор. Бу тур ижро муддати бошлангунигача шартноманинг бузилиши ёки атайнин бузиладиган шартнома сифатида маълум. Одатда, шартномада унинг ижро муддати кўрсатилади. Шу сабабли шартноманинг бажарилган ёки бажарилмаганлиги шу санага нисбатан ҳисобга олинади. Масалан, Артур Блейн Гарри Жонсга 15 июнь куни юз баррель тамаки етказиб берниш ҳақида шартнома тузган. Белгиланган муддат келиши билан Артур Блейн тамакини етказиб беради ёки йўқ. Агар томонларнинг бири шартноманинг ўзига тегишли қисмини бажариш ниятида эмаслигидан иккинчи томонни хабардор қиласа, бу унинг ўз мажбуриятини бузмоқчи эканидан далолат беради. Бу ижро муддати келгунга қадар шартномани қасддан бузишdir.

Хуқуқий жиҳатдан олганда бошқа томон судда иш қўзғатиш учун белгиланган муддат келишини пойлаши керакми ёки тез ҳаракат қилиши мумкинми, деган савол масаланинг моҳиятидир. Томонларнинг бири ҳақиқатан ҳам мажбуриятларни аниқ бажармоқчи эмаслиги маълум бўлса, зарар кўраётган томон ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун мажбуриятларнинг белгиланган муддатини кутиб ўтириши шарт эмас. Кўпчилик судлар бу масалага амалий ёндошадилар ва шартнома уни бажариш муҳлати келгунича қасддан бузиладиган бўлса, ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун муддатидан илгари чора кўришга ижозат берадилар.

Шартнома муддатидан илгари бузилиши тўғрисидаги доктрина шу томоннинг мажбуриятларни бузишидан хабардор бўлган ёки шартномани рад этиш ниятида қилаётган ҳатги-ҳаракатларини биладиган бошқа томонга ёрдам беради. Бу киши шартнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаши ва зарарнинг ўрнини

Қоплаш учун судга тезлик билан мурожаат этиши мумкин (албатта, агар хоҳиш бўлса, белгиланган ижро муддатини кутиш мумкин).

Шартнома муддатидан олдин бузилгани тўғрисидаги қоидани қўллашнинг бир неча йўли бор. Масалан, билдириш хати машмишларга асосланмасдан бевосита топширилиши керак. Бундан ташқари, шартномани рад этаётган томон бошқа томон шу раддияга асосланиб, аниқ чора-тадбир кўргунича раддиясини қайтариб олиши мумкин. Шартномани муддатидан илгари бузиш тўғрисидаги қоида бошқа томон фақат пулнинг муайян миқдорини тўлаши шарт бўлган тақдирдагина қўлланилмайди. Бундай ҳолатда зарар кўраётган томон судга мурожаат этишдан аввал белгиланган тўлов муддатини кутиши лозим.

Томонлардан бири ўз мажбуриятларни бажаришдан бош тортадиган бўлса, унда бошқа томоннинг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилишда қандай воситалар бор? Бу томон вазиятга қараб шартномани бузиши, етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни сўраб, судга мурожаат этиши ёки шартнома натура шаклида бажарилишини талаб қилиши мумкин. Баъзан ҳакамлардан ёрдам олади.

Иккинчи томоннинг гумаштаси шартномага қўпол равишда менсимай муносабатда бўлса, сиз шартномани бузишингиз ва ўз мажбуриятларнингизни бажаришдан бош тортишингиз мумкин. Шартнома бузилиши оқибатида зарар кўрган бўлсангиз уни бекор қилишни ва зарарнинг ўрнини қоплашни сўраб судга мурожаат этишингиз керак. Бундай қилмаслигингиз, якнича, ўз мажбуриятларнингизни бажараверишнингиз, бошқа томон шартномани бажаришга нисбатан хуқуқий маъниода камчиликларга йўл қўйини натижасида кўрилган ҳар қандай зарарнинг ўрнини қоплашни сўраб, кейинчалик судга мурожаат этишингиз мумкин. Томоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришда давом қилиши унинг шартномани бузиш хуқуқидан воз кечганини билдиради, лекин бунда у зарар қопланини суддаталаб қилиш хукуқидан воз кечди, деган маъно келиб чиқмайди.

Судда шартномалар тўғрисида кўриладиган ишларда зарарни тўлаш масаласи тез-тез учраб туради. Зарар атамаси етказилган зиёни ифодалайди. Хуқуқий маъниода айтганда, тадбиркорга етказилган зарар пул билан қопланади, шартномавий мажбуриятлар тўғрисидаги суд ишларида эса у бажарилмаган шартнома эвазига тарниқасида пул олади.

Кўриладиган зарар турличадир. Уларнинг баъзилари фуқаролар хуқуқбузарлиги соҳасига, бошқалари шартномавий мажбуриятлар соҳасига тегишли. Аввал шартномавий мажбуриятлар юзасидан кўриладиган зарарлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқайлик. Суд мажлисларидан бирида шу нарса аниқланди: «Оддий зарар ҳар қандай одам кўриши мумкин бўлган зарардир. Ўзига хос хусусиятга эга бўлган зарар эса ишдаги мавжуд ҳолатларгагина тегишли сабаблар билан киши амалда кўрадиган зарардир».

Масалан, «Уют» фирмаси ошхона столининг нархи бозорда 12 доллар туршигага қарамай, шартнома бўйича 10 долларга тайёрлаб беришга розилик билдири, дейлик. Шартномада 100 та стол ясад берилни назарда тутилган. Лекин «Уют» фирмаси билан унинг ҳар бир столини 13 доллардан сотиш тўғрисида келишиб олиниди, шуидай қилиб у биринчи шартномани бузади. Бунда келтирилган зарар миқдори қанча бўлади? Оддий зарар шартнома нархи билан бозор нархи ўртасидаги фарқни ёки 200 доллар (100 та столининг ҳар донасидан 2 доллар зарар ҳисобидан)ни ташкил этади. Бироқ бунда ўзига хос хусусиятли заарни қоплаш масаласи пайдо бўлиши мумкин — бу шартнома бузилиши муносабати билан йўқотилган қўшимча фойда бўлиб, у яна 100 долларни ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси ўзига хос хусусиятли заарининг асоси ҳисобланган маҳсус ҳолат бўлиб, бошқа томонга бу ҳол албатта маълум бўлини кераклигидан далолат беради.

Баъзан шартномада у бузилган тақдирда етказиладиган заарни қоплаш учун маълум миқдорда пул тўланишини белгилаб берадиган писанда назарда тутилади. Ушбу шартлар оқилона бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланиб, олдинроқ баҳолангандар ҳақидаги писанда дейилади. Бундай писанда шартлари номаъқул ва ғоят қаттиқ бўлса, жарима шартлари сингари қонуний тусга эга бўлмайди. Заарни қоплаш шартлари ҳалол эканинни аниқлаш ва улар олдинроқ баҳолангандар заарлар ёки фақат жарималар тўғрисидаги писанда ҳисобланадими, деган саволга жавоб берни учун иккита мезонин айтиб ўғиши мумкин: биринчидан, шартномавий мажбуриятлар бузилгач, амалда етказилган заар миқдорини аниқлаш мушкул ва мумкин бўлмаса; иккинчидан, шартномада мўлжалланган ва олдинроқ баҳолангандар заарлар шартномавий мажбуриятлар бузилиши оқибатида етказиладиган зааррга оқилона bogliq bўlса, улар олдинроқ баҳолангандар тўғрисидаги шартлар ҳисобланади.

Шартномавий мажбуриятларга кўра заар миқдори бу мажбуриятлар бузилиши натижасида юзага келадиган ва исботланган йўқотишлар билан ўлчанади. Бу йўқотишлар етказилган заар миқдори билангира эмас, мўлжалланган фойдага қараб ҳам белгиланади. Гарчи шартномадаги мажбурият бажарилмагани натижасида заар етказилган томон заарни уидириб олиш ҳуқуқига эга бўлса-да, заарни энг кам миқдорга камайтириши шарт. Масалан, сиз Том Эвансни шартномага мувофиқ беш йиллик муддатга ёллаїсиз. Лекин у бир ой ишлаганидан сўнг сиз уни сабабсиз ишдан бўшатасиз, лекин Том бошқа иш топишга ҳаракат қиласр экан, сизнинг заарингизни жуда камайтиришга мажбур. Унга тўрт йилу ўн бир ой давомидан сиз кўраётган зиёнигини кузатиб, бекор ўтириш ҳуқуқи берилмайди. Айни вақтда ёлланма ходим худди шу туманда эгаллаб турган лавозимидан настроқ лавозимни рад этгаслиги керак. Масалан, сизнинг йўқо тишингизин жуда камайтириш мақсадида артистнинг идора иши-

га ўтиши ёки ишлаш учун бошқа шаҳарга кўчиб кетиши талаб қилинмайди.

Шартнома бузилиши натижасида келтирилган заарнинг ўрни ни пул билан қоплаб бўлмайдиган ҳолатлар ҳам бўлади. Бир қанча ҳолларда талаб этиладиган мажбуриятларнинг натурада бажарилиши, шартнома мажбуриятлари бузилмаган тақдирда, сизга керакли шарт-шароитни яратиб бериши мумкин бўлур эди. Конунга кўра ер масалалари ва ноёб ашёларга доир шартномалар шундай тоифадаги битимлар қаторига киради. Бироқ сиз Руби Рассель билан муайян ер участкасини сотиб олиш тўғрисида шартнома тузган бўлсангиз, пул компенсацияси заарни қоплашниг бундай усули бўлмаслиги мумкин. Бу жаҳондаги энг йирик дурданаларни, XVI аср рассомларининг асарларини ёки антиқа буюмларни харид қилишга ҳам айнан тааллуқлидир.

Мажбуриятларни натурада бажариш шахсий хизматлар назарда тутиладиган шартномаларга ҳеч қачон тааллуқли бўлмайди. Кимда-ким бундай шартнома тузиб, кейинчалик уни бузса, мажбуриятни бажаришга уни мажбур қилиб бўлмайди, чунки бу мажбурий меҳнатга айланар эди. Лекин бу шахс заарни тўлаши шарт ёки дастлабки шартнома амал қилиб турган муддатда унинг бундай лавозимда ишлаши тақиқланади.

Бинобарин, мажбуриятларни натурада зўрлаб бажартириш учун, масалан, судда ўзини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуқли бўлишдек бир қанча шарт-шароит мавжуд. Агар тенглик принципларидан бирортаси бузилса, шартномани натурада бажариш қоидасини қўллаш мумкин эмас. Агар сиз мажбуриятлар натурада бажарилиши керак деган талаб билан судга мурожаат этсангиз, шартномани бошқа томон бузганидан қатъи назар, судга покиза қўл билан, бирорта қингирлик аломатисиз кириб келингиз керак. Шунингдек, томонлар бир-биридан норози, шартнома шартлари адолатсиз ва нооқилона бўлса, судни ҳижолатда қолдирадиган воқеалар рўй берса, шартномани натурада бажариш ҳақидаги қоидани қўллаш мумкин эмас.

Суд мажбуриятларни натурада бажариш ҳақида қарор қабул қилганида, у бир томонни ниманидир бажаришга мажбур этади. Суд тақиқлови чиқарилганида суд бир томонни муайян ҳаракатлардан тийилиб туришга мажбур этади. Баъзан суд ўша натижага эришиш учун биринчи усулдан эмас, балки иккинчи усулдан фойдаланади. Шартномада шахсий ишлар назарда тутилган бўлса, унга натурада бажариш тўғрисидаги қоидани қўллаш мумкин эмас. Лекин бу ишлар ноёб хусусиятга эга бўлса, қарздорнинг бошқа жойда бундай фаолиятига йўл бермаслик учун суд тақиқлови чиқарилиши мумкин. Бу эса заарнинг ўрнини шунчаки пул билан қоплашдан кўра, манфаатингизни ҳимоя қилишнинг кўнгилдаги воситаси бўлиши мумкин.

Айrim ҳолатларда шартнома юзасидан пайдо бўлган келишмовчиликларни бартараф этиш учун судга мурожаат этиш шарт эмас. Томонлар ўз келишмовчиликларини ҳакамлар муҳокама-

сига қўйишлари ва расмий тарзда судда кўрилишидан қутулишлари мумкин. Ҳакамлик — келишмовчиликларни манфаатдор бўлмаган учинчи шахсинг муҳокама қилишидир. Шартномага ҳакамлик ҳақида тушунтириш берилган бўлса ёки томонлар келишмовчилик чиққанидан сўнг ишни ҳакамлар ҳукмига ҳавола қилишса, у баҳсли масалаларни кўриб чиқади. Ҳакамлик тўғрисидаги битим ҳар қандай ҳолатда ҳам шартнома кучига эга бўлади. У томонларнинг розилиги ёки қонун билангина бекор қилиниши мумкин.

Ҳакамлик тўғрисидаги битимда иккала томонга ҳам мақбул бир киши ҳакам бўлиши назарда тутилади. Баъзи битимларда томонларнинг ҳар бири биттадан ҳакам танлаши назарда тутилади, токи улар учинчи ҳакамни ўзлари танлаб олсинлар. Бундай усулни қўллаш одатда ёзма шаклдаги битимни талаб этади. Агар тадбиркор одам ҳакам танлашда қийналса, Америка ҳакамлар уюшмасидаги рўйхатдан фойдаланиши, шунингдек ўз ҳакамлар рўйхати бўлган тармоқ уюшмасига ҳам мурожаат этиши мумкин. Ҳакамлар қасам қабул қилганларидан сўнг иш қаерда ва қаочон кўриб чиқилишини белгилайдilar ва томонларга бу ҳақда хабар берадилар. Ишни кўриб чиқиш тартиби шартномада ёки уни ҳакамларга бериш ҳақидаги битимда кўзда тутилиши мумкин. Агар битимда ҳакамлар иш тартиби назарда тутилмаган бўлса, улар ўз ихтиёрлари билан иш тартибини белгилай оладилар. Бу тартибни қўллашда ҳуқуқий қоидаларга қатъий амал қилиш шарт эмас ва бир қадар норасмий тусда бўлиши мумкин. Иш кўрӣ чиқилаётганида тадбиркорнинг адвокати бўлиши шарт эмас, мабодо у ҳакамларнинг ишини унча яхши билмаса, унинг ёнида тажрибали маслаҳатчи бўлгани яхши.

Ҳакамлар қабул қиласидаги қарор бизга ҳакамлик қарори сифатида маълум. Бундай қарор мажбуран бажартирилиши учун: биринчидан, у ёзма шаклда; иккинчидан, ҳакамлар қўл қўйган; учинчидан, ишни ҳакамликка бериш тўғрисидаги битимда белгилangan муддатда қабул қилинган; тўртинчидан, битимнинг ўзи сингари шакlda қабул этилган, тасдиқланган; гувоҳнома берилган; бешинчидан, суд амалдори рўйхатдан ўтказган ёки томонлардан бирига берилган бўлиши керак. Агар шахс ҳакамлик ишни кўриб чиқаётганда томонлар бири бўлиб қатнашса, шу вақтдан ҳакамлар қарорини тасдиқлатиш учун судга мурожаат қилиши мумкин. Ҳакамлар қарорини бекор қилиш, ўзгартириш ёки тузатиш мақсадида шундай қилинади. Ҳакамлар қарорини тасдиқлайдиган, ўзгартирадиган ёки тузатадиган бўйруқ бўлгач, суд қарорини чиқариш мумкин, у иш судда кўрилган тақдирда амал қиласидиган суд қарори каби кучга эга бўлади.

Шартнома тўхтатилгани ҳақидаги битимлар. Шартномадаги томонлар кўпинча барча ишлар тугагани ёки шартнома тўхтатилгани тўғрисида бир битимга келадилар. Шартномани бузиш, талабдан воз кечиш, зиммага олинган мажбуриятларни бажармаслик, бирор янгилик киритиш ёки розилик бериш ва ижрони ал-

Агар тадбиркор синиши сабабли қарздан холис бўлса, у ай вақтда шартномавий мажбуриятларининг кўпчилигидан ҳам тулади. Қурби етмаганлиги туфайли қарздан қутулиш билан да во муддати ўртасида бироз ўхшашлик бор. Даъво муддати туған тақдирда қарздорлигини ёзма равишда тасдиқлаш ёки уқисман тўлаш натижасида қарзниң ҳаммаси тикланиши мумкин.

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ. ҲАММА ҚАБУЛ ҚИЛГАН САВДО АТАМАЛАРИ

Савдо-сотиқ шартноманинг алоҳида туридир. Олди-сотди түрисидаги қопун-қоидалар эса шартнома-мажбурият ҳуқуқининг маҳсус соҳаси ҳисобланади. Лекин фақат савдода ва олди-сотди шартномасида юзага келадиган муайян муаммолар боради.

Савдо-сотиқ шартномасининг муҳим шартлари. Моллар сотиши шартнома бўлиб, бу шартномага мувофиқ сотувчи эгал ҳуқуқини харидорга беради. Харидор бундан қониқиши ҳосил ишлайди. Ана шу нарса нарх деб аталади. **Савдо тўғрисидаги келашув** ҳам шартнома бўлиб, унга кўра сотувчи нархдан қониқиши харидорга молга эгалик ҳуқуқини топширади. Бу ҳам нарх деб аталади. Шу сабабли шартнома тузилаётганда молни сотиши сотиши ҳақидаги битим ўртасидаги фарқ мулкка эгалик ҳуқуқи борлиги ҳамда келажакда эгалик ҳуқуқини бериш ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бу тафовут жуда муҳимдир. Шартнома тузилаётганида ҳуқуқ ёрлигини бериш айни чоғда зарар кўриш хавфи борлигини ҳам билдиради; ҳуқуқ ёрлигини топшириш келажак зарар кўриш хавфи ҳам у томонга ўтишини англаради. Битимни қандай аталиши учналик аҳамиятга эга эмас. «Савдо» ва «савдо тўғрисидаги келишув» атамалари кўпинча аниқ ишлатилмайди, ҳамда бу сўзларни бир-бири билан алмаштириш мумкин, деб ҳам соблашади. Ҳуқуқ ёрлиги бериладиган фурсат битимнинг номини боғлиқ эмас, лекин у томонларнинг кўзлаган мақсадига асосланади.

Нарх пул билан ёки кўчма мулкни тақдим этиш йўли билан тўланиши мумкин. Кўчма мулкнинг бирор тури сотилаётган, унинг нархини қопладиган бошқа нарса берилса, бу техникави алмашув ёки бартер битими дейилади. Лекин мулк сотиши қандай ҳуқуқий оқибатларга эга бўлса, унда ҳам шу сингари ҳуқуқий оқибатлар бўлади. Бу битим Савдо тўғрисидаги ягона қонунга мувофиқ келади (штатларнинг кўпчилиги олди-сотди шартномаларини тузишда қарор топган қоидалар ва нормаларни белгиланадиган Савдо тўғрисидаги ягона қонунни қабул қиласанади).

Нарх шартномада кўрсатилиши ёки томонларнинг келишувига кўра келажакда белгиланиши, ёхуд томонлар ўртасида илгар қилинган ишлар асосида аниқланиши мумкин. Шартномада нарх тўғрисида њеч нарса айтилмаган бўлса-да, у ҳар ҳолда қонунни кучга эга бўлади. Бунда харидор оқилона нархни тўлашга мажбур. Бундай нарх аниқ битимдаги ҳолатларга қараб белгиланади.

Оқилюна нарх күпинча бозор нархига тұғри келади. Агар шартномада нарх ҳақида бирор нарса айтилған бўлса, унда бу қоидан ишлаб чиқарыши мумкин, холос. Бу қоидаларнинг ҳаммаси ҳуқуқ назарияси масала ларигина эмас, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга. Масалан, тадбиркор қишлоқ ҳұжалик тракторлари ишлаб чиқариш тижорат корхонасида қатнашади ва шартнома тузади. Мазкур шартнома бўйича кейинги уч ой мобайнида ишлаб чиқарилган тракторларнинг ҳаммаси Икс компаниясига сотилиши назарда тутилған. Агар бу савдо тұғрисидаги битим бўлганида ҳар бир трактор йиғилиб бўлганидан сўнг Икс компанияси унинг эгасига айланарди. Бироқ Савдо ҳақидаги ягона қонунга мувофиқ бундай битим савдо бўлолмайди, балки савдо тұғрисидаги битим бўлади. Тракторлар тайёр бўлган заҳотиёқ Икс компаниясининг мулкига айланмайди. Мабодо улар қаердадир йўқолиб қолса, зарар Икс компаниясининг эмас, тайёрловчининг зиммасига тушади. Агар тадбиркор тракторларни етказиб бермаса, Икс компанияси компания мол-мулки қийматини қоплаш ҳақида эмас, балки шарномавий мажбуриятлар бузилгани юзасидангина судда иш кўзғата олади.

Муайян нарсанай олди-сотди хусусида шартнома тузилган вақтда на сотувчи, на харидор унинг йўқолганини билмаса, бундай шартнома ҳеч нарсага арзимайди. Муайян нарсани сотиш ҳақида шундай шартнома тузилса-ю, бу нарса шартнома бажарилгунча, яъни ҳуқуқий ёрлиқ берилгунча йўқолса, зарар сотувчи зиммасига тушади, бироқ харидор шартнома мажбуриятларини бажаришга мажбур этилмайди. Олди-сотди шартномаси обьектиning йўқолиши уни бажаришга имкон бермайди, бу, ўз навбатида, харидорга шартномавий мажбуриятларни бажармаслик учун асосли сабаб бўлаолади.

Фирибгарлик тұғрисидаги қонунинг кўчма мулкни сотишга доир бўлимида энг юқори нарх белгилаб қўйилган, ундан баланд нархдаги барча олди-сотди шартномалари ёзма шаклда тузилиши керак. Энг юқори нарх турли штатларда турлича: 50 доллардан 2500 долларгача белгилаб қўйилган. Баъзи штатларда оғзаки шартномалар нарх миқдоридан қатъи назар, ҳимоя қилинмайди. Бу штатларда энг кўп учрайдиган юқори нарх 500 долларни ёки ундан сал кўпроқни ташкил этади; бундан юқори миқдордаги савдо-сотиқ шартномалари Савдо тұғрисидаги ягона қонунга ва ягона савдо кодексига мувофиқ ёзма шаклда тузилиши керак. Аммо сотилаётган нарсанинг қиймати белгиланган миқдордан юқори бўлмаслиги учун ёзма шартномага эхтиёж сезилмайдиган ҳолатлар ҳам бор. Уларга қуйидаги ҳолатлар киради:

— биринчидан, моллар хоридорнинг ўзига хос талаблариға кўра тайёрланган ва улар одатдаги амалий савдода бошқа кишиларга сотиш учун яроқсиз бўлиши;

— иккинчидан, бир нарса ҳар хил нархда сотилганда (улардан бирортасининг нархи фирибгарлик тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган нархдан юқори бўлмаслиги керак) ҳақ тўланичи керак бўлган умумий миқдор белгиланган лимитдан юқори бўлса ҳам шартнома алоҳида ҳисобланishi ва бўлиниши мумкин.

Олди-сотди шартномасининг турли шакллари. Мутлақ савдо. Бу харидорга бирорта шартсиз ва писандасиз ҳуқуқий ёрлиқ мутлақ бериладиган усуздир. Шартли савдо — номидан кўриниб турибдики, сотувчига ҳуқуқий ёрлиқ берилиши билан бирга у маълум шартларни бажариши ҳам кўзда тутилган. Улар баъзан ёрлиқ топширилгунча бажарилиши мумкин. Масалан, харидор мулк эгасига айлангунига қадар харид нархи тўланган бўлиши керак. Битим шартлари ҳуқуқий ёрлиқ берилганидан сўнг бажарилиши лозим бўлганида харидор ёрлиқ олади. Лекин у белгиланган шартларни бажармаса ёки унга эътиroz билдиrsa, ҳуқуқий ёрлиқдан маҳрум бўлади ва эгалик ҳуқуқи сотувчига қайтариб берилади. Ёрлиқ эгаси сотилган моллар йўқолиши ёки нобуд бўлиши натижасида кўрилган зарарни ўз зиммасига оладиган томон эканлиги муносабати билан ҳуқуқий ёрлиқ масаласи айниқса муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур. Ҳуқуқий ёрлиқ (дастлабки шарт) берилгунича бажарилиши даркор бўлган шароитда моллар йўқолганида сотувчи зарар кўради. Ҳуқуқий ёрлиқ-қа эга бўлганидан кейинги шарт-шароитда моллар йўқолган тақдирда харидор зарар кўриши керак.

Бўлинадиган шартнома, бу — бўлиниши ёки теппа-тенг тақсимланиши мумкин бўлган шартномадир. Унинг бажарилмаслиги ёки қисмларидан бирининг файриқонунийлиги бутун шартномани йўққа чиқармайди. Бошқача айтганда, агар шартнома бўлинадиган ва унинг қисми файриқонуний ёки у ё бу сабабга кўра даъво аризасини ҳимоя қилолмайдиган бўлса-да, шартноманинг бошқа қисми қонуний кучга эга бўлади. Бу қоида бўлинмайдиган шартномаларга тегишли эмас. Олди-сотди шартномаси бўлинадиган бўлса ва фақат маҳсулотнинг бир қисми етказиб берилган бўлса, унда сиз шартноманинг фақат ана шу қисмiga розилик беришингиз ва бутун шартнома учун эмас, унинг фақат ўша қисми учун жавобгар бўлишингиз мумкин. Бўлинмайдиган олди-сотди шартномасига мувофиқ, агар етказиб берилиши зарур бўлган маҳсулотнинг бир қисминигина олинганида бутун шартнома ҳақи тўланиши керак. Агар бир вақтнинг ўзида етказиб берилиши зарур бир неча ашёни харид қилиш ёки сотиш учун шартнома тузилса, у яхлит ва бўлинмас шартнома ҳисобланади. Аксинча, етказиб бериш муддати турлича ва мустақил нархли буюмларнинг олди-сотди шартномаси бўлинадиган ёки алоҳида шартномалар ҳисобланади.

Ихтиёрий савдо. Бу — мулк эгаси ўзининг молларга бўлган

ҳуқуқ ёрлигини ихтиёрий равишида харидорга топширишидир. **Мажбурий савдо** эса мулк әгаси ўз ёрлигини ихтиёрий топширишдан бўйин товлаши, бу иш маъмурлар тазиёки ва қонунга мувофиқ қилинишидир. Синиш оқибатида мулк әгасининг бор бисоти қарз берган кишининг хусусий мулкига айланиши ёки уни бутунлай сотиб юбориш жараёни ҳуқуқий ёрлиқни топширишнинг бундай усулига мисол бўла олади, суд ижрочиси бу ишни суд қарорига асосан амалга оширади.

Савдонинг бошқа муомалалардан фарқи. Муомаланинг савдо ни эслатадиган бошқа шакллари ҳам мавжуд, лекин улар савдо ҳисобланмайди. Муомаланинг бундай тоифасига совға бериш, мулкни сақлаш жавобгарлиги ва консигнация киради.

Сиз бирор кишига совға қилар экансиз, айни вақтда унга эгалик ҳуқуқи билан ҳуқуқ ёрлигини ҳам берган бўласиз ва бунинг эвазига ҳеч нарса олмайсиз. Савдо билан совға бериш ўтасидаги асосий фарқ шундадир. Савдода ўзаро қониқиши ҳосил бўлиши ёки молга ҳақ тўланиши мумкин; бундай қониқиши бўлмаса ёки қандайдир сабабга кўра бундай имконият берилмаган бўлса, ҳуқуқий ёрлиқни қайтариб олиш учун судга мурожаат этиш мумкин. Совға берилганда бундай қилиб бўлмайди. Агар совға мажбурий тарзда, зўравонлик, қаллоблик йўли билан берилмаган бўлса, ҳуқуқий ёрлиқни қайтариб олиш мумкин эмас.

Мулкни сақлаш жавобгарлиги. Бунда кўчма мулкка эгалик ҳуқуқи бошқа кишига берилади, лекин ҳуқуқий ёрлиқни топшириш нияти бўлмайди. Масалан, соатингизни тузатиш учун берасиз ёки енгил автомобилингизни белгиланган ерда қолдирасиз ёхуд моторли қайиқни ижарага оласиз — буларнинг ҳаммаси мулкни сақлаш жавобгарлиги демакдир. Ният шундаки, ҳамма ҳолда ҳам мулк ўзининг дастлабки әгасига қайтарилиши керак. Агар у бирор томоннинг айбисиз йўқолган бўлса, мулк әгасига зарар етади. Мулкни сақлаш жавобгарлиги юзасидан битимни аниқлашда қўйидагича иш қилинади: агар бир хил моллар ёки кўчма мулк ўз ҳолида ёки ўзгарган тарзда әгасига қайтарилиши зарур бўлса, буни сақлаш жавобгарлиги дейилади. Агар кўчма мулкни қайтариб олган киши мулкнинг айнан ўзи тикланишини талаб қилмаса ёки унга пул тўлаш ёки бошқача йўл билан мулк қийматини тўлаш мумкин бўлса, бу алмашиш ёки савдо битими ҳисобланади.

Консигнацияда мулк әгаси (консигнант) молни ташиш ёки сотиши мақсадида воситачи (консигнатор)га молларга эгалик ҳуқуқини беради. Бошқача айтганда, консигнатор консигнантнинг ҳуқуқий ёрлиқни топширадиган воситачисига айланади, лекин бу ёрлиққа эга бўлмайди, етказилган зарар учун жавоб бермайди. Шунингдек воситачи эга бўлган моллар унга қарз берган кишилар фойдасига мусодара қилинмайди.

Қисқартилган савдо атамалари¹. Савдо-сотиқ шартномаларида

¹ Бу ерда асосий савло атамалари келтирилди, улардан ташқари халқаро амалиётда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам битимлар тузишда ишлатиладиган бошқа кўплаб атамалар бор.

тез-тез учраб турадиган қисқартма савдо атамаларини билиш катта аҳамиятга эга.

К. О. Д. шартлари асосидаги савдо. Бу ҳарфлар инглиз тилида юк етказиб берилганида тұланадиган ҳақ маъносини билдиради. Бу — харидор молларга әғалик ҳуқуқини олгунинг қадар юк ташувчига молнинг ҳақини тұлаши шарт демакдир. Бу шарт ҳуқуқий ёрлиқни топшириш масалалари қараб чиқилаётганида харидор ҳақиқатан ҳам ҳуқуқий ёрлиққа эга бўладиган вақтни аниқлаш учун аҳамиятли эмас (уни юк олиб келувчи харидорга бермайди, балки харидор юкни олиб келувчига юкни олиб келгандан кейин беради).

К. О. Д. шартига кўра моллар умумий фойдаланиладиган транспортда ташиладиган бўлса, харидор уни ҳақ тұланмагунча текшириш ҳуқуқига эга эмас. Бу ҳуқуққа эга бўлишни хоҳлаган одам К. О. Д. шарти асосида битим тузилаётганида шартномада бундай текшириш кўзда тутилади деб писандада қилиши зарур.

Ф. О. Б. шарти асосида мол етказиб бериш. Савдо-сотиқ шартномасида Ф. О. Б. ҳарфлари инглизча «франко борт» сўзлари ўрнида келади. Бу сотувчи ёки маҳсулот етказиб берувчи моллар транспортга ортилганига қадар бўлган барча харажатларни ўз зиммасига олади, деган маънони билдиради. Моллар транспортга ортиб бўлинганидан сўнг кира ҳақи, суғурта ва шу каби барча харажатлар харидор зиммасига тушади.

Томонлар Ф. О. Б. шарти асосида шартнома тузаётганиларида уларнинг мол етказиб бериш борасидаги ҳуқуқий ёрлиқни юк ташувчига бериш ниятида эканлиги назарда тутилади. Шундай қилиб. Ф. О. Б. шарти асосида Чикагодан мол етказиб бериладиган бўлса, Чикагодаги юк ташувчига мол етказиб берилган вақтдан бошлаб ҳуқуқий ёрлиқ харидор қўлига ўтади. Ҳуқуқий ёрлиқни топшириш вақтида бу ҳолат томонларнинг нияти бошқача бўлгани далил-гувоҳлар билан сўзсиз исботланган тақдирдагина ўзгартирилиши мумкин.

Ф. О. Б. кема ва Ф. А. С. Ф. О. Б. кема сўзи сотувчининг барча сарф-харажатларни, жумладан, белгиланган портда кемага юк ортиш харажатларини ҳам ҳисобга олиб, нарх белгилашини билдиради.

Ф. А. С. инглизча қисқартма сўз бўлиб, франко кема ёнида деган маънони билдиради. Бу сотувчи барча молларни кеманинг мослама юкхоналари ёнида жойлаштиришини англатади. Моллар жойлаштирилиши биланоқ, агар томонларнинг бошқа нияти бўлмаса, мулик эгасининг ҳуқуқий ёрлифи ва зарар хавфи харидорга ўтади.

С. И. Ф. шартлари асосидаги шартномалар. Инглизча бу ҳарфлар нарх, суғурта ва кира ҳақи деган маънони англатади. С. И. Ф. шарти асосидаги шартномалар савдодаги талаблар муносабати билан юзага келган. Халқаро савдо ривожланиши сабабли моллар жуда узоқ масофаларга ташилади, улар йўлда кўнвақт бўлади. Шу сабабли дастлабки савдони тасдиқловчи барча

хужжатлар билан амалдаги бор бойликни унинг эгаси қўлига топшириш воситасига эга бўлиш зарурати туғилди. С. И. Ф. шарти асосидаги шартнома ҳам шу мақсадда юзага келган эди. Сотувчи С. И. Ф. шартномасига кўра қўйидаги ишларни бажаришга ваъда беради:

— молларни ўз харидорига топшириш учун жамоатчи юк ташувчига юк ортиладиган ерга етказиб бериш ва харидор номига коносамент олиш ҳамда кира ҳақини тўлаш;

— ташиб келтириладиган молларни харидор номига суғурта қилидириш ва суғурта пулини тўлаш;

— ҳисоб-китоб ҳужжатларини тайёрлаш, унда харидор сотувчига молнииг нархи, шунингдек кира ҳақи ва суғурта пулини тўлаши кўрсатилиши керак (согувчи буларнинг ҳаммасини олдиндан тўлайди);

— барча транспорт харажатларини харидорга жўнатиш. Бу ҳужжатларга коносамент, кира ҳақини тўлаганилик ҳақидаги тилхат, суғурта қофози, суғурта пулини тўлаганилик хусусидаги тилхат ва ҳисоб қофози киради.

Ана шу ишларнинг ҳаммаси бажарилганидан сўнг ҳуқуқий ёрлиқ харидорга ўтади ва зарап хавфи унинг зиммасига тушади. Харидор моллар ҳали етиб келмаган тақдирда ҳам барча транспорт харажатлари ҳақидаги ҳужжатларни олиши биланоқ молнииг нархини тўлашга мажбурдир.

Одатда сотувчи кира ҳақини тўлаган тақдирда ҳам ҳуқуқий ёрлиқ моллар етказиб берилмагунча харидорга бериlmайди. Бироқ бу тартиб С. И. Ф. битимларига тегишли эмас. Бунда моллар юк ташувчига етказиб берилиши билан ҳуқуқий ёрлиқ харидорга ўтади (бунинг сабаби молларнинг харидор фойдасига суғурта қилиниши, томонларнинг ёрлиқ ва зарап хавфини харидорга ўтказганлигини кўрсатишdir).

Шартномалар тузишда С. И. Ф. битимнинг тавсифига эътибор бериш керак. Америка амалиётида сотувчи фақат денгиз суғуртасига (юк жўнатиш портида қабул қилинган одатдаги суғурта) ёзилиши ва унинг пулини тўлаши шарт. Бироқ Халқаро Савдо палатаси белгилаб берган С. И. Ф. битимиға мувофиқ сотувчи денгиз суғуртасини тўлаши шарт. Бунга С. И. Ф. (нарх, суғурта, кира ҳақи) нархи ва шу нархнинг ўн фоиз миқдоридаги қўшимчаси ҳам киради.

К. А. Ф. шартномалари. Бу инглизча нарх ва кира ҳақи маъносини англатади. Ушбу битим С. И. Ф. шарти асосидаги битим сингари аҳамиятга молик бўлиб, юк ташишда молларни харидор суғурта қилидириши бундан истиснодир.

«Франко — завод» шартномалари. «Франко — завод»нинг шартига биноан молни харидорга бевосита ўз омбори (яъни завод, фабрика, шахта ва шу кабилар)да кўрсатиш сотувчининг бирдан-бир вазифасидир. Агар битимда бошқача шарт писандა қилинмаган бўлса, сотувчи харидор олиб келган транспортга юкни ортиб бериши шарт эмас. Харидор молни сотувчи омборидан

белгиланган ерга етказиб бериш билан боғлиқ барча сарф-хара жат ва таваккалчилик хатарини ўз гарданига олади. Шундай қилиб, маҳсулот етказиб бериш шартидаги сотувчи зиммасига сотилган молни олиб бориб беришдан бошқа вазифа юклатилмайди.

«Франко — вагон» шартномалари асосидаги шартномалар (юк жўнатиш манзилининг номи).

«Франко — вагон» шарти «темир йўлда эркин», «вагонда эркин» деган маънени билдиради. Бу шарт темир йўлда юк ташиганда қўлланилади. Белгиланган юк жўнатиш станциясида молни темир йўлга топшириш сотувчининг вазифасига киради. Сотувчи молни темир йўл тасарруфига топширгунга қадар қилинадиган сарф-харажатлар ва таваккалчилик хатарини бўйнига олади. Харидор эса мол темир йўл ихтиёрига топширилгандан охирги манзилга етиб боргунча бўлган сарф-харажатлар ва таваккалчилик хатарини ўз зиммасига олиши шарт.

«Кемадан фалон ерга (белгиланган портнинг номи)» шарти асосидаги шартномалар. Бу шарт сотувчи ўз молини савдо-сотиқ битимида белгиланган портда кема ичидаги харидорнинг ихтиёрига бериши керак, деган маънени билдиради. Сотувчи молни келишиб олинган портгача етказиб бериши билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади. Молни кемадан тушириб олишдан бошлаб қолган барча сарф-харажатлар харидор зиммасига тушади. Белгиланган портдаги кемада мол харидор тасарруфига берилаетганида унинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавф-хатари сотувчи зиммасидан харидор зиммасига ўтади.

«ФОБ аэропорт» (юк жўнатиладиган аэропортнинг номи). Самолёт ичидаги эркин (ФОБ) ифодасини худди шу самолёт ичидаган маънода тушуниш керак эмас. Ҳаво йўли орқали юк ташилгандаги аэропорт — «ФОБ аэропорт» сотувчи масъулияти тугайдиган муайян қўналғани билдиради. Сотувчи юк жўнатиладиган аэропортда молни харидорга берган вақтида молнинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавф-хатари унинг зиммасидан харидор зиммасига ўтади.

Сотувчи «ФОБ аэропорт» шартига кўра, молни юк жўнатиладиган аэропортдан белгиланган аэропортгача етказиб бериш тўрисида харидор ҳисобидан шартнома тузиши ва молни юк жўнатиладиган аэропортга етказиб бериши керак.

«Франко юк ташувчи» (манзил номи) шарти асосидаги шартномалар.

Бу замонавий интермодаль усул деб аталмиш усулда (контейнерлар, солсимон ясси кемалар, ролкерларда) юк ташишда фойдаланиш учун мўлжалланган шартномадир.

«Франко юк ташувчи» шартига кўра битимида келишилган жойга молни етказиб бериб, у ерда мол юк ташувчи ихтиёрига топширилиши билан сотувчининг вазифаси бажарилган ҳисобланади. Мол юк ташувчига юборилаётган вақтда унинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавф-хатари сотувчи зиммасидан харидор зиммасига ўтади. Бунда юкни автомобиль, темир йўл, ҳаво ёки

денгиз транспортида ёхуд транспортнинг бир неча турида ташиб бериш тұғрисида харидор билан шартнома тузган киши юк ташувчи ҳисобланади.

«Кира ҳақи» шартномалари (кира ҳақи фалон ергача түлансанды). Белгиланған манзил номи).

«Нарх ва кира ҳақи» шарттың сингари бу шарт ҳам сотувчи юкни савдо-сотиқ битимида келишилған манзилгача ташиш ҳақини тұлашини билдиради. Бироқ молнинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш ҳавф-хатари келишиб олинган манзилда эмас, балки дастлабки юк ташувчи ихтиёрига ўтказилаётган вақтда сотувчи зиммасидан харидор зиммасига ўтади.

Фрахт (юк ташиш ҳақи ва суғурта фалон ергача түлансанды). Белгиланған манзил номи).

Бу шарт «кира ҳақи» шарттың ұхшашдир, бунда сотувчи юк ташилаётган вақтда молнинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш ҳавф-хатарини ўйлаб, транспортни суғурта қилишга мажбурдир. Сотувчи суғуртаси билан шартнома тузади ва унга суғурта пулини тұлайды.

Савдо-сотиқ ҳужжатлари. Васиқа. Бу ёзма ҳужжат бўлиб, күчма мулкка әгалик ҳуқуқи бошқа шахсга берилишини акс эттиради. Васиқа топшириш ҳуқуқий ёрлиқ амалда бошқа кишига берилганини билдирамайди. Бу ёрлиқ берилгани тұғрисидаги гувоҳнома холос. Ҳуқуқий ёрлиқ васиқасиз ҳам топширилиши мумкин. Васиқа ёрлиқни беришда гарчи муҳим шарт бўлмаса-да, савдо-сотиқ шартномаси шартларини аниқлаш ва қарорларини белгилашда, ёрлиқни топширишда ва бошқа жиҳатларни аниқлашда катта аҳамиятга эга. Айрим штатларнинг қонун талабларига мувофиқ мажбурий тарзда васиқа расмийлаштирилишини талаб этадиган бир қанча битимлар мавжуд. Бунга транспорт воситаларини сотиши мисол бўлади, унда транспорт воситаларини кейинчалик рўйхатдан ўтказиш учун васиқа талаб этилади. Лекин васиқани савдо шартномаси билан чалкаштириш керак эмас. Савдо шартномаси ҳуқуқий ёрлиқни бериш тұғрисидаги битимдир, васиқа эса ёрлиқ амалда берилганидан далолат беради.

Коносамент. Моллар сотилиб, улар умумий фойдаланиладиган транспортда етказиб берилганида коносамент, яъни юк ташувчи ёки унинг вакили имзолаган ёзма ҳужжат расмийлаштирилади. Ҳужжатда ташиладиган моллар шундай санаб ўтиладики, уларни бошқа моллардан бемалол ажратиш мумкин. Шу билан бирга консигнант (юк жұнатувчи)нинг номи ва юк ташувчи нинг молларни муайян кишига ёки унинг топшириғига кўра маълум жойга етказиб беришга розилиги ҳам ёзилади.

Ҳар бир коносаментда камида қуйидагилар ёзилган бўлиши керак:

- расмийлаштирилған вақти;
- мол олинган кишининг исми, шарифи;
- мол олинган жой;

- мол етказилиб бериладиган жой;
- моллар аниқ шахсга ёки унинг топшириғига мувофиқ егказиб берилиши тұғрисида ариза;
- моллар ёки улар қандай ўралганининг баёни;
- юк ташувчининг имзоси.

Коносамент булардан ташқари тилхат, шартнома, ҳуқуқий ёрлиқ гувоҳномаси ҳам ҳисобланади.

Коносамент тилхат сифатида. Фирма бирон-бир кишига молларга әгалик ҳуқуқини берганида, уларнинг амалда олиб келингани ва топширилганини исботлаш мүмкін бўлмаса, унда фирма бу моллар учун жавобгар бўлмайди. Бунга тилхат яхши мисолдир. Коносамент тилхат ўрнини ўтайди ва юк ташувчи зиммасига молларни сақлаш ҳамда ташиш масъулиятини юклайди. Коносаментда юк ташувчи молларни яхши ёки яхшироқ ҳолатда олганини ёзиб қўйиш одат тусиға кирган. Лекин бу изоҳ ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, бинобарин, бошқа далиллар бўлмаганида моллар яхши ҳолатда эканидан далолат берувчи омилга айланади.

Коносамент шартнома сифатида. Коносамент юк ташувчининг молларни транспортда ташиш борасидаги вазифаларини, шунингдек ҳам юк ташувчи, ҳам юк жўнатувчи сифатидаги юмушларини (ёки масъулият даражасини) белгиловчи шартномадир. Шуни таъкидлаш керакки, юк жўнатувчининг коносаментга розилик бериши ёки юк ташиш шартларини амалда эътироф қилиши зарур эмас. Юк ташувчига мол етказиб берилиб, коносамент олинган ҳамда уни юк жўнатиш гувоҳномаси сифатида қабул қилинганида юк жўнатувчи коносамент шартларига кўра жавобгар бўлади ва унинг қандайдир қўшимча хатти-ҳаракатлар қилишига зарурат қолмайди.

Коносамент ҳуқуқий ёрлиқ гувоҳномаси сифатида. Коносамент кўпинча ҳуқуқий ёрлиқ тұғрисидаги ҳужжат ҳисобланади. (омборхона гувоҳномаси ҳам бундай ҳужжатга мисолдир). Бу коносамент молларнинг рамзи эканини англатади ва унинг берилиши худди ҳуқуқий ёрлиқ топширилиши сингари кўпинча ҳуқуқий оқибатларга эга бўлади. Бу айниқса муомаладаги коносаментларга тегишилдир. Коносаментлар икки хил бўлади. Агар коносаментда моллар маълум шахсга етказиб берилиши белгилаб қўйилса, бундай коносамент «аталган» ёки берилмайдиган коносамент дейилади. Маълум бир шахснинг бўйруғи ёки топшириғига мувофиқ моллар етказиб берилиши кўрсатилган коносамент бўлса, бундай коносамент «ордерли» ёки муомаладаги коносамент дейилади. Бу коносаментлар қўйидаги хусусиятларга эга.

Ёрлиқ қусурлари. Номи ёзилган коносамент олган киши уни топшириш ҳуқуқигагина эга бўлиши мүмкін. Муомаладаги коносаментни олган киши эса коносамент берадиган кишининг ёрлиғига нисбатан кўпроқ асосланган ҳуқуқий ёрлиққа эга бўлиши мүмкін.

Масалан, мен қаллоблик натижасида коносамент олдим ва уни ҳалол харидор Хиксга бердим. У ёрлиқнинг бирор қусури

борлигини билмайди. Агар коносамент муюмаладаги ҳужжат бўлса, Хикс коносаментга (демак, молларга ҳам) нуқсонсиз ҳуқуқий ёрлиқ олади; агар номи ёзилган (аталган) коносамент бўлса, Хикс мендагига нисбатан яхшироқ ҳуқуқий ёрлиқни қўлга кирита олмайди.

Қонуний иш тартиби. Моллар муюмаладаги коносаментга биноан ташилганида улар юк жўнатувчига қарз берганларнинг талабига кўра мусодара қилиниши ёки ушлаб қолиниши (агар қарз берувчиларнинг коносаменти бўлмаса) мумкин эмас. Бу тартиб номи ёзилган (аталган) коносаментга тегишли эмас: бунда моллар ушлаб қолинади ва жарима солинади.

Молларнинг йўлда тўхтатиб қўйилиши. Юк жўнатувчининг ўзи, агар моллар муюмаладаги коносаментга биноан жўнатилган бўлса, уларни йўлда ушлаб қололмайди. Бунда юк ташувчи коносамент тақдим қилингунича молларни бермаслиги мумкин. Бу тартиб номи ёзилган коносаментларга тегишли эмас.

Сотувчи, юк жўнатувчи ёки олдинги индоссантнинг суд орқали ушлаб қолиш ҳуқуқи ёки даъвоси муюмаладаги коносаментнинг ҳалол эгасига қарши қонуний кучга эга эмас.

Коносамент ёрдамида сотувчи мағфаатини ҳимоя қилиш. Молларни сотиш ва ортиб жўнатишда коносаментдан ҳақ тўлангунча моллар ҳуқуқий ёрлигини ушлаб қолиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг иккита муқобил йўли бор. Харидорга тўлов миқдорида жўнатма васиқа (тратту) ёзиб бериш ва уни коносамент билан бирга банкка ёки харидорнинг бошқа вакилига тўлаш учун юбориш мумкин. Васиқа тўлангач ёки унга розилик билдирилгац, коносамент мижознинг қўлига берилади. Бошқа бир муқобил йўли шуки, коносамент сингари васиқа ҳам харидорга бевосита жўнатилади; бунда коносамент сингари шартли равишда берилган ҳисобланади ва харидор жўнатма васиқани тўламагунча қонуний кучга эга бўлмайди. Ҳудди шу вақтдан ҳуқуқий ёрлиқ ўз-ўзидан харидорга ўтади. Бундай иш тартиби дастлабкисига нисбатан анча хатарли, чунки харидор васиқани тўламай, коносаментга эга бўлиши мумкин. Агар муюмаладаги коносамент бўлса, харидор уни белгиланган тартибда бошқа ҳалол кишига бериши ва уни асосланган ҳуқуқий ёрлиқ билан таъминлаши мумкин.

Ҳуқуқий ёрлиқни бериш. Ҳуқуқий ёрлиқни бериш тўғрисидаги масала амалий аҳамиятга молик эмас. Бу, энг аввало, «молнинг эгаси ким эканлиги» тўғрисидаги масаладир (агар мол эгаси ўлган бўлса, ким зарар кўради — харидорми ёки сотувчими?). Бу ҳолда мол эгасини савдо-сотиқ шартномаси шартларини кўриб чиқиш йўли билангина аниқлаш мумкин.

Ижобий ифодаланган ва мўлжалланаётган шартлар. Агар савдо-сотиқ шартномасида молларга ҳуқуқий ёрлиқ маълум санага, масалан, 1 июня ёки, айтайлик, молларни харидорнинг заводига етказиб беришдек муйян вақт белгиланганида ҳуқуқий ёрлиқ ана шу белгиланган муддатда берилади. Амалда эса то-

монлар ҳуқуқий ёрлиқни қачон бериш ниятида эканликларини шартномада аниқ кўрсатмайдилар. Шу сабабли бу масала шартнома турига боғлиқ ҳолда мавжуд қонунларга мувофиқ ҳал қилинади. Ҳуқуқий жиҳатдан бир хилдаги қонунда ҳуқуқий ёрлиқни бериш юзасидан битимнинг аниқ-равшан ҳолатларига асосланадиган бир қанча тахминий шарт-шароитлар кўзда тутилган.

Ўзига хос белгиларига қараб аниқланган моллар ва ўзига хос белгилари бўлмаган моллар. Ўзига хос белгиларига қараб аниқланган моллар ё харидор, ёки унинг топшириғига мувофиқ сотувчи танлаган ёки ажратиб қўйган моллардир. Ўзига хос бўлмаган моллар ҳали ишлаб чиқарилмаган, йўқ бўлган ёки ҳали танланмаган моллардир. Молларнинг ана шу икки тури ўртасидағи фарқ ҳуқуқий ёрлиқни топшириш муддатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Агар шартномада молларга ҳуқуқий ёрлиқ бериш тўғрисида бошқа ҳеч нарса кўзда тутилмаса, унда моллар етказиб бериш учун яроқли ҳолга келтирилиши керак. Бу атама сотувчи молларни харидорга етказиб бериш учун уларни яроқли аҳволга келтириш мақсадида имкони бўлган ҳамма ишларни қилиши за рурлигини англатади. Шартномада ўзига хос белгиларига қараб аниқланган молларни сотиш зикр этилган бўлса, уларни ажратиб олиш лозим ва бу молларни етказиб беришга яроқли ҳолга келтиришдан бошқа ҳеч қандай талаб қўйилмайди. Бўлажак ёки ўзига хос белгилари бўлмаган молларни етказиб беришга яроқли ҳолга келтиришдан ташқари бу моллар мазкур харидорга аталганини билдирадиган тегишли гувоҳнома бўлиши даркор.

Масалан, тадбиркор қандайдир компанияда элликта ёзув машинкасини шахсан танлаб, сотиб олади ва бу машинкалар эртаси куни унинг юк автомобилида етказиб берилиши тўғрисида келишади. Бу ўринда биз якка тартибда — ўзига хос белгиларга қараб аниқланган молларни сотишга алоқадор ишга дуч келдик. Ёзув машинкаларини етказиб бериш мақсадида уларни яроқли ҳолга келтириш учун сотувчидан бошқа ҳеч нарса талаб этилмайди. Ҳуқуқий ёрлиқ шартнома тузилаётган вақтда тадбиркорга ўтади, яъни ёзув машинкаларининг ҳали етказиб берилмагани аҳамиятга эга эмас. Компания заводида бахтсиз ҳодиса натижасида ёзув машинкаларига зиён етказилган бўлса, харидор зарар кўради. Иккинчи марта ўша тадбиркор машинкалардаги мавжуд ҳарфларни компания маҳсус ҳарфлар билан алмаштириши хусусида келишиб, уларни сотиб олиш тўғрисида шартлашиб олади. Агар ҳарф ҳали алмаштирилмаган ва машинкалар тўсатдан шикастланган бўлса, тадбиркор зарар кўрмайди. Чунки бу якка тартибда танлаб олинган молларни сотиб олиш тўғрисидаги шартнома бўлиб, етказиб бериш учун ҳали яроқли ҳолга келтирилмаганди.

Ва, ниҳоят, ўша, бизга таниш тадбиркор яна элликта ёзув машинкасини сотиб олади. У машинкаларни муайян шароитда маҳсус ишлаб чиқаришни ва уларнинг ҳар бирига ўз фирмаси

номи зарб қилинишини сұрайди. Машинкалар тайёрланади, лекин уларга ҳали фирма номи зарб қилинмаган ва машинкалар ишдан чиққан. Харидор бунда ҳам зарап күрмайди, чунки унға ҳуқуқий ёрлиқ берилмаган эди. Бу битим етказиб бериш учун яроқли алоҳида танлаб олинмаган молларни сотиш тұғрисидаги келишув ҳисобланади, бироқ мазкур шартномани бажариш учун ҳали мол танлаб олинмаганди (машинкаларга фирма номи зарб қилиниши сотувчи бу машинкаларни етказиб бериш учун танлаб олганини билдиради).

Маҳсулот етказиб бериш, уни етказиб бериш учун яроқли ҳол ва ушбу шартномани бажаришга мол ажратиш үртасидаги тафовут. Молни етказиб бериш учун яроқли ҳолга келтириш уни амалда етказиб берилди, деган гап әмас. Молни етказиб бериш учун яроқли ҳолга келтириш сотувчи шартномада күзда тутилган ҳамма ишларни қилаётганини билдиради. Агар шартномада молларни амалда етказиб берниш назарда тутилған бұлса, бу молларнинг бир қисми яроқли ҳолга келтирилганини билдиради. Шартномада сотувчи молни харидорға шахсан етказиб бериши маҳсус күрсатылған бұлиши мумкін. Бундай талаб бұлмаганида молларни юқ ташувчига етказиб бериш шартномани бажариш учун мол ажратышнинг күп учраб турадиган усулларидандыр. Сотувчи молни юқ ташувчига етказиб бериши биланоқ ҳуқуқий ёрлиқ харидорға ұтади. Мол сифат ва миқдор жиҳатидан шартномага мос келиши, агар шартномада уни ташишга оңдай йўриқнома күзде тутилған бұлса, унға риоя этилиши керак.

Турдошлигига кўра белгиланадиган, яъни вазни ва ҳажмига қараб сотиладиган моллар. Доналаб әмас, балқи вазни ва ҳажмига қараб сотиладиган моллар турдошлигига кўра белгилана-диган моллардир. Буларга сули, нұхат, ловия, буғдой, жүхори, ун, арпа, вино, нефть, бензин, қум ва ғильт кабилар киради. Бу моллар харид қилинаётганида, харидорға ҳуқуқий ёрлиқни топшириш учун унинг умумий ҳажмидан сотиб олинаётганды қисмини ажратиш шарт әмас. Агар шартномада молни етказиб бериш учун яроқли ҳолга келтириш мақсадида сотувчидан нимадир қилиш, масалан, уларни тортиш, ювиш ёки қоплаш талаб этілса, унда сотувчи бу шартларни бажармагунча харидорға ҳуқуқий ёрлиқ берилмайды.

«Маълум қилиб» ва **«сотиш ёки қайтариб бериш»** шарти билан сотиладиган моллар. Савдода бундай усул тез-тез учраб туради. Истиқболли мижозларға мол сифатини текшириш ва улар бу молни сотувчига қайтариб беришни хоҳламаганлықлари учун яхши тассуорт қолдириш мақсадида шундай қилинади. «Сотиш ёки қайтариб бериш» шарти билан тузилған шартномага асосан әгалик ҳуқуқи мол етказиб берилған ҳамоно харидорға ұтади, чунки молнинг әгаси харидор бұлғын, унинг зарар күриш хавфи бор. Унинг ўйлаб күриш учун муайян вақты бор, ана шу вақт ичида молни қайтариб бериши ва ҳуқуқий ёрлиқдан воз кечиши мумкін. Агар бундай қилинмаса, у мол әгаси бұлғын қолади.

«Маъқул қилиб» сотиш усулида ҳуқуқий ёрлиқ харидорға

қайтарилиши лозим бўлган объект сифатида берилмайди; ёрлиқ моллар харидорга элтиб берилган ва харидор битимни қабул қиласан ёки тасдиқлаганидан кейингина ёхуд молни қайтариш учун оқилона муддат тугаши билангина унга ўтади. Масалан, сиз ўз корхонангиз учун «сотиш ва қайтариб бериш» шартига кўра дастгоҳ сотиб олдингиз ва ихтиёригизда ўттиз кунлик муҳлат бор. Шу вақт мобайнида дастгоҳни олиб қолиш ёки уни сотувчига қайтариш масаласини ҳал қилиши керак бўлади. Ўттизинчи куни ёнгин натижасида дастгоҳ шикастланди. Бу битим «сотиш ёки қайтариб бериш» шартига кўра амалга оширилаётгани сабабли ҳуқуқий ёрлиқ сизга ўтади ва сиз зарар кўрасиз.

Агар ушбу дастгоҳ «маъқул қилиб» сотиш усулида харид қилинганида ўттиз кунлик муҳлат ўтгунича ва сиз сотиб олганингиз ҳали тасдиқланмаган тақдирда ҳуқуқий ёрлиқ сотувчига қолиши ва у зарар кўриши мумкин бўлур эди.

Ким ошди савдоси ва ҳуқуқий ёрлиқни бериш. Ким ошди савдосида болға зарби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ана шу вақтда (агар савдо шартига кўра битимдан норозилик ҳуқуқи назарда тутилмаган бўлса) ҳуқуқий ёрлиқ топширилади. Харидор молга эга бўлишидан олдин муайян ишни бажариши (харид ҳақини тўлаши ёки унга васиқа бериш билан сотиб олиши) кераклигига қарамай, мулкдорга айланади.

Мулк ҳуқуқи ва эгалик ҳуқуқи. Маълумки, мулк ҳуқуқи билан эгалик ҳуқуқи турли хилдаги ҳуқуқий тушунчалардир. Кўчма мулк ҳуқуқий ёрлигини одатда фақат мулк эгаси ёки унинг қонуний вакили бериши мумкин. Нарсага эга бўлатуриб, ҳуқуқий ёрлиги бўлмаган киши уни бировга беролмайди. Бошқача айтганда, мулкингиз бўлмаган нарсани сота олмайсиз.

Ҳар бир киши мулк ашёларини бошқа кишиларга доим ишониб топширади. Масалан, бир фирманинг юқ автомобили бошқа фирманинг гаражига қўйилганида; буюртмачи материалидан бирон бир нарса ишлашга шартнома тузилганида; идора ускуналари ремонтга берилганида; кийим-кечак кимёвий усулда тозалаш учун топширилганида шундай бўлади. Ана шу нарсалар ишониб топширилган томонлардан биронтаси уларни сотиш ҳуқуқига эга эмаслигини исботлашга ҳожат йўқ. Бу ҳатто харидор сотиб олинганд мол нархини тўлган, учинчи ҳалол томон ҳисобланган ҳолларга ҳам тегишлидир. Бундай молларни сотишни одат қилиб олган кишига бу нарсаларни ишониб топширишнинг аҳамияти борми? Бу киши сотиш учун муайян ҳуқуққа эгами? Ягона савдо кодексига кўра шундай ҳуқуқ бор. Лекин умумий ҳуқуқ ва ягона қонун-қоидаларига мувофиқ бу киши бундай ҳуқуққа эга эмас.

Масалан, «Радуга» компаниясининг сотувчилари унинг мулки ҳисобланган енгил автомобиллардан фойдаланадилар. Автомашиналар автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари сотиладиган гаражга қўйиб юрилади. Гараж эгаси «Радуга» компанияси автомобилларидан бирини ҳалол, қонуний харидорга сотиб юборади. Агар бу воқеа савдо-сотиқ тўғрисида ягона қонун қабул қилинган

штатда рўй берса, харидор вижданли бўлишига қарамай, ҳуқуқий ёрлиқни қўлга кирита олмайди. Агар бу воқеа савдо кодекси қабул қилинган штатларнинг бирида содир бўлса, бундай моллар билан савдо қилган кишига эгалик унга ваколат берган кишининг барча ҳуқуқларини харидорга ўтказиш ваколатини беради. Шу сабабли бу ҳақиқий савдо ҳисобланади ва сотиб юборилган автомобилни қайтаришни талаб қилиш мумкин бўлмайди.

Комиссионерлар тўғрисида маълумот ва комиссионерлар ҳақидаги қонун. Дўкондор-воситачи (комиссионер) одатда унинг номига ваколатнома берган кишидан олинган мол-мулкни сотувчи ёки тасарруф этувчи консигнатор ёки вакил ҳисобланади. Қоидага кўра, консигнатор ва унинг консигнанти ўртасидаги ўзаро муносабат ҳар қандай вакил ва унинг ваколат берган кишиси орасидаги ўзаро муносабат сингари бўлади. Бироқ бир қанча истиснолар ҳам бор. Агар вакил ўзининг чинакам ёки аниқ ваколатларини сунистехъмол қиласа ва мол-мулкни ваколат берган киши танлаган томонга эмас, бошқа томонга сотиб юборса ёки ваколати бўлган нархда сотмаса, унда ваколат берган киши мажбурият олмайди. Энди дўкондор-воситачи молларни тасарруф этатуриб, консигнант берган йўл-йўриқларни бузган ҳолни олиб кўрайлик. Бу ҳолда консигнаторининг хатти-ҳаракати учун консигнант зиммасига мажбурият юкланадими? Дўкондор-воситачи асосланган ҳуқуқий ёрлиқни бериши мумкини? Бу ҳолда бутун зарарни ё консигнант, ёки ҳалол, қонуний харидор ўз зиммасига олиши аниқдир. Кўп штатларда ҳалол, вижданли харидор ҳуқуқи ҳимоя қилингани. Масъулиятсиз воситачини танлаган киши жазолсанган тақдирда савдо ва жамият манфаатлари жуда яхши ҳимоя қилинган деб ҳисобланади. Турли штатларнинг воситачилар тўғрисидаги низомларида бу қоида назарда тутилади. Низомлар воситачининг мулкка эгалик ҳуқуқини етарли даражада исботланишини талаб этади. Бинобарин, сотиб оловучи ёки қарз берган ҳамда бадастирлик сифатида бу нарсани олган киши, агар у ҳалол йўл билан ҳаракат қилаётган бўлса, қўйидаги ҳолатларда асосланган ҳуқуқий ёрлиқни олиши мумкин:

— ҳуқуқий ёрлиқ ҳужжати ёки моллар сотиш ёки гаровга қўйиш мақсадида воситачига ёки вакилга ишониб топширилганида; воситачи молларни намойиш этиш ва сақлаш учун уларга эга бўлиши етарли эмас. У молларни сотиш ёки гаровга қўйиш учун ҳақиқий ваколат олиши керак, акс ҳолда учинчи томон асосланган ҳуқуқий ёрлиққа эга бўлмайди;

— учинчи томон, хоҳ у гаровга пул берувчи ёки сотиб оловучи бўлсин, воситачи ё вакил мол эгаси эмаслигини билмаслиги керак. Агар учинчи томон савдо-сотиқда ҳақиқий ваколатга эга бўлмаган вакили билан алоқа қилаётганини билса, унда воситачилар тўғрисидаги қонун қўлланилмайди. Учинчи томон молнинг чинакам эгаси билан иш олиб боряпман деб ҳисоблаётган бўлсагина қонун қўлланилади.

Мол эгаси воситачисига ишониши керак. Агар воситачи мол-

ларни ғайриқонуний йўл билан, ўғирлик, қаллоблик, зўравонлик билан, хато қилиш ёки ўзлаштириш йўли билан қўлга киритса, у бирор кишига асосланган ҳуқуқий ёрлиқ бера олмайди. Ҳатто воситачилар тўғрисидаги қонун қўлланилган ва ҳалол харидор ҳуқуқий ёрлиқ олган ҳолда ҳам дастлабки мулк эгаси молларга бўлган ўз ҳуқуқини тиклаши, молларни олган кишига у тўлаган пулни қайтариб беришни таклиф қилиши мумкин. Масалан, ўғирлашган моллар ҳалол харидорга сотилган тақдирда воситачилар тўғрисидаги қонунни қўллаб бўлмайди, бундай ҳолда ушбу моллар эгаси ўз молларига ҳақ тўламай, уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Савдо ва уни таъминлаш воситалари. Агар барча турдаги савдо ишлари нақд пулга, моллар ва ҳуқуқий ёрлиққа эга бўлиш учун ҳақ бутунлай тўланган пайтдан амалга оширилганида, битимларни бажариш воситаларига эҳтиёж қолмасди. Лекин Америка иқтисодиёти нақд пул билан амалга ошириладиган битимлар ҳокимлик қиласидаги иқтисодиёт эмас: моллар ҳар куни қўлдан-қўлга ўтади ва уларнинг ҳақи дарҳол талаб этилмайди. Шу сабабли харидор моллардан фойдаланиш ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлиш шарти билан моллар сотилиши мумкин бўлган усуллар бор, айни вақтда сотувчи битимни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий ёрлиқни ушлаб туради. Савдо ишларини таъминлашда шартли савдо, пул тўлаб қайтиб олиш шарти билан кўчма мулкни гаровга сотиш ва уни сақлаш тўғрисида тилхаг бериш каби усуллар тез-тез учраб туради.

Шартли савдо. Бу савдо-сотиқ ишларини маблағ билан таъминлашда жуда қулай ва тез-тез фойдаланиб туриладиган воситадир. Бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан амалга ошириладиган одатдаги савдода ҳуқуқий ёрлиқ харидорга ўтади, лекин харидорнинг навбатдаги тўловни вақтида беришга қурби етмаса, сотувчи харид нархини ундириб олиш тўғрисида судда иш қўзғатиши керак. Бундай ҳолда сотувчи кўпинча ҳали тўланмаган пулларни ундириб олиши ҳам мумкин. Агар шартли савдо қилингандан бўлса, харидор сотиб олинган нарсаларга эгалик қила бошлайди, сотувчи эса молларнинг ҳақи тўла тўлангунича ҳуқуқий ёрлиқни ўзида ушлаб туради.

Гаровли ҳуқуқий ёрлиқ ва зарар кўриш хавфи. Ҳуқуқий ёрлиқ билан зарар кўриш хавфи одатда кетма-кет юради. Лекин бу тартиб шартли савдога ва сотувчи битимни бажариш мақсадида ҳуқуқий ёрлиқни ушлаб қолиб, иш олиб борадиган ҳолларга дахлдор эмас. Ҳақини бериб қайтариб олиш шарти билан кўчма мулкни гаровга сотиш бундай битимга мисол бўлади. Бундай ҳолларда қонун санъати тўла намоён этилади: қонун атом ядросини парчалаш санъати сингари ҳуқуқий ёрлиқ тушунчасини тилкаласб ташлайди ва «ҳақиқий ҳуқуқий ёрлиққа» харидор, «гаровли ҳуқуқий ёрлиққа» сотувчи эга бўлишини эътироф қиласиди. «Ҳақиқий ҳуқуқий ёрлиққа» эга бўлган шахс зарар кўриш хавфи-

ни ўз зиммасига олиши керак. Одатда ана шундай шахс харидор бўлади.

Шартли савдо ва үчинчи томон. Харидор шартли савдо шартномаси асосинда молга эгалик қилган, ҳуқуқий ёрлиқни эса сотувчи ўз қўлида ушлаб турган бўлса, бунинг үчинчи томони учун қандай аҳамияти бор? Харидор молларни сотиши ҳамда асосланган ҳуқуқий ёрлиқни бериши мумкини? Шартли харидор молмулкка ўзиникидек муносабатда бўлиш ҳуқуқига эгалиги туфайли уни харидорники деб ўйлайдиган ҳалол сотиб олувчини қандай оқибатларга олиб келади? Қонун бу саволларга аниқ жавоб беради. Шартли харидорнинг ҳуқуқий ёрлиғи йўқ ва шу сабабдан үчинчи томонга асосланган ёрлиқ бера олмайди. Манфаатларни алдам-қалдамдан асраш учун кўпгина штатларниң қонунлари шартли харидордан шартли савдо тўғрисидаги битимни ёки унинг нусхасини ҳамманинг кўз ўнгидаги рўйхатдан ўтказишни талаб этади. Агар сотувчи бундай қилмаса, харидор эса молларни ҳалол сотиб олувчига сотса, ана шу ҳалол сотиб олувчи асосланган ҳуқуқий ёрлиқ олади.

Бўлиб-бўлиб тўланадиган ҳақни тўламаслик ҳоллари. Агар харидор бўлиб-бўлиб тўланадиган навбатдаги тўловни бермаса, сотувчи уни молга эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин. Харидор сотувчининг талабини бажаришдан бош тортганида эса унинг қўлидаги моллар қонуний йўл билан тортиб олиниши керак; сотувчи харидорнинг уйига бостириб кириши ва гарчи сотувчининг ҳуқуқий ёрлиғи бўлса-да, сотилган молларни харидордан зўрлик билан тортиб олиши мумкин. Моллар тортиб олинганидан сўнг сотувчининг ҳам, харидорнинг ҳам муайян ҳуқуқ ва вазифалари бўлади. Шартли савдо тўғрисида ягона қонун қабул қилинган штатларда бу ҳуқуқларни белгилаб берадиган баъзи қоидаларни кўриб чиқайлик.

Харидорнинг ҳуқуқи. Агар сотувчи моллар тортиб олинмасдан олдинроқ ўз нияти ҳақида хабар бермаган бўлса, харидор уларни сотиб олиш ҳуқуқига эгадир. Харидор бундай хабарнома олмаган бўлса ҳам моллар тортиб олинганидан сўнг уларнинг ҳақини тўлаб, ўзига қайтариши учун ихтиёрида ўн кунлик муддат қолади; бунда харидор сотувчига қарзини ҳамда молларни тортиб олиш чофида қилинган харажатларни тўлаши керак.

Сотувчининг ҳуқуқи. Сотувчи баъзан моллар тортиб олинганидан кейин уни дастлабки харидорга яна сотишга мажбур бўлади. Молларни қайта сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган томон улар тортиб олинганидан сўнг ўн кун ичida бу ишни қилмаса, сотувчи молларни ким ошди савдосига қўяди ва ўз ниятини ҳаммага маълум қилади, бу ҳақда харидорга ҳам хабарнома юборади. Агар харидор моллар тортиб олниётган вақтгача сотиб олинган нарса нархининг ҳеч бўлмаса ярмини ҳам тўламаган бўлса, унинг ихтиёрида ўн кун қолади. Ана шу вақт мобайнинда у шахсан ўзи ёки буюртма хат орқали тортиб олинган мол қайта сотилишини та-

лаб қилини мумкин. Агар бу иш қилинса, қайта савдо тұғрисида ҳаммага айтиши ва харидорга хабарнома юбориши керак.

Молларни учинчи шахс қайта сотган тақдирда тушган пуллар савдо харажатларини қоплашга; молларни тортиб олиш, сақлашга кетған харажатларни қоплашга; шартнома түловлари бүйічә қарзларни тұлашга сарфланиши лозим.

Ортиқча ҳосил бўлған маблағлар шартли харидорга тұланиши керак. Савдодан камомад пайдо бўлганида харидор ана шу камомад учун жавобгар бўлади.

Моллар ҳаммавақт мусодара қилиниши керакми? Шартнома шартли савдо тузида бўлишига қарамай, сотувчи келишувга мутлақ савдо деб қараши ва тұланмаган пул юзасидан судда иш құзатиши мумкин. Бунда ҳуқуқий ёрлиқ харидорға ўтади, сотувчи эса берилған имкониятни йўқотади ва бу ҳолда суд қарори асосида мазкур шартномага кўра ёки харидорнинг бошқа ҳар қандай мулкidan ҳақини ундириб олиши мумкин. Сотувчи аниқ-равшан вазиятга боғлиқ ҳолда зарар ўрнини қоплаш учун маблағ танлаш тұғрисидаги масалани ҳал қилишга мажбур. Энг аввало, харидор тұлаган пул миқдори, молларнинг жорий нархи, харидорнинг умумий молиявий аҳволи хисобга олинади.

Савдонинг ўзи нима — ҳақини тұлаб қайтариб олиш шарти қўйилған кўчма мулк гаровими? Савдо — ҳақини тұлаб қайтариб олиш шарти қўйилған кўчма мулк гарови, шартли савдо билан бир қанча умумий хусусиятларға эга бўлған шартномани бажариш воситасидир. Лекин савдонинг битимнинг бу туридан фарқ қиласидиган қатор хусусиятлари ҳам бор. Сотувчи у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам гаровли ҳуқуқий ёрлиқни ўз қўлида ушлаб туради. Шартли савдода сотувчи эгалик ҳуқуқини топширса ҳам ҳуқуқий ёрлиқни олиб қолади. Ҳақини тұлаб қайтариб олиш шарти қўйилған гаровли кўчма мулк сотилганида, сотувчи эгалик ҳуқуқини ҳам, ҳуқуқий ёрлиқни ҳам топширади. Лекин харидор харид нархининг тұланмаган қисмини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий ёрлиқни қайтаради. Ҳақини тұлаб қайтариб олиш шарти қўйилған гаровли кўчма мулкни сотиш амалда савдо-сотиқ тушунчасига тұғри келмайди. Бундай битишувлар кўп учрамайды ва одатда пул қарз берилганида уни қоплаш мақсадида муайян кўчма мулк учун қарз берувчига ҳуқуқий ёрлиқни топшириш мумкин. Битим қарзни қоплаши ёки харид нархи тұланишидан қатын назар, ҳақини бериб қайтариб олиш шарти қўйилған гаровли кўчма мулк сотилгандыа унинг ҳуқуқий натижаси бир хил бўлади.

Ҳақини тұлаб қайтариб олиш шарти қўйилған гаровли кўчма мулк савдоси тұғрисидаги битимни рўйхатта олиш. Бундай ҳолда ёки қарз берилиб, уни қоплаш мақсадида кўчма мулк учун ҳуқуқий ёрлиқ олинганда ҳар қандай ҳалол учинчи томондан ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун бу битимни рўйхатдан ўтказаётган сотувчига бериладиган ҳимоя турлариңдандир. Кўпчилик

штатларда ҳақини тұлаб қайтариб олиш шарти құйилған гаровли күчма мулк сотиши тұғрисидаги битимлар рўйхатидан ұтказылғач, фақат бир йил мобайнид кучга эга бўлади. Агар битим яна да узоқроқ муддатга мўлжалланган бўлса, уни йил тугаши билан қайта рўйхатга олиш зарур.

Ҳақини тұлаб қайтариб олиш шарти құйилған гаровли күчма мулк савдоши тұғрисидаги битимиши киши қилиш йўли билан ҳимоялаш. Ҳақини тұлаб қайтариб олиш шарти құйилған гаровли күчма мулк савдоши тұғрисидаги битимда гаровга пул берган киши амалда мулк әгаси ҳисобланади. Агар ипотека (капиталистик мамлакатларда қўзғалмас мулкни гаровга олиб бериладиган қарз) да сотишга ваколат берилған бўлса, унда гаровга пул берган киши бирон-бир ҳуқуқий чегаралашларсиз мулкни сотиш юмринг. Чунки айни вактда, мулк гаровга пул берган кишининг ихтиёрида бўлади.

Агар гаровга қўювчи мулкни гаровга пул берган кишининг ихтиёрига топширмаган бўлса, у мулкка эга бўлиш учун аввал судга мурожаат этиши лозим. Кўпинча гаровга пул берувчининг сотишга ваколати бўлған тақдирда ҳам у гаровга қўювчини ўз мулкини қайта сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга уринади. Бунда гаровга пул берувчи судга мурожаат этиб, ундан «гаровга қўювчининг гаровга қўйилған мол-мулкини қайта сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилишни» ёки гаровга пул берувчининг талабларидан ташқари мулкка нисбатан барча даъволарни олиб ташлашни илтимос қиласи. Гаровга пул берувчи гаровга қўювчи гаров ҳуқуқларидан маҳрум бўлгани ҳақида суд қарорини олганидан сўнг, у бу ҳақда гаровга қўйған кишига олдиндан хабар бериб, мол-мулкни кўпчиллик олдида сотиши юмринг. Гаров берувчи савдодан тушган пулдан ўзига тегишли қисмини ушлаб қолади, қолганини эса харидорга ёки гаровга қўювчига қайтариб беради ёки гаровга қўювчи зиммасига ҳар қандай камомад учун жавобгарлик юклайди.

Кафолатли тилхатдан фойдаланиши. Кафолатли тилхат нисбатан янги бўлиб, савдо битимларини маблағ билан таъминлаш борасида жуда тез оммалашиб бормоқда. У айниқса автомобиль савдосида кенг тарқалган. Мол сотувчи кафолатли тилхат ёрдамида бу ўналишда мустақил ҳаракат қилмай, битими маблағ билан таъминлаши ва мулкни ўзиники қилиб олишда рўйхатдан ұтказиш ва эгалик ҳуқуқини қайтариб олиш билан ўзини қийнамаслиги юмринг.

Кафолатли тилхатни расмийлаштириш тартиби. Харидор, ма-салан, автомобиль сотиши билан шуғулланувчи киши тайёрловчи корхонадан битта ёки бир нечта автомобиль харид қилмоқчи. Бу ишда унга банк ёки бошқа бир молия муассасаси ёрдамга келади ва ўз зиммасига пул билан таъминлаш мажбуриятини олади. Сотувчи бундан хабардор қилинади ва у муомаладаги тилхат асосида автомобильни харидорга ортиб жўнатишга рози бўлади. Банк жўнатма васиқани олишга (шу пайтда сотувчи ўз ҳа-

қини тұла олади, чунки банкнинг розилиги ҳақ тұланғанини ёки унга тенг ҳаракатни англатади) рози бўлади ва коносаментни харидорга беради (Бу коносамент харидорга молларга эгалик қилиш ҳуқуқини беради). Харидор коносамент әвазига битим тури ва моллар кўрсатилган кафолатли тилхатни олади. Бу тилхат харидор моллар коносаментининг ва банк ишончномаси асосида молларни сотишдан тушган пулнинг эгаси эканини тасдиқлайди. Агар харидор сотувчига тұланадиган пулни банкка ўтказмаса, банк ундан коносаментни, молларни ёки савдодан тушган пулни талаб қилиши мумкин. Бинобарин, бу талаб харидоргагина әмас, шунингдек ундан хабардор бўлган (ҳатто харидор синганида беллашууда қатнашган кўпчиликни бошқарган) учинчи томоннага ҳам дахлдордир.

ШАРТНОМА БУЗИЛГАНДА ХАРИДОР ВА СОТУВЧИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ

Савдо-сотиқ шартномаси бузилганда сотувчини ҳимоя қилиш воситалари. Агар корхона эгаси ўзининг савдо-сотиқ шартномалари бажарилаётганига, моллар шартнома талабларига мос келаетгани ва ўз вақтида етказиб берилаётганига, тұловлар эса белгиланган муддатда тушаётганига ишонса, унинг ҳуқуқий муҳофаза идораларига мурожаат этишига ҳожат қолмайди. Савдо-сотиқ шартномаларининг бирортаси бажарилмаётган вақтда эса харидор ёки сотувчини ҳимоя қилиш воситалари жуда кўпdir.

Сотувчини ҳимоя қилиш воситаси упинг нарсага эгалик ҳуқуқи билан бирга ҳуқуқий ёрлиқни харидорга топширгани ёки топширмаганига боғлиқдир. Агар харидор ўз мажбуриятини бажармаса унда сотувчининг нарсага эгалик ҳуқуқи сақланган ҳолда амалга ошириладиган битта тартиб бор. Иккинчи тартиб сотувчи нарсага эга бўлмаганида қўлланилиши назарда тутилади. Биринчи тартиб сотувчи ҳуқуқий ёрлиқни ўзида сақлаганида, иккинчиси эса ундан маҳрум бўлганида қўлланилади. Коидага кўра сотувчи молни ушлаб қолиши; ўзининг молни йўлда тўхтатиб қолиш ҳуқуқидан фойдаланиши; молларни олиб сотиши; шартномани бекор қилиши; молнинг ҳақини ундириб олиш учун судга мурожаат этиши; заарни ундириб беришни сўраб судга мурожаат этиши мумкин.

Сотувчининг молларни ушлаб қолиш ҳуқуқи. Сотувчи молларни ушлаб қолиш ҳуқуқидан фойдаланиши учун ҳуқуқий ёрлиқни харидорга бериши, моллар эса сотувчининг ихтиёрида қолиши керак. Ушлаб қолиш мулкни ундириб олишда ишлатиладиган усул бўлиб, тўлов таъминланишини билдиради. Равшанки, сиз ўзингизга тегишли мулкни ундиришингиз мумкин әмас ва бу мулкка эга бўла туриб, тўловни таъминлаш сифатида мулк эгаси бўйлмайсиз. Шу сабабли сотувчининг ушлаб қолиш ҳуқуқи узига эга бўлган нарсани ушлаб қолган муддатгача давом қиласи.

Сотувчи молларни ушлаб қолиш ҳуқуқидан фойдалана олиши

учун зарур бўлган бир қанча шартлар ҳам бор. Бунда қўйидаги ҳолатларга эътибор бериш керак:

— моллар қарз бериш тўғрисидаги битимсиз сотилган ҳоллар. Харидорга қарз бериш тўғрисидаги битимнинг мавжудлиги сотувчи харидорга ишонишидан далолат беради. Шу сабабли у харидорга ишончсизлик билдириб, тўловни таъминлаш учун молни ушлаб қолганини айтиб, субутсизлик қиломади;

— моллар қарзга сотилган ва қарз муддати ўтган ҳоллар. Мол сотувчи ихтиёрида қолиши шарти билан муайян муддатга қарзга сотилиши мумкин. Сотувчи молни омонатга ушлаб турганида, масалан, чала ишларни битириш ёки ремонт қилиш бунга мисол бўлади. Агар молга у эгалик қилса, эгалик қайси хилда бўлишидан қатъи назар, сотувчиникими, омонатга қўйган кишиникими, қарзни тўлаш муддати ўтганда ва тўлов тўланмагандан молни ушлаб қолиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин;

— моллар қарзга сотилган, харидор эса тўлов қобилиятини йўқотган ҳоллар. Харидорнинг тўлашга қодир эмаслиги қарз муддати тугагани сингари ҳуқуқий оқибатга эгадир. Харидор тўлов қобилиятини йўқотса-ю, лекин моллар ҳали сотувчи ихтиёрида бўлса, у ўз ҳуқуқидан фойдаланиб молларни йўлда ушлаб қолини мумкин.

Сотувчининг молларни йўлда тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи. Агар мол сотувчининг ихтиёридан чиққан бўлса, у энди ўзининг молни ушлаб қолиш ҳуқуқидан фойдалана олмайди. Бироқ сотувчи молларни қайтариб олишга қодир бўлган ва уларни ушлаб қолиш ҳуқуқини қўлга киритадиган муайян шарт-шароитлар ҳам мавжуд. Мол қарзга сотилган ва харидорнинг тўловга қурби келмай колган ҳолларда сотувчи йўлдаги молни етказиб беришни тўхтатиб қўйиши мумкин. Масалан, сотувчи Икс компаниясига мол ортиб жўнатди, дейлик. Лекин у мол етиб келишидан бир кун илгари Икс компанияси синганини эълон қилганини билиб қолади. Бу ҳолда сотувчи ихтиёрида йўлдаги молни тўхтатиб қўйишига доир барча чора-тадбирлар кўриш учун бир кун вақт бўлади. Агар бундай қилишга улгурмаса ва мол белгиланган ерга етказиб берилса, у молни йўлда тўхтатиб қўйиш ҳуқуқидан фойдалана олмайди.

Молни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқидан қандай қилиб фойдаланиш мумкини? Мол учун ҳақ олмаган сотувчи унга чинакам эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритиши, молга эга бўлган қонуний шахс юк ташувчига ўз талабини маълум қилиш йўли билан унинг ортиб жўнатилишини кечкитириши мумкин. Молни етказиб беришга халақит берилиши аниқ бўлгандагина юк ташувчига хабар берилимоғи лозим. Хабар исталган шаклда юборилиши мумкин. Масалан, телеграф хабарининг ўзи етарлидир. Мабодо, юк ташувчи тегишли хабар олгандан кейин ҳам юк ортиб жўнатишни давом эттирса, у сотувчига етказилиши мумкин бўлган ҳар қандай зарар учун тўла жавобгар бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, юк

ташиладиган манзилни ўзгартыришга кетадиган барча харажаттар сотовучи зиммасига тушиши лозим.

Молни йўлда тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи ва коносамент. Коносамент оборотли ёки эгасининг номи ёзилган бўлади. Агар эгасининг номи ёзилган, яъни муайян кишига расмийлаштирилган коносамент бўлса, уни бирорга бериш мумкин эмас. Агар коносамент «орденли», яъни унинг ҳар қандай эгасининг «бўйруғи» ёки топшириги билан расмийлаштирилган бўлса, оборотли ҳисобланади. Агар коносамент бирорга берилиши мумкин бўлмаса, уни мол олиш учун кимгадир амалда текшириш зарурати ҳам йўқ. Оборотли коносаментни ёки мол сақланадиган омбор гувоҳномасини расмийлаштиришда, агар коносамент ёки омбор гувоҳномаси сотовчининг ихтиёрида бўлса ва у юк ташувчи ёки омбор эгасига кўрсатилмаган бўлса, сотовучи ўзининг молни йўлда тўхтатиб қўйиш ҳуқуқидан фойдалана олмайди.

Сотовучи молни яна қайта сотиши ҳуқуқига эгами? Агар сотовучи ўзининг молни йўлда ушлаб қолиш ҳуқуқидан фойдаланса, унда нима қилиш керак? У молни қайта сота оладими? Савдо тўғрисидаги ягона қонунига музофиқ моллар тез бузиладиган бўлса; харидор молнига ҳақини тўламаган тақдирда сотовучи уни қайта сотиши ҳуқуқини ўйлаб, бу ишни бевосита режалаштириб қўйган бўлса; харидор асосли бўлмаган давргача тўловни кечиктирса, сотовучи молни яна қайта сотиши мумкин.

Сотовучи молни сотиб қўшимча даромад олса, уни ўзида сақлаб қолиши мумкин. Сотовчи даромадни харидор билан бўлишиб шарт эмас. Агар молнига янги нархи харидор шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида сотовчига етказилгани зарарни қоплаш учун етарли бўлмаса, унда сотовучи ўзи қилган сарф-харажатни қоплашини суд орқали талаб этиши мумкин.

Шартномани бузиш ҳуқуқи. Молни ушлаб қолиш ёки уни йўлда тўхтатиб қўйиш ҳуқуқидан фойдаланилганида шартномани бузиш ва ҳуқуқий ёрлиқни чақириб олиш сотовучи ихтиёридадир. Сотовучи ўз ҳуқуқини шартномада эҳтиёти шарт писандада қилиб қўйган ёки харидор маълум бир давргача тўловни асоссиз кечиктираётган бўлса, у ўз ҳуқуқини ишга солиши мумкин. Сўнгги ҳолатда харидор шартномадаги барча ҳуқуқларини тўхтатибгина қолмай, айни вақтда тўловни вақтида тўламаслик билан боғлиқ ҳар қандай зарар учун жавобгар бўлади.

Шартномани бекор қилишнинг бошқа шакли ҳам бор. Масалан, мол ҳали етказиб берилмаган, харидор эса шартномани раҳ этаётган бўлса; харидор шартнома мажбуриятларини бажара олмаслиги исботланган бўлса; харидор ўз шартнома мажбуриятларини жиддий равишда бузса, сотовучи шартномани тўлалигича мутлақо бузиш ҳуқуқига эга.

Шартномани мутлақо бекор қилиш учун шарт-шароит бўлса, сотовучи масалан шундай дейди: «Келинг, яхшиси ишларни тугатайлик. Энди шартнома йўқ!» Бу сотовчининг хоҳиши бўлгани сабабли шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб этиб, суд-

га мурожаат қилинган тақдирда ҳам бу ишда изчиллик бўл-
маслиги мумкин. Энди шартнома йўқ, шу боисдан шартнома бў-
йича ҳуқуқ ва эътиrozлар ҳам йўқ, сотовучи зарарниг ўрни қоп-
ланишини сўраб судга мурожаат қилолмайди.

Мол нархи масаласи юзасидан судда иш қўзғатиш. Мол ҳали
сотовучи ихтиёридан чиқмаган ёки у ҳали ҳуқуқий ёрлиқни топ-
ширмаган тақдирда молни мажбуран ушлаб қолиш, уни йўлда
тўхтатиш, олиб сотиши ва шартномани бузини самарали восита
ҳисобланади. Сотовучи нарсага эгаликни, шуниигдек ҳуқуқий ёр-
лиқни берганида ҳам мол нархи тўгрисида судда иш қўзғатиш
унинг манфаатларини ҳимоя қилиш воситасидир. Одатда сотовучи
ягона Қонунда бу қоидадан истисно қиласидаги иккита ҳолат мав-
жуд. Сотовучи ҳуқуқий ёрлиқ ҳали харидорга берилмаган қўйидаги
ягона Конунда бу қоидадан истисно қиласидаги иккита ҳолат мав-
жуд. Сотовучи ҳуқуқий ёрлиқ ҳали харидорга берилмаган қўйидаги
ҳолатларда ҳам мол нархи масаласи юзасидан судга мурожаат
қилиши мумкин. Масалан:

— ҳуқуқий ёрлиқ топширилиши ёки мол етказиб берилиши
ҳисобга олинмай, муайян муддат учун харид нархи тўланган
бўлса;

— агар сотовучи молни харидорга қайта сотишини таклиф қи-
лаётган, у эса буни рад этажтган бўлса, мол асосланган нархда
шу заҳоти қайта сотилиши мумкин эмас.

Зарарниг ўрнини тўлдириш юзасидан судда иш қўзғатиш. Савдо-сотик шартномаси бошқа турдаги шартномалардан фарқ
қилмайди. Шартнома мажбуриятлари бузиладиган бўлса, зарар-
ниг ўрнини қоплаш юзасидан судда иш қўзғатилади. Харидор
молни олишдан бош тортса ёки унинг ҳақини тўламаса, судда
унга қарши иш қўзғатилади. Агар мол қайта сотиладиган бўлса,
зарар одатда шартнома мажбуриятлари бузилган вақтдаги бозор
ва шартнома нархи ўртасидаги фарқдан иборат бўлади. Фойда
олиш имкониятлари тегишли далиллар билан исботланган тақ-
дирда кутилаётган фойда ҳам зарар ҳисобланishi мумкин.

**Савдо-сотик шартномаси бузилганда харидорни ҳимоя қилиш
воситалари.** Қонунда фақат сотовчини эмас, харидорни ҳам ҳимоя
қилиш воситалари бор. Сотовчининг вазифаси молни ўз муддати-
да белгиланган ерга етказиб бериш ва берилган кафолатни ба-
жаришдан иборат. Бу мажбуриятлар бажарилмас экан, унда ха-
ридорни ҳимоя қилишниг бир қанча воситалари бўлиб, улардан
фойдаланилади. Бундай ҳолатларда тегишли воситани танлаш
ҳуқуқий ёрлиқ кимда эканига, ким молга ёки бошқа нарсаларга
эгалигига боғлиқ бўлади. Харидорни ҳимоя қилиш воситаларига,
биринчидан, ишониб топширилган мулкни ўз фойдасига ҳал қи-
лиш тўғрисида судда иш қўзғатиш ҳуқуқи; иккинчидан, шартнома
мажбуриятлари ёки мажбуриятларни натурада бажариш шартлари
бузилиши муносабати билан зарарни қоплаш тўғрисида судга му-
рожаат қилиш ҳуқуқи; учинчидан, сотовучи савдо пайтида берган

кафолат мажбуриятлари бузилишидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлар киради.

**Ишониб топширилган мулкни ўз фойдасига ҳал қилиш тұғ-
рисида судда иш құзғатиши.** Кимда-ким ўзига тегишли бўлмаган
мулкка әгалик ҳуқуқидан фойдаланса, мулк әгаси уни ўз фой-
дасига олиш тұғрисида судда иш құзғатиши ҳуқуқига эга. Агар ҳуқуқий ёрлиқ топширилаётганда сотувчи харидорга молни ет-
казиб беришдан бош тортса, у ўзига ишониб топширилган молни
ўзлаштиргани учун жавобгар бўлади. Шу сабабли харидор мол-
ни етказиб бериш ёки унинг асосланган қийматини ундириш тұғ-
рисида судга шикоят билан мурожаат этиши мумкин.

Сотувчи мол етказиб бермайдиган ҳолатлар. Агар сотувчи
мол етказиб бермаса, харидор шартнома мажбуриятлари бузи-
лиши натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тұғриси-
даги масала юзасидан судга мурожаат қиласи. Мол сотилиши
мумкин бўлган тақдирда эса зарар миқдори шартнома бузилган
(одатда, маҳсулот етказиб берилган сана) пайтдаги бозор ва
шартнома нархлари ўртасидаги фарқ билан белгиланади. Бево-
сита ёки кўзда тутилган шартнома бўлмаган тақдирда сотувчи
тижорат билан шуғулланаётган ерга маҳсулот етказиб берилади.
Молни ташиб бериш ҳақида битим бўлса, бу иш юк ташувчига
молни етказиб бериш йўли билан амалга оширилади. Агар шарт
номада молни харидорга ёки тайинланган жойга бевосита етка-
зиб бериш назарда тутилса, у албатта шартлашилган ерга олиб
борилиши керак. Бироқ шартномада молни етказиб бериш вақти
ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлса, бу ҳолда у куннинг қулаг
дамларида амалга оширилмоги лозим.

Молни ғайриқонуний етказиб бериш оқибатлари. Сотувчи ха-
ридор буюрган молни сони ва сифатига аниқ риоя қилган ҳолда
элтиб бериши шарт. Агар элтиб берилган мол миқдори буюрил-
ганидан кам бўлса, харидор ундан воз кечиш ҳуқуқига эгадир.
Харидор молни қабул қиласи ва унинг қолган қисмини етказиб
берилишини билар экан, агар шартнома бўлинадиган бўлса, мол-
нинг мутаносиб нархини, агар шартнома бўлинмас бўлса, унинг
тўла қийматини тўлаши керак. Харидор молнинг бир қисмини
қабул қилиб олса-ю, сотувчи молнинг қолган қисмини етказиб бе-
риш ниятида эмаслитини кейинроқ сезиб қолса, етказиб берила-
ётган молни бутунлай рад этиши мумкин. Агар харидор бу вақт-
гача молни сотиб улгурган ёки қандайдир йўл билан бошқа одам-
га берган бўлса, молнинг оқилона қиймати миқдори учун жавоб-
гарлик унинг зиммасига тушади. Аммо сотувчи буюрилганидан
кўпроқ миқдорда мол етказиб берди, дейлик. Бу ҳолда харидор
молнинг ҳаммасини қабул қилиши ёки уни рад этиши, ёхуд ўзи
буюрган миқдорда мол олиши мумкин. У молнинг ҳаммасини қа-
бул қиласи экан, шартнома баҳоси бўйича қийматини тўлашига
мажбур.

Молларни оз-оздан етказиб бериш. Шартномада фақат бир
марта мол етказиб бериш назарда тутилса, харидор учун оз-

оздан етказиб берилишининг зарурати йўқ. У молни шундай усулда етказиб берилишига рози бўлар экан, ҳақни бўлиб-бўлиб тўлаш мажбуриятини зиммасига олмайди. Томонлар молларни оздан етказиб бериш ва унинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлашига рози бўладиган ҳоллар тез-тез учраб туради. Аммо бу жуда оғир муаммо ҳисобланади. Молни қисман етказиб бермаслик (ёки ҳақини қисман тўламаслик) нинг ҳуқуқий оқибатлари қандай? Бу бутун шартномадаги мажбуриятлар бузилишини билдирадими? Бундай ҳолатда суд ишларини юритишнинг муайян тартиби ўрнатилмаган. Одатда, молни қисман тўламаслик шартнома мажбуриятларининг жиддий бузилиши ҳисобланади. Бироқ Савдо тўгрисидаги ягона қонуида: «...Шартнома мажбуриятларининг бузилиши шу қадар жиддийки, у зарар етган томон ўз мажбуриятларини бажаришда давом қилишдан бош тортишини оқлаши ва бутун шартнома мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарар ўрнини қоплаш учун судга мурожаат этиши ёки шартнома мажбуриятларининг бузилиши натижасида зиммага юклатилган вазифалар бўлинниб, зарарни ундириб олиш учун бутун шартномани йўққа чиқариш эмас, балки даъво қилиш ҳуқуқи берилиши, ҳар бир алоҳида ҳолатда шартнома шартларига ва ишнинг аҳволига боғлиқ экани белгилаб берилади», — дейилади.

Пул билан товон тўлаш етарли бўлмаган ҳолатлар — шартномани натурада бажариш. Шартнома бўйича манфаатларни ҳимоя қилишининг оддий усули пулдан кўрилган зарарни судда ундириб олишдир. Агар сотувчи шартномада кўзда тутилган молларни етказиб беришни рад этса, харидор бунинг натижасида кўрилган зарарни ундириб олиш учун судга мурожаат қилиши мумкин. Харидор, одатда, мажбуриятларни натурада бажариш яъни кўчма мулк олди-сотди шартномасига кўра молни мажбуран етказиб бериш масаласида судга мурожаат қилмайди. Чунки бу ҳамма вақт ҳам ҳимоя қилишининг кўпчилик томонидан қабул қилинган воситаси бўлавермайди. Сотилган мол ноёб бўлиб, зарарни пул билан тўлаш таъсирчан восита бўлмаган ҳолатларда харидор мажбуриятни бажариш масаласида судга мурожаат эта олади. Ҳақни даъво қилиб, ундириб олишдаги бу фарқни, афтидан, мисол билан тушунтириш осонроқ бўлса керак. Масалан, 10 фунт картошка сотиш юзасидан тузилган битим ёки қимматбаҳо расмини сотиш ҳақидаги битимни кўриб чиқайлик. Картошка сотилганида зарарни пул билан қоплашда мақсадга эришилади ва харидор ўзини ҳимоя қилишининг шу усулидан фойдаланади. Харидор учун алоҳида қийматга эга бўлиши мумкин бўлган расм савдо қилинганида эса у шартнома мажбуриятлари натурада бажарилишини сўраб, судга мурожаат этиши мумкин.

Савдо кафолат. Кафолат сотувчи мол сотилаётган вақтда берадиган ваъдадир. У бевосита ваъда, оғзаки, ёзма, назарда тутиладиган ваъда бўлиши мумкин. Томонларнинг ўзини тутишига, тегишли битим ҳолатларига ёки умумий тартибга кўра кафолат бериши кўзда тутилади.

«Харидор эҳтиёткор бўлсин» деган ақида устунлик қилган даврлар аллақачон ўтиб кетган. Қонунга кўра энди олди-сотди шартномалари уларда бевосита ифодаланган шартларга мувофиқ мажбуран бажартирилмайди. Эндиликда қонун, агар сотовучи бевосита қандайdir ваъда бермаган бўлса, молниг сифати учун ундан жавобгарлик талаб қилинмайди. Шартномада ҳеч нарса писанда қилинмаган тақдирда ҳам харидор савдо-сотиқнинг, масалан, асосланган ҳуқуқий ёрлиқни олиш, сотиш ва фойдаланишга яроқли молни харид қилиш сингари маълум шартларига амал этилишини кутиш ҳуқуқи борлиги қонунда назарда тутилган; мол тавсифи ёки намунасига қараб харид қилинганида, харидор унинг ана шу тавсиф ва намунага мос бўлишини талаб қилишга ҳақлидир. Бошқача айтганда, қонунда харидорга муайян кафолатлар берилади, сотовучига эса маълум бир мажбурият юклатиш мўлжалланади. У бундай кафолат сўрагани ва сўрамаганига қарамай, сотилаётган моллар учун маълум даражада жавобгар бўлади.

Бевосита кафолатлар. Бу — ёзма ёки оғзаки тарзда бевосита берилган аризалардир. Сотовчидан ушбу аризалар асосида мажбурият олиши учун қўйидаги қоидаларга риоя этиш талаб қилинади:

- кафолат олдиндан мўлжалланган бўлиши керак;
- харидор кафолатга ишониши шарт;
- мол сотиладиган вақтгача ёки сотилаётганида кафолат берилиши керак;
- кафолат ўз фикрини шунчаки билдиришдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга.

Кафолат олдиндан мўлжалланган бўлиши керак. Сотовчи кафолат сифатида фойдаланадиган аризасини олдиндан маълум қилиши керак. Бу «кафолат бераман» ёки «ваъда қиласман» каби сўзлардан унинг фойдаланиши мажбур деган маънони билдирилмайди; сотовчи ўзи фойдаланадиган ибораларни асослаб, оддийгина талқин қилиб, кафолат бериш ниятини айтиш мумкин. Харидорнинг ҳақиқий нияти унинг қабул қилинадиган ниятидан кура аҳамиятли эмас.

Харидор кафолатга ишониши шартми? Агар буюмнинг қусури кўриниб турган бўлса, кафолат берилмайди. Йдрокли, фаросатли харидор ана шу бор қусурни кўриши, сотовчининг берган кафиллигига ишонмаслиги керак. Масалан, «Форд» фирмаси ишлатилган енгил автомобильларни сотиши билан шуғулланади. Сотовчилардан бирни харидорга «мутлақо янги автомобиль» харид қилишни таклиф этади. Лекин бу автомобиль янги эмаслиги аниқ. Агар мижоз автомобильни сотиб олса, берилган кафолатдан орқага қайта олмайди, чунки сотовчининг ҳақиқатга тўғри келмайдиган гапларига ишониш ақлдан бўлмайди.

Ўз фикри билдирилган ариза кафолат бўлмайди. Сотовчининг ўз молини мақташи билан кафолат ўртасидаги фарқни билиб олиш керак. «Бу бозордаги энг яхши мол», «У сизга бир умр хизмат қиласди» ёки «Буни биз ушбу мавсумда меҳнатни тежаш

Борасидаги энг муҳим мослама ҳисоблаймиз» қабилида айтилган мақтov гапларни кафолат деб ҳисобламаслик керак.

Оғзаки ва ёзма кафолатлар. Мазкур кафолатга тегишли далил-исботлар күриб чиқылаётганидагина оғзаки ва ёзма кафолатларнинг фарқи бўлади. Ёзма кафолат берилганида сотувчи унинг шартларини оғзаки далиллар ёки «чин сўз» билан ўзгарта олмайди. Оғзаки гувоҳлик ёзма кафолат моҳиятига асосланган масалаларга тегишли бўлиб, ҳужжат моҳиятига аниқлик киритган ёки уни тўлдирган ҳолларгина бундан мустаснодир.

Буюмнинг муайян мақсадга яроқлилиги фараз қилинадиган кафолат. Сиз сотувчига бевосита ёки билвосита маълум бўлган нарсани маълум мақсадда сотиб оласиз. Агар сиз сотувчининг билими ва тажрибасига суюнсангиз, бу кафолат фараз қилинадиган кафолат бўлади, бу нарсадан оқилона фойдаланилган такдирда у сиз кўзлаган мақсадга яроқли эканини билдиради. Лекин бундай кафолат молнинг сотишга яроқли экани хусусида бериладиган кафолатдан бироз фарқ қиласи. Молнинг сотишга яроқли экани маҳсулот мўлжалланган умумий мақсад учун яроқлилигини билдиради; нарсанинг маълум мақсад учун яроқлилиги эса уни сотиб олган мазкур харидорнинг маълум бир мақсадига мос келишини билдиради.

Дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда кўзда тутиладиган кафолат. Савдо тўғрисидаги ягона қонунда доридармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотишда бериладиган кафолатлар тўғрисида маҳсус қондалар йўқ. Мабода бундай моллар сифатида қандайдир қусур бўлса, харидор молларнинг бошқа турларига кафолат берилганида қилинадигандек, мажбуриятлар бузилгани, чунончи моллар сотишга яроқсиз бўлгани ёки мол маълум бир мақсадга тўғри келмаслиги хусусида шикоят қилиш мумкин. Бинобарни, озиқ-овқат маҳсулотлари контейнерларда, мол белгиси ёки фирма номига қараб сотилганда ва улардан фойдаланишда берилган кафолатга мос келмаганда муаммолар пайдо бўлади. Бу муаммоларни суд орқали ҳал қилиш мумкин. Суд молнинг сотишга яроқли эканлиги юзасидан берилган кафолатларни бузганлик учун сотувчилар зиммасига жавобгарлик юклайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва шартномавий муносабатлар. Кафолат олди-сотди шартномасининг бир қисми ҳисобланади ва шу сабабли судда иш қўзғатиш имтиёзидан фойдаланадиган ёки кафолатни бузганлик учун судга берилиши мумкин бўлган шахслар ҳуқуқий маънода шартномадаги томонлардир. Бу нуқтаи назар анъанавий фикрга айланган. Бироқ у кўпинча ҳақиқатга тўғри келмайди ва муаммоларни келтириб чиқарди. Бундай муаммолар кўпинча озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар сотилганда пайдо бўлади. Сифати ёмон маҳсулотни истеъмол қилиш натижасида кимдир касал бўлди, дейлик. Беморнинг ўзи эмас, балки унинг яқин кишилари маҳсулот сотиб олгани сабабли кафолат бузилиши муносабати билан етказилган

зарар ўрнини қоплаш ҳақида сотувчига даъво қўзғатиш учун ҳала-
қит бермайдими? Айтайлик, ён қўшинингиз консерваланган яроқ-
сиз овқатни тановул қилиб, касалхонага тушади. Хўш, бунда
кимга — шартномадаги консерва сотган томонгами ёки битимга
қўра томон ҳисобланмаса-да, консерва тайёрловчигами — даъво
қилиш керак? Зоро, у ёмон сифатли консерва тайёрлагани учун
жавобгардир. Судларда шартномавий муносабатлар тўғрисидаги
дастлабки нуқтаи назарни қайта кўриб чиқишига интилиш кучайиб
бораётгани кузатилмоқда. Иш озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-
дармонларни сотишга тегишли бўлганда, сотувчи ёки тайёрловчи
томонидан кафолат бузилиши сабабли асосий истеъмолчи ёки
харидор судга мурожаат этиши тўғрисида судлар эндиликада тез-
тез қарор чиқариб турадиган бўлиб қолди. Бундай тамоийл ри-
вожланиб бориши ва харидорлар қонун томонидан кўпроқ ҳимоя
қилинишлари аниқдир.

Тайёрловчи, истеъмолчи ва шартномавий муносабатлар. Озиқ-
овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлардан бошқа молларни ис-
теъмол қилювчи шартнома мажбуриятларини бузиши ва маҳсулот
тайёрловчига қарши судда иш қўзғатиши мумкинми? Одатда бу
саволга «йўқ» деб жавоб берилади. Ҳолбуки, баъзи судлар шарт-
номавий мажбуриятлар доирасидан чиқиб, амалда ўзаро шартно-
мавий муносабатлар бўлмаган жойда шундай муносабатлар ўрна-
тишига ва истеъмолчи олдида мол тайёрловчи зиммасига масъулият
юклашга интилаётганликлари кузатилмоқда.

Кафолат бузилганида вужудга келадиган ҳуқуқлар. Сиз, ха-
ридор сифатида, кафолат бузилганида:

— молни қабул қилишингиз ва харид нархидан кафолат бу-
зилиши натижасида етказилган зарарга тенг пулни ҳисоблаб,
олиб қолишишингиз;

— молни қабул қилишингиз ва кафолат бузилиши сабабли
етказилган зарар ўрнини тўлдириш мақсадида судда сотувчига
нисбатан даъво қўзғатишишингиз;

— агар молниң ҳуқуқий ёрлифи ҳали берилмаган бўлса, мол-
ни қабул қилмаслигинингиз ва кафолат бузилиши муносабати би-
лан сотувчига нисбатан судда даъво қўзғатишишингиз;

— шартномани бузишингиз мумкин.

Шартнома бузилганда ё молни қабул қилмаслик керак ёки.
агар у олинган бўлса, қайтариш ва унга тўланган харид нархини
қоплашни сўраб сотувчига мурожаат қилиш лозим.

СОТУВЧИННИГ САВДО ВА НАРХ БЕЛГИЛАШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИ

Жамият савдо-сотиқ шартномаси мажбурий тарзда бажари-
лишидангина эмас, бушартномалар ҳалол бўлишидан ҳам ман-
фаатдордир. Жамият эркин бозорда савдо-сотиқ қилинишига ва
рақобат попок бўлмаслиги учун ҳунармандлар эркинлигини чек-

лашга қаратилған чора-тадбирлар құлламасликка интилади. Шунингдек нотұғри ёки кишини өткітадиган рекламага, қатың нарх белгилаш сиёсати үтказилишига, нарх-навода камситишларға монелик қиласы.

Рақобатнинг нопок усуллари. Федерал савдо комиссияси қоңуналари нопок рақобат усулларини ва нопок ёки өткітадиган тижорат ишларини ман этади. Федерал савдо комиссияси турли нопок усуллар ҳамда амалий ишлардан фойдаланишинг олдини олиш мақсадида тузылған. Қонун нопок рақобат усулларига алоқадор масалалар билан гина чекланиб қолмай, у жамият манфаатларига қарши йўналтирилған нопок ишларга ҳам ўз таъсирини үтказади. Бўлаётган ишлар нопокни ёки ҳалолми, булар комиссия ва суд қарорлари билан аниқланади.

Нопок ишлар, асосан, тўрт гуруҳга бўлинган: биринчиси, өткітиш; иккинчиси, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва пардоз-андоз воситаларини нотұғри реклама қилиш; учинчиси, лотереялар ва тўртинчиси, ҳунармандлар эркинлигини чеклаб қўйиш.

Чалғитиши молга нисбатан турли шаклда бўлиши мумкин. Бу материаллар ёки мол таркибидаги қисмлар, унинг сифати, тозалиги, ишлаб чиқарилған жойи, тушум манбаси, буюмнинг ёки эҳтиёт қисмларнинг расолиги хусусида нотұғри ёки кишини өткітадиган гапларда намоён бўлиши мумкин. Харидорни кўпинча рекламалар адаштириб юборади, лекин савдо ёрлиқлари ва белгиларида, нархномадар, ҳисоб-китобларда, ҳатто ўраш шакли, усули, сифатида ҳам өткітишлар бўлиши мумкин. Таклиф бундай қараганда, ўз-ўзидан өткітмаслиги мумкин, лекин унда нотұғри фикрлашга олиб борадиган жиҳатлар бўлиши мумкин. Худди шу нарса харидорни өткітиш дейилади.

Нотұғри реклама учун жазолаш. Федерал савдо комиссияси муйайн ҳолатларда нотұғри реклама тарқатилишини тақиқлайдиган суд қарорини чиқартириши мумкин (судларнинг тақиқловчи қарорлари, одатда, нотұғри реклама қилинган моллар истеъмолчилар соғлиғига хавф солганда чиқарилади).

Суд қарори асосидаги чекловдан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва шу кабиларни нотұғри реклама қилған киши мисдиминор хатти-ҳаракатларда айбдор ҳисобланади. Уни катта жарима солиши, қамоққа ҳукм қилиши билан жазолаш мумкин.

Лотерея ўйинлари үтказиш. Кўпчилик штатларда лотерея ўйинларини үтказиш муйайн билим ва уқув учун эмас, балки фақат тасодиғга асосланған совғалар ҳамда совринлар бериладиган қимор ўйинлари шаклида уюштириш қонун билан тақиқлаб қўйилған. Федерал савдо комиссиясида ҳам, штатлараро савдо соҳасида ҳам фаолиятнинг бу тури нопок иш сифатида ман этилган.

Савдо тўгрисидаги битим — ҳамкорликми ёки тил бириктириши? Баъзан ушбу битим ёки бирлашиш ўз олдига қонуний

ҳамкорликни мақсад қилиб қўйганми ёки ҳупармандлар эркинлигини чеклаш юзасидан файриқонуний тил бириткириши, буни аниқлаш анча қийин бўлади. Қўйидаги савдо битимлари турлари ни кўриб чиқайлик.

Рақибларни чеклаш ёки четлатиш битимлари. Бирлашма рақибларни четлатса ёки унга аъзо бўлмаган кишилар фаолиятини чекласа, бундай бирлашиш ҳунар эркинлигини чегаралайдиган файриқонуний келишув хисобланади. Бунда бирлашманинг асосий мақсади аҳамиятга моликдир. Суд ишларида ахборот тўпловчи ширкат бирлашмаси ушбу масала моҳиятига кўра ички иш тартибини қабул қиласди, натижада ўзаро рақобатлашаётган рўзномаларнинг жамият аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги аризалари жуда камайиб кетади. Суд қарорида бу иш тартиби штатлар орасидаги савдони асоссиз чеклаб қўйгани сабабли трестга карши қонунинг бузилганлиги деб эътироф қилинади.

Рақобатни чеклаш тўғрисидаги битимлар. Нарх-навони назорат қилиш йўли билан бозорни назорат қилиш, рақобатни енгиш ва ўзаро ошкора савдони тугатиш мақсадида бир неча ишбилармонларнинг бирлашиши (анча илгари паст нарх белгилаш вазифаси топширилган ишбилармондан ташқари) мўлжалланган шартнома файриқонуний хисобланади.

Маълум мижозларга мол сотмаслик тўғрисидаги битим. Бу шартнома маълум мижоз ёки мижозларга мол сотмаслик тўғрисидаги битим шаклига эга бўлиши мумкин. Бу ҳолда шартнома бозорни бўлишиб олиш ва алоҳида мижозларни ажратиб олишга қаратилгандир. Дастрабки ҳолда шартнома сотувчи томонидан харидорни бойқут қилиш тусида бўлади. Бу ва шунга ўхшаш бошқа шартномалар хам файриқонуний хисобланади.

Операцияларни якка ўзи олиб бориш ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома. Бундай шартнома тузилганида чакана савдогар маҳсулот тайёрловчи ишбилармон рақиб билан тижорат ишларини олиб бормасликка рози бўлади, фақат шу ишбилармондан барча зарур молларни олиш шарти қўйилади. Бу шартномани мол беришдаги имтиёзли ҳуқуққа доир битим билан чалкаштириш керак эмас. Ишбилармон ушбу битим асосида рақобатлашаётган савдогарлар ёрдамида ўз молларини сотмасликка кўнгиди. Бу ҳолда бир савдогар ўзи рақобатлашаётган бошқа турли ишбилармонлар билан муомала қилиши мумкин. Муомала қилишида фавқулодда ҳуқуқ тўғрисидаги шартнома савдогарни фақат биргина ишбилармон билан чегаралаб қўяди.

АҚШ трестга қарши қонунлари асосини Шерман (1890 й.), Клейтон (1914 й., унга Робинсон-Патмэн (1936 й.) тузатиш киритган), Келлер-Кефовер (1950 й.) қонунлари ташкил этади. Бу қонунлар ҳалол рақобатни муҳофаза этишини ўзининг асосий вазифаси деб ҳаммага маълум қилар экан, биргаликда ёки ҳар бири алоҳида бозорларни ҳудудий жиҳатдан бўлиш, рақибларни бойқут қилиш, нарх-навода ва тенг алмашиб битимлари асосида маҳсулот етказиб беришда камситиши, ягона нарх белгилаш ёки

нархни тушириб бериш юзасидан тил бириктириш, савдо-сотиқда муҳосара (блокада) қилиш, бозорда яккаҳоммилек үрнатиш, ўзиға хос таъминот манбалари ҳамда молни ўтказиш йўлларини тиқишириш сингари амалий ишларни чеклаш турларини тақиқлайди. Бундан ташқари, рақобатни чеклашга қаратилган акцияларни сотиб олишда ўзлаштириш, қоришириб юбориш ёки шунга ўхшаш хатти-ҳаракатларни ҳам ман этади.

Яккаҳоммилек ниятидаги келишувчиликларни ташкилий жиҳатдан қийинлаштириш учун, жумладан, компанияларнинг ёки бир-бирига мол етказиб берадиган ё уни истеъмол қиласидиган (қарз берувчи ёки қарздорлар), рақобатлашувчи компанияларнинг директорлари бир жон, бир тан бўлиб кетгандарига улар назорат қилинадилар. Хусусан, рақобатлашувчи компанияларнинг директорлари қандайдир учинчя фирма директорлар кенгашига киришлари натижасида уларнинг билвосита чатишиб кетишлари файриқонуний деб топилиши мумкин.

Бу қонунларнинг ҳаммаси штатлараро савдо қилаётган ва унга таъсир этаётган битимларга нисбатан қўлланилди, айрим штатлар ичida амал қилувчи битимлар эса тегишли маҳаллий қонун ёрдамида бошқарилади. АҚШ ичкарисидаги рақобат ва нарх-навога таъсир қилмайдиган экспорт битимлари трестга қарши қонунларнинг амал қилиш доирасидан чиқариб ташланган. Бироқ шундай таъсир бевосита ёки билвосита мавжуд бўлса, унда бу қонунлар экстерриториал² асосда Америка ва чет эл фирмаларининг ташқи савдо ишларига ҳам дахлдор бўлади.

Тижорат соҳасидаги муомалада фавқулодда ҳуқуқ тўғрисидаги шартноманинг мақбул ёки номақбуллиги аниқ-равшан иқтисодий омилларга боғлиқ деб ҳисобланади. Ўтмишда, мол тайёрлаш ишлаб чиқаришдан устунлик қилган ва бу мавқени фавқулодда ҳуқуқ тўғрисидаги шартнома ёрдамида сақлаб қолишига уринилган даврлардан бу шартномалар файриқонуний ҳисобланарди. Шунга мувофиқ саноатнинг мазкур тармоғида буюмларнинг атиги бир фоизини тайёрлайдиган тадбиркорнинг бундай шартномалари эътиборга олинмаган.

Хозирги вақтда, судлар ушбу масалага бошқача ёндашаётганга ўхшайди: маҳсулот етказиб берувчининг пул оборотига биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Ҳатто бутун бозор оборотида 5.000 000 доллар унча аҳамиятга эга бўлмаса-да, муҳим омил ҳисобланади. Бу тамойил маҳсулот етказиб берувчининг устун шахс деб қарабланган айланавий ёндошувга зид ҳолда ривожланиши ёки ривожланмаслигини келажак кўрсатади.

Шартлари чекланган шартномалар. Сотувчи ёки ижарага берувчи маълум нарсани сотиш ёки ижарага бериш шарти сифатида харидор ё ёлловчиши худди шу сотувчи ёхуд ижарага берувчидан бошқа шахсларни харид қилиш ёки ижарга олишга мажбур этадиган шартномалар бор. Муомалада фавқулодда ҳуқуқ тўғри-

² Экстерриториал — чет элда хизмат қиласидиган дипломатик вакилларнинг фақат ўз давлати қонунларига бўйсупиши.

сидаги шартномалар сингари бундай шартномалар ҳам рақобатни анча заифлаштиришга ва яккажокимликни вужудига келтиришга қаратылған шарт-шароитда қонунга хилоф ҳисобланади. Шартлари чекланган шартномалар фавқулодда ҳуқуққа эга шартномалардан фарқли үлароқ, одатда, худди шундай оқибатта олиб келади ва күпинчә устунликни сақлаб қолиш, көнтәйтириш ниятида тузилади. Шу сабабли шартлари чекланган шартномаларни қонун тақиқлади.

Қатъий нарх үрнатиши. Сиз үз молингизга ҳамма вақт қатъий нарх қўйишингиз мумкин. Лекин сунъий тарзда, ҳийла-найранг ва тил биритириш билан нарх белгиланган, натижада савдо-сотиқ эркинлиги чекланган ҳолларда у ғайриқонуний ҳисобланади. Қатъий нарх белгилашнинг умуман учта йўли бор: биринчиси, горизонтал; иккинчиси, вертикал; учинчиси, қатъий чакана нарх үрнатиш йўли.

Горизонтал қатъий нарх үрнатиши. Тадбиркорлар, улгуржи ёки чакана савдо қилувчилар ўртасидаги битимлар ёки үзаро алоқалар горизонтал равишда қатъий нарх үрнатишига мисол бўлади. Бу ишлар сабаби ва унга боғлиқ ҳолатлардан қатъи назар, қонунга хилофдир. Ушбу масала юзасидан судда муҳокама қилинган иккита ишни олиб кўрайлик. Судда АҚШда ишлаб чиқарилаётган ва тақсимланаётган санитария керамикасининг 80 фоизини назорат қилган бир гуруҳ тадбиркорлар иши кўриб чиқилди. Бу гуруҳ ягона қатъий нарх үрнатиши ва уни сақлаб туриш юзасидан шартнома тузган эди. Судда иш кўрилаётганида гуруҳ аъзоларидан улар үрнатган нархлар тўла асосланганини айтишди. Лекин суд нархларнинг асосланганилиги бундай шартномага узрли сабаб бўлмайди, деган қарор чиқарди. Қатъий нарх үрнатилгани сабабли шартнома ғайриқонуний ҳисобланади.

Бошқа бир судда кўрилган ишда шунга ўхшаш қарор қабул қилинди, лекин у ишдаги ҳолатга қараб олдинги қарордан бирмунча фарқ қилган эди. Кўп сонли нефть компаниялари сифатсиз бензин сотиб олиш ва нархни пасайтирадиган бозор омили сифатида уни муомаладан чиқариш йўли билан нархни ошириш ва шу нархни ушлаб туришда тил биритирганликда айбландилар. Нефть-компаниялари ўзларини ҳимоя қилиш учун сифатсиз бёнзиннинг бозордан олиниши рақобатга хос бўлиб, жамиятга зарар етказаётган муайян салбий ҳодисаларни бартараф этишига кўмаклашади, деган далилни айтдилар. Компаниялар, шунингдек ўзларининг бу ишлари эркин савдо-сотиқни унча чекламаганини ҳам исботладилар. Бироқ суд нефть компаниялари қатъий нарх белгилашда ғаразли сиёсатга амал қилганликларини аниқлади ва уларнинг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилди.

Вертикал қатъий нарх үрнатиши. Бу ҳолда маҳсулот етказиб берувчилар билан савдогарлар ёки улгуржи савдогарлар билан чакана сотувчилар ўртасидаги битимларга қараб қатъий нарх үрнатилади. Қатъий нарх үрнатишига доир бундай битимлар ҳам, айниқса ҳақиқий битимнинг далил-исботи бўлган ҳолларда ғайриқонуний ҳисобланади.

Масалан, тадбиркор улгуржи савдогарларга ўзи таклиф этган молларнинг нархномасини кўрсатади. Узил-кесил нарх белгилаш савдогарнинг қарорига боғлиқлиги ва савдогар билан тадбиркор ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилмагани сабабли бу тадбир қатъий нарх белгилашда ғайриқонуний битим бўлмайди.

Улгуржи савдогарларни уларга атаб тайёрланган моллар нархини арzonлаштирадиган дўконларга сотмасликка даъват этувчи тадбиркор ҳам қатъий нарх ўрнатишда айбдор эмас. Лекин ўз илтимосини бажармаган улгуржи савдогардан молларини қайтариб олмоқчи бўлиб, унга дўқ-пўписа қиласа, қонунни бузган ҳисобланади.

Қатъий чакана нарх ўрнатиш. Бу маҳсулот етказиб берувчи тадбиркор билан чакана савдогар харидорлар учун чакана нарх белгилаган вақтда вертикал равишда нарх ўрнатиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Одатда бу битимлар ғайриқонуний ҳисобланади; ҳалол савдо-сотиқ мақомида маҳсус назарда тутилган ҳоллар бундан мусгаснодир.

Нарх-навода камситиш. Соддагина айтганда, турли харидорлардан бир хил моллар учун турли нархда ҳақ олиш нарх-навода камситишdir. Нарх-навода камситишлар аввалига ҳудудий камситиш шаклини олди — рақиблар бўлмаган жойларда анча юқори нарх қўйилар, бошқа ерларда эса рақиб уларни сиқиб чиқариш мақсадида янада пастроқ нархда ҳақ олинарди. Нарх-навода камситиш тушунчаси аста-секин ўзгарди. Ҳозирги вақтда рақибларни сиқиб чиқариш йўли билан бозорда устунлик қилишга уринадиган бир неча қудратли сотувчининг ўзи йўқ; универсал дўконлар тармоғи кўпайиши билан бақувват харидорлар пайдо бўлди, улар ўзлари сотиб оладиган моллар нархи арzonлаштирилишини талаб қилишлари ва бунга эришишлари мумкин. Бу чакана савдо дарражасида рақобатни бартараф этишдаги каби оқибатга эгадир. Америка Кўшма Штатларида бу камчиликлардан баъзиларини тузатиш учун Клейтон қонуни ва Робинсон-Патмэн қонунининг дастлабки қоидалари қўлланилади.

Робинсон-Патмэн қонуни. Мазкур қонуига мувофиқ штатлар ўртасидаги савдода нархлардаги бевосита ёки билвосита камситиш ғайриқонуний деб топилади. Бироқ нархлардаги фарқ ҳамма вақт ҳам ўз-ўзидан ғайриқонуний ҳисобланавермайди. Нархлардаги фарқ қуидаги ҳолларда оқланиши мумкин:

— сотиладиган моллар турли миқдорда бўлиши, савдо-сотиқ ёки мол етказиб бериш усуллари хилма-хиллиги оқибатида маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни сотиш ва етказиб беришга кетган харажатларни қоплагандан;

— ушбу молларнинг савдога яроқлилиги маъносида бозорда ўзгарган шарт-шароит натижасида бўлганда;

— рақиб томонидан тегишли паст нарх белгиланишига ва унга харидорларга хизмат қилиш учун қулайлик берилишига жавобан ҳалол хатти-ҳаракатлари натижаси бўлганда.

Бироқ бу жиҳатдан Робинсон-Патмэн қонуни билан тақиқ-

ланган муайян воситалар ҳам мавжуд. Бунга, биринчидаи, воситачига номуносиб ҳақ тұлаш, иккинчидаи, реклама ёки бошқа хизматларға ҳақ тұлашдаги фарқ; учинчидан, ҳудудий камситиш; түртінчидан, рақибиң сиқиб чиқариш мақсадида молни асосланмаган нархда ёки унинг қыйматидан арzon нархда сотищ киради.

Нарх-навода камситганлық учун жавобгарлик. Фақат сотувчи әмас, айни вақтда харидор ҳам нарх-наводаги камситишлар учун жавобгар бўлиши мумкин. Нарх-наводаги камситишлар кўпинча оддий харидорнинг нарх асоссиз пасайтирилишига норозилиги натижасида рўй бериши аҳамиятга эгадир. Робинсон-Патмэн қонуни нарх-навода тақиқланган камситишни рафбатлантириш ва бундай сиёsat ўтказишида тижорат фаолияти билан банд бўлган ҳар қандай одамнинг ишини қонунга хилоф деб эълон қиласди. Олий Суд бу қоидани шундай тушунтиради: Харидор паст нархда ҳақ тұлаётганини билган ва бунда ушбу нархни камайтириш учун асосли сабаб бўлмаган ҳолдагина у қонунни бузган ҳисобланади. Баъзан комиссиянинг харидор хатти-ҳаракатлари туфайли қонун бузилаётганини исботлаши анча қийин бўлади. Харидорни сотувчининг чиқимларидан бехабарликда ва молнинг паст нархи асосланган ёки асосланмаганини билмасликда ҳамма вақт айблаб бўлмайди. Буни ундан талаб қилиш ҳам мумкин әмас. Харидор талабига кўра арzon нархда шошилинч савдо қилинган ҳар қандай ҳолатда сотувчи нархни истаганча пасайтириши молнинг бошқа харидорларга сотиладиган асосланган фарқидан юқори эканлигини харидорга маълум қилиб, уни қонунни бузганлика тенг жавобгарликка тортиши мумкин.

Харидор пасайтирилган нарх қонунийлигига ишонч ҳосил қилиши учун нарх пасайтирилишининг асосий сабабини билмагувича сотувчидан нархни ўша даражагача пасайтиришни сўраши мумкин. Агар сотувчи харидорга нарх асоссиз пасайтирилганини ва шу боисдан қонунга хилоф эканини айтса, унда харидор нарх яна пасайтирилишини талаб қилимаслиги керак. Бу ҳолда нархни камайтириш унга жуда қимматга тушиши мумкин.

Мажбуран бажартириш усуллари. Робинсон-Патмэн қонунига мувофиқ ҳимоя қилишининг бир неча воситаси бор. Бу воситалар қонуннинг тегишли бўлимларига боғлиқдир. Баъзи бўлимларда фақат фуқарони ҳимоя қилиш воситасидан, бошқаларида эса жиноий жавобгарликка тортиш воситасидан фойдаланилади. Фуқарони ҳимоя қилиш воситаларига қўйидагилар киради:

- федерал савдо комиссиясининг қонунга хилоф ишларни давом эттиришни тақиқлаш тўғрисидаги бўйруқлари; бу бўйруқлар федерал судлар орқали бажарнилиши керак;
- етказилган зарарни уч баравар миқдорда ундириб олишга доир хусусий судлов ишлари;
- суд тақиқловига оид ишлар.

Жиноий жазо фақат учинчи бўлимга тегишли бўлиб, жарима миқдори 5 000 долларгача бўлиши ёки бир йилгача муддат би-

лан қамоқ жазоси берилиши ёхуд униси ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин.

Қонунга хилоф ишлар давом эттирилишини тақиқлаш тўғрисида буйруқлар. Бу ҳимоя усулидан, одатда, федерал савдо комиссияси фойдаланади. У гуноҳкорларга расмий равишда айбқўяди, ишни кўриб чиқади, нарх-навода камситиш тўғрисидаги далил-исботларни муҳокама қилади. Бундай ҳолларда камситилишини оқлашдаги бутун оғирлик қонунни бузишда айбланаётган кишининг зиммасига тушади. Агар у ўз хатти-ҳаракатларини оқлай олмаса, федерал савдо комиссияси қонунга хилоф ишлар давом эттирилишини тақиқлаш тўғрисида буйруқ чиқаради. Бироқ тартиб бузувчи буйруққа рози бўлмайди ва ўзининг қонунга зид ишларини тўхтатмайди. Бу ҳолда федерал савдо комиссиясининг буйруғини АҚШ appellация суди тасдиқлаши, шундан кейин эса маъмурларга бўйсуммаганлик тўғрисидаги иш судда кўрилиши лозим.

Суд тақиқлари ва зарарни уч ҳисса миқдорида тўлаш. Адлия вазирлиги ёки ҳар қандай шахс трестга қарши қонун лойиҳаларини, жумладан Робинсон-Патмэн қонунини бузадиган хатти-ҳаракатларни суд орқали ман этиш тўғрисидаги илтимос билан судга мурожаат этиши мумкин. Ана шу қонунни бузиш муносабати билан шахснинг тижорат фаолиятига зарар етказилган бўлса, мазкур шахс кўрган зарарни уч ҳисса миқдорида тўлашни суд орқали талаб қилиши мумкин. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу ҳимояланишнинг анча таъсирчан воситаси бўлиб, қонуннинг бузилиши жуда қимматга тушади (тасаввур қилиб кўринг, нархлардаги камситиш натижасида зарар кўрган барча шахслар зиёни уч ҳисса ошириб тўлаш хусусида судга мурожаат эта олади). Муайян вазиятларда, нархлардаги камситиш юзасидан ғайриқонуний ҳаракат қилиш натижасида кўпгина компанияларга зиён етказилган бўлса, уларнинг атиги бир нечтасигина барча бошқа компаниялар номидан судга мурожаат этиши мумкин.

Жиноий жазо. Агар бирон-бир шахс қўйнаги қонун бузилишларига йўл қўйса, яъни, харидорга ёки рақобатчиларга қарши қаратилган ҳар қандай сотувда ёки сотиш тўғрисидаги битимда харидорга «муайян сорт, сифат ва миқдордаги» товарни харид қилиб олаётган рақобатчининг қурби етмайдиган реклама харажатларини арзоилаштириш, ён босиш, тузатиш, имтиёзлар ва афзалликлар бериш йўли билан атайнин қатнашадиган бўлса; шахс рақобатни бартараф этиш ёки рақобатчига зиён етказиш мақсадида мамлакатнинг айрим қисмларида фойдаланаётган нархлардан пастроқ нархларда АҚШнинг бошқа ҳар қандай жойида товарлар сотиш тўғрисида битим тузадиган бўлса; рақобатчига зиён етказиш ёки рақобатга барҳам бериш мақсадида асоссиз равишида арzon нархларда товар сотадиган ёки шу ҳақида шартнома тузадиган бўлса 5000 доллар ёки ундан ҳам кўпроқ миқдорда жарима тўлайди ёки бир йилдан ортиқроқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинади ёхуд ҳар иккала жазо ҳам берилади.

Шунга эътиборни қаратиш лозимки, сотувчи харидор учун камситувчи нархни белгиласа, харидор ўзи сотиб олган ва фойдаланган товарга ҳақ тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлмаса, бундай ҳолда харидор ягона ҳимоя воситаси сифатида зарарни уч ҳисса тўлатиш учун судга мурожаат қилиши мумкин.

Штатларнинг қонунлари. Юқорида нархлардаги камситиш хусусида федерал қонун масалалари кўриб чиқилди. Федерал қонун штатлар ўртасидаги савдо битимига ва шу савдога таъсир ўтказадиган битимларга нисбатан қўлланади. Айрим штатларда нархлардаги камситиш масалаларига доир худди шундай қонунлар қабул қилинганки, бу қонунлар штатлар ўртасидаги савдо операцияларигагина тааллуқлидир. Бир қанча штатларда Робинсон-Патмэн қонунларига ўхшаш қонунлар мавжуд.

Чакана нархларни сақлаб туриш ёки ҳалол савдо. Ҳалол савдо қилиш тўғрисидаги қонун қонунчиликда ионормал ҳисобланади. Эркин рақобат зарурлиги доимо таъкидланиб туриладиган, эркин касб ҳар томонлама чекланадиган ва қатъий нархларнинг белгиланиши фоятда заарли деб ҳисобланадиган ва қаттиқ тақиқлаб қўйиладиган жойларда бундай қонунларнинг мавжудлигини қандай оқлаб бўлади? Бу саволнинг жавоби чакана савдо шартларини билиш ва тушунишга боғлиқ. Ана шу шартлар шундай қонунларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Қўпгина продуцентлар ва савдогарлар қатъий нархларни белгилаш хусусидаги қонунлар уларни нархларнинг кескин пасайишига қарши ҳар қандай ҳимоядан маҳрум этади, деган фикрни билдиromoқдалар. Товар белгиларининг бутун қиммати, фирманинг номи ва олий сифат стандартлар нарх белгилашдаги ноҳалол тажриба асосида тезда йўқолиб кетарди. Бундай ҳолларда қўшимча даромад олишга интиладиган очкўз улгуржин савдогар стандарт товарларни уларнинг қийматидан пастроқ нархда (бозорга итариш мақсадида) сотишни таклиф қилган, бу эса бошқа савдогарларни шундай товарларнинг запасларини камайтиришга мажбур этди ва ўз навбатида продуцентларнинг чакана нархлардан маҳрум бўлишига олиб келди, товарларнинг сифатига ва уларнинг миллий аҳамиятига ўз таъсирини кўрсатди.

Ана шу норозиликларга (acosan чакана товар савдогарлари бирлашмаларининг) жавоб тариқасида ҳалол савдо қилиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Бу эса продуцентларга бозорга чиқаётган товарлар учун энг кам чакана пархларни белгилаш ва бунга суд орқали эришиш имконини беради. Ҳалол савдо тўғрисидаги қонунлар айрим штатларда қабул қилинган, федерал қонун эса йўқ. Шу бонсдан штатлар қонунлари ўртасида бир қанча тафовутлар бор. Намунавий мақом асосан иккита қоидани кўзда тутади: биринчидан, фабрика маркаси қўйилган товарларни етказиб берувчига чакана товар сотувчилар билан мазкур товарларни қатъий белгиланган нархда сотишга рози бўладиган шартнома тузиш тўғрисидаги қоида; иккинчидан, бундай қатъий

белгиланган нархларни шартнома қатнашувчиларидан ташқари шу түғрида ахборотнома олган барча шахсларнинг қатъий белгиланган нархга риоя қилишларини суд орқали таъминлаш қоидалари.

Шерман қонуни ҳалол савдо түғрисидаги мақом дуч келадиган дастлабки ҳуқуқий түсиқлардан биридир. Мазкур қонунга ва умумий қоидага кўра қатъий нарх белгилаш ҳуқуққа зид ҳараратдир. Продуцент, улгуржи савдогар ёки бошқа бирон-бир киши ўз товарлари товар белгисига эга эканилиги ёки эга эмаслигидан қатъи назар, уларга энг арzon сотиладиган нарх белгилайди, бу эса касб эркинлигини чеклаш ҳисобланади.

Қонундаги ана шу яққол кўриниб турган қарама-қаршиликни бартараф этиш учун Миллер-Тидингснинг федерал қонун қабул қилинди. Ушбу қонун бўйича продуцентга ёки маҳсулотига товар белгиси, фабрика тамғаси ёки фирманинг номи қўйилган улгуржи савдогарга шартнома тузиш йўли билан энг паст чакана нархни белгилашга рухсат берилади. Лекин бундай шартномалар товар чакана савдода сотиладиган, шунга ўхшаш бошқа товарлар билан эркин ва очиқ рақобат қиласидиган штатда ҳуқуқий кучга эга бўлсагина бунга рухсат берилади. Мазкур қонун моҳиятига кўра, ҳалол савдо түғрисидаги қонун дахл қилмайди, у фақаг ҳалол савдо ҳақидаги мақом бўлган штатларда даъво қилиш учун ҳимояси бўлган ҳалол савдо түғрисидаги шартнома тузишгагина рухсат беради. Айтиб ўтилганидек, штатларнинг ҳалол савдо түғрисидаги қонунида шартнома тузган томонларнингтина эмас, балки барча бошқа шахсларнинг ҳам суд тартибида ҳалол савдо түғрисидаги шартномани бажаришлари кўзда тутилади. Миллер-Тидингс қонуни шартномада белгиланган энг кам чакана пархларга нисбатан амал қиласа, АҚШнинг олий суди штатларнинг мақомини сақлаб туришдан бош торгади. Бундай мақомларда штатлар ўртасидаги савдо масалаларига дахл қилувчи томонлар бўлмаган шахсларни суд орқали таъқиб қилиш кўзда тутилган бўлади.

Мана шуни бартараф этиш мақсадида Май-Гайр қонуни қабул қилиндики, у Миллер-Тидингс қонунига ўхшаб қонунга куч беради, яъни штатларнинг мақомига ҳуқуқий куч бағишлайди.

Мак-Гайр қонуни продуцентларга ва фабрика маркаси бўлганинг товар ишлаб чиқарувчиларга шартномада қатнашмайдиган шахсларни, шунингдек шартномани имзолаган шахсларни штатларнинг ҳалол савдо түғрисидаги қонунига мувофиқ шартномада белгиланган нархларга, ҳатто товар сотиш учун бошқа штатларга жўнатилган тақдирда ҳам, риоя этишга мажбур қилишга рухсат беради. Қонунда ҳалол савдо түғрисидаги шартноманинг тузилиши ҳам, унинг суд орқали бажарилиши ҳам штатлар ўртасида савдо-сотиқни тұхтатиш бўйича ноқонуний ҳаракат ҳисобланмайди, деб маҳсус уқтирилган. Бу қоида товарни почта орқали юбораётган савдогарларга ҳам, бошқа чакана савдогарларга ҳам тааллуқли бўлиб, у мижозларнинг бошқа штатларда сотаётган

буюмларнинг ҳалол нархини пасайтиришларига йўл қўймайди.

Мак-Гайр қонунида ҳам, штатларнинг ҳалол савдо тўғрисидаги мақомларида ҳам штатлараро қатъий нархларни белгилашга доир шартномаларни енгиллаштириш хусусида ҳеч нарса айтилмаган. Мак-Гайр қонунида ҳатто маҳсус айтиладики, қонун «продуцентлар ўртасида ёки товар тайёрловчилар, ёки улгуржи савдогарлар ёки брокерлар, агентлар, чакана савдогарлар, ёки шахслар, фирмалар ёки корпорация ўртасида» ўзаро рақобат қилиш мақсадида қатъий нархлар белгилаш ҳақидаги битимни енгиллаштирмайди. Маҳсулотга қатъий нарх белгиланиши учун у иккита талабга жавоб берини керак:

— биринчидан, товар белгисига, фабрика тамғасига, тайёрловчи фирманинг ёки фирма эгасининг номига, шунингдек аниқ энг яхши хусусиятларга эга бўлиши керак.

— иккинчидан, бошқа фирмалар ишлаб чиқарган худди шундай тур ва сифатдаги маҳсулотлар билан эркин ва очиқ рақобат қилиши даркор.

Федерал сағдо комиссияси бир вақтлар рангли фотосурат учун сотиб олиш мумкин бўлган бирдан-бир пленка тури — «Кодак» фотопленкасига қатъий нарх белгилашни таъкилаб қўйган эди. Бунда ҳалол савдо қоидалари бузилган эди, чунки бунда фотопленка бошқа фирмалар ишлаб чиқараётган худди шундай тур ва сифатдаги товар билан эркин ва очиқ рақобат қила олмас эди. Шуни айтиб ўтиш керакки, кейинроқ, бозорда пленканинг бошқа тури пайдо бўлганида ўша бирдан бир «Кодак» пленкаси билан рақобат қилингга, унга қатъий нарх белгилашга рухсат этилган. Қатъий нарх белгилаш учун товар ишлаб чиқарувчи корхона эгаси ва унинг мижозларидан бири ўтасида шартнома тузиш зарур. Бошқа шахслар мазкур шартнома бўйича масъулиятли бўлишлари учун уларни бундан хабардор қилиш лозим.

Шартнома ҳалол савдонинг асосий шарти бўлгани учун, у ниҳоятда пухта ишлаб чиқилиши керак. Бунда шартноманинг қандайдир маҳсус шакли талаб этилмайди, ваҳдолонки, адвокатларнинг турли уюшмалари ва чакана савдо бирлашмалари таклиф этган бир нечта шартнома шакллари бор. Шартнома тузишда шунга амал қилиш лозимки, шартнома қатнашчилари муайян маҳсулотни шартномада белгиланган ёки преискурантда кўрсатилган нархдан арzon нархда қайтадан сотмасликлари керак. Шартномада шуни белгилаб қўйиш керакки, улгуржи савдогар товарни чакана савдогарга, у ҳалол чакана товар нархларини сақлаб туришга рози бўлмагунича сотмаслиги даркор. Шартномада кўзда тутилган нарх товарнинг энг арzon чакана нархи ҳисобланади. Шартномада қатъий нархни белгилашда у шунчаки тахминий нарх эмас, балки мажбурий нарх эканлигини қайд этиш керак.

Нархни пасайтириш атайн ва қасдан қилинган бўлса, бу қонунни бузиш, деб талқин этилади. Одатда хабардор қилиш-

нинг махсус шакли хусусида бирон-бир алоқида талаблар йўқ. Бироқ ҳамма жойда бундай хабардорлик ҳақидаги талаб бор. Бунда шартномада қатнашмайдиган шахслар масъулиятли бўлишлари учун уларни шартномадан хабардор қилиш тадбирларини кўриш лозим бўлади. Ҳар бир улгуржи савдогарга ана шу шартноманинг бир нусхасини махсус хат орқали юбориш керак. Унда нархлар ҳақидаги илова ҳам бўлиши лозим. Бунда хат топширилганлигини билдирувчи коғоз олиш керак.

Умуман олганда, хатни ким юборишининг аҳамияти йўқ. Уни продуцент ҳам, улгуржи ёки чакана савдогар ҳам юбориши мумкин. Одатда нархни белгилаган шахс хабардор қиласди, лекин айни вақтда чакана савдогарлардан бирни бошқасини хабардор қилиши мумкин. Лекин чакана савдо ишлари билан шуғулланувчи шахс ўз рақобатчисига қарши суд иши қўзғатганида нарх ноўрин пасайтирилганини исботлашига кўп вақт кетмайди. Агар у буюмни 40 долларга сотса, ҳалол савдо тўғрисидаги шартномада эса нарх 50 доллар деб белгиланган бўлса, бу шубҳасиз, шартномани бузиш ва нархни пасайтириш ҳисобланади. Лекин ҳаёт мураккаб. Шундай сотиш усуслари ҳам мавжудки, нархларни пасайтириш атайн хаспўшланади. Бу хусусда ягона бир фикр йўқ. Штатларнинг судлари кўпинча нархни пасайтириш, купонлар бериш ёки ҳалол савдо қоидалари асосида сотилаётган товарларга қўшимча тарзида «текинга товар бериш» аслида бу товарлар паст нарҳда сотилган бўлади ва шу боисдан қонуни бузиш, деб ҳисобланади, дейишади.

Савдо маркалари қандайдир янгилик бўлмаса-да, яна кенг оммалашди. Бир нечта штатда шу масала хусусида махсус қоидалар бор. Мазкур қоидага кўра, ҳалол савдо принциплари асосида тарқатиладиган молларни сотишда уларга савдо маркасини қўйиб сотиш товарлар арzon нарҳда сотилганини билдиради ва шу сабабли қонунга зид деб ҳисобланади. Бироқ бу кўпчиликнинг нуқтаи-назари эмас. Савдо маркаларининг қонунийлиги кўпгина штатларда тан олинган.

Қонуни айни вақтда истисноларга ҳам эга. Агар чакана товар сотиш билан шуғулланувчи савдогар ўз харидорига махсус хизматлар кўрсатса, яъни автомашинасига бепул қараб турса, харидорнинг болаларига қўз-кулоқ бўлса, товарни унинг уйнга текинга олиб бориб берса, буларнинг ҳаммаси ҳалол савдо тўғрисидаги қонуни бузишга кирмайди. Судларнинг фикрича, бундай хизматларнинг сотиб олинаётган товарга ва тўланаётган нархга ҳеч қандай алоқаси йўқ, уларни ман этиш учун асос ҳам йўқ.

Савдогар ҳалол савдо қоидалари асосида сотилаётган товарга ҳақ тўлаётганида савдо чегиртмаларидан фойдаланиши мумкин, лекин бу нарса ҳалол бўлиши ички нархларни ёки сотилаётган буюмнинг чакана нархини пасайтириб юбормаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, бундай чегиртмалар ҳалол савдо қоидалари асосида белгиланган нархларни пасайтиришининг воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Бироқ, товар белгиси

бўлган ёки фабрика тамғаси босилган ва шунга ўхшаш бошқа товарлар билан рақобат қилаётган ҳар бир буюмга ҳалол савдо тўғрисидаги қонун дахл қиласди. Муайян чегиртмалар бу қоидадан истиснодир. Қонун товар қолдиқларини қонуний тарзда сотиш, товарларга зиён етган ҳолларда ёхуд улардан фирманинг номини, фабрика тамғасини ёки товар белгисини олиб ташлаш чоғида уларни энг паст нархда сотишга рухсат беради.

Ҳалол савдо тўғрисидаги шартномаларни иарх белгилаган шахслар, одатда тайёрловчилар ёки продуцентлар суд орқали бажаришлари мумкин, шунингдек ўз рақобатчиларига қарши иш қўзғаган чакана ёки улгуржи сотувчиларнинг талаби билан ҳам шартномалар албатта суд орқали бажарилиши лозим.

Қоида бузувчиларнинг бирини суд орқали шартномани бажаришга мажбур этишдан воз кечиш бошқа бузувчига нисбатан бу чорани қўллаш имконини йўққа чиқармайди. Аммо ҳалол савдо тўғрисидаги шартномани бажаришга мажбур этиш тўғрисида узоқ муддат ичиде судга мурожаат этилмаса, буни шартномалардан воз кечиш деб тушуниш мумкин. Агар ҳалол савдо шартлари фақат қоғозда ёзилиб қўйилган бўлса ва фақат тасаввурдаги шартнома бўлса, сотувчилардан бири қўққисдан шартнома бажарилиши тўғрисида қарор қабул қилиб муваффақиятга эришиши мумкин эмас.

Ҳалол савдо тўғрисидаги шартноманинг суд орқали бажарилиши учун иш қўзғаган ҳар қандай шахс шартнома мажбуриятлари бузилиши натижасида кўрган заарни тўлашни талаб этишга ва судлашишга ҳақлидир. Лекин бундай ҳимоя воситаси амалий тусдан кўра кўпроқ назарий тусга эга, чунки бундай бузилиш натижасида кўрилган заарни аниқлаш ва тасдиқлаш ниҳоятда мушкул. Кўпинча суд орқали ман этишни — шундай хатти-ҳаракатни содир этган шахснинг нархни насайтириши тўхтатиши тўғрисидаги буйруқни илтимос қилиш самараси ҳимоя воситаси хисобланади. Агар бу шахс суднинг бундай буйруғига бўйсунмаса ва мажбуриятни бузишни давом эттираверса, судни ҳурмат килмаганилиги учун жарима тўлаши, қамоқ жазосига ва бошқа жазоларга ҳукм қилиниши мумкин.

Штатлар судларида ҳалол савдо тўғрисидаги қонунларни тайриконституциявий деб эълон қилиш тамойили кучаймоқда. Бир қанча шундай қонунлар кўпинча шартномада қатнашмайдиган шахсларда норозилик туғдирмоқда. Бундай норозилик, албатта, танқид қилимоқда.

Қўриниб турибдики, шартномада қатнашмайдиган шахслар ҳалол савдо тўғрисидаги шартномада белгиланган нархларга риоя этишлари шарт эмас. Шу муносабат билан ҳеч ким ҳалол савдо йўқ эканда деган фикрга келмаслиги керак. Чунки ана шу принципларга ишончини йўқотмаган ва ҳалол савдо тўғрисидаги шартнома тузишни давом эттираётган, федерал қонунларнинг муайян самара беришини, эҳтимол, ҳалол савдо ҳақидаги федерал қонунни кутаётган бошқа кишилар ҳам шубҳасиз бор, албатта.

V боб

ҚҰЧМАС ҲАМДА ҲАРАКАТДАГИ МУЛҚНИ ИЖАРА (ЛИЗИНГ) ГА ОЛИШ

Құчмас мулк әгаси билан ижарачи ўзаро муносабатлар. Ижара ишларини расмийлаштириш учун бирон-бир махсус шакл ёки алоҳида юридик атамани құллаш талаб қилинмайды. Бунинг учун битим баённіда құчмас мулк әгаси (ижарага берувчи) нинг муайян бино ёки хоналарни, ёхуд маълум бир ҳудудни ижарачига бериш нияти борлиги ифодаланиши кифоядир.

Ижара шартноманинг маълум бир тури ҳисобланади. Бунда ҳам бошқа шартномаларда бўлгани каби умумий қоидаларга амал қилинади. Томонлар ўзаро шартнома тузиб, келишиб олинган иш юзасидан ўз розиликларини изҳор этадилар. Шундан сўнг құчмас мулк әгаси ижаракининг ушбу мулкка әгалик қилиш ҳуқуқи юзасидан ўз зиммасига мажбурият олади, ижарачи эса ижара ҳақини тўлашлыгини маълум қиласди.

Ижара шартномасида, энг аввало, томонларнинг номлари, мулкни ижарага берувчи билан уни ижарага олувланинг розилиги кўрсатилиши керак. Агар шартномада ижара ҳақининг миқдори кўрсатилмаса, у ҳолда ижарачи қонун бўйича иш тутиб, ўзи ижарага олган мулк учун инсоф юзасидан ҳақ тўлайди. Бордию шартномада ижараға олиш муддати кўрсатилмаган бўлса, бундай ижара муддатсиз шаклдаги ижара ҳисобланади, тузилган шартнома исталган томоннинг ихтиёри билан тўхтатилиши мумкин. Бундай пайтда шартномани тўхтатувчи томон иккинчи томонни бундан хабардор қилиб қўйинши лозим, бу қонда штатлар қабул қилган қонунда белгилаб қўйилган.

Бошқа шартномалар каби ижара шартномаси хусусида ҳам оғзаки равища келишиб олса бўлади. Аммо қонунда белгиланган талабларга биноан бир йилдан ортиқ муддатга тузиладиган шартнома ёзма равища расмийлаштирилади ва бу қонда кўпчилик штатларда қабул қилинган. Башарти томонлар шартнома тўғрисида оғзаки равища келишиб олишган ва у узоқ муддатга мўлжалланган бўлса, у ҳолда томонлардан бири шартномани ўзи истаган пайтда бекор қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади ва бу ҳолат ҳеч қандай юридик оқибатларга сабаб бўлмайди. Бироқ бундай

хатти-ҳаракат иккинчи томонга нисбатан ўта адолатсизликка айланмаслиги керак.

Ижара шартномасига кўра, бир шахс иккинчи шахсга кўч-мас мулкни ёки ҳаракатдаги мулкни ижарага беради. Ёзма ра-вишда тузилган шартномага дастлаб мулк эгаси имзо чекади, шундан сўнг ижарачи шартномага рози эканлигини маълум қи-либ, у ҳам имзо чекади. Тўланадиган ижара ҳақи шартномада кўрсатилиши лозим.

Агар шартномада ғайриқонуний мақсад кўзланган бўлса, у ҳолда бундай шартнома ҳатто ёзма равишда тузилган бўлишига қарамай, юридик кучга эга бўлмайди. Масалан, қиморбозлик учун хона ёки бино ижарага олинигандা бу иш ғайриқонуний деб ҳисобланади. Баъзида шундай ҳоллар ҳам учрайди: ижара шартномаси тузилади, аммо орадан бирор вақт ўтгач, шароит ўзгариб, шартномада баён қилинган мақсад шу шароитга тўғри келмай қолади. Натижада илгари тўғри деб ҳисобланган шартнома кейин-чалик ғайриқонуний бўлиб қолиши мумкин. Масалан, шартнома тузилиб, ижарага олинигандан бинода бар очилди ва у ерда спиртли ичимликлар сотила бошланди, бироқ кейинчалик спиртли ичимликлар билан савдо қилишни ман этиш тўғрисида қонун чиқа-рилди, дейлик. Ана шундай ҳолатда ижара шартномаси ҳақиқий эмас деб топилади.

Ижаранинг турли хиллари мавжуд: қисқа ёки узоқ муддатли ижара, бир хилда ҳақ тўланадиган ижара, соф ижара, фоизли ижара.

Қисқа муддатли ижара — бу узоги билан 10 йиллик муддатга мўлжалланган ижара;

Узоқ муддатли ижара — бу анча кўп муддатга, ҳатто 1000 йил-лик муддатга мўлжалланган ижара. Баъзи штатларда 100 йилга ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган ижаралар бор. Мулкни ана шундай муддат билан ижарага олган шахс кейинчалик шу мулкнинг ҳақиқий эгаси ҳуқуқини олиши мумкин. Одатда узоқ муддатли ижара 99 йил билан чегараланади;

Бир хилда ҳақ тўланадиган ижара — бу хилдаги ижарада ижара ҳақи ҳар ойда ёки келишиб олинигандан маълум бир вақтда муайян миқдорда тўлаб турилади.

Соф ижара — бунда мулкини ижарага берган шахс ижара ҳа-қини соф ҳолда олади, чунки ижара шартларига кўра, одатдаги жамики тўловларни — солиқларни, мулкни суғурта қилиш, тузатиш, ундан фойдаланиш ҳақи ва бошқа тўловларни ижарачининг ўзи тўлайди;

Фоизли ижара — бунда тижорат соҳасидаги ижарачи бажара-диган жараёнлар ҳажмидан фоиз ҳисобида ижара ҳақи олиниади.

Ижарага мол-мулк берувчи билан ижарачининг ҳуқуқ ва бурчлари. Ижарага мол-мулк берувчи билан ижарачининг ҳу-куқлари, бурчлари ва мажбуриятлари ижара шартномасида баён қилинади. Мазкур ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлар шартномага киритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, улар асосан

қонунда ҳисобга олинган. Ижарага мол-мулк берувчининг асосий вазифаси — ушбу мол-мулкдан «бемалол фойдаланиш» учун уни ижарачига беришдан иборат, ижарачининг асосий вазифаси — ижара ҳақини тұлашдан ҳамда мазкур мол-мулк уни берган шахсниң эканлигини тан олишдан иборат.

Агар шартномада бошқа чеклашлар бўлмаса, ижарачи ижара ҳуқуқини учинчи шахсга бериши (ён бериши) ёки кичик ижара хусусида шартнома тузиши ҳам мумкин.

Ён бериш. Ижаранинг бу тури бўйича ижарачи мол-мулкни фойдаланиш учун учинчи шахсга бериб юборади. Учинчи шахс цессионарий, яъни ҳуқуққа ворис ҳисобланади. У ижара юзасидан барча мажбуриятларни бажариши шарт. Аммо асосий ижарачи учинчи шахс (цессионарий)нинг ўз мажбуриятларини виждан бажариши учун мутлақо жавобгар бўлади.

Кичик ижара туфайли ижарачи мол-мулкни бўлади, бунда асосий ижарачи ижарага мол-мулк берувчига айланади ёки «мол-мулкнинг кичик эгаси» ҳисобланади. Бироқ асосий ижарачи мол-мулкнинг ҳаммасини эмас, балки унинг бир қисмини кичик ижарачига бериши мумкин ёки мулкни маълум бир муддатга (масалан, ўзи 10 йиллик муддат билан олган мол-мулкни 5 йилга) бериб туриши мумкин.

Ён беришнинг кичик ижарадан фарқи бор, албатта. Бу фарқ куйидагилардан иборат:

— кичик ижара — томонлар ўртасидаги фаолиятнинг натижасидир. Ён бериш эса бундан ташқари, қонун кучи таъсирида ҳам юзага келади (масалан, мол-мулкни сақлаб туришга қодир бўлмаслик ёки ўлим ўтуфайли бу ҳолат рўй бериши мумкин);

— ён беришда цессионарий билан кўчмас мулк эгаси ўртасида бевосита муносабат пайдо бўлади. Цессионарий ижара шартлари бўйича барча мажбуриятларни бажаради.

Кўчмас мулк эгаси одатда ижарачи ёки кичик ижарачи фаолиятини назорат қилиб туришга ҳаракат қилади. Шу боисдан у мулк қўлдан-қўлга ўтаётган пайтда ёзма равишда ўз розилигини билдиради. Бу ҳолат ижара тўғрисидаги шартномада акс этирилади. Лекин кўпчилик шартномаларда шундай шарт борки, унга кўра ён бериш ва кичик ижара имкониятлари чеклаб қўйилади. Бундай чеклаш мулк эгасининг ўзига зиён етказиши мумкин.

Башарти кўчмас мулкка доир ижара шартномасида ундан қандай мақсадда фойдаланиш хусусида бирон-бир фикр айтилмаган бўлса, у ҳолда ижарачи ўзи ижарага олган хона, бино ёки ҳудуддан ҳар қандай мақсадда (албатта қонунга мувофиқ тарзда) фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бунда у мулкка зиён етказмаслиги шарт. Аммо аксарият шартномаларда мулкдан фойдаланиш чеклаб қўйилади, яъни ундан муайян мақсадда фойдаланиш талаб қилинади.

Мулкни тузатиш ишлари ижарачининг зиммасига юклатилади. Қуйидаги ҳолларда ижарачи бундан ҳоли бўлади:

- мулкни тузатишни унинг эгаси бевосита ўз зиммасига олса;
- тузатиш иши кўчмас мулк характерини ўзгартириб юборса;
- тузатилиши лозим бўлган кўчмас мулк ўз эгасининг бевосита назорати остида бўлса;
- мулкни тузатиш иши қонунга кўра шу мулк эгасининг ўзиға юклатилган бўлса.

Кўчмас мулкни тузатиш хусусида мулк эгаси билан ижарачи ўртасида жанжал чиқсан пайтларда иш судда кўрилади. Мулк эгасининг рухсатисиз ижарачи ушбу мулкни яхшилашга ҳақли эмас. Агар шундай қилинса, ижара шарти бузилган деб ҳисобланади.

Ижарага олингани бино табиий офат ёки ёнгин сабабли бутунлай ёки қисман шикастланган ва у ўз хусусиятини йўқотган тақдирда ижарачи бинога эгалик қилиш ҳуқуқини тўхтатиши ва бундан буён ижара ҳақини тўламаслиги мумкин. Аммо ёнгин чиқишида ижарачи сабаб бўлган ҳолат бундан мустаснодир.

Ижара ёки кичик ижара фаолияти томонлардан бирининг қурби етмаслиги ёки вафоти туфайли тўхтаб қолмайди. Бу фаолият фақат мулк эгасининг ҳошишига кўра тўхтатилиши мумкин.

Ижара тўғрисидаги шартномага мувофиқ ижарачи шартномада баён қилинган қоидалар ва шартларни бажармаган тақдирда кўчмас мулк соҳиби ижарани бекор қилиши ва ижарачини шартнома бўйича мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин. Ўз навбатида мулк соҳиби шартномавий мажбуриятларни бажармаганида ижарачи ҳам шартномадан воз кечиши мумкин. Бундай пайтда одатда ижарачи жиддий зиён кўради.

Ижарачи ижара ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда ҳам мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши мумкин.

Ҳаракатдаги мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш тўғрисида умумий тушунча ва шунга доир шартномалардан фойдаланиш. Лизинг ёки ҳаракатдаги мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш деганда қўйидаги ҳолат тушунилади: мол-мулк бир шахс томонидан иккинчи шахга берилади ва бунда мол-мулкдан муайян мақсадда фойдаланилади, мақсадга эришилганидан кейин эса мазкур мол-мулк унинг эгасига қайтариб берилади ёки ундан кейинчалик қай тарзда фойдаланиш лозимлигини унинг эгаси ҳал қиласди. Мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш учун уни бошқа кишига берган шахс депонент деб аталади, мол-мулкни қабул қилиб олган шахс эса депозитарий деб аталади. Турмушда шундай ҳоллар ҳам учрайди, яъни мол-мулкдан фойдаланиш учун уни қабул қилиб олган шахс шу мол-мулкни бошқа депозитарийга — учинчи шахсга бериб юбориши ҳам мумкин. Шундай қилинганда, биринчи депозитарий депонентга айланиб қолади.

Мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш ҳақидаги шартномада учта шартга риоя қилинганида бу шартнома юридик кучга эга бўлади. Биринчидан, ҳаракатдаги мол-мулк амалда мав-

жуд бўлиши керак; иккинчидан, мол-мулк бир шахс томонидан иккинчи шахсга топширилиши лозим; учинчидан, ушбу мол-мулк қабул қилиб олиниши зарур.

Ҳаракатдаги мол-мулкнинг амалда мавжуд бўлиши. Мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг кўчмас мулкка алоқаси йўқ. Ҳаракатдаги мол-мулк ёки ерга алоқаси бўлмаган мулк мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг объекти бўла олади. Ушбу мол-мулк қонуний бўлиши ва у амалда мавжуд бўлиши шарт. Мол-мулк ғайриқонуний равишда қўлдан-қўлга берилганида томонлар юридик ҳукуққа эга бўлмайдилар.

Мол-мулкни топшириш. Мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш тўғрисидаги шартномада мол-мулкни бир қўлдан иккинчи қўлга топшириш жараёни foят мұхим жиҳат ҳисобланади. Мол-мулкни етказиб бериш икки усулда амалга оширилади: биринчисида мол-мулк бевосита етказиб берилади, иккинчисида эса шу мол-мулкка тегишли бирон нарса етказиб берилади ва бу мол-мулкни қабул қилиб олаётган шахс шу мол-мулкка эгалик қила олади, деган маъно англашилади (масалан, дастлаб автомобилнинг ўзи эмас, калити бериб юборилиши мумкин).

Бироқ мол-мулкка эгалик қилиш ҳукуқининг берилишига доир бир неча ҳолатлар ҳам борки, уларни бир-биридан фарқлай олиш лозим. Масалан, депонент ҳисобланган фирма ўзига тегишли енгил автомобилларни бошқа фирма ёки компанияга унинг гаражида сақлаш учун топшириди, дейлик. Гараж ходими автомобилларни қабул қилиб флагач, гараж калитини ўзида сақлади, сўнг эртасига эрталаб ўша автомобилларни депонентга қайтаради. Бундай келишув мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришдир, чунки бу ҳолатда мол-мулк сақлаш учун топширилди ва назорат остига олинди.

Энди худди шунга ўхшаш, лекин аввалгисидан фарқ қилувчи мисолни келтирайлик. Фирма муайян участкада сақланаётган ўз автомобиллари учун ижара ҳақини тўлайди, дейлик. Участка эгаси бу ҳолатда ўзига қарашли жойни ижарага берган шахс ҳисобланади, у автомобилларни ўзида сақлаш мажбуриятини олмайди ва шу сабабли депозитарий ҳисобланмайди.

Мол-мулкни қабул қилиб олиш. Мол-мулкка эгалик қилиш ҳукуқини беришнинг ўзи билан иш битмайди, мол-мулк ўзига топширилаётган шахс шу мол-мулкни албатта қабул қилиб олиши зарур. Фақат ана шу ҳолатда мол-мулк ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб турилган бўлади. Қонунга кўра, мол-мулкни мажбурий равишда бирон-бир шахс зиммасига юклаб бўлмайди, мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришда иккинчи томонинг розилиги бўлиши шарт.

Аммо шундай тартиб ҳам борки, унга мувофик мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш борасидаги шартномавии мажбуриятлар шароит тақозоси билан қонун кучи таъсирида юзага келиши мумкин. Акцепт (тўлов қоғози) ҳам, мол-мулкни элтиб бериш ҳам қонун кучи таъсирида амалга оширилиши мумкин.

Гарчи Американинг ҳуқуқшуносликка доир адабиётида баъзан бошқача нуқтаи назарлар баён қилинган бўлса ҳам, кўпчилик мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришда шартномавий мажбурият зарур, деб ҳисоблайди. Бу ҳолат тўғридан-тўғри баён этилиши мумкин, баъзан эса бу ўз-ўзидан англашилиши ҳам мумкин. Бирорта киши мол-мулкни ижарага оладиган бўлса, у ҳолда одатда ёзма равишда шартнома тузилади. Масалан, пой-афзал тузатиш учун қолдирилса, шу ботинка эгаси учун квитанция олиш расмий иш бўлиши турган гап. Бу хилдаги келишувларнинг бир-биридан фарқи шуки, биринчи ҳолатда бу нарса бессоснга ифода этилади, иккинчи ҳолатда эса бу нарса ўз-ўзидан англашилади. Аммо ҳар иккала ҳолат ҳам шартнома тузилганини англатади ва икки томоннинг зиммасига мажбурият юкландади. Мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш ҳақида шартнома тузилаётганида томонлар шартнома шартлари юзасидан ўз зиммаларига мажбурият оладилар. Бу шартнома ҳам тузилган бошқа ҳар қандай шартнома каби муайян шартларни ўз ичига олади.

Одатда мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш иши шартномада келишиб олинган вақтдан бошланади ва унда кўрсатилган муддатда тугайди. Шартномада мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришни тўхтатиш хусусида маълум бир вақт белгилаб қўйилиши мумкин. Бу ҳолда одатда томонларнинг биронтаси ҳам ана шу муддат ўтмай, шартномани тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга эмас. Башарти, томонлардан бири ушбу келишувни тўхтатишни истаса, бундай ҳаракат шартномавий мажбуриятларни бузиш деб ҳисобланади ва натижада айбор томон етказилган зааранинг ўринини қоплаш учун жавобгар бўлиши мумкин. Бордию шартномада унинг тўхтатилиши хусусида ҳеч бир гап айтилмаган бўлса, у ҳолда мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш иши ўртага қўйилган мақсаддага эришилгач, тўхтатилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўзаро келишув, гарчи шартномада маълум муддат белгилаб қўйилган ва у тутаган бўлса ҳам, ўз-ўзидан тўхтатиб қўйилмайди. Бажарилган буюмни эгасига етказиб бериш ҳамда буюм эгасининг ўз буюмини қабул қилиб олиш учун розилик билдириши каби жиҳатлар ҳам тузилган шартноманинг асосий шартларига киради. Бундан ташқари, шартномада кўзда тутилган ҳолларда буюм учинчи томонга етказиб берилиши ҳам мумкин.

Мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг хиллари ва уни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи. Одатда ҳаракатдаги, ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриладиган мол-мулкнинг уч хили мавжуд:

— депонент ёки депозитор (бу ўринда мол-мулкни сақлаш учун топширган шахс) учун ғоятда фойдали бўлган ҳолда мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш;

— депозитарий (бошқа кишининг мол-мулки ишониб топширилган шахс) учун ғоятда фойдали бўлган ҳолда мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш;

— ҳам депонент, ҳам депозитарий учун ғоятда фойдали бўлган ҳолда мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш.

Мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг учинчи хили тижорат соҳасида тез-тез учраб туради. Бу хилдаги келишувнинг ҳар қандай шакли юзасидан шартнома тузилади. Ўзаро боғлиқликка асосланган келишувда бир томон иккинчи томонга унинг мулкидан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлайди ёки бир томон иккинчи томонга унинг мулки билан боғлиқ ҳолда хизмат кўрсатади ва бунинг эвазига ҳақ олади. Бундай ҳолларда ҳар иккала томон шартнома бўйича ўз зиммасига мажбурият олади. Мажбурият олингач, томонларнинг биронтаси ҳам ўзаро келишувни тўхтатиши мумкин эмас. Агар фаолият тўхтатилса, шартнома бузилган ҳисобланади. Бунда шартнома мажбуриятларини бузган томон жавобгар бўлади.

Депонент учун ғоят фойдали бўлган ҳолда мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб турилганда депонент истаган пайтда буюмини қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир; депозитарий ҳам депонент ўз буюмини қайтариб олиб кетишини талаб қилиши мумкин. Депозитарий учун ғоятда фойдали бўлган ҳолда мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришда ҳам ана шу қоида амал қиласди.

Депонентнинг ҳуқуқ ва бурчлари. Депонент ҳақида гап боргандা одатда унинг бурчларига эмас, балки ҳуқуқларига асосан эътибор берилади. Депозитарийга келганда эса бунинг акси бўлади. Депонент ўзаро келишиб олинган шартноманинг унда баён этилган шартларга риоғ этилган ҳолда бажарилишига эришиш, мол-мулк ўзига қайтариб берилиши ёки шартнома шартларига мувофиқ ундан бошқаларнинг фойдаланишига рухсат бериш ҳуқуқига эга. Депозитарий депононтга хизмат кўрсатаётганида шу хизмат учун ҳақ тўлаш масъулияти депонентнинг зиммасига тушиши табиийdir. Модомики, мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш томонлар ўртасидаги аҳдлашувни англатар экан, ишни бажаришга доир барча масалалар шартнома — мажбурият ҳуқуқи асосида тартибга солиб турилади. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш ҳақидаги шартномаларнинг ўзига хос хусусияти бор: депонентнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғридан-тўғри ифода қилинмаслиги, балки бевосита ўзаро муносабатларда қайд этилиши мумкин. Бу, аввали, депонентнинг бурчига киради, у буюмни дуруст ҳолда депозитарийга топшириши керак. Агар у ўз буюмини ижарага берса, ушбу буюмнинг яхши сақланган ҳолда етказиб берилиши учун жавобгар бўлади. Депонент ҳақини тўламаслик шарти билан ижарага буюм топширса, у ҳолда буюмдаги ўзи билган ҳамма камчиликлар ва носозликларни кўрсатиши керак. Ҳақини тўлаш шарти билан ижарага буюм топширган депонент эса буюмдаги ўзига маълум камчиликларни айтишдан ташқари, ўзига номаъяум бўлган бошқа камчиликларни ҳам кўрсатиши лозим.

Мол-мулкни қабул қилиб олган депозитарий одатда мазкур мол-мулк билан боғлиқ бўлган харажатлар қилишига тўғри ке-

лади. Фавқулодда ҳолларда депонент депозитарий қилган харажатларни қоплашга мажбурдир.

Депозитарийнинг ҳуқуқ ва бурчлари. Депозитарий шартнома шартларига мувофиқ ўз ихтиёридаги ҳамда ўзаро боғлиқлик тарзидаги ушлаб турилган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Депозитарийга мулк муайян бир мақсад учун берилган бўлса, у ушбу мулкдан бошқа мақсадда фойдаланмаслиги керак. Агар депозитарий шундай қилса, у мулкка етказилган ҳар қандай зарур учун гарчи бу заарни у етказмаган бўлса ҳам, депонент олдида жавобгар бўлади. Депозитарий ўзаро боғлиқлик тарзидаги буюм юзасидан хизмат кўрсатаётган бўлса (масалан, буюмни тузатиш), у кўрсатилган хизмат ҳақи тўлангунга қадар шу буюмни ўз ихтиёрида ушлаб туриш ҳуқуқига эга. Башарти, хизмат ҳақи тўланмаса, депозитарий ўзи қилган харажатларни қоплаш учун буюмни сотиб юбориши ҳам мумкин. Депозитарий товарни ёки мол-мулкни ушлаб турганлиги, буюмга эгалик қилиб турганлиги сабабли шундай ҳуқуқка эгадир. Товар ёки мол-мулк депозитарий ихтиёридан чиқиб кетгач, у буюмга эгалик қилиш ҳуқуқини ўқотади.

Мол-мулкни эҳтиёт қилиб сақлаш уни эгасига қайтариб бериш депозитарийнинг бурчидир. Одатда депозитарий мол-мулкка нисбатан оқилона ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши керак. Бу нарса ўзаро келишувга алоқадор ҳар бир ҳолатга боғлиқ. Бордию товар йўқолса ёки унга зиён етказилса ва бунда депозитарий айбдор бўлмаса, у ҳолда мулк эгаси заарар кўради.

Депозитарий шартномада ўз жавобгарлиги доирасини белгилаб олиш ҳуқуқига эга. Аммо у ҳар қандай жавобгарликдан ўзини бутунлай ҳоли қила олмайди. Томонларнинг розилиги билан жавобгарлик доирасига кирувчи шартлар ўзаро келишиб олиниади.

Депозитарий мулкни асрash борасида оқилона иш тутмаган ҳоллардагина жавобгар бўлади. Депозитарий айбдор бўлмаса ҳам, аммо жавобгарликни бўйнига олиши мумкин бўлган бир неча ҳоллар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

— биринчидан, буюмга етказилган ҳар қандай заарар учун жавобгарликни бутунлай бўйнига олишга депозитарий бевосита розилик билдириши мумкин. Бу ҳолат ўзаро аҳдлашув шартномасида назарда тутилиши лозим;

— иккинчидан, депозитарий ўзаро келишувдаги мулк учун суғурта ҳужжати хусусида шартнома тузиши мумкин эди, аммо у бундай қилмайди. Чунки товар бузилса ёки унга зиён етказилса, бунда у айбдор бўлмаса ҳам, етказилган заарар учун товоон тўлаши керак. Бу таваккалчилик бўлур эди ва у суғурта ҳужжатида қайд этилиши лозим эди. Масалан, мулкни ёнғиндан асрash ҳақида суғурта ҳужжатини олишга ваъда бериб, аммо ўз ваъдаси-нинг устидан чиқмаган депозитарий ёнғин натижасида ўша мулкка зиён етказилган тақдирда жавобгар бўлади. Бироқ мулк ўғир-

лаб кетилган бўлса, депозитарий бунинг учун жавобгар бўлиши шарт эмас;

— учинчидан, депозитарий мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришга доир шартнома шартларини томонларга дахлдор бўлмаган ўзга мақсадларда бузиши мумкин. Башарти, депозитарий шундай қилса, у буюмга етказилган ҳар қандай зарар учун (бунда унинг айби бор ёки йўқлигидан қатъи назар) жавобгар бўлади.

Масалан, депонент Икс компаниясига бирон-бир идора ускунасини тузаттириб олиш учун топширди дейлик. Икс компанияси эса у билан келишиб олмаган ҳолда буюмни Игрек компаниясига шу ишни бажариш учун етказиб берди. Игрек компаниясида эса, масалан, том қулаб тушиб, ускунага зиён етказилди. Бу ҳолатда Игрек компаниясида том қулаб тушганига қарамасдан, бунинг устига етказилган зарар Икс компаниясига бевосита алоқадор бўлмаса ҳам, жавобгарлик Икс компанияси зиммасига тушади.

Депозитарий ўз ихтиёрида сақланаётган мулкни эҳтиёт қилишдан ташқари, уни зиён кўришдан, бузилишлардан ва уни ўғирлаб кетишдан сақлаши ҳам шарт. Бордю учинчи томон мулкка нисбатан бирон-бир файриҳуқуқий ҳаракат қилишга уринса, у ҳолда депозитарий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан зарур чораларни кўриш ҳуқуқига эга бўлади ва бунинг учун жавоб беради. У мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш хусусида ёки учинчи томоннинг мулкка зиён етказиш, уни ўзлаштириб олиш ёки икки томоннинг ишига аралашиш йўлидаги уринишига чек қўйиш ҳақида судга мурожаат қилиши мумкин. Ниҳоят, депозитарий ўзаро келишув мuddati тугагач, мулкни эгасига қайтариб бериши шарт. Башарти, депозитарий бу шартни **бажармаса**, у депонент олдида мулкни ўзлаштириб олган ёки қонунга зид тарзда мулкни ушлаб турган томон сифатида айбдор бўлади.

Депозитарий мулкни бошқа шахсга бериб юборса (бунда мулкка бирон-бир зарар етказилмаган бўлса ҳам) жавобгарлик унинг зиммасига тушаверади. Депозитарий ўзаро келишилган ҳолда сақланаётган мулкни унинг эгасига қайтараётган пайтда жуда эҳтиёт бўлиши керак. Муайян ҳолатларда, чунончи, депонент билан мулкка эгалик қилишни даъво этаётган шахс ўртасида келишмовчилик пайдо бўлса, депозитарий мулкни фақат суд қарорига биноан элтиб бериши ва мулкни қабул қилиб олган шахсдан албатта тилхат олиши шарт, бу билан у ўзини айбдор бўлишдан ҳимоя қилган бўлади. Бу ҳолат омборлардаги жараёнларга ҳам дахлдордир.

Асбоб-ускунани ижара (лизинг)га олиш мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг бир шаклидир. Биронта компания янги асбоб-ускунага муҳтоҷ бўлса ва шу асбоб-ускунани сотиб олиш ўрнига уни ижарага олишга қарор қилган бўлса, у ҳолда мазкур компания мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш муносабатларига киришган ҳисобланади. Аммо бу хилдаги

муносабат мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг алоҳида бир тури, яъни томонларнинг қандайдир ўзига хос ҳуқуқлари ҳамда бурчлари белгилаб қўйилган тури эмас. Шунга қарамай келишувнинг бу тури амалиёт учун қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга.

Асбоб-ускунани ижара (лизинг)га олиш иши қўйидаги тартибда амалга оширилади. Аввало, асбоб-ускунани ижарага оловучи шахс ўзу асбоб-ускунани ижарага берувчи компания олдига ўз талабларини қўяди; асбоб-ускунанинг зарур бўлган хилини, унинг қийматини ва уни етказиб берувчининг номини кўрсатади; иккинчидан, агар мазкур компания шу асбоб-ускунани етказиб бериши мумкин бўлса, у ҳолда компания асбоб-ускунани ижарага топшириш шартлари ва қоидалари тўғрисида ўз таклифларини ўргага қўяди; учинчидан, башарти ана шу шартлар асбоб-ускунани ижарага оловучи шахсга маъқул бўлса, у ҳолда компания тегишли асбоб-ускунани ижарага бериш мақсадида сотиб олади; тўртничидан, асбоб-ускунадан ижара муддати давомида фойдаланилади. Бу муддат тугагач эса янги муддат белгиланиши мумкин ёка асбоб-ускуна компанияяга қайтариб берилиши шарт.

Бордию биронта фирма транспорт воситаларини ижарага оладиган бўлса, у ҳолда транспорт воситаларини ижарага берувчи компания кўпинча шу фирма номини унга бериладиган транспорт воситаларига ёзиб қўяди, шунингдек техникадан фойдаланишга доир барча хизматларни ўз зиммасига олади (ёнилғи, покришклар, асбоб-ускуна туродиган жойларда техник хизмат кўрсатиш, уни тузатиш ҳам шу жумлана киради). Бунинг устига ижарачининг хоҳишига кўра суғурта ҳақини ҳам тўлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, мулкни ижарага берувчи компания шу мулкни учинчи шахсдан сотиб олади, сотиб оловучи сифатидаги ижарачи эса мулкни етказиб берувчидан кафолат олади ҳамда унинг хизматидан фойдаланади.

Бу хилдаги келишувнинг бир қатор афзалликлари ҳам бор, албаттат. Энг муҳим афзаллик шундан иборатки, ижарачи дастлаб катта харажатлар қилмайди. Ижарачининг нақд пули бўлган тақдирда ҳам, у ана шу маблағни фирма учун катта фойда келтириши мумкин бўлган бошқа мақсадлар йўлида сарфлай олади. Бу ҳолатда у асбоб-ускунага маблағ сарфлаб ўтирамайди.

Яна бир афзаллик шундан иборатки, ижарачи мавсумий талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, асбоб-ускуналарни ижарага олиши мумкин. Бу усул кўпроқ эпчиллик кўрсатишга ва ишлаб чиқариш самарадорлигини тағин ҳам оширишга кўмаклашади. Ижарага доир ҳаракатларга келгандан эса бу соҳада бир хилда ҳақ тўланмайди. Кўпинча ҳақ тўлаш асбоб-ускуна қийматига ва ижара муддатига боғлиқ бўлади. Агар асбоб-ускуна уч йил муддат билан ижарага олинса, ижара ҳақи асбоб-ускуна қийматининг 115—120 фоизини ташкил этиши мумкин. Асбоб-ускуна узоқ муддат билан, масалан, беш йил муддат билан ижарага олинса, харажат ҳам шунга яраша орта боради, харажат асбоб-

ускуна қийматининг 125—130 фоизини ташкил қилиши мумкин. Қийматнинг юқори бўлиши ижарага олувчи учун ноқулай, албатта. Бироқ пулнинг қадрсизланиши ва нарх-навонинг ошиши шароитида бу омил ишлаб чиқариш харажатларига жиддий таъсир ўтказмаслиги ҳам мумкин. Яна бир ҳолатни назарда тутиш керак: асбоб-ускуна фирманинг мулки бўлмаса, қарз олиш пайтида ундан гаров сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Мол-мulkни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг маҳсус турлари. Юқорида биз ҳаракатдаги мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш тўғрисидаги умумий қоидаларнигина, шунингдек депонент билан депозитарийнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарлигини кўздан кечирдик. Лекин мол-мulkни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг шундай турлари ҳам борки, улар умумий ҳуқуқлар йўли билангина эмас, балки маҳсус қонунлар, низомлар ва қарорлар билан ҳам бошқаруб турилади. Бундай битимлар жумласига асосан мол-мulkни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг умумий тусдаги хили ёки хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ хили киради. Бу соҳадаги фаолият фирмаларга товарларни транспортда ташиб беришда, омборлардаги ишларни бажаришда ёки меҳмонхоналарда яшовчи кишиларнинг юкларини ташиб беришда намоён бўлади.

УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ ТРАНСПОРТДА ЮК ВА ОДАМ ТАШИШДА, ОМБОР ҲАМДА МЕҲМОНХОНАЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАГИ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР. ГАРОВГА ҚУИШ

Умумий фойдаланишдаги транспорт транспортнинг шундай турики, бунда хизмат кўрсатилишини сўраб, мурожаат этиан ҳар қандай шахснинг мулки ёки товарлари ҳақ тўлаш эвазига ташиб берилади. Умумий фойдаланишдаги транспортни хусусий (шахсий) транспортдан фарқлаш лозим. Хусусий (шахсий) транспортда юк ташувчи ўзига мурожаат қилган кишига хизмат кўрсатиш учун шай бўлган тадбиркор ҳисобланмайди. Хусусий транспортдан алоҳида ҳолларда ва маҳсус рухсатнома берилгач, хизмат кўрсатиш учун фойдаланилади. Савдо фирмаларининг товарларни шахсий автомобилларда ташиб бериш, автомобиллар ҳамда автофургонларда бевосита савдо-сотиқ ишларини бажариш — хусусий транспортда хизмат кўрсатиш хиллариdir. Темир йўлларда, кемаларда, автомобилларда юк ташиб, ҳаво йўллари орқали юкларни ҳамда йўловчиларни ташиб — булар умумий фойдаланишдаги транспорт хиллариdir. Умумий фойдаланишдаги транспорт билан шахсий транспорт ўртасида фарқ бор, албатта. Асосий фарқ ташиладиган йўловчилар таркибига ҳамда юкларни ва йўловчиларни ташишдаги масъулиятга боғлиқ. Умумий фойдаланишдаги транспорт компанияси барча кишиларга хизмат кўрсатиши керак. Агар мижоз умумий фойдаланишдаги транспорт

фирмасига мурожаат этиб, ўз товарларини ташиб беришни илтимос қилса-ю, транспорт фирмаси бу илтимосни бажаришдан бош тортса, у ҳолда фирма мижозга нисбатан нотұғри муносабатда бўлган ҳисобланади.

Фирма қуйидаги ҳолларда мижозлар талабини бажармаслиги мумкин:

— товарлар ўз характеристига кўра одатда транспорт фирмаси ташийдиган товарлар жумласига кирмаса. Масалан, такси ҳайдовчисидан отни ташишни талаб қилиб бўлмайди, ёки темир йўли компаниясидан сут учун мўлжалланган вагонларда автомобилларни ташиб беришни талаб қилиб бўлмайди;

— товарлар мижоз томонидан белгиланган вақтда ва келишиб олинган жойга етказиб берилмаса;

— товарлар тегишли равишда үралмаган бўлса;

— товарлар ташиш учун хавфли бўлса (масалан, темир йўл компаниясини поргловчи моддаларни ташиб беришга мажбур қилиб бўлмайди);

— товарлар атрофдаги кишиларнинг соғлиғи учун хавфли бўлса;

— товарлар тез бузилиш хусусиятига эга бўлса ва уларни дарҳол ташиб бериш учун амалда транспорт воситалари мавжуд бўлмаса ва ҳоказо.

Юк ташувчининг жавобгарлиги. Умумий фойдаланишдаги транспорт компанияси юкларни ташиб берувчи сифатида иш кўради ва ўзига топширилган юклар учун жавобгарликни бўйнига олади. Башарти ташилаётган юкка зарар етса ёки у бузилса, эҳтиёtsизлик даражасидан қатъи назар, мижоз олдида жавобгар бўлади.

Юкка етказилган зарар ёки юкнинг бузилиши қуйидаги ҳолларда содир бўлса, юк ташувчи масъулиятдан ҳоли бўлади:

а) зилзила, довул, бўрон, яшин уриши, кучли сел ва қор бошиши оқибатида юкка зарар етса;

б) АҚШ уруш ҳолатида бўлган мамлакатнинг ҳарбий кучлари томонидан юкка зарар етказилса;

в) юкни жўнатувчилар уни яхши ўрамаган ва транспортдэ ташиш учун тайёрлаб қўймаган бўлса, худди шунинг оқибатида юкка зиён етказилса. Бироқ бу ўринда шуни айтиш керакки, юк ташувчи юк нотұғри үралганини билиши ва бунинг чорасини кўриши лозим. Агар унинг талаби бажарилмаса, бундай юкни ташиб беришдан у воз кечиши керак.

Бинобарин, юкни жўнатувчи товарларни тегишли равиша ўраб бермаган ҳолларда умумий фойдаланишдаги транспорт компанияси жавобгарликдан ҳоли бўлади, юкни жўнатувчи эса юк ташувчи томонидан юкка етказилган зарар учун ўзи жавобгар бўлиши мумкин. Низоли масалалар судда кўриб чиқилади.

Мана бир мисол: юк жўнатувчи ичига химикатлар солинган 30 та темир бочкани жўнатган. Бочкалар тешигидан химикатлар оқа бошлаган. Бунинг оқибатида юк ташувчи автомобилларга

зиён етказилган. Иш судда күриб чиқилган ва суд умумий фойдаланищадаги транспорт компанияси ўзига етказилган заарнинг ўрнини юк жўнатувчи ҳисобидан қоплаши мумкинлиги тўғрисида қарор чиқарган. Юк жўнатувчининг айби шуки, у юкни жўнатаётгандага умумий қоидага доир мажбуриятни бузган ва юкни жўнатаишда камчилик мавжудлигини аниқламаган;

г) тез бузиладиган товарларни транспортда ташиш чоғида юк ташувчи шу ҳақда олдиндан огоҳлантирилмаган бўлса ва шу сабабли эҳтиёт чораларини кўрмаган бўлса;

д) ташилаётган товарлар суд қарорига мувофиқ ёки бошقا асосли бўйруқ йўли билан хатланса. Бундай ҳолларда товар мусодара қилиниши ва ҳатто агар у одамлар соғлигига зиён етказадиган бўлса, йўқ қилиниши ҳам мумкин.

Юк ташувчи жавобгарлигининг бошланиши ва ниҳояси. Юк ташувчининг жавобгарлиги одатда товарлар унга ёки унинг мухтор вакилига тегишли жойда топширилган пайтдан бошланади. Товарлар манзилга жўнатилишидан аввал юкни жўнатувчи баъзи чала ишларни бажармоқчи бўлса, у ҳолда юк шартли равишда топширилган ҳисобланади ва юк ташувчи ана шу товарларга нисбатан оддий депозитарий ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, шу давр мобайнида юкка етказилган ҳар қандай зиён учун юк ташувчи ўз ғайриқонуний ҳаракатлари туфайлигина жавобгар бўлади.

Юк ташувчи жавобгарлигининг ниҳоясига келганда шуни айтиш керакки, агар шартномада товарларни юк қабул қилувчига албатта етказиб бериш назарда тутилган бўлса, юкни ташиб берувчининг жавобгарлиги товар етказиб берилгунга қадар сақланиб қолади. Бироқ кўпинча юкни бу хилда етказиб бериш талаб қилинмайди. Бу ҳолда (темир йўл компанияларида ва сув транспортида бўлгани каби) юк ташувчининг жавобгарлиги ўз мажбуриятни бажариб бўлиши билан тугайди. Юк ташувчи юкларни ташишни тугаллаши муносабати билан ўз зиммасига олган мажбуриятни бажариб бўлиши пайти хусусида учта қоида қарор топган. Булар — Массачусетс қоидаси, Нью-Хэмпшир қоидаси ва Нью-Йорк қоидасидир (муайян иш хусусидаги юрисдикциядан келиб чиқиб, юк ташувчининг жавобгарлик даражаси аниқланади).

Массачусетс қоидаси. Юк ташувчи товарларни транспортда ўз омборига ташиб олишни тугаллаши билан мажбуриятини бажарган ҳисобланади, бунда юкни қабул қилиб оловчи товарларни олгунига қадар мазкур товарлар юк ташувчининг омборида сақланиб туради. Юкни қабул қилиб оловчидан юк етиб келганилиги ҳақидаги хабарнома талаб қилинмайди.

Нью-Хэмпшир қоидаси. Юк ташувчи товарларни транспортда ўз омборига ташиб олишни тугаллаши ва жойлаштириши билан мажбуриятни бажарган ҳисобланади, бунда юкни қабул қилиб оловчи товарлар етиб келиши биланоқ уларни кўздан кечириш

ҳамда нормал тижорат фаолияти йўли билан уларни олиш учун етарли фурсатга эга бўлади.

Нью-Йорк қоидаси. Юк ташувчи товарларни транспортда ўзомборига ташиб олишни тугаллаганидан, юкни қабул қилиб олувчини бу тўғрида хабардор қилганидан сўнг ҳамда юкни қабул қилиб олувчи товарларни олиш муддати тугаганидан кейин юк ташувчи ўз мажбуриятини бажарган ҳисобланади.

Юкларни транзит йўли билан ташиш. Товарларни ташишда баъзан уларни бир юк ташувчидан иккинчи юк ташувчига топшириш талаб қилинади. Товарларни транспортда ташиш зиммасига юкланган биринчи юк ташувчи дастлабки юк ташувчи ҳисобланади; қолган барча юк ташувчилар эса транзит юк ташувчилардир. Мижоз учун ҳар қайси юк ташувчининг бурчини билиш жуда муҳимдир, чунки товарга зиён етказилганида уларнинг қайси бирига мурожаат қилиш осон бўлади. АҚШда штатлар ичида ҳамда штатлараро юк ташишда муйян фарқлар мавжуд.

Штатлараро юк ташиш. Штатлараро савдо-сотиқ тўғрисидаги қонунга ва унинг иловаларига мувофиқ транзит юк ташувчи дастлабки юк ташувчининг вакили ҳисобланади. Шу сабабли дастлабки юк ташувчи юкни транспортда ташиш чорида юкка етказилган ҳар қандай зарар учун жавобгар бўлади. Бунда мазкур юк унинг қарамогида ёки бошқа юк ташувчининг қарамогида бўлганлиги инобатга олинмайди. Бу тартиб товарларни юк автомобилларида ҳамда темир йўл орқали ташишга дахлдордир.

Дастлабки юк ташувчи бундай жавобгарликдан холи бўла олмайди. Коносаментдаги ёки юк гашишга доир бошқа шартномадаги ушбу қоидага зид бўлган ҳар қандай шартлар юридик кучга эга эмас.

Бошқача қилиб айтганда, юкни жўнатувчи транзит йўли билан юк ташилаётганида йўлда товарларга етказилган зарар учун суд орқали дастлабки юк ташувчига даъво қилиши мумкин (башарти дастлабки юк ташувчи бундай пайтда етказилган заарарнинг ўринини қоплаши шарт бўлса, у ҳолда табиийки, у ҳам ўз навбатида транзит йўли билан юк ташувчидан зарар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир).

Штатлар ичида юк ташиш. Умумий тартибга кўра, штатлар ичида юк ташиш қоидалари штатлараро юк ташиш қоидаларидан фарқ қиласи. Кўпчилик штатларда қабул қилинганидек, дастлабки юк ташувчи товарларни транзит йўли билан ташувчига лозим даражада тошириши биланоқ дастлабки юк ташувчи ўз зиммасидаги масъулиятдан ҳоли бўлади. Агар дастлабки юк ташувчи товарни сира тўхтовсиз ташиш ҳақида мижоз билан шартнома тузмаган бўлса, бундай ҳолда юкни жўнатувчи ёки юкни қабул қилиб олувчи транзит йўли билан юк ташувчигагина етказилган заарарнинг ўринини қоплаш бўйича судда даъво қилиши мумкин. Бошқа штатларда эса бу қоида штатлар ўртасида юк ташиш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилган. Шундай

қилиб, дастлабки юк ташувчи етказилган заарар учун тұла жавоб беради.

Умумий фойдаланышдаги транспортта йүловчиларни ташишда транспорт компанияси йүловчилар учун әмас, балки уларнинг буюмлари учун жавобгардир. Йүловчиларни ташишга розилик билдириган компания уларга яхши хизмат күрсатып мажбуриятины үз зиммасига олади, аммо улар олдиде жавобгар бўлмайди.

Масалан, йўловчи поездда кетаётганида поезд ҳалокатга учради ёки ёнгин чиқди ва ҳалиги йўловчи жиҳдий жароҳатланди дейлик. Бордию ёнгин ёки поезд ҳалокати учун юк ташувчи бевосита айбор бўлмаса, у бунинг учун жавобгар ҳисобланмайди. Иккинчи томондан эса, ёнгин ёки поезд ҳалокати мол-мулк ёки юк ташилаётганида содир бўлса ва бундан заарар кўрилса, үз эҳтиётсизлиги даражасидан қатъи назар, юк ташувчи айбор бўлади. Бу қоида йўловчиларнинг рўйхатдан ўтказилган юкларига ҳам тааллуқлидир. Юк ташувчи йўловчиларнинг юки учун қай даражада жавобгар бўлса, ташилаётган товарлар учун ҳам худди шу даражада жавобгар бўлади. Юк ташувчи ўзининг бепарволиги билан боғлиқ бўлмаган заарар учун шартномада белгиланган махсус шартлар асосида үз зиммасидан масъулиятни соқит қилиши мумкин. Аммо у ҳолда бепарволикка йўл қўйганлиги сабабли бу ҳолат етказилган зиён юзасидан унинг жавобгарлигини чеклаб қўяди, холос. Йўловчи поездда кетаётиб, үз қўли остидаги юкларга ўзи қарайди, бунинг учун юк ташувчи жавоб бермайди, чунки мазкур юклар йўловчининг назорати остида бўлади.

Юк деб аталмиш буюмларни аниқ белгилаб олиш баъзан жуда муҳимдир. Агар юк уни ташувчи томонидан тұла-тўкис рўйхат қилинган бўлса, юк ташувчи ана шу юклар учун бутунлай жавобгар бўлади. Бироқ бордию ташилаётган ёки рўйхатдан ўтказилган буюмлар юк деб ҳисобланмаса ва буни исботлаш мумкин бўлса, у ҳолда юк ташувчи жавобгар бўлмайди. Одатда юк муайян миқдорга ва қийматга эга бўлади. Йўловчи бу юкларни ўзига қулай бўлиши учун олиб юради. Бу юклар унга саёҳат пайтида ёки бирон-бир манзилга етиб борганида асқотади. Юкни аниқлаб олиш учун қуйидаги саволга жавоб бериш лозим: ташилаётган жамики буюмлар йўловчи эҳтиёжлари учун зарурми? Коммивояжёрнинг¹ товар намуналари юк ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилган. Худди шунингдек, уй-рўзгор буюмлари, акциялар ва облигациялар, заргарлик буюмлари, катта миқдордаги нақд пуллар юк ҳисобланмайди.

Омборлардаги иш жараёнлари. Тижорат фаолияти давомида кўпинча ҳар қандай фирмадан товарларни сақлаш учун топшириш ёки сақлананаётган молларни сотиб олиш талаб қилинади. Шу боисдан омборлардаги иш жараёнларининг кечиши тартибини би-

¹ Коммивояжёр -- хусусий корхона ёки фирма молларидан нусха күрсатиб шаҳарма-шаҳар буюртма тұпловчи вакил.

лиш лозим. Омборлардаги иш жараёнлари мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг бир туридир. Иккинчи томондан эса, бу жараёнлар омбор эгаси учун тижорат фаолиятининг бир тури ҳисобланади. Омбор эгаси фойда олиш мақсадида ана шу товарларни сақлаб туради. Турли хил омборлар: совитгич омборлар, божхона омборлари, дон элеваторлари ва бошқалар мавжуд. Омборлар туридан қатъи назар, уларга нисбатан омборлардаги иш жараёнлари масаласи хусусидаги қонунларда баён қилинган бир қатор умумий қоидалар жорий этилади.

Омбор гувоҳномаси. Товарларни омборда сақлаш учун қолдирилган пайтда уларни топширган шахсга омбор гувоҳномаси берилади. Бу гувоҳнома жуда қимматли ҳужжат ҳисобланади; унда товар топширган шахс билан омбор эгаси (депозитарий) ўртасида шартномада баён қилинган муайян қоидалар ҳамда шартлар белгилаб қўйилишидан ташқари, товарга эгалик қилиш хуқуқи ҳам акс эттирилади. Омбор эгаси товарни топшираётганида ана шу омбор гувоҳномасини кўрсатишни талаб қилиши керак. Агар у шундай қилмаса, катта хатога йўл қўйган ҳисобланади.

Омбор гувоҳномаси ва оборотга алоқадор бўлмаган гувоҳнома. Омборга доир гувоҳномалар тўғрисидаги умумий қонунда қуидагилар белгилаб қўйилган: **оборот гувоҳномаси** шундай ҳужжатки, унда олинган товарлар тегишли ҳужжатни кўрсатган кишига ёки гувоҳномада номи кўрсатилган ҳар қандай шахснинг «буйруғи» билан берилиши таъкидланган. Гувоҳнома уни тақдим этувчи киши номига расмийлаштирилган бошқа ҳамма ҳолларда ҳам шу қоида амал қиласи. Бунда гувоҳнома қўлдан-қўлга ўтиб туриши мумкин. Башарти гувоҳнома «буйруқ» йўли билан расмийлаштирилган бўлса, у ҳолда гувоҳнома билан бирга юк топширилишига доир ёзув-чизувлар ҳам талаб қилинади. **Оборотга алоқадор бўлмаган гувоҳнома** шундай ҳужжатки, унда товарлар фақат маълум бир шахсга топширилиш лозимлиги белгилаб қўйилади. Бу хилдаги гувоҳнома устида «Оборотга алоқаси йўқ» деган ёзув аниқ-равшан кўзга ташланиб туриши шарт.

Омбор гувоҳномаси қарз олиш воситаси сифатида. Омборга доир оборот гувоҳномасида мол-мулк ёки товарлар кўрсатилади, шу боисдан гувоҳномани бошқа шахсга топшириш товарга эгалик қилиш хуқуқини топшириш билан баробардир. Омбор гувоҳномаси қарзга пул олиш воситаси ҳисобланади. Баъзан, масалан, банкка бориш, банк билан қарз олиш ҳақида ёки бирон-бир мол билан таъминланиш хусусида келишиб олиш қийин бўлади. Омборга доир оборот гувоҳномасини расмийлаштириш йўли билан бу ишнинг уддасидан чиқиш мумкин. Бундай ҳолатда банк омбор гувоҳномасини ўзида сақлаб туради ва шу тариқа у товарларга қонуний равишда эгалик қилиш хуқуқини олади. Башарти олинган қарз қайтариб берилмаса, банк омбордаги товарларни сотиб юбориши ва берган қарзини шу йўл билан ундириб олиши мумкин.

Омбор эгаси маълум бурчларга эга, айни пайтда унинг ҳам

ўзига хос ҳуқуқлари бор. Омбор эгаси ўз эҳтиётсизлиги оқибатида мулкка зиён етказса ёки мулкни бошқа шахсга бериб юборса, бунинг учун жавобгар бўлади. Юқорида таъкидланганидек, омбор эгаси товарларни қайтариб бераётганида товар олувчидан оборот гувоҳномасини ёки омборга доир оддий гувоҳномани талаб қилиши керак. Товар қайтариб берилиши биланоқ гувоҳнома бекор қилинади.

Барча депозитарийлар сингари омбор эгаси ҳам товарларни ўзига сақлаб турар экан, кўрсатган хизмати учун ҳақ олади. Товарни ушлаб туришдан тушган маблағ омбор харажатларини қоплашга сарфланади. Бунга, жумладан, ходимларга аванс бериш, суғурта пули, товарларни бир жойдан иккинчи жойга ташиб, уларни тарозида тортиш, товар солинган идишларни тузатиш харажатлари ҳамда товарни сақлаш учун зарур бўлган бошқа харажатлар киради.

Ҳаракатдаги мол-мулкни гаров сифатида сақлаб туриш. Ҳаракатдаги мол-мулк гаров сифатида сақланиши мумкин. Бу ҳолат ҳаракатдаги мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туриш қоидасига алоқадор бўлиб, бундан кузатилган асосий мақсад берилган қарзни қайтариб олишдан иборатdir. Қарз берувчи қарздорнинг мол-мулкни ўзида ушлаб туриш ҳуқуқига эга. Агар қарздор қарзини узмаса, қарз берувчи мол-мулкни сотиб юбориш ҳуқуқига эгадир.

Гаровга қўйиш тартиби. Мол-мулкни гаровга қўйиш бевосита шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади ёки бу нарса ўз-ўзидан англашилади. Мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб туришнинг бошқа кўринишларидан фарқли равишда уни гаровга қўйиш муносабатлари қонун кучи таъсирида юзага келмайди. Гаровга мол-мулк қўйишга доир оборот ҳужжатида мол-мулкни топшириш ҳақидаги тегишли ёзув бўлиши шарт. Бундан ташқари, ушбу ҳужжат мол-мулкни гаровга олган шахсга шундай шарт билан берилиши керакки, у гаровга мол-мулк қўйган киши ўз мажбуриятини бузган тақдирда шу мол-мулкни сотиб юборадиган ёки уни ишлатадиган бўлсин.

Қимматбаҳо қофозлар (акциялар)ни гаровга қўйиш. Қимматбаҳо қофозлар (акциялар) ҳам гаровга қўйилиши мумкин. Бу иш гаровга олувчига қимматбаҳо қофозларга доир сертификат бериш ва унда тегишли ёзув бўлиши йўли билан амалга оширилади. Қимматбаҳо қофозларни гаровга бериш хусусидаги ёзув (индоссамент) да розилик билдирилган фикр ва имзолар бўлиши лозим. Индоссамент гаровга олувчига қимматбаҳо қофозларни корпорация дафтарида қайта расмийлаштириб олиш учун сўзсиз ваколат беради. Қимматбаҳо қофозларни қайта расмийлаштиришга ваколат берилиши ҳақидаги ёзув сертификатнинг орқа томонига машинкада ёзиладиган ёки сертификатга тиркаладиган алоҳида иловада баён қилинади.

Гаровга олувчининг ҳуқуқ ва бурчлари. Гаровга олувчи ўз ҳуқуқини талаб қилишни таъминлаш мақсадида мол-мулкни

олиш ва ушлаб турин ҳуқуқига эга. Қарздор қарзини тўлаши биланоқ гаровга оловчи унинг мол-мулкини қайтариб бериши шарт. Агар у шундай қиммаса ёки қонуний тўлов пулини қабул қилиб олишдан бўйин товласа, гаровга доир шартнома тұхтатилган деб ҳисобланади ва гаровга оловчи мол-мулкка етказилган ҳар қандай зарар ёки унинг бузилганилиги учун жавобгар бўлади. Гаровга оловчи мол-мулкни қарз тұланишидан аввал эгасига қайтариб берган ҳолларда, гаровга доир шартнома тұхтатилади ҳамда гаровга оловчи оддий қарз берувчига айланиб қолади ва у бундан фойда ундириб олишдан маҳрум бўлади.

Гаровга оловчининг гаровга олиш ҳақини ошириш ҳуқуқи. Гаровга оловчи қўшимча даромад олиш мақсадида мол-мулкни гаровга олиш ҳақини ошириши ҳам мумкин. Бу ҳолат шаҳарларда камдан-кам, қишлоқларда эса кўпроқ учрайди. Масалан, қишлоқда сигир гаровга олинган бўлса, шу муддатда бузоқ туғилса, у ҳам гаровнинг бир бўлаги бўлиб қолади. Тижорат фаолияти чоғида облигациялар ёки қимматбаҳо қофозлардан фоиз ёки дивиденд (фойда) олиш кўпинча гаровга олиш ҳақини табиий равишда ошириш турларидан бири ҳисобланади. Қимматбаҳо қофозларни ҳамда облигацияларни гаровга олганда гаровга оловчи гаровнинг бир қисми сифатида фоиз ёки дивиденд ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. Одатда бу сумма қарз миқдорини камайтиришга алоқадордир. Гаровга оловчи ана шу маблағни олиш ҳуқуқига эгадир. Шу мақсадда у зарур чораларни амалга оширади. Бордию унинг қўлида оборот ҳужжат бор бўлса, у мазкур ҳужжатни кўрсатиб, ўзига тегишли ҳақни ундириб олиши шарт.

Гаровга оловчининг ён бериш ҳуқуқи. Агар шартномада бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, гаровга оловчи гаровга қўювчига нисбатан ўз ҳуқуқини бошқа шахсга ён бериш тарзида топшириши, шунингдек ўша шахс (цессионарий)га гаровга қўйилган мол-мулкни бериши мумкин. Цессионарий эса ушбу мулк юзасидан худди ўшандай ҳуқуққа эга бўлади.

Гаровга оловчининг мулк тўғрисида ғамхўрлик қилишга доир бурчлари. Бу хусусда гаровга оловчи билан оддий депозитарий ўртасида катта фарқ йўқ. Мулк тўғрисида бошқалар қай даражада ғамхўрлик қиласа, гаровга оловчи ҳам шу хилда ғамхўрлик қилиши керак. Оддий депозитарийдан фарқли равища, гаровга оловчи фавқулодда харажатларнигина эмас, гаровга олинган мулкни сақлаш учун қилинган барча асосли харажатларни ҳам ундириб олиш ҳуқуқига эга. Фавқулодда харажатлар эса одатда мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб турин жараёнида иккала томон фойда олиши учун қилинади.

Меҳмонхоналар. **Меҳмонхона эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.** Меҳмонхоналар мол-мулкни ўзаро боғлиқ тарзда ушлаб турининг махсус турларидан бири саналади. Қонунга мувофиқ меҳмонхона эгаси меҳмонхонада бўш жойлар бўлган тақдирда барча меҳмонларни қабул қилиб олиши керак. Меҳмонхона эгаси меҳмоннинг ўзини қабул қилиб олишдан ташқари, унга тегиш-

ли бўлган жамики буюмларни ҳам қабул қилиб олиши лозим. У меҳмонлар учун ҳамма қулайликларни яратиши, уларнинг бехатар яшashi ҳақида ғамхўрлик қилиши зарур. Меҳмонларга тегишли буюмлар хусусида алоҳида ғамхурлик қилиш талаб этилади. Бу борада умумий фойдаланишдаги транспорт компанияси зиммасига қандай масъулият тушса, меҳмонхона эгаси зиммасига ҳам худди шундай масъулият юкланади. Меҳмонхона эгаси гарчи эҳтиётсизликка йўл қўймаган бўлса ҳам, меҳмон буюмiga етказилган ҳар қандай зарар учун жавобгар бўлади. Умумий фойдаланишдаги транспортда бўлгани сингари бу қоидадан мустасно жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Бунга табиий оғатлар, душман кучларининг таъсири, ҳокимият идораларининг айrim хатти-ҳаракатлари ва ҳоказолар киради. Мол-мулкнинг хусусиятидан келиб чиқадиган зарар, меҳмоннинг айби билан етказилган зиён ҳам шу жумлага киради.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, меҳмонхона эгаларининг жавобгарлиги чегаралаб қўйилган муайян қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, айrim штатларда меҳмонхона соҳиби оддий депозитарийга тенг даражада жавобгар бўлади. Бошқа штатларда эса меҳмонхона соҳиби ўз назоратидан ташқарида рўй берган ҳолатлар туфайли юзага келган зарар учун жавобгар бўлмайди. Учинчи хил штатларда меҳмонхона соҳиби ўз эҳтиётсизлиги оқибатида буюмга етказилган зарар учун маълум миқдорда ҳақ тўлайди. У меҳмонхонада яшовчи киши билан маҳсус шартнома тузиши ва бу билан ўзининг жавобгарлик даражасини чегаралаб олиши ҳам мумкин. Шундай қилинганда бепарволик ва қаллобликнинг ёки буюмга атайин зарар етказиш йўлидаги уринишнинг олди олин ган бўлади.

Меҳмонхона соҳиблари штатларда қабул қилинган қонунларнинг муайян талабларини бажарар эканлар, меҳмонларга тегишли бўлган қимматбаҳо буюмлар учун ўз жавобгарлигини одатда чегаралаб олишлари мумкин. Агар меҳмонга сейф берилиб, у ўз қимматбаҳо буюмларини шу сейфда сақлаётган ва бу тўғрида меҳмон тегишли тарзда огоҳлантириб қўйилган бўлсаю, аммо меҳмон бу огоҳлантиришга эътибор бермаган бўлиб, унинг қимматбаҳо буюмлари йўқолган ёки ўғирлаб кетилган бўлса, меҳмонхона соҳиби жавобгарликни ўз бўйнидан соқит қилган ҳисобланади.

Меҳмонхона эгасининг жавобгарлиги меҳмон ўзи билан бирга олиб келган жамики буюмларга дахлдор эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Меҳмонхона эгаси меҳмон ўзи билан бирга олиб келган, аммо бошқа шахсларга тегишли бўлган мол-мулк асралиши учун ҳам жавоб беради. Бироқ у сотиш ҳамда реклама қилиш учун меҳмонхонага олиб келинган буюмлар учун жавобгар бўлмайди (бу ҳолат корчалонлар учун алоҳида аҳамиятга эга).

Меҳмонхона соҳиби меҳмон бу ерда яшаганлиги учун пул тўламаган тақдирда унинг мулкини ушлаб қолишга ҳақлидир. Бу унинг алоҳида ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқ бошқа даъволарга нисбатан

тан устун даражага эга. Меҳмонхона соҳиби меҳмоннинг мулки гарчи гаровга қўйилган ёки шартли равишда сотилган бўлса ҳам, бу мулкни ушлаб қолишга ҳақли. Меҳмон ўзи билан бирга олиб келган, аммо унга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ҳам шу қоида жорий этилади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ВА МУЛКИЙ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ. ТИЖОРАТ ҚОЙДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ

Қонун АҚШ фуқароларининг ҳуқуқларини турли йўллар билан муҳофаза қиласди. Қонунни бузган кишилар фуқаролик ёки жиноий жавобгарлик субъектига айланиши ва албатта жавобгарликка тортилиши турган гап.

Қонунни бузиш шахсга, шунингдек мол-мулкка, шахсий манфаатга ёки тижорат манфаатига қарши йўналтирилган бўлиши мумкин.

Шахсга ҳамда фуқароларнинг мол-мулкига нисбатан қонун бузишларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири эҳтиётсизлик оқибатида содир қилинган ва қасдан бўлмаган қонун бузишдир.

Эҳтиётсизлик ўйлаб қилинадиган ишни бажармаслиқдир. Иш ёки ҳаракат содир бўлаётган пайтда киши ақл ишлатиб, эҳтиёғ чораларини кўришдан ўзини четга олса, бундай ҳолатда эҳтиётсизликка йўл қўйилган бўлади. Эҳтиётсизлик тушунчаси хусусида аниқ бир таъриф йўқ. Шунга қарамай, суд ишларида бу ҳолат ҳам эътиборга олинади, албатта. Эҳтиётсизлик қонун бузилиши шаклларидан бири ҳисобланиб, бу ҳолатни судда исботлаш талаб қилинади.

Судда жавобгар томонидан йўл қўйилган эҳтиётсизлик ҳолатини унинг бўйнига қўйиш лозим бўлади. Бу хусусда қўйидаги ҳолатларни аниқлаш зарур:

— жавобгар даъвогарга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлдими ёки йўқми?

— жавобгарнинг эҳтиётсизлиги сабабли даъвогарга зиён етдими ёки етмадими?

— даъвогар томонидан ҳам эҳтиётсизликка йўл қўйилдими?

— амалда даъвогар зиён кўрдими?

Жавобгар бепарволик қилган бўлса-ю, аммо даъвогарга аслида ҳеч қандай зиён етмаган бўлса, иш судда кўрилмайди.

Жавобгарнинг даъвогарга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишига доир бурчини суд белгилайди. Ана шу бурч бажарилганилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш суд маслаҳатчиларининг ҳуқуқ доирасига киради. Мазкур бурч турли шароитларда турлича бўлиши мумкин. Масалан, болалар ҳамда балоғатга етмаган ёшлар учун бу борада баъзи истисноларга йўл қўйилади. Шу билан бир қаторда, қонунда эҳтиётсизликни судда исботлаш талаб қилинмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Қуйидаги ҳолатларда даъвогар жавобгарнинг эҳтиётсизликка йўл қўйганлигини исботлаши керак бўлмайди:

— агар жавобгарнинг хулқ-атвори қонунни бузишга сабаб бўлса ёки ҳеч бир эҳтиёткор одам бундай қимласлигини шак-шуёҳасиз тасдиқлаш мумкин бўлса. Бундай ҳолатда жавобгар «фамхўрлик қилишга доир оддий чора-тадбирларни кўрмаганликда» айбдор деб ҳисобланади;

— агар зиён етказилган буюм бевосита жавобгарнинг назорати остида бўлса ва етказилган зиён эҳтиётсизлик оқибатидан бошқача тарзда содир этилиши мумкин бўлмаса. Бу вазият «содир бўлган воқеанинг ўзи буни кўрсатиб турибди» деган ҳуқуқий тушунчага тўғри келади, у ҳолда жавобгар шахс бепарвонликка йўл қўймаганлигини исботлаши ва юқоридаги ҳуқуқий тушунчани рад этиши мумкин.

Масалан, бир ишчи бинонинг юқори қаватида гишт тераяпти дейлик. Гишт солинган қути пастга тушиб кетиб, йўлкада кетаётган одамни шикастлади. Бу ҳолатда пудратчи жавобгар бўлади, чунки у эҳтиётсизликка йўл қўйди. Бундай ҳолларда у ана шу баҳтсиз воқеа ўзининг бепарвониги ёки унинг қўли остида ишловчиларнинг бепарвониги билан содир бўлмаганлигини, балки бошқа — унга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли содир бўлганилигини исботлаб бериши керак.

Даъвогар эътироzlарига қарши жавобгар ўз навбатида қилинаётган ана шу даъвони рад этувчи сабабларни кўрсатиб, арз қилиши мумкин. Эҳтиётсизлик ҳақида гап боргандা қилинаётган даъвони рад этишда қуйидаги фактлар асосли ҳисобланади: биринчидан, даъвогар ўзини-ўзи хавф-хатарга қўйганлигини; иккинчидан, даъвогарнинг ўзи қарама-қарши айбга йўл қўйганлигини; учинчидан, ишга алоқадор бошқа сабаблар мавжудлигини исботлаб бериш.

Даъвогарнинг ўзини-ўзи хавф-хатарга қўйиши. Даъвогар ўзини-ўзи хавф-хатарга қўйган ҳолларда жавобгар масъулиятдан холи бўлиши мумкин. Бунда жавобгар даъвогарнинг ихтиёрий равишда ўзини-ўзи хавф-хатарга қўйганлигини исботлай олиши кифоя.

Масалан, даъвогар ўз уйи олдида ўтирипти, сал парида бейсбол ўйини бўляяпти. Тўп тегиб кетиб, даъвогар жароҳатланди. Бу ҳолатда суд даъвони қабул этмайди, чунки даъвогар ўзини-ўзи хавф-хатарга дучор қилди. Ваҳдолонки, даъвогар эҳтиёт чорасини кўриши керак эди.

Эҳтиётсизлик борасида даъвогар томонидан йўл қўйилган қарама-қарши айб. Даъвогарнинг ўзи эҳтиётсизликка йўл қўйган ҳолларда қарама-қарши айб қилган ҳисобланади. Эҳтиётсизлик оқибатида баҳтсиз ҳодиса содир бўлиб, бунда жабрланган кишининг ўзи айбдор деб топилса, даъвогар ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни бошқа шахсдан талаб қила олмайди. Бир мисол: автомашина ҳайдовчи ҳаракат белгисига эътибор бермай, тақиқланган жойдан катта йўлга чиқиб олди, натижада ана шу

автомашина катта тезликда келаётган бошқа автомобиль билан түқнашди. Биринчи автомобильнинг ҳайдовчиси эҳтиётсизликка йўл қўйди, шу боисдан иккинчи автомобильнинг ҳайдовчиси жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Ишга алоқадор бошқа сабаблар. Башарти ишга алоқадор бошқа сабаблар мавжуд бўлса, унда бу ҳолат ҳам жавобгарни жавобгарликдан холи қилиши мумкин. Мисол учун, айбли ҳаракат учинчи шахс томонидан ёки мутлақо бошқа сабаблар туфайли содир этилди, дейлик. Бунда жавобгар шахс воқеадан аввалги эътиборсизлиги учун айбдор бўлмайди. Ёки қурилишдаги пурратчи, яъни жавобгар шахс эҳтиётсизликка йўл қўйди: у очиқ котлованинг атрофини тўсиқ билан ўраб қўймади. Даъвогар котлованга қулаб тушди, чунки уни учинчи бир шахс туртиб юборди. Бу ҳолатда пурратчининг эҳтиётсизлиги рўй берган воқеага бевосита алоқадор эмас. Шу боисдан аввал бошдан эҳтиётсизликка йўл қўйган пурратчини мазкур воқеада айбдор деб бўлмайди.

У ёки бу шахснинг эҳтиётсизлик қилишда ёки қонунни қасдан бузишда айби бўлмаса ҳам, унинг зиммасига муайян масъулият юкланиши мумкин — бу ҳолат қонунда назарда тутилган. Жавобгарликнинг бу тури «объектив» ёки «абсолют» жавобгарлик деб аталади.

Муайян шахслар фаолиятининг характеристи туфайли кўнгилсиз воқеалар келиб чиқса, бундай шахслар ҳам, гарчи улар қандай эҳтиёт чораларини кўрганликларидан қатъи назар, бевосита жавобгар бўладилар. Бу хилдаги фаолият ўз табиатига кўра оддий фаолият саналмайди, у бошқа шахсларга жиддий равишда зиён етказиш хавфини тұғдиради. Масалан, аҳоли яшайдиган жойлар яқинида портлатиш ишлари ўтказилса ва бунинг оқибатида одамларга ёки мол-мулкка зарар етказилса, эҳтиётсизлик ҳоллари мавжудлигидан қатъи назар, абсолют жавобгарликка сабаб бўлади.

Эҳтиётсизликнинг ўта даражаси тўғрисидаги қоидалар мавжуд. Эҳтиётсизликка оид қўпдан-қўп учрайдиган ҳоллар қуидаги асосий гуруҳларга бўлинади:

— қўпол тарздаги эҳтиётсизлик, бу — инсон ҳаётини ва унинг хавфсизлигини ўйламай ва назар-писанд қилмай, содир этилган хатти-ҳаракатdir;

— ёмон ният билан, қасдан қилинган эҳтиётсизлик, бу — ҳеч нарсани менсимасликка қаратилган ва жиноий ишга олиб борадиган хатти-ҳаракатdir;

— жинояткорона эҳтиётсизлик, бу шундай хатти-ҳаракатки, у албатта жиноий иш сифатида жазога сабаб бўлади. Масалан, автомобиль ҳалокати натижасида бир одам ўлса, бунга эҳтиётсизлик аломати деб қаралади. Штат маъмурлари бу ҳолатда шоффёри қотилликда айблашлари мумкин. Табиийки, бу хилдаги эҳтиётсизлик учун суд томонидан қаттиқ жазо чоралари қўлланилади.

Шахсга ва фуқаро мулкига қасдан зиён етказиш. Шахсга ҳам,

мулкка ҳам зиён етказилиши мумкин. Шахсга нисбатан ҳам жисмоний, ҳам маънавий, масалан, кишининг обрўсига ёки ҳис-туйғусига зиён етказилиши мумкин.

Жисмоний зиён етказиш. Бунинг учта асосий турни бор: биринчиси — жисмоний зарар етказиш билан қўрқитиш; иккинчиси — зўравонлик қилиш; учинчиси — файриқонуний қамаш.

Жисмоний зарар етказиш билан қўрқитиш ва зўравонлик қилиш. Қонунга мувофиқ, бир шахс иккинчи шахсни унга жисмоний зарар етказиш билан қўрқитса, бундай ҳолат жисмоний жиҳатдан зўравонлик хавфини туғдириш деб баҳоланади. Аслида эса кишига ҳужум қилиш зўравонлик қилиш демакдир. Бир кишининг хоҳиш-иродасига қарши иккинчи киши унга жисмоний зиён етказса, масалан, тарсаки туширса, зўравонлик ишлатган ҳисобланади.

Файриқонуний қамаш. Бирор киши етарли далилларсиз қамаб қўйилса, судланиб ва оқланиб чиқса, кейинчалик у файриқонуний равиша қамалганлиги ва бу билан ўзига етказилган зиён учун айборни суд йўли билан таъқиб қилиши мумкин. Бу ҳолатда файриқонуний равища қамаган киши ким бўлишидан қатъи назар, полиция офицери бўлса ҳам, ўз қилмишига жавоб бериши керак.

Кишининг обрўсига ёки ҳис-туйғусига етказилган зиён. Биринчидан, бу — диффамация (туҳмат) бўлиб, бирон-бир кишини ёки фирмани учинчи шахс олдида камситишидир. Иккинчидан эса, у ёки бу шахснинг ҳис-туйғусигагина зиён етказиш бўлиб, бундай ҳаракат ҳам қонунни бузиш демакдир. Бу тоифадаги қонун бузишларга қасддан ҳақоратлаш, дўқ-пўписа қилиш ва қўрқитиш ёки кишининг шахсий ҳаётига аралашши ҳолатлари киради. Мазкур юридик тушунчаларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Диффамация, бу — оғзаки ва ёзма туҳматдир. Бу ҳолатда бирон-бир шахс ёки фирма ҳақида ёлғон гаплар тўқилади. Бундан кузатилган мақсад шу шахсга, унинг касбига ёки фирманинг ишдаги фаоллигига учинчи томоннинг нафратини қўзғатиш ёхуд улар устидан кулишдир. Буни бўҳтон ҳам дейдилар. Бўҳтон оғзаки, шунингдек ёзма шаклда ифода этилиши мумкин. Бундан ташқари, радиоэшиттириш ва телекўрсатув орқали ҳам бўҳтон гапларни тарқатиш мумкин. Оғзаки туҳмат қилинди, дейишлик учун айтилган гапнинг ёлғон бўлиб чиқиши ва у туҳматга дучор қилинаётган шахсга зиён етказгани кифоядир. Агар туҳмат ёзма равища баён қилинса, одатда жабрланувчига етказилган зиённи эътироф этиш учун бундан бўлак далил-исботлар талаб қилимайди. Жабрланувчига амалда зиён етказилган тақдирда туҳмат чининг жавобгарлиги янада ортади.

Иккинчи томондан эса, агар жавобгар ҳақоний ва далил-исботли баёнот қилса, гарчи унинг бу баёноти даъвогарнинг обрўсига путур етказган тақдирда ҳам, жавобгар айбор деб топилмайди. Жавобгар қандай жавоб бермасин, фақат бир нарса, яъни ҳақиқат уни туҳматдан ҳимоя эта олади.

Қўргина штатларда тинчликни бузишини мақсад қилиб қўйғап

ва матбуотда эълон қилинган баёнотлар учун (гарчи улар тўғри бўлса ҳам) жиной жавобгарлик қўлланилади. Туҳматдан иборат хатлар ҳам диффамация жумласига киради. Тижорат фаолияти давомида компания ходимлари томонидан ёзилган хатларда туҳмат гаплар бўлса, бунинг учун компания жавобгар бўлиши мумкин. Хатда келтирилган туҳматдан иборат фактни эътироф этиш учун хат муаллифи ва туҳмат қилинган шахсдан ташқари учинчи шахс ҳам хат билан таниширилади ва у ушбу хатни ўқиб чиқади. Туҳмат хатини айтиб туриш орқали ёзган котиб ёки уни ёзув машинкасида кўчирган машинистка ана шундай учинчи шахс бўла олади.

Шу билан бирга, қонунда жамоатчилик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, вижданан айтилган танқидий мулоҳазаларга йўл қўйилади. Шундай қонда борки, унга кўра, жамоатчилик манфаатларидан келиб чиқиб айтилган танқидий мулоҳазалар қонунга кўра амалда тасдиқлаб ўтирилмайди ва шу боисдан уларга туҳматдан иборат гаплар деб қаралмайди. Давлат хизматчилари, мансабдор шахслар, расмий лавозимларни эгаллашга даъвогар бўлган номзодлар, жамоат арбоблари, артистлар, адиллар ва шу тоифага кирувчи бошқа шахслар ҳақида айтиладиган танқидий фикрларга шу нуқтаи назардан қарамоқ керак. Бу хилдаги мулоҳазалар одатда суд томонидан таъқиб этилишига асос бўла олади.

Қасддан ҳақоратлаш, таҳқирлаш ва кишининг шахсий ҳаётига аралashiш. Ўзининг қўпол ва ярамас феъл-автори билан бошқа шахсни руҳий жиҳатдан атайн таҳқирлаган киши руҳий азоб беришда айбдор деб ҳисобланади.

Кишининг шахсий ҳаёти дахлсизdir ва шу сабабли унга бошқа шахснинг аралашуви ғайриқонунийdir. Бошқа кишиларнинг шахсий ҳаётига доир турли-туман фикрларни, тафсилотларни матбуотда баён қилишга, савдо-сотиқ ишларида ёки reklamади фойдаланишга ҳам йўл қўйилмайди.

Киши шахсий ҳаётининг дахлсизлиги ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда бузилган деб ҳисобланади:

— жавобгар ўз дўконининг витринасида даъвогарнинг ҳисобкитоб юзасидан пул тўламаганлигини ёзиб қўйган бўлса;

— жавобгар товарларни реклама қилиш мақсадида даъвогарнинг ташқи қиёфасини тасвирлашдан фойдаланган бўлса;

— жавобгар даъвогарнинг турмушидан олинган бирон-бир воқеа ҳақида мақола эълон қилиб, шу йўл билан атайн шов-шув кўтарса;

— жавобгар даъвогарнинг шахсий хатини матбуотда эълон қиласа;

— даъвогар ошкора равишда тарқатиш учун эмас, балки фаят ўз оиласи учун тайёрлаган суратларнинг биридан жавобгар нусха кўчириб, уни матбуотда эълон қиласа.

Туҳмат хусусидаги даъволардан фарқли ўлароқ, киши шахсий ҳаётининг дахлсизлиги бузилган ҳолларда, мазкур иш судда

кўрилиши мумкин. Бунда жавобгар ҳақ гапни айтган тақдирда ҳам, масъулият унинг бўйиндан соқит қилинмайди.

Кўчмас мулкка ёки ҳаракатдаги мулкка эгалик қилиш қоидасининг бузилиши. Мулк эгасининг рухсатсиз кўчма мулкни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш қонунинг бузилганинг билдиради. Қонунни бузган киши мулкка зиён етказмаган бўлса ҳам, номинал зиён ҳақини тўлашга мажбурдир. Натижада ундан камида олти цент миқдорида ҳақ ва судга доир чиқимлар ундириб олинади. Мулкка етказилган ҳар қандай зарарниг ўрни қопланиши эса ўз ўзидан равшан. Кўчмас мулқдан амалда фойдаланган жавобгар шахс бунинг учун тўла-тўқис ҳақ тўлашга мажбур.

Ҳаракатдаги мулкка нисбатан қоида бузилиши анча мураккаб жараёндири. Мулк ўзбошимчалик билан эгаллаб олинса, бунда мулк эгасининг розилиги бўлмаса, у эгаллаб олинган деб талқин қилинади ва мулкни эгаллаб олган шахс унинг бутун қиймати учун жавобгар бўлади. Мазкур шахсни мулкни сотиб олишга мажбур қилиш ҳам мумкин (гарчи у мулкни қарзга олиш иятида бўлса ҳам). Бундай ҳолатда мулк эгаси мулкка етказилган зарарниг ўрнини қоплашни талаб қилиши мумкин ёки у мулкни қайтариб олишдан воз кечиши мумкин. Агар иш шунга келиб тақалса, мулк ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган деб ҳисобланниб, шу асосда иш кўрилади. Башарти мулк бирон-бир шахсга қайтариб бериш шарти билан берилган бўлса-ю, лекин у, қайтариб берилмаса, ушбу мулк ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олинган деб ҳисобланади. Шундан сўнг мулкни олган шахс уни қайтариб беришга розилик билдирса, бу кечикиб берилган розилик бўлади, аммо бундай ҳаракат мулкни олган кишини мулкнинг тўла қиймати учун жавобгарликдан ҳоли қилмайди.

Тижорат соҳасидаги қонун бузишлар. Ҳар қандай шахс муайян шароитда юқорида кўрсатиб ўтилган қонун бузишларда субъект ролини ўйнаши мумкин. Бирорни алдаш, қаллоблик, мулкни ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олиш, зуравонлик қилиш, жисмоний зарар етказиш билан қўрқитиш ва бошқа иллатлар ана шу жумлага киради. Бироқ тижорат фаолиятига доир қонун бузишлар соҳасидаги бир қанча ўзига хос жиҳатлар бор. Уларга қўйнадигилар киради:

Касб-хунар манфаатларига дахлдор бўлган тұхмат рақобатчининг тижорат соҳасидаги фаолиятини, унинг товарларини ёки молиявий аҳволини бадном этишга қаратилган ошкора баёнотдир. Бу хилдаги баёнотлар қўйидаги ҳолларда тұхматдан иборат бўлади: биринчидан, агар улар ёлғон бўлса; иккинчидан, рақобатчининг шахсий ва тижорат ишлари соҳасидаги обрў-эътиборини ерга уришга қаратилган бўлса; учинчидан, рақобатчига ҳақиқатан зарар етказаса.

Рақобат соҳасидаги виждонсизлик. Бирон-бир корхона эгасининг касб-хунарга доир иш услуги сизга тегишли фирманинг фаолиятини рақобатчи сифатида мушкуллаштируса, у ҳолда бун-

дай иш тутиш виждонсизлик қилинганини билдиради ёки у ғайри-қонуний ҳисобланади. Агар ўша корхона фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдан иборат бўлиб, сизга фақат зиён етказиш нияти режалаштирилмаган бўлса, бу хилдаги ҳаракат ҳам юқорида айтилган хulosага олиб келади.

Тижорат соҳасидаги ҳуқуқларнинг федерал савдо комиссияси томонидан ҳимоя қилиниши. Ушбу комиссия барча корхона эгалари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ҳамда тижорат фаолияти соҳасидаги алдамчиликка, фирибгарликка ва бошқа нопок қилмишларга қарши кураш олиб боради. Шу тариқа комиссия ҳалол корхона эгаларининг рақобат соҳасидаги нопок услугубларга қарши курашида уларнинг асосий таянчи ҳисобланади.

Савдо муносабатларининг бузилиши. Ўзга корхона ишларига ўзбошимчалик билан аралашиб жуда хилма-хил шаклларда бўлиши мумкин. Бунинг энг кўп тарқалган турлари қўйидагилардан иборат:

Тижорат соҳасидаги порахўрлик молларни харид қилишини рағбатлантириш ёки бошқача тарзда ён бериш ўйли билан мижоз компания ходимлари ва хизматчиларига пул ёки қимматбаҳо совғалар беришдир. Агар бундай ҳаракат мижозга билдирмай ва унинг розилигисиз қилинса, ғайриқонуний деб ҳисобланмайди.

Тижорат ишларини олиб борища танҳо ҳокимлик ҳуқуқи тўғрисидаги шартномалар. Бу шундай келишувки, унда дастлабки шарт тариқасида мазкур ишбилармон фақат муайян фирма товарлари билан савдо қилиш ва бошқа рақобатчиларнинг товарларини сотмаслик мажбуриятини олиши назарда тутилади. Бундай келишувлар хилма-хил бўлади. Шулардан бири — чекланган шартлар билан шартнома тузишдир. Мазкур шартномага кўра, харидор муайян сотувчидан ёки фирмадан товарларни сотиб оладиган бўлади. Масалан, шартномада келишилган дўкондан видео-магнитофон сотиб олинган бўлса, у ҳолда харидор видеокассеталарни ҳам фақат шу дўкондан сотиб олиши шарт. Ўз-ўзидан равшанки, бундай шартномани ғайриқонуний деб бўлмайди. Борди-ю битимда рақобат қилиш эркинлиги жиддий равишда чеклаб қўйилган ёки танҳо ҳокимлик белгиланган бўлса, бундай битим ғайриқонуний ҳисобланади.

Рақобатчисининг фаолиятини қийинлаштириш мақсадида бошлаб юборилган суд процесси. Бу шундай суд процесски, ундан кузатилган мақсад рақобатчи ишларини чалкаштириб юборишидан иборат. Масалан, рақобатчининг даромадли ишини қийинлаштиришга ёки фалаж қилишга уриниш юзасидан суд ишини қўзғаш мумкин. Бу хилдаги хатти-ҳаракат ғайриқонуний бўлиб, етказилган зарарининг ўрнини қоплаш учун даъвогар судга шикоят қилиши мумкин.

Иқтисодий бойқуг. Башарти бир гуруҳ шахслар бошқа гуруҳдаги ишбилармонлар ёки алоҳида шахсларга қарши иш юзасидан ўз муносабатларини бундан кейин йўлга қўйишдан уюшган

ҳолда воз кечиши мақсадида бирлашса, иқтисодий бойқут ғайри-қонуний деб ҳисобланади. Аммо шунун ҳам таъкидламоқ керакки, алоҳида шахснинг бошқа бирон киши билан иш юзасидан бўладиган муносабатларини йигиштириб қўйиши мутлақо қонунийдир. Бу ҳолатда муносабатни узаётган шахс ташҳо ҳокимлик қилиш мақсадини кўзламаган бўлиши шарт.

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган бўлса ҳам, рағбатлантириш чораларининг кўрилиши. Бу борада қонун бузилиши одатда икки хил кўринишда бўлади: биринчи ҳолатда қонунни бузган шахс шартномавий мажбуриятларни ғаламислик билан барбод этади; иккинчи ҳолатда эса қонунни бузган шахс шартномавий мажбуриятларни бажармайди. Шундай қилиб, суд прецеденти илгаридан белгилаб қўйганидек, агар жавобгар даъвогарга қарашли хизматчиларни қонунга зид тарзда ўзига оғдириб оладиган бўлса, у ҳолда жавобгар қонунни бузишда айбланади, хизматчилар эса шартнома мажбуриятларини бажармай, тил биритиришга йўл қўйганинда айбланадилар.

Тижорат сирларини, лойиҳаларини ва тижорат ишларига алоқадор бошқа муҳим маълумотларни ғайриқонуний йўл билан ўзлаштириб олиш. Қонун бузилишининг бу турига маълум бир шахснинг оригинал ғояларга, янги товарларнинг шакли, услугини ва ташқи кўринишига ёки уларни ўраш-жойлашга, тижорат сирлари ва лойиҳаларига ҳамда тижорат ишларига тегишли бошқа муҳим маълумотларга бўлган ҳуқуқини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олиш киради.

Тижорат сири. Мижозларниг рўйхати, чизмалар, тижорат ҳисоб-китоблари, нархномалар, кашфиётларнинг формулалари ва ҳоказолар тижорат сиридан иборатдир. Тижорат сири бошқа шахсларнинг ғайриқонуний йўсинда уни ўзлаштириб олишидан муҳофаза қилинади. Бунинг учун қўйидаги шартларга амал қилиниши лозим:

— бу сирни учинчи шахслардан муҳофаза қилиш учун тегишли чоралар кўрилиши керак;

— мазкур маълумотлар унинг эгасига рақобатчилар олдида қандайдир афзаллик бериши лозим;

— ушбу маълумотлар мазкур тижорат корхонасидан ташқарида кенг тарқалган бўлиши зарур;

— бу маълумотлар бошқа қонуний йўллар билан эгаллаб олинмаслиги лозим.

Бирон кимса ғайриқонуний йўл билан тижорат сиридан фойдаланган бўлса, жабр кўрган томон қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

— буюмдан қонунга зид развишда фойдаланганилик учун суд ишини қўзғаш;

— сирлигини йўқотган ҳамма ҳужжатларни қайтариб олиш;

— бундай хиёнат натижасида олинган барча товарларни йўқилиши;

— қўлдан бой берилган фойдани ундириб олиш;
— кўрилган заарарнинг ўрнини қоплашга эришиш.

Услуб ва шакл. Услуб ва шаклни ўҳшатиб ясаш қийин эмас.

Контейнер ёки этикетканинг ҳажми билан шаклини, контейнер тузилишини, ундаги ёзувларнинг жойлашувини, контейнернинг рангини ва унинг олд томонидаги тамғаларни, ёпиширилган рекламаларни, белгиларни, қисқартма ёзувлар ва рамзларни ясаш жуда жўн иш. Рақобатчининг ана шу хилдаги қалбакилик билан шуғулланиши суд йўли билан ман этилади..

Тижорат ишларига доир муҳим маълумотлар. Агар бирон-бир шахс бошқа фирманинг тижорат ишларига доир муҳим маълумотларини атайин ўзлаштириб олса ва бу маълумотлар патент ёки муаллифлик йўли билан муҳофаза қилинмаган бўлса, суд муаллифнинг ёки мазкур маълумотлар эгасининг манфаатларини ҳимоя қилиб, қарор қабул қилиши мумкин.

Оригинал ғоялар. Бирон-бир ғоя ҳаммага маълум бўлса, ундан ҳар қандай шахс фойдаланиши мумкин. Борди-ю ғоя муаллифида шу ғояни сотиш нияти пайдо бўлса, у ҳолда муаллиф ғояни сотиб оловчи кишидан ёзма равншда мажбурият олади, мажбуриятда эса ғоянинг ҳақини тўлаш таъкидланади, бу билан ғоянинг муаллифи кимлиги ўз-ўзидан равшан бўлади.

Ахлоқ-одоб нормаларини муҳофаза қилиш. АҚШ телекўрсатувида, матбуотида, киносида ва бошқа оммавий ахборот восита-ларида ахлоқ-одоб борасида муайян қўидалар мавжуд. Бу қоидалар штатларнинг қонунлари ҳамда судлар йўли билан бошқариб турилади. Қонунии бузган кишиларга кагта миқдорда жарима солинади ёки улар қамоқقا олинади. Баъзан эса ҳар иккала жазо чораси биргаликда қўлланиши ҳам мумкин.

Кинофильмлар ва видеофильмларни намойиш этиш. Америкада қабул қилинган қонунларга кўра, намойиш этиш учун мўлжалланган ҳар қандай бадиий фильм кўриқдан ўтказилади. Унда фильмга рейтинг ёки тоифа белгиланади. Бу иш билан маҳсус давлат хизмати шугулланади. У ёки бу фильм сдамларнинг қайси тоифасига мўлжалланганини ана шу маҳсус хизмат аниқлайди. «G» тоифасидаги фильмларни ҳар қандай ёшдаги кишилар кўриши мумкин. Бу хилдаги фильмлар жумласига одатда болаларга мўлжалланган ёки кулгили фильмлар киради. Уларни бутун оила билан томоша қилса бўлади. Кўпчилик фильмлар «PG» рейтингини олган фильмлар бўлиб, уларни 18 ёшгача бўлган болалар ота-оналари ёки катталар иштироқида кўришлари тавсия этилади. Эълонда «R» ҳарфи ёзилган бўлса, фильмни 18 ёшдан катта бўлган кишилар кўриши керак. «X», «XX», «XXX» тоифасидаги фильмлар порнографик фильмлар ҳисобланади ва уларни 21 ёшдан катта бўлган томошабинларнинг кўришига рухсат берилади. Бундан ташқари, порнографик фильмлар тегишли лицензияга эга бўлган маҳсус кинотеатрлардагина намойиш этилади. Бундай кинотеатрлар эса асосан «қизил фонуслар даҳалари»да жойлашган бўлади.

СУФУРТА ШАРТНОМАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Томонлардан бири шартнома юзасидан ўз мажбуриятлари-ни бажармаган тақдирда иккинчи томонга маълум даражада зиён етказиши мумкин. Бундай зиён етказиши хавфидан кафиллик шартномаси тузиш йўли билан ҳимояланса бўлади. Аммо бошқача тарзда, яъни турли хил нохуш, тасодифий ҳодисалар сабабли ҳам зиён кўриш ҳоллари учрайди. Масалан, баҳтсиз ҳодиса, табиий оғат, иш билан шуғулланган кишиларининг эҳтиёт чораларини кўрмаганилиги ва бошқа сабаблар туфайли зиён кўрилиши мумкин. Бу хилда зиён кўрилганда муҳофаза қилишнинг анча са-марали ва зарур шакли бор. Бу -- суфуртадир.

Суфурта иқтисодий муносабатлар таркибига киради ҳамда маҳсус маблағ фондини яратиш тадбирларини ўз ичига олади. Ана шу маблағ фондидан эса турли воқеалар рўй берган пайтда, агар бу воқеалар хусусида суфурта шартномасида ўзаро келишиб олинган бўлса, етказилган заарарнинг ўрнини қоплаш ва зиён кўр-ган томонга ёрдам бериш мақсадида фойдаланилади.

Ижтимоий фаоллик ва иш фаолияти ғоятда авж олган ҳозирги шароитда суфуртанинг зарурлиги ҳақида шак-шубҳа йўқ, чунки суфурта турмуш ва фаолиятнинг турли жабҳаларида рўй бераётган зарар кўришлар ўрнини жадал қоплашнинг энг қулай ва мослашувчан воситасидир. Масалан, бундай ҳодисалар ишлаб чиқариш жараёнида, маҳсулотни ташиш ва ундан фойдаланишда, транспортда баҳтсиз ҳодисаларга дуч келишда, турли хил табиий оғатлар оқибатида рўй бериши мумкин.

Суфуртанинг умумий жиҳатлари. Суфурта, бир томондан, молиявий хизмат кўрсатиш йўли билан савдо-сотиқ ишини амалга оширишга ўхшайди; иккинчи томондан эса, у шартномавий муносабат ҳисобланиб, шу муносабат ёрдамида томонлардан бири ўзи-га етказилган заарар учун шартномага кўра ҳақ ундириб олади.

Суфурта ўз моҳияти жиҳатидан фаолиятининг алоҳида соҳаси-дир. Унинг иши банкларда олиб бориладиган ишга ўхшаб кетади. Суфурта фаолияти маҳсус қонунлар воситасида аниқ белгилаб қўйилади. Баъзи штатларда суфурта иши билан алоҳида кишиларнинг шуғулланишига йўл қўйилади. Одатда суфурта жараёнлари акциядорлар компаниялари томонидан амалга оширилади. Ўзаро суфурта қилиш компаниялари суфурта хилларидан бирини ташкил этади. Бунда суфурта қилинган шахсларга суфурта мукофотини қисқартириш ёки маълум миқдорда бонус тўлаш ҳуқуки берилади.

Суфурта шартномасини тузишда суфурта брокери (воситачиси) билан суфурта агенти (вакили) ўртасида баъзи фарқлар борлигини билиш керак. Агент суфурта компанияси манфаатларини кўзлаб, суфурта ишини расмийлаштиради, у ани шу мақсадда ком-пания томонидан вакил қилингандир. Брокер эса бошқачароқ иш тутади, яъни у суфуртага доир таклифларни суфурта компания-ларида ўз хоҳишича ёки маълум миқдорда бонус тўлаш ҳуқуки берилади.

лаштиради. Суғурта агенти компания номидан, брокер эса суғурта қилинүвчи шахс номидан иш күради.

Суғуртани шартли равишда қўйидаги асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:

I. **Мол-мулкни суғурта қилиш.** Турли хил моддий бойликлар суғурта муносабатлари объектига киради. Масалан:

— денгиз суғуртаси, шу жумладан юкларни, кемаларни ва ҳоказоларни суғурта қилиш;

— ёнғиндан ва бошқа хавф-хатардан (табний оғатдан) суғурта қилиш;

— бузиб кириш йўли билан ўғирлик қилишдан, бошқа ёвуз ният билан ёки файриқонуний йўл билан учинчи шахс томонидан амалга оширилган ҳаракатлардан суғурта қилиш;

— автомобиль транспорти воситаларини суғурта қилиш;

— техникавий хавф-хатардан (қурилиш-монтаж ишларидағи ва ҳоказо хавф-хатардан) суғурта қилиш;

— ойна синишидан суғурта қилиш ҳамда суғуртанинг бу борадаги бошқа маҳсус турлари;

— ижара ишларини суғурта қилиш ҳамда суғуртанинг бу борадаги бошқа турлари.

II. **Шахсий суғурта.** Инсоннинг ҳаёти, сиҳат-саломатлиги, меҳнат қобилияти ана шу суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланади.

Бунга қўйидагилар киради:

— ҳаётни суғурта қилиш;

— баҳтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш;

— тиббий харажатлар ва касаллик юзасидан суғурта қилиш.

III. **Масъулиятни суғурта қилиш.** Етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича зиммага олинган масъулият бу суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланади.

Бунга қўйидагилар киради:

— иш билан таъминловчиларнинг маъсулиятини суғурта қилиш;

— умумфуқаро масъулиятини суғурта қилиш;

— автомобиль хўжалиги соҳасида ишловчи фуқаролар масъулиятини суғурта қилиш;

— ишонч ва кафиллик масъулиятини суғурта қилиш.

Шуни ҳам айтиш керакки, фақат тижорат ишларининг ўзида 200 дан ортиқ суғурта турлари мавжуд.

Суғурта шартномаси ва уни тузиш тартиби. Суғуртага қизиқтиришга доир шарҳ. Суғурта қилинадиган объектда шу ишга қизиқиш бўлиши суғурта шартномасини тузишда асосий шартлардан биридир. Агар юридик шахс ёки умуман бирон шахс суғурта қилиниши лозим бўлган объектга ҳеч бир қизиқиш билан қарамас экан, у холда суғурта шартномасини тузиш учун унда ҳеч бир эҳтиёж ҳам қолмайди.

Суғурта шартномаси суғурта қилувчи билан суғурта қилинүвчи ўртасидаги битим бўлиб, у суғурта қилишнинг мазкур тuri

шартларига мувофиқ ҳар иккى томон ўртасидаги мажбуриятни тартибга солиб туради.

Бошқа шартномалар каби суғурта шартномасыда ҳам томонларнинг ўзаро розилиги ва қонуний ҳуқуқини ифодаловчи муайян шартлар бўлиши зарур. Юридик кучга эга бўлган суғурта шартномасини тузишдан аввал, бошқа ҳамма шартномаларда бўлгани каби, оферт акцепти (қўйилган шартларни қабул қилиб, шартнома тузиш ҳақидаги таклифга берилган розилик) ёки суғурта қилиувчининг таклифинг суғурта қилинувчининг розилиги бўлиши шарт. Суғурта компаниясиning суғурта шартномасида назарда тутилган мажбурияти у вакил қилган агентнинг шу хусусдаги оғзаки тасдиғи билан дарҳол кучга кириши мумкин, чунки бу агент одатда ишонч ҳуқуқига эгадир. Шартнома меморандум шаклида агент томонидан расмийлаштирилади, бу вақтинчалик ҳужжат ҳисобланади. Ана шу ҳужжатга кўра суғурта компанияси зиммасига ҳужжат расмийлаштирилишда то суғурта полиси (суғурта қилдирилганлик тўғрисидаги ҳужжат) берилишига (ёки уни беришдан воз кечишига) қадар бўлган давр учун суғурта жавобгарлиги юклатилиди. Бу хилдаги меморандум вақтинчалик суғурга гувоҳномаси деб аталиши ҳам мумкин. Суғурта қилишининг бу босқичида суғурта қилинувчининг оғзаки розилиги кифоядир. Аммо, шунга қарамай, суғурта қилинувчи ҳар ҳолда кейинчалик бирон-бир ишқал чиқмаслиги учун тегишли ҳужжат берилишини талаб қилмоғи лозим. Суғурта шартномаси ёзма равишида битилган расмийлаштирилган битим бўлиб, у суғурта полиси деб аталади. Суғурта полиси икки хил: қиймати кўрсатилган полис ёки очиқ полис бўлиши мумкин. Қиймати кўрсатилган полисда суғурта тўловининг ҳажми ва у қайси муддатда тўланиши аниқ-равshan кўрсатилади (агар шартномада бошқа шартлар қўйилмаган бўлса). Очиқ полисда эса суғурта шартларига кўра суғурта ҳақи етказилган зарар ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг тўланиши қайд этилади. Қиймати кўрсатилган полисга ҳаётни суғурта қилиш мисол бўлса, очиқ полисга эса автомобилларни суғурта қилиш мисол бўла олади.

Мол-мулкни суғурта қилиш. Мол-мулкни суғурта қилишдан манфаатдорлик. Мол-мулкига зиён етказилиши, йўқ қилиниши ёки ўғирлаб кетилиши оқибатида молиявий жиҳатдан қийинчаликка дуч келиши мумкин бўлган шахс ўз мол-мулкини суғурта қилишдан манфаатдор бўлиши табиийдир. Бунда мазкур шахс ушбу мол-мулкнинг эгаси бўлиши шарт эмас. Масалан, ўз мулкига эга бўлган шахс ҳам, бошқаларнинг мол-мулкидан фойдаланиб турган шахс ҳам, молларни сотиш учун шартнома тузган сотувчи ҳам шу моллар суғурта қилинишидан манфаатдордир, албатта. Ўй қуриш учун ўз зиммасига шартнома мажбуриятини олган шахс ҳам бундан манфаатдордир, ваҳолонки, ер участкасига ва бинонинг ўзига эгалик қилиш ҳуқуқи бошқа шахсга тегишилдири.

Одатда суғурта қилиувчи суғурта ҳақини пайти келганда учинчи шахсга тўлаши шартномада назарда тутилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, мол-мулкни суғурта қилишнинг барча турлари юридик жиҳатдан ихтиёрийдир. Бироқ ижтимоий зарурият туфайли келиб чиқадиган қатор сабаблар ва таркиб топган амалиёт албаттга суғурта қилиш кераклигини тақозо этади.

Ёнғиндан ва бошқа хавф-хатардан (табиий оғатдан) суғурта қилиш. Суғуртанинг бу турига мол-мулкни, биноларни, асбоб-ус-куналарни, турли маҳсулотларни, товарларни ва бошқа моддий бойликларни суғурта қилиш киради. Бунда уларни ёнғиндан, яшин уришдан, портлаш, сув тошқини, кимёвий воситалар таъсиридан ва бошқа табиий оғатлардан суғурта йўли билан муҳофаза этиш назарда тутилади.

Хавф-хатар ҳақида изоҳ ва суғурта ишидаги масъулиятни кучайтириш. Ёнғиндан сақланинг юзасидан суғурта қилишнинг ўзиға хос жиҳатлари бор, албатта. Бу борада суғурта ишидаги масъулиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Қўшимча равишда мукофот бериш эвазинга «Кенгайтирилган суғурта» деб аталмиш суғуртани расмийлаштириш мумкин. Бунда енгиб бўлмайдиган кучлар таъсирида етказилган зарарнинг ўринини қоплаш ҳақида гап боради. Масалан, дўл, бўрон, портлаш, учувчи аппратларнинг қулаги тушиши, жамоат тартиби бузилиши натижаси да етказилган зарар шулар жумласидандир.

Суғурта полисида ёнғин туфайли етказилган зарарнинг ўринини қоплашдан ташқари, баъзи бошқа хил сабаблар оқибатида етказилган зарар, масалан, буюмлар ёнғин хавфи остида қолганида уларни бино ичидан ташқарига ташиб чиқиш пайтида уларга етказилган зарар ҳам назарда тутилади. Буюмга аслида етказилган зарар бевосита етказилган зарар ҳисобланади. Аммо ёнғинни ўчириш пайтида ҳалақит берган буюмга етказилган зарар, буюм зарурий равишда сотиб юборилганда фойда олиш имкони қўлдан бой берилганда ва шу сингари ҳолларда етказилган зарар бунга кирмайди.

Ёнғиндан суғурта қилишда кўпчилик штатларда типовой полис белгиланган. Ундан кузатилган мақсад қуйидагилардан иборат: биринчидан, суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини алдоқчи ёки фирибгарлардан ҳимоя қилиш; иккинчидан, суғурта шартномалари бир хилда бўлишини таъминлаш; учинчидан, суғурта компанияларининг манфаатларини маҳаллий суғурта агентлари томонидан бўладиган ғайриқонуний хатти-харакатлардан муҳофаза этиш.

Суғурта ҳужжати мол-мулкниң қиймати кўрсатилган ёки кўрсатилмаган полис тарзида расмийлаштирилиши мумкин. Бу тафовут мол-мулкка етказилган зарарни аниқлашда ва унга суғурта йўли билан ҳақ тўлашда, томонлар ўргасида юзага келадиган келишмовчиликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, суғурта қилдирувчи шахс ўзига етказилган зарарнинг ўринини қоплаш юзасидан суғурта компаниясига даъво қилиши учун юридик жиҳатдан асосланган

хұқыққа әга бўлиши керак. Шу мақсадда мулкка заарар етказилган ёки мулк йўқотилган пайтда унинг суғурта қилингани мол мулкка доир суғурта ҳужжати бўлиши шарт. Аммо кўпчилик штатларда суғурта шартномасини тузиш чогида дарҳол суғурта ҳужжати бўлиши талаб қилинмайди, бу ҳолат қонунда ҳам назар да тутилмаган.

Мол-мулкни суғурта килишга доир типовой шартномада, шунингдек ёнғиндан муҳофаза қилиш шартномасида «алоқани узиш» ҳақидаги изоҳ бор. Башарти мол-мулки суғурта қилинган шахс суғуртага нисбатан фикрини ўзгартирса, тузилган шартнома тўхтатилиди (суғурта қилган киши вафот этган ҳолат бундан мустасно). Демак, мулк эгасининг суғурта қилинган мулкка бўлган муносабати шартномада белгиланган суғурта муддати тугамасидан олдин ўзгарса, етказилган зааранинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ҳар қандай талаби юридик кучга әга бўлмайди. Бундан ташқари, суғурта компаниясини олдиндан хабардор қилмайди, суғурта полисига тегишли ҳуқуқ бошқа шахсга берилса, у ҳақиқий эмас деб топилади. Масалаи, ёнғин хаффидан суғурта қилинган уйни сотиш чогида уй эгаси суғурта шартномасини бекор қилиш ўрнига, суғурта полисини уйни сотиб олувчи кишига берди, уй сотилганидан сўнг орадан бир кун ўтгач, шу уйда ёнғин чиқди дейлик. Бу ҳолатда суғурта компанияси етказилган заарар ўрнини қопламайди, чунки полис нотўғри берилди. Уйни суғурта қилган шахс эса шартномада белгиланган «алоқани узиш» ҳақидаги изоҳга кўра бу хусусдаги ўз ҳуқуқини йўқотади.

Мол-мулкини суғурта қилган шахс ёки бундан фойда ундири моқчи бўлган киши нотўғри маълумотлар берган ёки суғурта қилиш шартларини бузган тақдирда суғурта компанияси шартномани тўхтатиши, бекор қилиши ёхуд бошқа чоралар кўриши мумкин.

Шартнома амал қилишини тўхтатиш. Ёнғиндан муҳофаза қилиш юзасидан тузилган типовой суғурта полисида баён этилган шартларга кўра, суғурта қилинган бинода яшаш ёки тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиш мумкин. Агар бинони суғурта қилган шахс ёки ижарачи уни ўн олти кундан ортиқ муддатга ташлаб кетса ва шу муддат ичидан бино қаровсиз қолса, у ҳолда типовой суғурта шартномасидаги шартларга мувофиқ, кўрсатиб ўтилган муддат тугашидан бошлаб то бинодан фойдалачувчи қайтиб келгунга қадар ўтган вақт ичидан мазкур шартноманинг амал қилиши тўхтатиб қўйилади.

Башарти муайян шахс суғурта қилинган бинони 60 кундан зиёд вақтга қолдириб кетмоқчи бўлса (бунда бинони назорат қилиш кўзда тутилмаса), у ҳолда суғурта компаниясидан ёзма рашида гувоҳнома олинади. Бу гувоҳномада бино эгаси бўлмаган бутун давр мобайнида суғурта полисининг амал қилиши сақлаб қолиниши қайд этилади. Суғурта компаниясининг агенти айтган оғзаки баёнот бу ҳолатда етарли бўлмайди.

Етказилган зааранинг ўрнини қоплаш ва суғурта қилдирувчи

шахснинг бурчлари. Суғурта полиси бўйича етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун суғурта қилдирувчи шахс зиён етказилганини тўғрисидаги хабарномани, шунингдек кўрилган заарар ҳақидаги гувоҳномани тақдим этиши зарур. Бу ҳужжатлар шундай тарзда тузилиши керакки, рўй берган ёнғин билан мол-мулкка етказилган заарар ўртасидаги бир-бирига боғлиқ сабабларга ишонч ҳосил қилиниши керак.

Зиён етказилганини тўғрисидаги хабарнома. Суғурта шартномасида назарда тутилганидек, суғурта қилинган мол-мулкка етказилган ҳар қандай заарар юзасидан мол-мулк эгаси шу заарар ўрнини қоплаш мақсадида суғурта ҳақини талаб қилиши учун ўз бурчини бажариши керак. Чунончи, суғурта компаниясига дарҳол ёзма равишда хабарнома тақдим этиши лозим. Хабарнома — рўй берган ҳодисани ва унинг сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган дастлабки ҳужжатдир. Бундай ҳужжат белгиланган тартибга ва тегишли муддатга мувофиқ равишда тақдим этилиши керак.

Кўрилган заарар ҳақидаги гувоҳнома ҳам суғурта қилдирган шахс томонидан тақдим этилади ва унда мол-мулкка етказилган заарнинг бутун тафсилоти баён қилиниши шарт. Шунга кўра етказилган заарнинг ҳажми аниқланади.

Мол-мулкнинг амалдаги қиймати. Ёнгин ёки бошқа табиий оғат туфайли мол-мулкка етказилган заарар шу воқеа рўй берган пайтда амал қиласётган бозор нархларини инобатга олган ҳолда аниқланади. Бунда кўрилган зааррага берилган субъектив баҳолар ҳисобга олинмайди.

Кўчмас мулк суғурта қилинганида шу мулкнинг қай даражада эскирганлиги аниқлангач, унинг қиймати белгиланади. Товарларга келганда эса, уларнинг бутун ҳаракат жараёни, яъни уларни ишлаб чиқарувчи қўлидан то согувчига етиб боришига қадар ҳаракати ҳисобга олинади, шундан сўнг уларнинг қиймати белгиланади.

Масалан, завод омборида телевизорлар фабрика-заводларда қабул этилган таннарх бўйича, фойдани ҳисобга олмаган ҳолда баҳоланади. Аммо сотиш пайтида худди ўша телевизорларга уларни ишлаб чиқариш қийматига қараб баҳо қўйилади ва бунинг устига олинадиган фойда ҳам қўшилади.

Агар мол-мулк битта суғурта компаниясида эмас, балки бир неча суғурта компаниясида суғурта қилинган бўлса ва умумий суғурта ҳақи етказилган заардан ортиб кетса, бу ҳолатда «мутаносиб жавобгарликка доир изоҳ» қўлланилади, яъни суғурта қилдирган шахс етказилган заарар учун ҳар бир компаниядан олинадиган компенсациянинг муайян қисмини олади.

Суғурта қилдирувчи ҳуқуқининг суғурта қилувчига ўтиши. Суғурта полисида шундай қоида борки, унга кўра, суғурта компанияси етказилган зиёнда айбдор бўлган учинчи шахснинг товоң тўлаши учун суғурта қилдирувчи ҳуқуқини ўзига талаб қилиб олиши ва айбдордан мулк эгасига тўлаган миқдорда товоң унди-

риши мумкин. Компаниянинг бу ҳуқуқи суброгация ёки регресс деб аталади ва у, компенсация иккى марта олинмаслиги керак, деган қоидага асосланади.

Мисол: суғурта қилдирган шахс ёнгин сабабли зарап кўрди, бунинг учун учинчи бир шахс айбдор. Агар суғурта компанияси мулк эгасига етказилган зарап ўрнини қоплаб, ҳақ тўласа, у ҳолда компания «суброгация» ҳуқуқини олади, яъни у айбдордан товон ундириб олади.

Мол-мулкни суғурта қилишнинг бошқа турлари: Ёнфиндан муҳофаза қилишга оид суғуртадан ташқари, мол-мулкни суғурта қилишнинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Бу борада энг кўп тарқалган суғурта турлари қўйидагилардан иборат:

Автомобилларни барча хавф-хатардан суғурта қилиш. Суғурта қилишнинг бу тури аралаш суғурта ҳисобланади. У мол-мулкни суғурта қилишнинг эмас, шу билан бирга ҳайдовчининг ёки йўловчиларнинг ҳаётини суғурта қилишини ҳам ўз ичига олади. Автомобиллар тўқнашганида, ёнгин чиққанида, автомобиллар ўғирлаб кетилганида ва ҳоказо ҳолларда суғуртанинг бу тури жуда қўл келади.

Мол-мулкни ўғирлашдан суғурга қилиш. «Ўғирлаш» деган тушунча суғурта ишида бирорнинг мол-мулкни ғайриқонуний йўл билан ўзлаштириб олиш деган маънони билдиради. Суғурта тажрибасида ўғирлаш, талаш, босқинчлик қилиш тушунчалари учраб туради.

Ҳуқуқий унвонни суғурта қилиш. Суғуртанинг бу тури ҳуқуқий унвондаги камчиликлар натижасида рўй бериши мумкин бўлган зарап кўришлардан кўчмас мулк эгасининг манфаатларини ҳимоя қиласди.

Кўчмас мулкни суғурта қилиш. Суғурта қилишнинг бу тури кўчмас мулкка ҳар қандай сабаб оқибатида ва ҳар қандай ҳолатда етказилган заардан (баъзи изоҳларни ҳисобга олган ҳолда) ҳимояланишга хизмат қиласди. Бу кўринича юкларни ташиш жараёнига тааллуқлидир. Баъзи буюмлар, масалан, заргарлик буюмлари ва мўйнали кийимларни ҳам суғуртанинг шу турига расмийлаштириш мумкин.

Қурилиш-монтаж ишларидаги хавф-хатардан суғурта қилиш. Бу ҳам мол-мулкни суғурта қилишнинг бир туридир. Қурилиш майдонида ишлар олиб борилаётган пайтда табиий оғат оқибатида ёки тўсатдан бўладиган ва олдиндан кутилмаган ҳодисалар натижасида етказилган заардан пудратчилар ва кичик пудратчиларни суғуртанинг шу тури муҳофаза қиласди.

Ойна синишидан суғурта қилиш. Суғуртанинг бу тури бино ва иншоотларнинг, транспорт воситаларининг ойналари ҳамда витриналар синиши натижасида етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун кафолат беради. Бу ёнфиндан сақланиш суғуртаси доирасига кирмайди. Суғуртанинг ана шу тури бўйича тузиладиган шартномада турли безаклар ва ёзувларнинг нархи ҳам белги-

лаб қўйилиши мумкин. Бундаги афзаллик шундан иборатки, фирма синган ойналарни дарҳол ўрнатиб беради.

Ижара суғуртаси. Ижарага олинган мол-мулкка зиён етган тақдирда ижара ҳақини таъминлаш учун суғуртанинг шу туридан фойдаланилади.

Тижорат ишларида узилишлар рўй бериши муносабати билан йўқотиладиган фойда ўрнини қоплашга доир суғурта. Бу хилдаги суғурта ёнғин чиқиши, зилзила, бўрои, сув тошқини ва бошқа табиий оғатлар натижасида тижорат ишларида узилишлар рўй бериб, фойда олиш имкони йўқча чиққан ҳолларда кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун кафолат беради. Шундан фойдаланиб, белгиланган тартиб ва миқдорда ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлашга доир айрим ишларни ҳам бажарса бўлади.

Шахсий суғурта қилиш. Ҳар бир киши ҳаётни суғурта қилиш «ўлим»ни ўйлаб қилинган иш эканлигини жуда яхши билади. Бунда гап маълум бир шахснинг эҳтимол тутилган ўлими билан боғлиқ иқтисодий зиён ўрнини қоплаш ҳақида боради. Ҳаётни суғурта қилиш юзасидан дастлаб шартнома тузилади. Бу шартномада муйайн шахс номига расмийлаштирилган суғурта полисида белгиланган миқдордаги суғурта ҳақи қайд этилади. Ўлими суғурта муҳофазасига олинган шахс суғурта қилинган шахс деб аталади. Ҳаётни суғурта қилишга доир шартномалар турли хил бўлади. Қўйида уларни санаб ўтамиш:

1) ҳаётни оддий тарзда суғурта қилиш, бунда ҳаётини суғурта қилдирган шахс бутун умри давомида суғурта бадалини тўлаб боради;

2) чекланган муддатга ҳаётни суғурта қилиш, бунда суғурта бадаллари маълум давр мобайнида бўлиб-бўлиб тўланади ёки бутун суғурта пули бир йўла тўланади, шундан сўнг полис тўланган деб ҳисобланади. Ўзини суғурта қилдирган шахс вафот этган тақдирда суғурта шартномасида кўрсатилган пул бир йўла тўланади;

3) полисда кўрсатилган ёшига етганида ёки вафот этган тақдирда суғурта қилинган шахсга бутун суғурта пулини тўланаш назарда тутилган суғурта;

4) шартли суғурта, бу — қисқа давр (одатда бир неча йил) мобайнида вафот этган шахс учун тўланадиган суғуртадир.

Шуни назарда тутиш керакки, иш манфаатларини химоя қилиш воситаси сифатида ҳаётни суғурта қилишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Якка тадбиркорлик шароитида ҳаётни суғурта қилдириш тадбиркорнинг бир ёки бир неча хизматчисига ёхуд қариндошрууғларига унинг ўлимидан сўнг шу корхонани сотиб олиб, ўз мулкига айлантириш имконини беради. Бу ҳолатда корхонани сотиш ҳақида шартнома тузилади. Шартномага кўра, мулк эгаси ўз қўли остидаги бир ёки бир неча хизматчига ёхуд қариндошрууғларига улар билан ўзаро келишган ҳолда, мазкур мулкни (нархини кўрсатиб) сотиш тўғрисида ўз зиммасига мажбурият

олади. Сотиб олувчилар эса ўз розилигини билдирадилар. Улар мулк әгасининг ҳаёти суурта қилинган полис юзасидан суурта бадалини тұлашга рози эканликларины ҳам маълум қиладилар. Мулк әгасининг вафотидан сүнг шу мулкни сотиш хусусида узилесил битим тузилади.

Шерик ёки бош акцияйдор ўлимидан сүнг корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида тижорат ишларида шу хилдаги шартномадан фойдаланиши мумкин.

Ҳаётни суурта қилдиришнинг бошқа афзалликлари ҳам бор: Масалан, күпчилик штатларда қабул қилинган қонунга мувофиқ, полисдан воз кечиш ҳақининг әнг кам миқдори белгилаб қўйилган; ҳаётни суурта қилдириш муддатининг икки ёки уч йили ўтиши билан суурта қилдирган шахс полисдан воз кечса, суурта компанияси унга кам миқдорда ҳақ тўлади.

Қўпинча ҳаётини суурта қилдирган кишилар компанияга мурожаат қилиб, ундан полисдан воз кечиш ҳақи миқдорида қарзоладилар ва кейинчалик унга маълум фоизини қўшиб тўладилар.

Суурта шартномасини тузишдаги ҳамма ҳолларда суурта қилдирган шахс бадални ўз вақтида тўлаши шарт. Бадални ўз муддатида тўлашдан воз кечиш шартномани бекор қилишга олиб келади.

Бахтсиз ҳодисалардан суурта қилиш. Бу хилдаги суурта бахтсиз ҳодиса рўй берганида, киши касал бўлганида ёки вафот этганида моддий ёрдам кўрсатиши мақсадида тузилади. Ҳар қандай шахс тасодиф ёки табиий оғат туфайли жароҳатланиши ёки ҳалок бўлиши мумкин. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар, табиий оғатлар, яшин уриши, сув тошқини, зилзила ва ҳоказолар ҳам ана шундай ҳодисалар жумласига киради. Бундай ҳодисалардан муҳофаза қилиш мақсадида суурта компаниялари алоҳида суурта полисларини беради. Суурта полисида дори-дармон ва даволаниш харажатлари, шунингдек кутнлмаган воқеалар сабабли киши меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиб пул то пиш имконидан маҳрум бўлган пайтда унга товон тўлаш назарда тутилади. Киши жиддий касаллик билан оғриган ҳолларда ҳам ёрдам тариқасида унга суурта полиси берилиши мумкин.

Умумфуқаро жавобгарлигига доир суурта. Суурта қилишнинг мазкур тури учинчи шахсга етказилган зарарни ўринини қоплаш хусусидаги шартномани ўз ичига олади. Турмушда ва шахсий ҳаётда тасодиғлар кўп учрайди. Бунинг натижасида турли хил зарар кўришлар содир бўлади. Буни биз тижорат ишларида ҳам кўрамиз. Баъзан эҳтиётсизлик оқибатида учинчи шахсга зиён етказилади ва унинг олдида ҳуқуқий жиҳатдан жавоб беришга тўғри келади.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳар бир шахс, масалан, ўй-жой ёки автомобиль әгаси эҳтиётсизликка йўл қўйиб, бошқа бир шахсга зиён етказиши ва шу зиён учун катта миқдорда пул тўлашга мажбур бўлиши мумкин. Худди шундай ҳолларда умумфуқаро жавобгарлигига доир суурта жуда қўл келади. Суурта

танинг бу тури суғурта қилдирган шахсни етказилган заарар учун товон тұлашдан халос қиласы. Умумфуқаро жавобгарлығига доир суғурта кенг тарқалған бўлиб, шу хусусда шартнома тузишда қуйидаги асосий шартларга амал қилиш лозим:

— суғурта полисига эга бўлган шахсга қарши иш қўзғатилгандан, суд ишларига доир барча чиқимларни тұлаш юзасидан суғурта компанияси мажбурият олади;

— мол-мулкини суғурта қилдирган шахсга нисбатан даъволар пайдо бўлганида суғурта компанияси ана шу даъволарни қўриб чиқади, тузилған шартнома доирасида судда ўз мижозининг манфаатларини ҳимоя қиласы, мижоз зиммасига тушадиган ҳамма харажатларни ўз бўйнига олади ва зарар етказилганини исботланган тақдирда мижоз учун товон тўлайди;

— суғурта шартномасида назарда тутилганидек, мол-мулкини суғурта қилдирган шахс рўй берган баҳтсиз ҳодисалар ҳақида суғурта компаниясига дарҳол ёзма равишда хабар бериши ва талаб этилган тақдирда шу ҳодисаларга доир зарур ахборотларни тақдим этиши, гувоҳларни кўрсатиши керак;

— полис эгаси ўз зиммасига ихтиёрий равишда бирон-бир қўшимча мажбурият олмаслиги лозим, чунки суғурта компанияси мижоз ўз ихтиёри билан оладиган ва шартномада кўрсатилмаган мажбуриятлар учун жавоб бермайди, бинобарин, ана шу ишлар юзасидан бўладиган харажатларни тўламайди;

— суғурта полисида етказилған заарнинг ўринини қоплаш учун тўланадиган маблагнинг энг юқори даражаси белгилаб қўйилади.

VI боб

ИМТИЁЗЛАР, ПАТЕНТЛАР ВА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

Қонун жисмоний ҳамда юридик шахсга нисбатан содир этилиши мүмкін бўлган қонун бузилиши ҳолларига қарши фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, айни пайтда фуқароларга турли имтиёзлар бериш ва шу имтиёзларни ёқлаш йўли билан уларнинг шахсий ва иш юзасидан манбаатларини ҳам муҳофаза қилади. Фуқароларга бериладиган имтиёзлар жумласига қўйидағилар киради: танҳо ҳуқуқлар, имтиёзлар, лицензиялар, муаллифлик ҳуқуқи, патентлик ҳуқуқи ва товар белгисига бўлган ҳуқуқ.

Танҳо ҳуқуқлар, имтиёзлар ва лицензиялар. «Эркин тадбиркорлик» жамияти шароитида амалда ҳар бир киши тадбиркорлик билан шуғулланиши мүмкін. Бироқ фойда олиш (баъзилар учун эса ҳузур-ҳаловат) мақсад қилиб қўйилган фаолиятнинг кўпгина турларига ҳукумат муассасалари албатта рухсат бериши керак. Бу хилдаги рухсатномалар лицензиялар, маҳсус рухсатномалар, танҳо ҳуқуқлар ёки имтиёзлар шаклида берилади.

Лицензия аслида бирон-бир фаолиятни амалга ошириш учун берилган имтиёз ёки ҳуқуқдир. Масалан, муйян сув сатқи доирасида балиқ овлашда, авиалиния ёки радиостанциядан фойдаланишда, тиббиёт ёки адвокатлик практикасида, кўчмас мулк юзасидан брокер (воситачи) фаолиятида лицензия қўлланилиши мүмкін. Тадбиркорликнинг бирон-бир турни ёки тижорат ишлари билан машғул бўлиши учун лицензия зарур. Ана шу лицензияни расмийлаштирмай туриб, хизмат кўрсатишга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишга рухсат берилмайди, чунки қонун буига йўл қўймайди.

Лицензиялар ҳукумат муассасалари томонидан берилади. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мол-мулк эгаси қонуний йўл билан олган патентини бошқа шахсга бериши ва у шахс мазкур патентдан фойдаланган ҳолда ўз товарларини сотиши ёки бошқа турдаги хизматлар кўрсатиши мүмкін.

Танҳо ҳуқуқлар ва имтиёзлар давлат ёки унинг бирон-бир идеяраси номидан бериладиган алоҳида вакиллик ҳуқуқи ёки танҳо ҳуқуқдир. Масалан, муниципалитет йўлларидан, темир йўл ёки

автобус йүлларидан фойдаланиш, ақолига электр құвватини сотиш, телефон тармоқларидан фойдаланиш танқо ҳуқуқтар ва имтиёзлар жумласига киради.

Муаллифлик ҳуқуқи, патент ҳуқуқи ва товар белгисига доир ҳуқуқ. Муаллифлик ҳуқуқи, патент ҳуқуқи ва товар белгисига доир ҳуқуқни муҳофаза қылувчи тижорат муассасалари оладиган даромад бир неча миллиард долларни ташкил этади. Патент табдиркорга товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун алоҳида ҳуқуқ беради. Муаллифлик ҳуқуқи тижорат оборотида бўлган асл нусхадаги ижодий асарларни муҳофаза қиласди; товар белгисига доир ҳуқуқ эса бирон-бир тижорат корхонаси ёки фирмаси кенг омма учун намойиш этадиган номлар ва рамзларни ҳимоя қиласди.

Муаллифлик ҳуқуқи ва унинг обьекти. Муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги федерал қонунда (АҚШ қонунлар мажмуни, 17-бўлим) асл нусхадаги ижодий асарларни бошқа кишиларнинг тегишли рухсат олмай, улардан нусха кўчиришидан муҳофаза этиш назарда тутилади. Қонунга кўра, бундай асарлар ўн учта тоифага бўлинади. Оддий табдиркорлик билан машғул бўлиш соҳасида учрайдиган тоифалар биринчи, еттинчи ва ўн биринчи гуруҳга киради.

Биринчи гуруҳ. Бунга китоблар, каталоглар, брошюралар ва ҳажми бир бетдан ортиқ бўлган дастурлар киради. Биринчи гуруҳга кирадиган нашрларнинг ўн биринчи гуруҳга кирадиган нашрлардан фарқи улар саҳифаларининг сонидадир, яъни биринчи гуруҳга кирадиган нашрларда саҳифалар сони кўпроқ бўлади.

Еттинчи гуруҳ санъат асарларини, уларни бадиий жиҳатдан қайта тиклашда зарур бўлган моделлар ёки эскизларни ўз ичига олади. Газмол, заргарлик буюмлари, кийим-кечакларга ишланган расмлар ҳам шу гуруҳга киради.

Ўн биринчи гуруҳ ёрлиқлар ҳамда чизмакашлик суратларидан иборатdir. Бунга фойда олиш мақсадида савдога чиқариладиган буюмлар киради. Масалан, табрикномалар, поча очиқ хатлари, бадиий безак бериб ишланган ёки товарларни сотишни кенгайтиришга ва уларни реклама қилишга ёрдам берадиган тасвиirlар туширилган календарлар шулар жумласидандир. Ушбу гуруҳга кирувчи буюмларнинг матн ҳажми бир бетдан ошмаслиги керак. Бундай талаб бошқа гуруҳларда йўқ.

Буюмларни юқорида кўрсатиб ўтилган тарзда гуруҳларга бўлиш шартли эканлигини ҳамда бу нарса муаллифлик ҳуқуқига оид обьектларни ҳеч бир чеклаб қўймаслигини ҳам инобатга олмоқ керак.

Ёрлиқлар ва этикеткалар. Муаллифлик ҳуқуқи ишлари бош қармаси белгилаб қўйганидек, ёрлиқлар «расм ёки матн мазмунини ифодаловчи ясси тасвир бўлиб, муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза этиш тартибида қопун йўли билан ҳимоя қилинади». Лекин фақат асл нусхадаги бадиий композицияларгина ҳимоя этилади. Этикетка эса ёрлиқ бўлиб, сотишга мўлжалланган товар

устига ёпиширилади ёки унга бошқача усулда қадалади. У үралган буюм устига ҳам ёпиширилиши мумкин.

Башарти буюм ёки нарса ижодий ва ягона иш, асл нусха асар бўлса, ундан нусха қўчиришга, унинг товар сифатидаги номини ҳамда белгиларини, ҳарфий рамзларини қасқартиришга ёки бошқача тарзда бузишга йўл қўйилмайди, бундай қилиш қонунда ман этилади. Муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган буюм ёки асар, биринчидан, адабий мазмунга эга бўлиши ва, иккинчидан, ундаги ёзувлар, унинг товар сифатидаги номи ва белгилари қонун йўли билан ҳимояяга олинган бўлиши шарт.

Реклама. Тижоратда ёки умуман ҳаётда буюмни сотиш ҳақида, унинг нархи ва бошқа хусусиятлари тўғрисида маълумот берувчи эълонлар кўп учрайди. Масалан, кундалик рўзномаларда босилаётган эълонларни олайлик ёки универсал магазинларда, автомобиль савдосида, дорихоналарда, тайёр кийим-кечаклар сотиладиган дўконларда ва бошқа савдо корхоналарида намойиш қилинадиган эълонларни олайлик. Булар муаллифлик ҳуқуқи йўли билан ҳимояланишга муҳтож эмаслиги ўз-ўзидан равшан. Улардан нусха қўчиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Аммо, ижодий ёндошиб ишланган, яъни матни, суратлари ёки баён этиш шакли ақл-заковат маҳсулни бўлган рекламали эълонлар учун муаллифлик ҳуқуқи берилиши мумкин. Маълумки, этикеткалар реклама турларидан биридир. Бу борада муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун муайян фирма тайёрлаган товарларни сотиш чоғида уларнинг ташқи кўринишига тааллуқли жиҳатларнигина ҳимоя қиласди, айни пайтда бошқа шахсларнинг худди шундай товарларни ўзи истаган тарзда безаши ҳуқуқини асло чегаралаб қўймайди. Муҳими шундаки, муайян фирманинг асл нусхадаги ҳамда ташқи кўриниши жиҳатидан алоҳида ажралиб турдиган этикеткаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи бузилмаглиги учун кафиллик берилиши лозим.

Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза этишининг бошқа обьектлари жумласига яна қўйидагилар киради: рекламали ёрлиқча ва карточкалар, ичига товар солинган картон қутичалар (масалан, радиотоварлар, устаралар солинган қутичалар), алоҳида белгиси бўлган ўроғлиқ буюмлар, расмли каталоглар, муқовасига турли безаклар ишланган шаҳодатномалар ҳамда дипломлар, газмол устига битилган турли хил ёзувлар ва ҳоказо.

Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза этишини таъминлаш тартиби. Уз муаллифлик ҳуқуқига риоя этувчи шахс қўйидаги ишларни бажариши зарур:

— муаллифлик ҳуқуқи муҳофаза этиладиган оригинал буюмдан нусха тайёрлаши (бу реклами эълон, этикетка ва ҳоказолар бўлиши мумкин) ва уни тегишли ташкилотга топшириб, шу ташкилотни бу тўғрида хабардор қилиб қўйиши лозим;

— мазкур ишни (асарни) матбуотда эълон қилиши (нашр этишириши,) иш (асар)нинг эълон (нашр) қилиниш вақти у босилиб чиқишидан аввал кўрсатилиши керак;

— тегишли талабномаларни муаллифлик ҳуқуқи ишлари бош-
қармасида рўйхатдан ўтказиши лозим. Иш (асар) босилиб чиқи-
ши (нашр қилиниши) билан дарҳол муаллифлик ҳуқуқи бўйича
давлат регистрига тегишли материалларни рўйхатдан ўтказиш
учун юбориши зарур (бу ишларни Конгресс кутубхонаси олиб
боради).

Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза этиш иш (асар) рўйхатгэз
олингандан сўнг 28 йил давомида ўз кучини сақлаб туради, кейин
бу муддатни яна 28 йилга чўзиш мумкин. Рўйхатга олинган иш
(асар) муддатини чўзиш ҳақидаги ариза шу иш (асар) биринчи
марта рўйхатга олинган муддатнинг охириги йили мобайнида бе-
рилиши керак.

Рўйхатга олинган материал бирон-бир сабаб билан қайта кў-
риб чиқилса ва унга ўзгаришлар киритилса, уни ҳар гал қайта
рўйхатдан ўтказиш шарт эмас. Бунда киритилган ўзгаришлар
асарнинг асосий мазмунини, унинг моҳиятини бутунлай ўзгар-
тириб юбормаслиги жуда муҳимдир. Масалан, этикетка рангини
ёки фирма белгисини оддийгина ўзгартириш уни қайта рўйхатдан
ўтказишни талаб қилмайди, аммо каталогга янги бир тасвир қў-
шилиши билан оғзи ўзгариб, иш (асар)ни қайта рўйхатдан
ўтказиш зарурати туғилади.

Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши. Муаллифлик ҳуқуқи му-
ҳофаза қилинадиган ҳар қандай буюм (иш, асар)нинг биронта
муҳим қисмидан ҳар қандай тарзда нусха кўчириш ва ундан ти-
жорат ишларида фойдаланиш қонунни бузиш демакдир. Умуман
олганда, виждан амри билан иш қилиб, биронта асардан нусха
кўчирилса ва бунда оригиналга ишора қилинса, бунинг учун ало-
ҳида рухсат керак бўлмайди. Чунончи, турли обзорларда, китоб-
ларда бошқа маңбалардан парчалар келтирилади, цитаталар оли-
нади, бошқа муаллифларнинг асарларидан, илмий ишларидан
фойдаланган ҳолда, маълумотлар ва ёрдамчи материаллар оли-
нади. Бунинг учун махсус рухсат бўлиши шарт эмас. Бироқ бунда
маълум даражада меъёр бўлиши керак, яъни ана шу баҳона
били ўзга муаллиф асарининг каттагина қисмини ўзлаштириш ин-
софдан эмас, албатта.

Муаллифлик ҳуқуқини бузган кишилар судга берилиб, жавоб-
гарликка тортилиши, етказилган зарар учун жарима тўлаши ва
ҳатто қамоқца олиниши ҳам мумкин.

Патентлар, патент объектлари ва патент бериш тартиби. АҚШ-
нинг патентлар тўғрисидаги қонунида патентлардан кузатилган
мақсад «машиналарни, буюмларни тайёрлашнинг ёки моддалар
қўшилишинииг янги ва фойдали усулларини ёхуд уларнинг тако-
миллаштирилишига оид ишларни муҳофаза қилишдан иборат»,
дейилади. Фақат машиналаргагина эмас, шу билан бирга ўсим-
ликларнинг янги яратилган ва ўзига хос турларига, шунингдек
ишлаб чиқариш соҳасида тайёрланган ҳамда ташқи безаги билан
алоҳида ажралиб турадиган маҳсулотларга ҳам патент берилиши
мумкин.

Патент бюроси фаолиятининг асосий мазмунни патент олаётган янги-янги объектлар пайдо бўлаётганинг доир масалани кўриб чиқишдан иборатдир.

Башарти муаллиф менинг ихтиро қилган ишларим ёки кашфиётим бор, улар янгиликдир ва улардан фойдаланиш мумкин, шу боисдан ана шу ихтиро ёки кашфиётимга патент берилиши керак, деган хulosага келса, у ҳолда мазкур муаллифнинг биринчи галда қиладиган иши патент олиш ҳақида буюртманома ёзишдан бошланади.

Буюртманома ёзиш роят мураккаб ва машақатли иш бўлиб, бунинг учун патент берадиган идора агентига ёки адвокатга мурожаат қилишга тўғри келади. Бу агент ёки адвокат патент ишларини расмийлаштирувчи вакил сифатида иш юритиш лицензиясига эга бўлиши лозим.

Буюртманомада ихтиро ёки кашфиётни тайёрлаш технологияси, кашфиётнинг янгилиги, ундан фойдаланиш усуллари ҳамда унинг шу соҳада қўлланилаётган бошқа қурилмалар ва механизмлардан афзалиги баён қилиниши керак. Бу хусусдаги тушунишилар шундай тарзда тузилмоғи лозимки, ушбу соҳадан хабардор бўлган ҳар қандай шахс уларни бемалол тушуна оладиган бўлсин. Бироқ буюртманомада кашфиётнинг тижорат ишларидаги устун жиҳатлари хусусида фикр юритмаслик керак, чунки бу нарса муаллифга нисбатан рақобатчи пайдо бўлишига олиб келади.

Корхона эгалари (ёки муаллифлар) ўз ихтиросига патент олишдан аввал бирон-бир сабаб билан ана шу янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этишини хоҳламаса, ҳуқуқни ҳимоя қилишининг маҳсус турига мурожаат этишлари мумкин. Бунда патент олиш учун ёзилган буюртманома дастлабки экспертизадан ўтказилади.

Шуни назарда тутниш керакки, фақат муаллифнинг ўзигина ихтироси учун патент олиши мумкин. Агар ихтирочиликда бир неча муаллиф қатнашган бўлса, у ҳолда улар патент олиш учун биргаликда ёзилган буюртманомани тақдим қиладилар. Башарти, ихтиро фирманинг ёлланган ходими томонидан унинг хизмат бурчига кирадиган иш вақтида қилинган бўлса, иш берувчи «корхона ҳуқуқи» деб аталмиш ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда, бу ихтиро корхонага тегишли деб ҳисоблаши мумкин. Мазкур корхонага ихтиро учун патент бериш ҳуқуқи расмий равишда берилмаган бўлса иш берувчи ана шу ихтиродан фақат тижорат мақсадида фойдаланиш ҳуқуқини олади, холос.

Патент олиш учун буюртманома берилганидан сўнг унинг устуга одатда «Патент олиш учун тавсия қилинади», деган ёзув ёзив қўйилади.

Патент кафолати 17 йил давомида ўз кучини сақлаб туради ва у қайта тикланмайди. Патент муддати АҚШ Конгрессининг рухсати билангина узайтирилиши мумкин.

Товар белгиси. Товар белгиси фирманинг ёки фирма товарларининг рамзи, шуларга тегишли бўлган сўз ёки шартли қисқарт-

мадир. Бу белги уни биринчи бор ишлатган шахсга тегишли бўлиб, мазкур шахс фирмаси ёки товарнинг ўзига хос жиҳатини ифода этади.

Товар белгисининг бирламчилик ҳуқуқи шу белгидан фойдалана бошлаган вақтдан кучга киради. Бу ҳолат мазкур фирманинг товар белгиси қўйилган маҳсулотлари сотила бошлаган ёки савдо қилиш учун тарқатила бошлаган пайтда содир бўлади. Товар белгисининг амал қилиш муддати товар эгасининг истагига қараб белгиланади.

Товар белгиси лўнда, эсда яхши сақлаб қолинадиган ва кенг омма диққат-эътиборини ўзига жалб эта оладиган бўлиши лозим. Фирма товарлари АҚШ ҳудудида ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам сотилиши мумкин, шу боис товар белгиси АҚШга ҳамда бошқа мамлакатларга ёқмайдиган маънони билдириласлиги ва улар учун нохуш шаклда бўлмаслиги зарур. Ниҳоят, бу белги бошқа товарларда мавжуд бўлган белгиларга ўхшаш бўлмаслиги керак. Қизил Крест белгисига ёки бошқа жамоат ташкилотларининг белгиларига ўхшаган тасвиirlардан товар белгиси сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Ҳудди шунингдек, ҳар қандай мамлакатнинг байроғини ёки унинг армиясига хос белгиларни, штат ёки муниципалитет рамзларини, бирон-бир шахснинг розилигисиз унинг номини, суратини ёки имзосини ёхуд ахлоқга ва жамиятга зид бўлган белгиларни тасвиirlаб, улардан товар белгиси сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

Товар белгиси расмий равишда рўйхатдан ўтгунига ҳамда унга бирламчилик ҳуқуқи белгиланишига қадар ихтисослашган компанияга ёки адвокатурага мурожаат қилиш зарур. Бу ташкилотлар товар белгиларини ўз картотекасига ёзиб қўядилар ва тегишли хизмат кўрсатадилар.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун патент бюросига тегишли ҳақ тўланади ва у ерга қўйидаги ҳужжатларни топшириш керак:

- ёзма равишда талабнома;
- товар белгисининг тасвири;
- белгининг босма нусхалари.

Ушбу товар белгисини рўйхатдан ўтказиш керакми ёки йўқми, деган масалани бюро экспертлари ҳал қиласди. Агар бу хусусда бирон-бир эътироz келиб чиқмаса, товар белгиси давлат регистрига киритилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, фақат штатлар ўртасида савдо сотиқ қилинадиган товарлар белгисини федерал муассаса муҳофаза қиласди. АҚШнинг ҳар бир штати товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш тартибини ўзи белгилайди. Бироқ федерал қонуига мувофиқ рўйхатдан ўтган товар белгиси кўпроқ қийматга эга бўлади. Агар фирма белгиси федерал муассаса рўйхатидан ўтган бўлса, у ҳолда ушбу товар белгисини битта ёки бир нечта штатда қайта рўйхатдан ўтказишнинг ҳожати бўлмайди.

Федерал қонунга кўра рўйхатдан ўтказилган товар белгисининг

амал қилиш муддати 20 йил қилиб белгиланган. Белгининг амал қилиш муддати яна бир неча 20 йилга چўзилиши ҳам мумкин.

Товар белгиси рўйхатга олинганидан сўнг унга «АҚШ Патент бюросида рўйхатдан ўтган» деган ёзув ќўйилади ёки «R» белгиси босилади.

Товар белгиси бошқа давлатларда ҳам муҳофаза қилиниши мумкин. Бунинг учун у тегишли рўйхатдан ўтказилиши зарур. Аммо кўпчилик мамлакатларда Америка фирмасининг товар белгисини рўйхатдан ўтказишдан олдин унинг АҚШнинг ўзида дастлабки тарзда рўйхатдан ўтишини талаб қилишади.

Товар белгисидан маҳрум бўлиш. Агар товар белгиси рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ундан амалда фойдаланилмаса, бундай ҳолатда унга эгалик қилиш ҳуқуқи йўқотилиши мумкин. АҚШ қонунига мувофиқ, товар белгиси эгаси шу белги амал қилиб турган олтинчи йил давомида белгидан фойдаланиш давом этажетганлиги тўғрисида ёзма равишда ариза бериши лозим. Агар шундай ариза топширилмаса, белги бекор қилиниши мумкин. Товар ўзининг аввалги маъносини ёки мазмунини йўқотганида, шунингдек белги эгаси шу белгининг оригиналлигини сақлаб қола олмаганида ҳам товар белгисидан маҳрум бўлиши мумкин. Шу сабабли белги эгаси товар белгисига бўлган ўз ҳуқуқи йўқолмаслигини назорат қилиб туриши керак. Борди-ю, бунда бирон-бир қоида бузилиши сезилса, дарҳол бу тўғрида ўз эътирозини билдириши зарур. Товар белгиси эгаси бу хусусдаги қоида бузилиши биланоқ қоидани бузган шахсга ёзма равишда хабар жўнатади. Агар шу нарса қоидани бузган шахсга таъсир қилмаса, у ҳолда иш судга берилади. Натижада етказилган зааррнинг ўрни қопланиши ёки ўзганинг белгиси қўйилган товарлар йўқ қилиниши ҳам мумкин.

VII боб

ИШ БЕРУВЧИННИГ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН ҲҮҚҮКИЙ МУНОСАБАТЛАРИ. ЁЛЛАШ ШАРТЛАРИ. ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ СИСТЕМАСИ

АҚШда меҳнат муносабатлари түғрисида 1935 йилда қабул қилингандай федерал қонун (кейинчалик бу қонунга жиддий қўшишчалар киритилган бўлса ҳам) иш берувчилар ва ишчи-хизматчилар ўртасидаги муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиб туриш учун негиз бўлди. Меҳнат муносабатлари түғрисидаги қонундан кузатилган мақсад — меҳнат соҳасида келиб чиқадиган низоли масалаларни жамоа шартномалари асосида ва ҳар иккала томоннинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш учун замин яратишдан иборат.

Жамоа шартномаларини тузиш қонун йўли билан тартибга солиб туриладиган гоятда қийин жараёндир. Бу жараён жамоа шартномаларининг мазмуни ва мақсадини ифодаловчи баъзи муҳим жиҳатларни назарда тутади.

Кўп кишилар ишлайдиган ҳамда касаба уюшмаси бўлган корхона ва фирмаларда иш берувчи билан келишган ҳолда жамоа шартномаси тузилади. Иш ташлашларни уюштириш касаба уюшмасининг асосий таъсирчан воситаси ҳисобланади. Ҳар қандай тадбиркор касаба уюшмасини тан олиши керак, бунда касаба уюшмасининг федерал ҳукуматга ёки штат маъмуриятига мурожаат қилиши шарт эмас. Башарти тадбиркор касаба уюшмасини тан олмаса, у ҳолда касаба уюшмаси меҳнат муносабатлари федерал кенгашига ва ўз штатидаги худди шундай кенгашга мурожаат қилиши мумкин. Бу идоралар эса компаниядаги меҳнат жамоасининг бирдан-бир вакили сифатида касаба уюшмасининг ҳуқуқини тасдиқлаб, музокара олиб боришга ҳақли эканлигини тушунтириб берадилар.

Жамоа шартномасини тузишда касаба уюшмаси билан корхона ёки фирма маъмурияти ўртасида музокаралар олиб боришнинг бир қанча усууллари мавжуд.

Завод ичида олиб бориладиган жамоа музокаралари. Бунда завод ёки компания маъмурияти билан ёлланган ишчиларнинг вакиллари ўртасида музокара олиб бориш йўли билан шартнома

тузиш ва шу йўл билан жанжалли масалаларни ҳал қилиш назарда тутилади.

Компания доирасида олиб бориладиган музокаралар. Иш берувчи бир неча заводнинг эгаси бўлса, жамоа шартномаси ана шу заводлардаги касаба уюшмаси аъзолари бўлган ходимларга дахлдор бўлади.

Саноат тармоқлари доирасида олиб бориладиган музокаралар. Бу тармоқдаги барча иш берувчиларнинг вакиллари билан шу тармоқ ишчи ва хизматчилари манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаси ўртасида олиб бориладиган жамоа музокарасидир. Бундан кузатилган асосий мақсад мазкур тармоқдаги жамики компания ва фирмалар учун бир хил кучга эга бўлган, ўзаро келишиб олинган ва ҳаммага мақбул битимга эришишдир.

Тармоқлар гуруҳи бўйича олиб бориладиган музокаралар. Бу шундан олдинги ҳолатга ўхшаб кетади, лекин битта фарқи бор, яъни бунда жуғрофий шароитлар ҳисобга олинади. Аммо бу ҳолат музокаралар олиб бориш имкониятини чеклаб қўяди.

Музокаралар олиб бориш ва томонларнинг бир-бирини тушунишига эришиш натижасида муайян муддатга (одатда бир йилга) жамоа шартномаси тузилади. Шартномада қўйидаги масалалар назарда тутилади:

— инфляция (пулининг қадрсизланиши) муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва иш ҳақининг ўз-ўзидан ошиб кетиши;

— ходимларни лавозимларга тайинлаш, уларни бир лавозимдан иккинчисига ўтказиш ҳамда уларни ишдан бўшатиш тартиби;

— иш вақтидан ташқари қилинган иш ва отпуска учун ҳақ тўлаш, ишдан бўшатилганда ёрдам пулини тўлаш;

— турли дотациялар (ўкиш, яшаш, транспортда юриш, овқатланиш ва хоказолар учун бериладиган ёрдам пули) системаси;

— ишчи ва хизматчиларнинг фойда олишда қатнашуви системаси.

Томонлар бир битимга кела олмаган ҳолларда, улар арбитражга мурожаат қиласидилар. Жамоа шартномаларининг аксариятида маълум бир ҳакам (одатда давлат ёки жамоат идорасининг ҳаками) назарда тутилади, мазкур ҳакамга ишчи ва хизматчилар ширкоятини кўриб чиқинида томонлар ишонч билдирган энг сўнгги шахс деб қаралади.

Амалиётда арбитраж битимларининг икки тури учрайди: биринчиси, келажакла рўй бериши мумкин бўлган барча жанжалли масалаларни арбитражга берниш назарда тутилган битим; иккинчиси, рўй берган жанжалли масалаларни арбитражга бериши назарда тутилган битим. Битимнинг биринчи тури одатда меҳнаг шартномасининг баандларидан бири сифатида қўлланилади. Аксарият шартномаларда арбитраж кўриб чиқиши учун топширилиши лозим бўлган жанжалли масалалар доираси чеклаб қўйилган. Арбитраж битими бўлмаган ҳолларда айrim жанжалли масалаларни кўриб чиқиши учун махсус битим тузиш ҳам мумкин.

Шартномаларнинг аксариятида исталган томоннинг талаби

билан арбитраж шикоятларини қабул қилиши керак, деган шарт қўйилган. Бу шарт бажарилиши учун фирма ва касаба уюшмаси вакиллари ҳакамни тайинлашга розилик билдиришлари, арбитраж кўриб чиқиши учун топшириладиган масалалар доирасини биргаликда аниқ белгилаб олишлари кифоя. Арбитражда масалалар кўпинча оғзаки равишда кўриб чиқилади. Арбитражда иш кўрилганида ҳар икки томон бундан хабардор қилинади ва биргаликда қатнашади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, арбитраж меҳнат соҳасидаги низоли масалаларни (хукумат идораларининг аралашувисиз ва ишнинг судда кўрилишига йўл қўймаган ҳолда) ҳал қилишнинг энг қуладай шаклидир.

Федерал қонунларда, шунингдек айрим штатларга тегишли қоидаларда томонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини жамоа шартномаси асосида тартибга солиб туришдан ташқари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг муайян тартиби, иш ҳафтасининг муддати, маҳсус таъминот ва ижтимоий суғурта бўйича ишчи-хизматчиларга бериладиган турли хил имтиёзлар ҳамда тўловлар, шунингдек ишга ёлланган ишчи ва хизматчиларни камситиш ҳолларини чеклаш чоралари назарда тутилади. Федерал қонунларда ишчи ва хизматчилар ишсиз қолганида уларни суғурта қилиш, қариллик пенсиясини тўлаш, ногиронларга нафақа бериш ва бошқа имтиёзлар юзасидан кенг дастур белгиланган. Қонундаги кўпгина қоидаларни федерал муассасалар ва штатлардаги идоралар биргаликда бажариши алоҳида кўрсатилган.

Қонунда иш берувчи ҳам, ишчи ва хизматчилар ҳам ижтимоий таъминот юзасидан солиқ тўлашлари лозимлиги ўқтириб ўтилади. Ижтимоий таъминот жамғармаларидан пенсия ва нафақалар бериш учун фойдаланилади. Белгиланган солиқ миқдорининг ярмини иш берувчи, қолган ярмини эса ёлланган ишчилар тўлайди. Иш берувчи ёлланган ишчилар маошидан солиққа тегишли қисмини ушлаб қолиши ва солиқни тўла ҳолда ижтимоий таъминот жамғармалари ҳисобига ўтказиб юбориши шарт.

Қариллик пенсияси ва боқувчисини йўқотганда бериладиган нафақа. Бу хилдаги нафақа уч тоифага бўлинади:

— ишчиларга ҳар ойда бериладиган пенсия, бу пенсия 62 ёшга етганда ва ундан ошганда берилади;

— меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганда бериладиган нафақа, қариллик пенсияси миқдорида берилади. Агар ишчи пенсия ёшига етмасдан, меҳнат қилиш қобилиятини бутунлай йўқстса, у ва унинг қарамоғида бўлганлар ана шундай нафақа олиш ҳукуқига эга бўладилар;

— боқувчисини йўқотганлик учун бериладиган нафақа пенсия ёшига етмай вафот этган ишчининг қарамоғида бўлганларга, шу жумладан меросхўрларга мўлжаллангандир.

АКШ Конгресси ижтимоий таъминот соҳасига вақти-вақти билан турли хил қўшимчалар киритиб боради, айни пайтда нафа-

қалар миқдорини ҳам ошириб боради. Бу тамойил келажакда ҳам давом этса керак.

Ижтимоий таъминот ҳақидағи қонун штатларнинг маъмурлари зиммасига ишсизларни ижтимоий суғурта қилиш системасини жорий этиш вазифасини юклайди. Бу вазифа иш ҳақи жамғармасига қўшимча солиқ солиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу солиқ штатларнинг ҳукуматлари томонидан компания ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи юзасидан белгилаб қўйилган жамғарма ҳисобидан олинади. Олинган солиқ пули штатларнинг жамғармалари билан федерал жамғармалар ўртасида қонунда белгиланган тартибда тенг тақсимланади.

Федерал қонунда ижтимоий суғурта қилиш масаласи ўртага қўйилишидан ташқари, ишчи ва хизматчиларнинг «адолатли меҳнат шароити» деб аталмиш шароитга нисбатан ҳам муайян тараблар қўйилган. Бу — ҳамма томонидан эътироф қилинган тараблардир. Бундан кузатилган мақсад — касаба уюшмаларига бирлашган ёки бирлашмаган ҳамма ишчи-хизматчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Қонунда, жумладан, иш ҳақининг энг кам миқдори (соатига 3, 75 доллар) ва иш ҳафтасининг муддати (40 соат) белгилаб қўйилган. Иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бир ярим ёки икки баравар ортиқча ҳақ тўлаш назарда тутилади.

Мазкур қонун жуда кўп соҳаларда ҳам, аммо ишлаб чиқаришининг айрим тармоқлари, савдо-сотиқ соҳаси, шунингдек ишчи ва хизматчиларнинг бир қатор бошқа тоифалари унинг доирасига кирмай қолмоқда. Бу тоифага, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда сут маҳсулотларини тайёрлаш ва қадоқлаш корхоналарининг ишчи ва хизматчилари, такси ҳайдовчилар, ресторан ҳамда кафетерийларнинг ходимлари, маҳсулотларни ташувчилар, кир ювиши ва кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш муассасаларининг ходимлари киради. Уларнинг фаолияти, меҳнаг ҳақи ва иш ҳафтаси муддати штатларда қабул этилган қонунлар асосида тартибга солиб турилади.

14 ёшдан кичик бўлган болаларни ёллаб, мажбурий равишда меҳнатга жалб этиш қонунида ман қилинади (маълум шароитларга кўра ота-онасининг ўринига ишлайдиган болалар бундан мустаснодир). Меҳнат вазирлиги ўсмирлар учун ишлаш жуда хавфли деб ҳисоблаган корхоналарга 18 ёшдан кичик бўлган ёшларнинг ишга қабул қилинишига рухсат этмайди.

Жамoa шартномаларининг аксариятида шундай қоида борки, унга биноан корхона эгасининг ўз хоҳишига кўра ходимларни ишдан бўшатиб юбориш ҳуқуқи чеклаб қўйилган. Одатда ходимларни ишдан бўшатиш чоғида уларнинг иш стажига қаралади, яъни ишга бошқалардан кейин келган киши биринчи галда ишдан бўшатилади. Ёлланган ходимлар белгиланган қоидани бузган тақдирда уларни ишдан бўшатиш чоғида келиб чиқадиган жанжалли масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳам шартномада назарда тутилиши мумкин.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаса, ишдан бўшатилган ходимларга нафақа берилиши мумкинлиги тўғрисида ҳам шу шартномада олдиндан келишиб олса бўлади. Бундан ташқари, баъзи фирмалар фойда олиш жараёнига ишчи ва хизматчиларни жалб этиш системасини қўллайдилар, ўз ҳисобидан уларга пенсиянинг бир қисмини тўлашни ҳам зиммаларига оладилар. Ишдан бўшатилиш чоғида ишчи ва хизматчиларнинг манбаатлари ҳимоя қилинади, яъни улар ижтимоий жамғармалардан моддий ёрдам оладилар. Муайян иш стажига эга бўлган ёки пенсия ёшига етган ходимлар ишдан бўшаганда уларга қонунга мувофиқ пул ёки фоизли мукофот берилади.

Барча штатлардаги тартибга кўра, баҳтсиз ҳодиса рўй берганида ходимга ёки хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимнинг оила аъзоларига нафақа тўланади.

Ходимнинг компенсация олиш юзасидан ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиши шарт эмас: у компенсация масалалари билан шуғулланувчи давлат комиссиясига ёзма равишда талабнома тақдим этса бас. Азият чеккан кишидан одатда у корхонада зиён кўрганлиги ёки жароҳатланганинги тасдиқлаши, ўзига етказилган зиённинг характеристири ва миқёсини кўрсатиши талаб қилинади, холос. Бордию азият чеккан кишига ҳамда иш берувчига компенсация тўлаш ҳақидаги қонун бевосита даҳлдор бўлса, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш хусусида ҳеч бир қийинчиллик келиб чиқмайди. Бундан ташқари етказилган зиён ходимнинг ёки иш берувчининг хатоси билан содир этилган тақдирда ҳам компенсация тўланаверади. Бироқ мастлик ёки атайин қилинган ҳаракат (масалан, ўзига жўрттага шикаст етказиш) оқибатида зиён етказилганда ёки баҳтсиз ҳодиса рўй бергандага ходим компенсация олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Компенсация тўлаш тўғрисидаги қонун ходимларнинг ҳамма тоифаларини ҳам ўз ичига қамраб олади, деб бўлмайди. Баъзи штатлардаги қонунилар фақат хавфли ёки жуда хавфли ишларда машғул бўлган ходимларга даҳлдордир. Айрим штатларда эса бу қонунилар энг кам белгиланган миқдордан ҳам камроқ ишчи хизматчиси бўлган корхоналарга даҳлдор эмас. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳамда уй хизматчилари ҳам компенсация тўлаш тўғрисидаги қонундан фойдалана олмайдилар.

Компенсация пули кўпинча ходим оладиган иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлади. Одатда бу пул иш ҳақининг маълум бир қисмини (фоиз ҳисобида) ташкил этади ва 50—70 фоиз атрофида бўлади. Ходим компенсация пулини тўлиқ олишга ҳамиша ҳам умид боғлай олмайди, чунки компенсация тўлашнинг энг юқори (масалан, ҳафтасига 200 доллар) ҳамда энг кам даражаси белгилаб қўйилган.

Барча штатларда қабул қилинган қонунда оила боқувчиси вафот этганида шу оиласга нафақа тўлаш назарда тутилган. Маълум муддат мобайнида тўлаб бориладиган бу хилдаги нафақанинг миқдори чегаралаб қўйилган. Бунда боқувчисидан айрилган

оила яшаб турган шароит, оила аъзоларининг сони, уларнинг меҳнат қилиш қобилияти ва бошқа жиҳатлари ҳисобга олинади, албатта.

Кўпчилик штатларда оила боқувчиси вафот этганда берила-диган нафақа миқдори марҳумнинг тириклигига ишланган пайтидаги бир ҳафталик ўртача иш ҳақи миқдоридан муайян фоизи олинади. Вафот этган кишининг бевасига одатда унинг иш ҳақининг ярмидан то учдан икки қисмигача берилади, аммо бу белгилаб қўйилган энг кўп миқдордан ошмаслиги керак. Агар беванинг болалари бўлса, бериладиган пул миқдори ҳам шунга яраша оширилиши мумкин.

Ишчи ва хизматчиларни ёллаш чеғида камситишларни чеклаш. АҚШнинг кўпчилик штатларида ҳозирги вақтда ишчи ва хизматчиларни ишга ёллаш чоғида ирқи, миллати, танасининг рангига ҳамда бошқа сабабларга кўра уларни камситиш ман қилинган. Бир қанча штатларда эса ишга ёллашда одамларни ёшига қарао камситишнинг олдини олиш чоралари кўрилган. Шу боисдан ишга ёллаш пайтида тўлдириладиган сўров варақалари ёки анкеталардаги саволлар рўйхати қарорга мувофиқ чегаралаб қўйилган, Анкета, жумладан, шундай саволлардан тузилган бўлиши мумкин:

**Исми, Кўйидаги саволларни бе-
фамилияси риш мумкин:**

Ишга кирувчининг фамилияси ёки унинг бўни-
ка жойда ишлаган пайти-
даги фамилияси. Ишга
кираётган аёлнинг қиз-
лик давридаги фамилия-
си.

Манзилгоҳи Хозирги ва аввалги ман-
зилгоҳи, ўша жойларда
турган муддати.

**Ёши
ҳақидаги
гувоҳнома**

Мактаб маъмурияти
ўқувчиларнинг ёшини
тасдиқлаб, уларга иш-
лаш учун берган рухсат-
нома; ишга кирувчининг
туғилганлик ҳақидаги гу-
воҳномаси (ёллаш тўғ-
рисидаги шартнома ту-
зилганидан сўнггина тақ-
дим қилинади).

Иш берувчи савол бе-
ришга ёки ҳужжат кўр-
сатилишини талаб қи-
лишга ҳақли эмас;

Ишга кирувчининг суд
қарори билан ўзгарған
исми ва фамилияси.

Ишга кирувчининг ман-
зилгоҳига қараб унинг
миллатини аниқлаш.

Ёллаш тўғрисидаги
шартнома тузилганига
қадар туғилиш ҳақидаги
гувоҳномани ёки чўқин-
тиришга доир маълумот-
номани талаб қилиш.

Туғилган жойи

Ёллаш шартномаси ту-
зилганидан сұнг АҚШ фу-
қароси эканлигини тас-
диқловчи хужжатни сұ-
раш.

Ишга киравчининг, унинг
ота-онасининг, хотини
(эри)нинг, оила аъзола-
рининг ёки қариндош-
уругларининг туғилган
жойи; туғилганлик ҳақи-
даги гувоҳномасини, чӯ-
қинтиришга доир ҳуж-
жатни кўрсатиши талаб
қилиш.

Диний эътиқоди

Ишга киравчининг қайси
динга эътиқод қилишига
доир ҳар қандай савол-
лар бериш (масалан, у
чековга қатнайдими,
ёки йўқми, қайси бай-
рамларга амал қиласди
ва ҳоказо). Бундан таш-
қари, ишга ёллаш чори-
да иш берувчи үзининг
католик, протестант, яхуд-
ий ёки атеистик ташки-
лотнинг ғаъзоси эканли-
гини ёлланувчига айти-
ши мумкин эмас; шунинг-
дек ишга киравчидан
унинг диний мураббийси
номидан ёзилган тавсия
нома ёки илтимосномани
талаб қилиш мумкин
эмас.

Ирқи, танасининг ранги, миллати

Ишга киравчининг сочи
ва кўзининг ранги.

Ишга киравчининг, унинг
ота-онасининг, хотини;
(эри)нинг қадди-қомати-
га, терисининг рангига,
ирқига ёки қайси мил-
латга мансублигига бе-
восита ёки билвосита
алоқадор бўлган савол-
ларни бериш.

Фуқаролиги

Ишга олинаётган ходим
АҚШ фуқаросими; агар
АҚШ фуқароси бўлмаса,
унинг АҚШ фуқароси
бўлиш нияти борми (xo

Ишга киравчи АҚШлик-
ми ёки АҚШ фуқароси
хуқуқига эга бўлган чет
элликми, қачон АҚШ фу-
қароси бўлган ёки бу

тини ёки эри АҚШ фуқароси бўлса); унинг АҚШда бўлиши қонунийми; ёллаш ҳақидаги шартнома имзоланганидан кейин ишга кирувчидан унинг фуқаролигини тасдиқловчи гувоҳномани сўраш мумкин.

ҳақдаги гувоҳномани қачон олган; унинг ота-онаси ёки хотини (эри) АҚШ фуқароси ҳисобланадими.

Маълумоти ва қасби

Ишга кирувчи қайси умумий таълим ёки ҳунар билим юртини битирган, унинг ёза билиш, ўқиш ва чет тилларда сўзлашиш қобилияти; унинг мазкур ишга лойиқлигини аниқлаш мақсадида малакаси ҳамда билими хусусида қисқача фикр сўраш.

Ишга кирувчининг она тили; чет тилни у қаерда ўрганган; у битирган мактабнинг қайси миллатга мансублиги ва диний йўналиши; у илгари ишлаган жойда тижорат сирига оид маълумотларни сўраш.

Қариндош-уруғлари

Бахтсиз ҳодиса рўй берган тақдирда хабар қилиш учун маълум бир шахснинг исмини, қариндошлик алоқасини ва манзилгоҳини билиш; унинг шу фирмада ёки корхонада ишлаётган хотини (эри), болалари ёки қариндош-уруғлари нинг номи; ишга кирувчи ўз ота-онаси билан бирга турадими.

Ишга кирувчининг шу фирма ёки корхонада ишлайдиган хотини (эри), болалари ва ота-онасидан ташқари, ҳар қандай қариндош-уруғлининг номи ва манзилгоҳини сўраш.

Ташкилотларга мансублиги

Ишга кирувчи мансуб бўлган ҳар қандай жамомат ташкилотининг номи (ирқига, миллатига танасининг рангига, диний эътиқодига ёки келиб чиқишига алоқадор бўлган саволлар бундан мустасно).

Ишга кирувчи мансуб бўлган ҳамма ташкилотлар, клублар ва ҳоказоларнинг рўйхатини суришириш.

**Ҳарбий
хизмати**

Ишга кирувчи АҚШ армиясида хизмат қилғаны, ҳарбий унвони, хизмат тури; шартнома расмийлаштирилганидан сүнг армиядан бұшатилгани тұғрисидаги гувоҳноманы күрсатишини сұраш.

Бошқа мамлакатларнинг армияларида хизмат қилғаны ёки қилмаганини суриштириш.

Тавсиялар

Ишга кирувчими мазкур фирма ёки корхонага ким тавсия қилаяпты.

Диний мураббий тавсиясина сұраш.

Шуни назарда тутиш керакки, мудофаа буюртмаларини бажараптеган фирмалар ёки корхоналар юқорида күрсатылған рўйхатта риоя қилмасликлари мумкин. Иккинчи томондан эса, ҳар қандай firma корхона қонуний маъмурларнинг талаби билан ҳамда миллий хавфсизлик манфаатларини күзлаб, ўз ходимлари ўртасида муайян сўров ўтказишга мажбур этилиши ҳам мумкин.

Ёллаш шартномаларининг турлари ва уларни тузиш тартиби. Ҳар қандай шахсни ишга ёллаш пайтида у билан шартнома тузилади. Бундай шартнома оғзаки равишда келишиб олиш йўли билан ҳам, ёзма равишда ҳам тузилиши мумкин. Шартнома шакли ёлланган ходимниң мавқеи ҳамда бажарадиган ишига қараб, шунингдек уни ишга қабул қилиб олаётган firma ёки корхонанинг фаолият миқёсига қараб ўзгариши мумкин. Шартнома шаклидан қатъи назар, шундай тартиб мавжудки, ёллаш хусусида ҳар қандай шартнома тузиш чоғида унга риоя этиш зарурдир. Чунончи, агар ходим маълум муддатга ёлланадиган бўлса ва бу муддат бир йилдан ортиқ бўлса, шартнома ёзма равишда тузилади. Аслида эса ишга ёллаш ҳақидаги шартнома роппа-роса бир йилга тузилганида ҳам у ёзма равишда расмийлаштирилади.

Шартномада ёлланган ходим бажарадиган шартлар, муайян вазифалар, унинг бурчи, иш ҳақи, у оладиган турли имтиёзлар ҳамда тўловлар, ёллаш муддати баён қилинишидан ташқари, шу ходим зиммасига чеклаш шартлари ҳам юкланиши мумкин.

Чеклаш шартлари одатда қуйидаги учта масалага тааллуқлиdir:

а) ёлланган ходим ёллаш муддати тугаганидан сүнг шахсий бойлик ортириш мақсадида иш берувчи билан рақобат қилиши ҳуқуқини чеклаш;

б) ёлланган ходим иш вақтида ҳам, ундан кейин ҳам иш берувчининг тижорат сирларини ошкор этмаслик мажбуриятини олиши;

в) ёллаш муддати амал қилиб турған даврда ёлланган ходим томонидан қилинган ихтиро ва кашfiётлардан иш берувчининг

фойдаланиш ҳуқуқига доир қоида.

Ёллаш шартномасида ёлланган ходимнинг ихтиро ва кашфиётларига нисбатан иш берувчига қандай ҳуқуқлар берилиши аниқравшан белгилаб қўйилиши лозимлиги сўнгги қоидада назарда тутилган. Бу тўғрида алоҳида шартнома бўлмаган тақдирда қўйидаги қоидалар амал қиласди:

— агар ёллаш шароитида ишлаётган шахс ихтирочилик ва тажриба ишларини ўтказиш билан банд бўлса, иш берувчи унинг ҳар қандай кашфиёти, ихтироси ёки патентидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

— башарти ходим ихтирочилик ҳамда тадқиқот ишларини баъжарashi учун ёлланмаган бўлса, у ҳолда ҳалиги ходим иш вақтида қилган ҳар қандай ихтирога патент олиш ҳуқуқини сақлаб қолади;

— ёлланган ходим ўз ихтирочилик иши учун хизмат вақтидан, ушбу фирмага тегишли бўлган материаллар ва асбоб-ускуналардан, шунингдек фирманинг бошқа ходимлари хизматидан фойдаланганида ҳам, у қилган ихтиросини ўз номига расмийлаштириб, патент олиш ҳуқуқига эга. Иш берувчи эса «корхона ҳуқуқи» деб аталмиш ҳуқуқдан фойдаланиб, ўша ихтиродан ўз ишлаб чиқаришида сўзсиз фойдалана олади.

VIII боб

ТАДБИРКОРЛИҚДАН ВА ДАРОМАДНИНГ БОШҚА МАНБАЛАРИДАН ТУШАДИГАН ФОЙДАДАН СОЛИҚ ОЛИШ СИСТЕМАСИ

Муайян солиқларни жорий этиш, уларнинг ҳажмини тартибга солиб туриш, давлат молиявий маблағларини ҳокимиятнинг федерал ва маҳаллий идоралари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг ҳуқуқий системаси солиқ сиёсатининг муҳим жihatи хисобланади.

АҚШда бу система уч поғонада; ҳокимиятнинг федерал, штат ва маҳаллий идоралари (муниципалитет, коммуна ва бошқалар) поғонасида амал қилади. Бу хусусда битта умумий тамойил кўзга ташланади — федерал ҳукумат ихтиёрида бўлган даромаднинг нисбатан барқарорлиги ёки ҳатто камайиши шароитида ҳам ҳокимиятнинг маҳаллий идоралари тасарруфига келиб тушадиган давлат даромадининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Масалан, ҳозирги вақтда АҚШда давлат жамғармасининг 61 фоизи федерал ҳукуматга, 20,5 фоизи штатларга, 18,5 фоизи маҳаллий идораларга тўғри келади. Ваҳолонки, 80-йилларнинг бошларида барча даромаднинг фақат учдан икки қисмидан кўпроғигина федерал ҳукуматга тўғри келар эди.

Ҳозирги пайтда ўтказилаётган солиқ солиш сиёсати ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туриш биринчи навбатда янги иш жойларини вужудга келтириш соҳасида иқтисодий фаоллик ва ташаббусни рагбатлантиришга қаратилган. Солиқларнинг юқори бўлиши солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уни кенгайтиришда, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишида уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини пасайтиради. Бу эса пировардида америка фирмаларида тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобат қилиш қобилиятининг пасайшишга, четга мол чиқаришнинг камайишишга, олинаётган даромадларни солиқ солишдан яширишга олиб келади.

Солиқ солиш системасининг тузилиши. Солиқ солиш системаси даромад солиғини корпорациялардан олинадиган солиқни, бошқа йўллар билан ундириладиган солиқлар (акцизлар)ни, истеъмол соҳасидан олинадиган солиқларни, ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратиладиган бадалларни ва бошқа йиғимларни

ўз ичига олади. Солиқнинг умумий ҳажми мамлакат ялпи миллий даромадининг 30 фоизга яқинини ташкил этади. Солиқ солишда даромад солиғи муҳим аҳамиятга эгадир.

Даромад солиғи. Даромад солиғи соҳасида 80-йиллар ўз мөҳияти жиҳатидан ажралиб туради. Бу йилларда солиқ солиши дарражасининг пасайиб бориши кўзга ташланади. Даромад солиғининг камайиши ҳисобига аҳоли қўлидаги маблағнинг кўпайиши ана шу маблағдан ижтимоий мақсадлар учун самарали фойдаланиш имконини бермоқда, товар-пул муносабатларини ҳамда бозорни ривожлантириш ишлари рағбатлантирилмоқда. АҚШ Конгресси бюджет тушуми барқарорлигини сақлаш ва пулнинг қадрсизланишини чеклаш мақсадида даромад солиғини камайтира бориб, истеъмол соҳасидан олинадиган солиқларнинг аҳамиятини оширишга эътибор бермоқда.

АҚШда аҳолидан олинадиган даромад солиғи шкаласи маошнинг 14 турини ўз ичига олади ва унда 11 фоиздан то 33 фоизгача солиқ солиши режалаштирилган. Шкала икки погонали бўлиб, дастлаб маошнинг даромад солиғи солищдан холи бўлган қисми аниқланади, шундан кейин маошнинг қолган қисмига прогрессив шкала бўйича солиқ солинади. Аҳолининг айрим тоифалари, масалаи, оиласи кўп сонли бўлган фуқаролар, пенсионерлар, ногиронлар учун алоҳида имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларнинг маошидан олинадиган солиқнинг маълум қисми чегириб ташланади. Ёлланиб иш ҳақидан бевосита иш жойида ушлаб қолинади, иш берувчи эса йигилган солиқ пулини ҳар кварталда солиқ солиши идорасига жўнатади. Солиқнинг тўғри солиниши ва ўз вақтида тўланиши учун иш берувчи жавобгардир.

Солиқ тўғрисидаги декларация ва даромад солиғини олиш тартиби. АҚШ Конгресси солиқ солиши ҳамда уни ундириб олиш ҳуқуқига эга. Бу иш асосан 1862 йилда ташкил топган давлат ички даромадлар хизмати зиммасига юкланган. Мазкур маҳкамамамлакатнинг ҳамма жойларида ўз филиалларига эга ва улар орқали иш юритади.

Ўз тадбиркорлиги туфайли даромад олувчи шахслар, шунингдек инвестиция йўли билан фойда оладиганлар, ёзган асарлари, мақолалари ва бошқа материаллари учун қалам ҳақи олувчилар, қўшимча даромадга эга бўлиш мақсадида ёлланиб ишлётган кишилар солиқ тўғрисидаги декларацияга мувофиқ даромад солиғини тўлайдилар. Бунда солиқ тўловчи ортирган жамики даромад эътиборга олинади. Солиқ олувчи идора зарур бўлган ҳолларда солиқ тўловчидан унинг даромад маибаларини суриштиришга ҳақлидир. Солиқ тўловчи декларацияда кўрсатилганидан ортиқча даромад олганилиги маълум бўлган ҳолларда шундай талаб қўйилади. Лекин солиқ солувчи маҳкаманинг вакили солиқ тўловчининг шахсий ҳаётига аралashiшга ҳақли эмас.

Солиқ тўғрисидаги декларация жуда катта ҳажмли ва мураккаб ҳужжатdir, уни тўлдириш учун анчагина маҳорат ва уқув талаб

қилинади. Шуни айтиш кифояки, декларацияни тұлдиришга доир йүл-йүриқларнинг ўзигина 50 бетдан ортиқдир. Шу боис даромад солиғи ҳақидаги қонунга амал қилиш декларацияни тұғри тұлғазиши ҳамда мавжуд қоidalарга риоя этишига күп жиҳатдан боғлиқдир. Солиқ тұловчи шахс ўз даромадлары тұғрисида хукуматға мустақил равища маълумотнома тақдим этади ҳамда солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқади. Давлат ички даромадлар хизмати эса ушбу маълумотларни күриб чиқиб, тегишли тузатишлар кирилади.

Декларацияларга рақам ва индекс қўйилгач, улар дастлабки тарзда кўриб чиқилади ва қандай тұлдирилганлыги аниқланади. Агар хато топилса, солиқ тұловчига шу тұғрида хабар берилади. Бундан ташқари, унга қўшимча тұлов қоғози юборилади ёки ортиқча тұланган пул қайтариб берилади. Баъзи декларациялар солиқ солувчи маҳкама вакили томонидан текширилиши мумкин. Ҳар йили ҳар ўнта декларациядан биттаси синчиклаб текшириб чиқилади. Бунда кўрсатылган пул миқдори муайян даражадан ортиқ бўлган декларациялар танлаб олинади. Кўпинча ўз иш фаолиятига кўра нақд пул олиш йўли билан даромад ортирадиган шахсларнинг декларациялари текширувдан ўтказиб турилади.

Таҳлил тугаганидан сўнг декларацияни текшириб чиққан амалдор одатда оғзаки равища ўз холосасини айтади. Кейин у аниқланган ноаниқликлар баён қилинган ҳужжатга солиқ тұловчи имзо чекишини сўрайди. Масалани кўриб чиқиш шу билан якунланади. Башарти солиқ тұловчи декларацияни текширган амалдорнинг фикрига қўшилмаса, у ҳолда унинг қўлига хабарнома топширилади. Хабарномада мўлжалләнган ўзгаришлар тушунтирилади ҳамда солиқ тұловчи бу хусусда норасмий кенгаш чақирилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги баён этилади. Бундай пайтда солиқ тұловчи шахс яхшии солиқ ишлари бўйича мутахассисга мурожаат қилгани маъқул.

Солиқ тұғрисидаги декларация берилганидан сўнг орадан уч йил ўтгач, давлат ички даромадлар хизмати одатда қўшимча равища солиқ сола олмайди. Даромад солиғи тұлашдан қасдан бўйин товлаган шахслар олти йил мобайнида жиной жавобгарликка тортиш йўли билан таъқиб қилинадилар. Агар солиқ тұғрисидаги декларация умуман берилмаган бўлса ёки у сохта бўлиб чиқса ёхуд у янгилишишга олиб борса, таъқиб қилиш муддати чеклаб қўйилмайди.

Солиқ муддатида тұланмаса, кечиктирилган ой ёки унинг бир кисми учун тұланмаган ҳақнинг 5 фоизи миқдорида жарима солинади. Даромади ҳақида тұлиқ маълумот бермаган кишилар 500 доллар жарима тұлайдилар. Солиқ солувчи идора инспекторини алдашга уринилгана 75 фоиз миқдорида жарима солинади. Қатта миқдордаги солиқни қасдан тұламаган шахслар 10 йил муддатта қамалиши ёки бир неча ўн минг доллар жарима тұлашга мажбур қилиниши мумкин.

Фойдалан олинадиган солиқ. Солиқ солиш системасида корпо-

рацияларнинг фойдасидан олинадиган солиқ муҳим аҳамиятга эга. Корпорациялар ўзи олаётган фойдадан солиқ тўлашларидан ташқари (бу солиқ миқдори унчалик кўп эмас), ижтимоий сугурта ва таъминот учун ҳам бюджетга талайгина маблағни тўлайдилар.

Дивиденд сифатида тақсимланган фойдадан ҳамда фойданинг тақсимланмайдиган, яъни корпорациялар ихтиёрида қоладиган қисмидан олинадиган солиқни аниқлаш солиқ солиш системасининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Корпорацияларнинг тақсимланмайдиган фойдасидан бир марта солиқ олинса, тақсимланадиган фойдасидан эса икки марта солиқ олинади, бу корпорацияга солинадиган солиқ ва акциядорларга солинадиган даромад солиғи шаклида бўлади.

80-йилларда иқтисодий жараёнларни тартибга солиб туришга кенг ёндашиш, корпорацияларнинг иқтисодий жараёнларига аралашишни чеклаш, товарлар ва хизматларга бўлган талаб-эҳтиёж ўсишини рафбатлантириш, шунингдек бозор системасига таяниш мақсадида корпорациялардан олинадиган солиқларни камайтиришга ҳаракат қилинди.

Умуман олганда, АҚШдаги солиқ системасини кўздан кечирар эканмиз, корпорациялардан олинадиган солиқ хусусида қўйидаги тасаввурга эга бўламиз: йирик компаниялардан олинадиган асосий солиқ 46 фоиздан 34 фоизгacha камайтирилган; кичик корпорациялар учун икки даражали солиқ белгиланган, яъни илгариги тўрт даражали — 15 фоиздан 40 фоизгacha тўланадиган солиқ ўrniga 15 фоиздан 25 фоизгacha солиқ тўлаш белгиланган. Масалан, дастлабки 50 минг доллардан 15 фоиз миқдорида солиқ олинади, шундан кейинги 25 минг доллар учун 25 фоиз миқдорида ва ундан кейинги даромад учун эса 34 фоиз миқдорида солиқ олинади.

Даромади 100—335 минг долларни ташкил этадиган корпорациялар қўшимча равишда 5 фоиз миқдорида, 335 минг доллардан ортиқ даромад оладиган корпорациялар эса жами 34 фоиз миқдорида солиқ тўлайдилар. Бироқ иқтисодиётнинг бир қатор тармоқлари, жумладан, нефть қазиши саноати учун солиқ тўлашда имтиёzlар белгиланган. Айни пайтда қайта ишлани саноати, қурол-яроғ тайёрлайдиган корхоналар ҳамда молия-банк системаси олаётган фойдага нисбатан солиқ ҳажми ортиб бормокда.

АҚШда майда тадбиркорликни рафбатлантириш сиёсати амалга оширилаётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Бундай сиёсат юргизиш учун 1953 йилда майда тадбиркорлик бошқармаси тузилган эди. Бонкарманинг вазифаси майда хусусий корхоналарни рафбатлантиришдан, уларга ёрдам бериш ва уларни муҳофаза қилишдан иборат. Бошқарма, жумладан, майда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида инвестиция корпорацияларини барпо этиш учун лицензиялар беради, бу корпорациялар эса банклар билан биргалиқда кичик корхоналарга қарз беради. Қарз бериш иши майда тадбиркорликка бериладиган инвестиция тўғрисида 1958 йилда қабул қилинган қонун билан тартибга солиб турилади. Кичик кор-

хоналар солиқ масаласида баъзи имтиёзларга эга. Амортизация ажратмалари, заёмларга банкдан бериладиган фоизлар, ёнгин ва табиий офтадан сұғурта қилиш харожатлари шу жумлага киради. Корхоналар оладиган даромадга қараб солиқ миқдори белгиланади. Солиқ федерал ва маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланади ҳамда унинг ҳажми одатда кичик корхоналар даромадининг түртдан бир қисмидан ошмайди.

Майда тадбиркорлик учун бериладиган имтиёзлар орасыда солиқдан бутунлай озод қилишни назарда тутувчи имтиёзлар ҳам бор. Масалан, Нью-Йорк штатида худди шундай имтиёзга эга бўлган корхоналар бор, улар маълум муддат (икки йил) мобайнида солиқ тўламайдилар. Майда тадбиркорлик билан шугулланувчи ногиронлар учун ҳам маҳсус имтиёзлар белгиланган.

АҚШдаги майда тадбиркорликнинг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқ лозим. Меҳнат фаолиятининг бу тури қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳаларда одамларни иш билан таъминлашнинг 40 фоизга яқинини ўз зиммасига олган ва ялпи миллий маҳсулотнинг тахминан 35 фоизини беради. Майда тадбиркорлик савдосотиқ ишларида, дорихоналарда, умумий овқатланиши корхоналарида, хизмат кўрсатиш соҳасида, воситачилик ишларида, автомобиль транспортида ва меҳмонхона хўжалигига айниқса кенг ривож топган.

Ижтимоий сұғуртадан олинадиган солиқ. АҚШнинг барча корпорациялари ўз даромадларидан ижтимоий сұғурта ва таъминотга маблағ ажратадилар. Бадаллар одатда қатъий равишида белгилаб қўйилган маошдан олинади ёки иш ҳақи жамғармасидан фоиз ҳисобида олинади (дастлабки 48 минг доллар даромаддан 7, 51 фоизи олинади). Корпорациянинг ҳар бир ходими ҳисобидан бадал тўланади. Белгиланган бадални ишли ва хизматчилар одатда ўз маошларидан тўлайдилар. Бу маблағдан пенсия ва нафақалар тўлаш учун ҳам фойдаланилади.

Акцизлар. Даромад солиғи ва фойдадан олинадиган солиқдан ташқари, бошқа йўллар билан ундириладиган солиқлар (акцизлар) ҳам мавжуддир. Акцизлар товар нархига қўшимча тарзда қўшилади. Аҳолига хизмат кўрсатишда ҳам шундай қилинади. Товарнинг ёки кўрсатилган хизматнинг узил-кесил ҳақини истеъмолчи тўлайди.

Умуман, солиқ сиёсатида ҳозир акцизларга катта эътибор бе рилмоқда. Улардан, бир томондан, бюджет даромадларини кўпайтириш мақсадида фойдаланилади, иккинчи томондан эса, тамаки чекишига ва гиёҳвандликка қарши курашиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилишни чеклаш учун қилинадиган ижтимоий харожатларни, шунингдек автомобиль йўлларини қуриш ва сақлаш учун қилинадиган харожатларни қоплаш мақсадида фойдаланилади. Бундан ташқари, айрим корхоналарни табиатга салбий таъсир кўрсатишини чеклаш, маълум товарларга бўлган эҳтиёжини рағбатлантириш учун ҳам акцизлардан фойдаланиш мумкин. Спиртли ичимликларга, тамаки маҳсулотларига, автомобилчилар-

га солинадиган шу хилдаги солиқ давлат даромадининг тахминан 80 фоизини таъминлайди.

Акцизларнинг ўзига хос хусусияти ҳамда афзаллиги, аввало шундан иборатки, солиқ миқдори товар қиймати билан ҳам, уни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат билан ҳам боғлиқ эмас. Акцизлар солиқ олиш мақсадидан ҳамда бюджет даромад қисми-нинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланади.

Истеъмол соҳасидан олинадиган солиқлар. Қейинги йилларда истеъмол соҳасидан олинадиган солиқлар катта аҳамият касб этмоқда. Бу — чакана савдода ҳарид қилинган ҳар бир буюмдан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги оборотдан, томошахоналардан, суурита қилиш ва бошқа хизматлар кўрсатишдан олинадиган солиқдир. Истеъмол соҳасидан олинадиган солиқларнинг турларидан бирни маҳсулот қийматига қўшилган нархдан олинадиган солиқдир. Бундай солиқ товар истеъмолчига сотилаётган пайтда жорий этилади, маҳсулот ҳаракатининг ҳар бир босқичида (уни тайёрлашдан тортиб то у истеъмолчига етиб боргунинг қадар) бутун технология занжири бўйлаб белгилаб қўйилади. Солиқ миқдори солиқ тўловчининг даромадига қараб ҳамда маҳсулотни сотишдаги босқичма-босқич нархларга қараб белгиланади. Бунда маҳсулотнинг қўшимча қийматини ва олинадиган фойдани вужудга келтирувчи сарф-харажатлар, яъни маҳсулотни қайта ишлаш у-ун сарфланган барча харажатлар ҳисобга олинади.

Бу хилдаги солиқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида, савдо-сотиқда, ижара ва омборлар иши жараёнида ҳамда тижорат фаолиятининг бошқа турларида жорий қилинади. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш жараёни одатда муомала соҳасида давом этаётган жойда ана шу солиқ амал қиласди. Солиқ ҳажми ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг турларига ҳамда олинадиган даромад миқдорига қараб табақалаштирилади.

Бошқа солиқлар. Тадбиркорлик ишларига, даромадга ҳамда истеъмол соҳасига бевосита ва бошқа йўллар билан солинадиган солиқлардан ташқари, мерос қилиб қолдирилган мол мулкка ҳам солиқ жорий этиш кенг равища қўлланилади (мерос қилиб қолдирилган буюмлар қийматининг 70 фоизига қадар солиқ солиниши мумкин). Солиқнинг бу тури кўчмас мулкка, ерга, турли хил жарималарга, табиатга етказилган зарар учун тўланадиган тўловларга, овчилик ишлари билан шуғулланиш учун рухсат олувчилардан тушадиган маблағга дахлдордир.

Солиқларни белгилаш тартиби. Солиқ солишда одатда қўйидаги умумий ҳуқуқий қоидалар ҳамда тартибларга риоя қилиниши керак:

— мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги учун биринчи даражали аҳамиятга молик бўлган солиқлар; бу солиқлар инфляциянинг, яъни пул қадрсизланишининг олдини олиш, даромадларни қайта тақсимлаш мақсадида қўлланилади. Аҳолидан олинадиган даромад солиги ва корпорациялардан олинадиган солиқ Прези-

дент таклифи билан АҚШ Конгресси томонидан белгиланади. Бу солиқ федерал идораларнинг ихтиёрига юборилади;

— маҳсулотни сотишдан (оборотдан) олинадиган солиқ (бу солиқ маҳсулотни ишлаб чиқарувчилардан олинади) ҳамда маҳсулот қийматига қўшимча нарх қўшилишидан олинадиган солиқ; бу турдаги солиқларни федерал идоралар ва штатларнинг маъмурлари белгилайдилар, бу солиқлар федерал идоралар, қисман музофот органлари ва маҳаллий идоралар ихтиёрига юборилади.

Маҳсулотларнинг баъзи оммавий турларига солинадиган солиқлар, яъни акцизлар федерал идоралар манфаатини кўзлаб белгиланади. Штатлардаги бошқарув идоралари эса марказдан белгиланган акцизларга маҳаллий эҳтиёжни ҳисобга олиб, қўшимча ҳақ қўшишлари мумкин. Фойдаланишда бўлган ерларга, шунингдек ер, мол-мулк эгаларига, мерос қилиб қолдирилган буюмларга маҳаллий идоралар томонидан солиқ солинади. Қўпгина мамлакатларда солиқ ҳажми (айниқса мерос қилиб қолдирилган буюмларга нисбатан солиқ миқдори) марказий ҳукумат томонидан тартибга солиб турилади.

Бундан ташқари, турли йифимлар, жарима солишлар ва солиқнинг айрим турларини жорий этиш маҳаллий ҳокимият идораларининг ихтиёрида бўлади. Тайёрланган совға буюмлари, турли рухсатномалар олиш, автомобиллар турадиган жой учун, атроф-муҳитни булғатганлик ва ҳоказолар учун солинадиган солиқлар шулар жумласига киради. Ўшбу солиқ ва йифимлар тегишли ҳудуддаги аҳоли манбаатларини кўзлаб, унинг ижтимоий ва иқтисодий турмушини тартибга солиб туришга кўмаклашади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллий ҳокимият идоралари солиқларни белгилашдагина эмас, шу билан бирга солиқ тўловчи алоҳида шахсларга ва корпорацияларга имтиёзлар беришда ҳам кенг имкониятга эга. Бериладиган имтиёзлар натижасида солиқ ҳажмини қисқартириш, даромадга солинган солиқ миқдорини чеклаш, солиқни тўлаш муддатларини узайтириш, баъзи ҳолларда эса солиқ тўлашдан бутунлай озод этиш ҳам мумкин.

АҚШда 1989 йили давлат даромади 978 миллиард долларни ташкил этди. Шундан 41 фоизи федерал бюджетдаги даромад солиғи ҳиссасига, 10 фоизи корпорациялардан олинган солиқ ҳиссасига, 3 фоизи акциз йифимларига тўғри келади ва ҳоказо. Қолган тушумлар эса давлат мулкини сотиш, жумладан, эскирган ҳарбий асбоб-анжомларни, давлат заёмларини сотиш, судлар ва полиция ундирган жарималар ва бошқа манбалар ҳисобига ҳосил қилинади.

ХУЛОСА

Мамлакатда вужудга келаётган бозор иқтисодиёти шароитида шу нарса күзга ташланмоқдаки, издан чиққан партиявий-маъмурий тизим ўрнини бошқаришнинг самарали усууллари эгалламас әкан, мамлакатнинг хўжалик фаолиятида тартиб ўрнатиб бўлмайди. Бу хусусда ғарбдаги тараққий этган мамлакатлар ва биринчи галда АҚШнинг тажрибасига диққат билан разм солишга тўғри келади. Улардаги бозор иқтисодиёти ғоятда муваффақиятли равишда амал қилмоқда ва, бинобарин, бошқарув воситаси ҳамда бозор инфраструктураси тұла таркиб топган.

Маълумки, бозор муносабатларининг инфраструктураси бозор субъектлари мустақиллигига, улар учун зарур бўлган тизилмалар ва муассасаларга, давлат, жамият ҳамда аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини таъминлайдиган Америка тадбиркорлигининг ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг ташкилий негизларига асосланади. Умуман қўшма корхоналар, айниқса Совет — Америка қўшма корхоналарининг ташкил топиши ва тараққиёти бозор муносабатлари ҳамда тадбиркорликни ўрганишнинг дастлабки қатъий қадамлариdir. Ҳозирги кунда Молия вазирлигининг ҳисобига кўра мамлакатимизда 2500 га яқин қўшма корхоналар ишлаб турибди. Совет Америка қўшма корхоналари шундан 12 фондини ташкил қиласиди ва улар асосан икки томонлама манфаат услубида ташкил этилган.

Америка — Совет қўшма корхоналари ёнилғи-энергетика, металлургия, ўрмончилик кимёси, машинасозлик тармоқлари, қурилиш индустряси, маишӣ хизмат, кадрлар тайёрлаш ва уларни ўқитиши, рекламалар турли тадқиқот, лойиҳалаш соҳаларида фаол ишлаб турибди. Қўшма корхона ҳамда фирмалар савдо ва умумий овқатланиш муассасаларида, туризм, меҳмонхона ва ресторон хизматларида, соғлиқни сақлаш, енгил саноат, босмахоналар, транспорт, алоқа, шунингдек, агросаноат комплексларида жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Совет — Америка қўшма корхоналарини ташкил этиш ва улар фаолиятиниг уч-тўрт йиллик тажрибаси мамлакатлар ўртасида

ҳамкорликнинг янги ва самарали шакли вужудга келаётганини кўрсатмоқда. Бу совет ишбилармонлари, тадбиркорлари учун катта мактабдир. Икки буюк давлат вакиллари мураккаб муаммоларни биргаликда ҳал этишмоқда. Узоқ муддатли шартномалар асосида Америка бизлар учун менежерлар тайёrlашни бошлаб юборди. Бизнинг мутахассисларимиз эса АҚШга тадбиркорликни ўрганиш мақсадида стажировкага, ўқишга ва тажриба алмашишга бормоқдалар.

Американинг кўпгина университетларида юзлаб ёшларимиз таълим олмоқдалар. Агар биз ҳақиқий тадбиркорликни ўрганмоқчи бўлсак, қўшма корхоналар тузишдан ташқари ҳамкорликнинг янги-янги такомиллашган шаклларини топишимиз, жумҳуритимизни тўғридан-тўғри ривожланган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларга олиб чиқишимиз зарур. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шуни тақозо қиласи.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб	6
АҚШда тадбиркорликинаг ҳуқуқий ва ташкилий асослари	6
II боб	26
Акциялар, уларинш турлари ва тарқатиш тартиби. Жамғарма биржаси.	26
Акциядорларниң ҳуқуқ ва мажбуриятлари	39
III боб	48
Корпорация директорлари ва ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ахволи ва масъулити	48
IV боб	58
Шартнома тузиш тартиби. Ҳуқуқдорлик ва салоҳиятлилик	58
Шартномаларниң бажарни ва тұхтатиши. Шартномасынан бежарып өзасынан тамомларниң масъулити	72
Олди-сөтди шартномаларниң тузини. Ҳамма қабул қылған савдо атамалар	84
Шартнома бузилгандың жағдайы	102
Сотувчидан шартномаларниң савдо	110
V боб	123
Күмбезде қамда қаралатдаги мүлкни ижара (лизинг)га олини	123
Үмумий фойдаланыштаги транспортда іюк ва одам ташишда, омбор қамда мәжмөу-хоналарда хизмет көрсетіштегі иқтисодий-ҳуқуқий муносабаттар	133
Фуқароларниң шахсий ва мүлкін ҳуқуқтариниң қимоя қилиніши	142
Суерту шартномаларниң қимоя қилиніши	151
VI боб	161
Имтиёзлар, патентлар ва товар билгилариниң мұхофаза қилиніши	161
VII боб	168
Иш беруvinниктер ишчи ва хизматчилар билан ҳуқуқий муносабатлар	168
VIII боб	178
Тадбиркорлықдан ва даромаднинг бошқа маңбаларидан тушадиган фойдаладап солық олиш системаси	185
Холоса	185